

СИЗНИНГ ҲОКИМИЯТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИНГИЗ,  
ҚАЙ ТАРЗДА КЕЛАЖАГИНГИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИ?



ТУЗАТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИЛГАН

# ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМНИНГ ПАНОҲИ ОСТИДА



## ЖОН БИВЕР

*"Криптонитни йўқ қилиш" оммабоп китобининг муаллифи*

Азиз дўстим,

Одамлар Худонинг режасини ва ҳокимиятга тегишли мақсадини билмагани учун, ҳамма жойда азоб чекадилар. Биз қатъий туришимиз ва Унга хизмат қилишга қобилиятли бўлишимиз учун, биздаги энг яхши нарсаларни намоён қилиш, бизнинг феъл-атворимизни ривожлантириш, тарбиялаш ва шакллантириш учун, Худо яхши, шунингдек, ёмон етакчилардан ҳам фойдаланишини англаб етмаймиз. Биз ҳокимиятга нисбатан Худо томонидан ўрнатилган муносабатлар ҳақида билганимизда, бизнинг етакчиларимиз нимани қилишидан ёки қилмасликларидан қатъий назар, тинчликка, ҳимоя ва таъминотга эга бўладиган ҳолатга тушиб қоламиз.

Худодаги сизнинг масофангиз сизга боқлиқ. Сизнинг устингиздан ҳокимиятга эга бўлганларга бўйсунуш қарорини қабул қилиб, Худо сиз учун белгилаб қўйган масофани англаб етасиз ва уни бажарасиз.

Ушбу китоб – сиз учун совға. Ушбу хабарни, қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган, бошқа имонлилар билан баралла бўлишинг. Шунингдек, сизнинг она тилингиздаги, ҳаётни ўзгартирувчи кўплаб манбаларни юклаб олиш ва ўрганиш учун **MessengerX.com** сайтига ташриф буюринг.

Биргалиқда, бизнинг ажойиб Раббимизни улуғлаш хизматини бажараётганлар орасида бўлишимиз учун ибодат қиламан.

Сизнинг Масихдаги биродарингиз



Жон  
JohnBevere@ymail.com



# ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМНИНГ ПАНОҶИ ОСТИДА

СИЗНИНГ ҲОКИМИЯТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИНГИЗ,  
ҚАЙ ТАРЗДА КЕЛАЖАГИНГИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИ?

ЖОН БИВЕР

**Under Cover** by John P. Bevere, Uzbek  
Copyright © 2023 Messenger International  
MessengerInternational.org  
Originally published in English as Under Cover

Additional resources in Uzbek are available for free download and video streaming at **MessengerX.com** and on the **MessengerX** App  
To contact the author: JohnBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is NOT FOR SALE

«Павардигори Оламнинг паноҳи остида» Жон Бивер, ўзбек тилида  
Copyright © 2023 Messenger International  
MessengerInternational.org  
Дастлаб «Under Cover» номи остида инглиз тилида нашр қилинган.

Жон ва Лиза Биверларнинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини  
ва хабарлар оқимини **MessengerX.com** ва **MessengerX** иловасидан  
бепул юклаб олишингиз мумкин  
Муаллиф билан алоқа қилиш учун электрон манзил:  
JohnBevere@ymail.com

Бу китоб - «Messenger International» хизматининг совғаси ва  
СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган Apple Inc.нинг товар белгисидир.  
Google Play ва Google Play логотипи Google LLC нинг товар белгиси ҳисобланади.

Мен ушбу китобни катта ўғлим Эддисон  
Дэвид Биверга бағишлайман.

*“Доно ўғил отасини қувонтиради”.*

– Ҳикматлар 10:1

Сенинг исминг “Севимли, ишончга лойиқ” деган  
маънони англатади.

Сенинг ҳаётинг исмингга ва бу китобда ёзилган  
нарсаларга мос келади. Худодан энг бой дуо-  
баракалар ва ваъдалар меросини олгин ҳамда Унинг  
юзининг нури сени ёритишда давом этсин. Ҳаётинг  
узоқ ва фаровон бўлсин.

Биз онанг билан сени яхши кўрамиз ва бизнинг  
шундай ўғлимиз орлигидан баракага эгамиз.



# МУНДАРИЖА

## 1-ҚИСМ. ҲИМОЯ ОСТИДА

1. Ҳимоя остида ..... 1
2. Нишга қарши тепиш қийин. .... 11

## 2-ҚИСМ. ХУДОНИНГ ПАНОҲИ ОСТИДА

3. Гуноҳнинг таърифи. .... 31
4. Қонунбузарликнинг сирли ҳоқимияти ..... 47
5. Итоатсизликнинг оқибатлари (1-қисм)..... 69
6. Итоатсизликнинг оқибатлари (2-қисм)..... 83
7. Сеҳрланганлар ..... 103

## 3-ҚИСМ. ХУДО ТОМОНИДАН ЎРНАТИЛГАН ҲОҚИМИЯТЛАР

8. Худо бошқарувда ким турганини биладими ..... 123
9. Подшоҳни ҳурмат қилинг ..... 141
10. Икки ҳисса ҳурмат ..... 161
11. Бўйсунуш ва итоаткорлик. .... 185

12. Етакчи менга бундай деди . . . . .	203
13. Адолатсиз муносабат. . . . .	227
14. Судсиз жазолаш . . . . .	253
15. Бирлик . . . . .	275
16. Турли нарсалар ҳақида . . . . .	295
17. Буюк имон. . . . .	319
18. Яқунловчи қисм . . . . .	341
<i>Муҳокама учун саволлар</i> . . . . .	345

1 – ҚИСМ



ҲИМОЯ ОСТИДА



## ҲИМОЯ ОСТИДА

*Кўпинча айнан қаттиқ, қулоққа ёқимсиз  
сўз, охир-оқибат буюк озодлик ва ҳимояни  
олиб келади.*

**Х**имоя остида – ушбу сўзларни жуда кўп ҳолатларга нисбатан қўллаш мумкин. Бола тилида гапирадиган бўлсак, бола хавфни ҳис қилиб, ёпинчиқ остига ёки катта ота-оналарининг орқасига яширинишини тасаввур қилиш мумкин. Фуқаролик маъносида бу милиция ёки қуролли қўшин томонидан таъминланган тартиб ўрнатилган шаҳар бўлиши мумкин. Шунингдек, кўпинча чакалакзор, ғор ёки ер ости бошпанасида яширинган жониворни тасаввур қилиш мумкин. Уйининг томи остида бўрондан паноҳ топган оилани тасаввур қилиш мумкин.

Болалигимдан бизнинг ҳудудимизда тез-тез содир бўладиган бўронлар хотирамда сақланиб қолган. Биз деразадан момақалдиروқнинг олисдаги чақнаши жўрлиги остида оғир, қора булутларнинг айланишини кузатардик. Саноқли сониялар ичида ҳақиқий бўрон кўтариларди. Чақмоқ чақнаши ва момақалдироқ гумбурлаши остида ёмғир ёғар ва

минглаб майда сандонлар каби томимизда ноғора чалишни бошларди. Дераза ташқарисидаги ҳамма нарса ҳўл, совуқ ва чақмоқнинг қўрқинчли чақнашлари олдида ҳимоясиз эди. Ичкари эса, қуруқ ва иссиқ эди, ўз хонамизда, бизга худди бўроннинг барча даҳшатларидан узоқда бўлгандек туюларди. Биз ҳимоя остида бўлганмиз.

Ушбу мавзу юзасидан фикр юритишни давом эттирган ҳолда “*ҳимоя остида*”, “*паноҳ остида*” ёки “*бошпана остида*” сўзларининг янги маъносини кашф этиш мумкин. Ушбу сўзлар бирор бир шахсни махфий ишга қўйишда қабул қилинган ҳимоя чораларини англатиши мумкин. Махфий ҳаракат қилувчи жосус ўз душманлари орасида эркин ҳаракат қилиши, шу билан биргаликда, улар уни танимасликлари мумкин. Ҳукумат унга ўйлаб топилган исм ёки лақаб беради ва у душман қароргоҳида вакилга айланади. Биз ушбу сўз бирикмасини қандай маъноларда ишлатишимиздан қатъий назар, деярли ҳар қандай ҳолатда улар *ҳимоя* ва *эркинлик* тўшунчаларини ўз ичига олади.

Ушбу сўзларнинг масиҳийликка қандай алоқаси бор? Довуд ёзади:

“Парвардигори Оламнинг паноҳида яшайдиган одам Қодир Худонинг соясида ором олади. У Раббийга дейди: “Менинг бошпанам ва менинг қалъам, мен умид қиладиган Худойим” (Сано 90:1-2).

Худо Унинг паноҳида бўлган одамларни ҳимоя қилишни ваъда беради. Бироқ ушбу оятнинг илк “... яшайдиган одам...” сўзидан бошлаб, биз энг муҳим саволга дуч келамиз: ким Унинг паноҳида яшайди? Қўлингизда ушлаб турган китоб – бу ушбу саволга жавоб қидиришдир. Бошқача қилиб айтганда, бу Худонинг ҳокимияти ва нуфузига бўйсуниб яшайдиган одамнинг ҳимоя остида бўлишини англатади.

Одам Ато ва Момо Ҳаво Адан боғида Худо уларга берган эркинлик ва ҳимоядан баҳраманд бўлар эдилар, бироқ улар итоатсизлик йўлини танлаб, Худонинг паноҳидан маҳрум бўлишди. Шунда улар буни бошқа нарсадан қидира бошладилар (Ибтидо 3:7). Худонинг ҳокимиятига бўйсунмаслик инсониятни бир вақтлар эга бўлган эркинлик ва ҳимоядан маҳрум қилди.

Келинг, бунга янада диққат билан қараймиз. *Ҳокимият* – унчалик оммабоп бўлган сўз эмас. Аммо уни рад этиб ёки ундан қўрққанимизда, ҳокимият берадиган ҳимоя ва имтиёзларни унутиб қўямиз. Биз уни рад этамиз, чунки унга Худонинг кўзлари билан қарамаймиз. Кўпинча бизнинг ҳокимиятга нисбатан муносабатимиз менга учинчи ўғлим билан содир бўлган бир воқеани эслатади.

Александр биринчи синфга борганда, у ўша жойда ўқитувчиси билан ёқимсиз мулоқот тажрибасига эга бўлган. Ўқитувчи доимо синф билан жанжаллашар – ғазабланиб, ўзини йўқотиб қўяр, тез-тез ўқувчиларга бақирарди. Александр эса жим туришдан кўра, ортиқча сўз айтишни маъқул кўрган ижодкор ва ғайратли табиатга эга бўлиб, кўпинча ўқитувчининг ғазаб хуружлари марказида қолиб кетарди. Александрнинг мактабда ўзини тутиш ҳақидаги тасаввурлари унинг ўқитувчисининг тасаввурларига мос келмас эди ва у доимо ўқитувчининг сабрини синаб кўрарди.

Мактаб машғулотларидан сўнг биз рафиқам билан тез-тез унинг маслаҳат хонасида бўлиб турардик. Биз у билан муаммоларни муҳокама қилар ва шу билан бирга, Алекка ўқитувчининг қоида ва талабларига бўйсунуш кераклигини уқтирар эдик, лекин буларнинг барчаси унда фақат бундай қаттиқ доира ичига солинган ўқув жараёнига нисбатан ёқтирмасликни юзага келтирарди.

Кейин биз бошқа штатга кўчиб бордик ва Алек ҳам иккинчи

синфга ўтди. Янги мураббий аввалгисининг мутлақо акси эди. У ўз ўқувчиларини ниҳоятда эркалаб, ҳар қанақасига уларга маъқул бўлишга ҳаракат қиларди. У Алекнинг ўзини жозоба деб ҳисобларди, у эса киришимли бола бўлиб, шунчаки уни яхши кўриб қолди, аммо, шу билан бирга қолган барча нарсаларни унутди ва ўқишни ташлаб қўйди. Ўғлимиз умумий таълимнинг барча камчиликларини бошидан ўтказишга улгургандек туюларди, шунинг учун биз уни асосий эътибор академик таълимга қаратиладиган имтиёзли мактабга ўтказдик.

У ерда уни саросима ва паришонлик бутунлай қамраб олди. У ўқишнинг дастлабки икки йилида ажойиб натижаларга эришган болалар орасига тушиб қолди. Энди Алек яхши ва меҳрибон, лекин шу билан бирга қаттиққўл ўқитувчининг ғамхўрлиги остида эди.

Тез орада у бошқа ўқувчилардан дастур бўйича орда қолаётгани маълум бўлди. Яна ўқитувчи билан тез-тез, лекин энди янада самарали учрашувлар бошланди. Биз Лиза билан унинг машғулотларига янада кўпроқ эътибор қарата бошладик.

Кун бўйи мактабда бўлиб, кечқурунлари ота-онангиз уй вазифасини бажараётганингизни назорат қилиб турса, бу ҳар кимни ҳам жонига тегиши мумкин. Алек ўз қобиғига ўралиб олиб, йиғлар эди, аслида ўқишдаги муваффақият яққол кўриниб турган бўлсада, ўзини вақти-вақти билан ҳатто, жарликнинг тубида тургандек ҳис қилар эди.

Бир куни унда ҳиссий портлаш содир бўлди. Унинг акалари мактабга роликли конкида боришмоқчи бўлишди, у эса уйда қолиб, дарс вақтида бажаришга улгурмаган синф ишини тугатишга мажбур бўлди. Энди шундай муҳим воқеани ўтказиб юбориши керак эди! Ўтириб олиб, йиғлашдан бошқа чораси қолмаганди. Отанинг ўғли билан гаплашиб олиш вақти келганди. Муаммо нимада эканлигини аниқлай олишим учун менга бир нечта сўз етарли эди. Алеска ҳамма нарса бутунлай

умидсиз бўлиб кўринар, умидсизлик ёшлари унинг кўзларидан ариқ бўлиб оқарди, у отасининг айтганларидан ҳеч бирини эшитишни ҳам хоҳламасди. Сукунат чўкди, иккаламизда ҳам айтишга сўз қолмади, у шунчаки бошини осилтириб ўтирар ва бақриб йиғлар эди.

Кейин нима содир бўлганини ҳеч қачон унутмайман. Алек қаддини ростлади, зўрға ўзини қўлга олиб, кўз ёшларини артди, сўнгра қатъий ишончга тўла катта шоколад-жигарранг кўзлари билан менга қаради: унинг ҳамма муаммоларини ечиб, кўз ёшларини абадий қуритадиган фикр ҳаёлига ялт этиб келди. У қўлчаларини қовуштириб, қаршимда турди ва бутунлай жиддий оҳангда деди: “Дада, мен сизга бир нарсани айтмоқчиман. Менинг синфимдаги Жессикани эслайсизми... у шифокорларга ишонмайди!” У бир оз иккиланиб туриб: “Дада, мен эса ўқитувчиларга ишонмайман” – деб қўшиб қўйди.

Мен кулиб юборишимга сал қолди, лекин вақтида ўзимни тутиб қолдим. Мен учун унинг сўзлари кутилмаган бўлди. У эса давом этди: “Агар Жессика шифокорларга ишонмаса, унда мен шунчаки ўқитувчиларга ишонмайман”. Энди мен ўзимни тутиб туролмадим. Агар у бу гапни бошқачароқ айтганда эди, менга кулгули бўлмасди, лекин у бунга ҳаётдан чарчаган ва ҳафсаласи пир бўлган одамнинг оҳангида айтди. У аслида, унинг барча муаммоларини еча оладиган бутунлай янги ваҳийдан мени хабардор қилдим деб ўйлади. Унинг жиддийлиги суддаги гувоҳнинг хатти-ҳаракатини эслатарди. Албатта, мен унга ўша ўқитувчиларсиз ҳозир қаерда бўлган бўлишини тушунтиришга уриндим. Мен у билан ўтган йили Анголада оч қолган болаларга овқат берганим ҳақидаги таассуротларим билан ўртоқлашдим. Бу болалар Александрнинг ўрнида бўлиб қолиш учун дунёдаги ҳамма нарсани берган бўлишарди! Улар таълим олиш учун ҳар қандай имкониятга тиш-тирноғи билан ёпишиб олган бўларди, ўшандагина улар ўз

оилаларини боқа олишларини тушунар эдилар. Менинг узоқ тушунтиришларимдан сўнг, у ўзининг янги фалсафасидан истар-истамас аранг воз кечди ва дарсларига қайтди.

Кейинги бир неча ҳафта давомида суҳбатимиз тўғрисида фикр юритишда давом этиб, мен ўғлимнинг ҳаракати билан одамларнинг ҳоқимиятга нисбатан муносабатлари ўртасида ўхшашлик кўрдим. Бизларнинг ҳар биримизнинг ҳаётимизда ҳоқимият билан боғлиқ кўнгилсиз кечинмалар етарлича. Баъзиларнинг бошлиқлари жуда қўпол бўлган, бошқаларнинг Александр сингари ҳафсаласи пир бўлган ва ҳоқимият фақат уларнинг хурсандчилигига ёки улар ўзлари учун энг яхши деб ҳисоблаган нарсага тўсқинлик қилади деган хулосага келишган, аслида эса уларни ажойиб етакчи ва мураббийлар бошқаради. Мана шундай кечинмаларнинг барчасидан жуда аниқ муносабат юзага келади: *“мен ҳоқимиятга ишонмайман”* ёки *“мен авваламбор, у билан келишиб олмас эканман, ҳеч қандай ҳоқимиятга бўйсунмайман”*.

Худо буларнинг барчасига қандай қарайди? Ҳоқимиятдагилар ҳатто, ноҳақлик қилганларида ҳам, биз уларга бўйсунимиз керакми? Агар ҳоқимиятдагилар порахўрлик ботқоғига ботган бўлсачи? Агар улар биз нотўғри деб ҳисоблаган нарсани бизга қилишни буюрсачи? Агар бизни гуноҳ қилишга мажбурласаларчи? Бу чегара қаердан ўтади? Умуман олганда, нима учун биз бўйсунимиз керак? Бундан фойда борми? Биз фақатгина Муқаддас Руҳ томонидан бошқарилган бўлишимиз керак эмасми?

Худонинг Сўзи ушбу саволларнинг барчасига жавоб беради. Бу китоб Раббий менга ёзишимни буюрган муҳим китоблардан бири деб ўйлайман, чунки бу китоб жамоатдаги имонлилар дуч келаётган муаммоларнинг юзага келишининг асосий сабабига бағишланган. Люцифернинг қулашига нима сабаб бўлди? Исён. Нима учун Одам Ато қулади? Исён туфайли. Кўпчиликни Худо

билан ҳаётидаги йўлидан оғишига нима мажбур қилади? Исён. Буларнинг барчасидаги энг даҳшатлиси шундаки, кўпгина ҳолларда бошида исён аниқ кўринмайди, балки аранг сезилади.

Ушбу китобда шахсий хатоларимдан мисоллар келтираман. Мен ягона мақсади, ўз қўйларини, ёрдамчиларини ёки оиласини бўйсундириш бўлган, ҳокимиятга ташна етакчи эмасман. Менинг ажойиб ёрдамчиларим ва оилам бор. Мен чўпон эмасман. Худди шу сингари, мен кўп хатолар ёки аниқроғи, гуноҳлар қилган инсон сифатида ёзаман. 1980-йилларда мен иккита халқаро масиҳий хизматларда иштирок этганман ва айнан мана шу вақт давридаги ўзимнинг кечинмаларимдан келиб чиққан ҳолда ўзимнинг энг қайғули мисолларимни сизлар билан баҳам кўраман. Ушбу вазиятларнинг ҳар бирида ўзимнинг ҳақлигимга юз фоиз амин бўлганман, аслида хато қилганим маълум бўлган. Раббийнинг Сўзи менинг ниятларимни очиб бергани учун Раббимиздан ниҳоятда миннатдорман.

Менинг барча кўнгилсизликларимдан сабоқ олишингизни ва келажакда худди шу каби хатолардан қочишингизни чин дилдан, сизга ҳам тилаб қоламан. Сиз менинг ақлсизлигимдан фойда ва Худонинг донолигини олишингиз ҳамда фойдали натижалар самарасига эга бўлишингиз учун ибодат қиламан. Зеро буларнинг ҳаммасидан сўнг мен эга бўлган ҳақиқат ва тажриба, охир-оқибат мен учун фойдали ва шунчаки ажойиб бўлди. Тавба қилиш орқали хавфсизлик ҳисси келди ва эҳтиёжларим қондирилди.

Сиз ушбу китоб бўйлаб саёҳатингизни бошлаганингизда, сизнинг ҳаётингизда ҳам худди шундай нарсалар содир бўлиши мумкинлигига ишонаман. Сиз Муқаддас Китоб ва менинг ҳаётимдаги мисолларни кўриб чиққанингизда, нур юрагингизни ёритади. Баъзи нарсалар сизга фақатгина, аллақачон маълум бўлган нарсага нисбатан ишончингизни мустаҳкамлайди,

бошқалари эса, сизни озод қилади. Нима бўлганда ҳам, сиз Унинг сўзини камтарликда қабул қилишингиз учун ибодат қиламан, бу менинг юрагимнинг самимий истагидир.

Ҳақиқатнинг фош қилишига дуч келиб, биз икки йўлдан бирини танлашимиз мумкин: Одам Атонинг ўғли Қобилга ўхшаб юрагимизни тош қилиб, исён қилишни бошлашимиз ва ўта муҳим бўлган ваҳийни эътибордан четда қолдиришимиз мумкин (Ибтидо 4); ёки Нафан фош қилган Довуд сингари итоат қилиб, синишимиз ҳамда оғриқлар ва тавбага, сизни масиҳий феъл-атворнинг янги даражасига кўтаришига рухсат беришимиз мумкин (2-Шоҳликлар 12). Довуддан ўрнак олиб, эҳтиёжлар қондирилиши ва ҳимояни таклиф этаётган Худонинг режасидан сизни четда тутиб туришга интилаётган мағрурликдан воз кечишга ҳаракат қилинг.

Ушбу йўлга отланиб, баъзан ёқимли эмас, айнан қаттиқ сўз, охир-оқибат буюк озодлик ва ҳимоя олиб келишини ёдда тутинг. Бир марта болалигимда мени эмлаш керак бўлганда, дўстларимдан бири менга бу жуда оғриқли бўлишини айтган. Шундан сўнг мен ҳар қандай ҳолатда ҳам уколдан қочишга қарор қилдим. Икки нафар катта ёшли ҳамширалар мени ушлаб туролмаган ва охири мени тинч қўйишган. Кейин ота-онам агар силга қарши эмланма қилинмаса, нима бўлиши мумкинлигини менга тушунтиришига тўғри келган. Мен синглимнинг саратондан қандай вафот этганини, алақачон кўргандим ва шу сабабли, улар менга фақат яхшиликни раво кўришларини билар эдим. Мен укол бироз оғриқли бўлишни тушундим, лекин бу мени хавfli, эҳтимол, ўлимга олиб келадиган касалликдан келиб чиқадиган янада даҳшатлироқ оғриқдан асраб қолади. Буни тушуниб, мен бажонидил тиббий ёрдам бўлимига қайтдим ва менга укол қилишди.

Ҳар қандай кўнгилсизликларга ёки Худонинг Сўзи ҳақиқатининг ҳатто, оғриқли “эмлашлари”га дуч

## ҲИМОЯ ОСТИДА

келганингизда, ушбу мисолни эсланг. Самовий Отанинг йўллари мукамал эканини билиб олинг. Гоҳ-гоҳида ҳалокатли бўлиб кўриниши мумкин бўлган ёки оғриқ келтирган нарса, аслида, Ундаги яна кимнидир ҳимоя қилиш, дуо-баракалаш ва қутқариш ниятидир. Унинг бизга бўлган севгиси пок, мукамал ва чексиз эканини ҳеч қачон унутманг!

Саёҳатга отланишдан аввал, келинг, ибодат қилайлик:

*“Самовий Ота, мен қулайлик ва ҳузур-ҳаловатдан кўра ҳақиқатга кўпроқ ташнаман, шунинг учун Сенинг йўлларинг мукамал эканини билиб, ўз юрагим ва жонимни Сенинг қўлларингга топшираман. Сен мени шунчалик кучли севасанки, менинг абадий ҳаётга эга бўлишим учун хочда ўлган Ўғлинг Исо учун, Сен учун жуда муҳим бўлган нарсани менга юбординг. Агар Сенинг менга бўлган севгинг шу қадар кучли бўлса, шубҳасиз, ҳаётимдаги Ўзинг бошлаган ишни амалга оширишни истайсан. Мен ушбу китобни ўқиганимда, мен билан Муқаддас Рухинг орқали гапиришингни ва менга ҳаётим учун Ўз йўлларингни кўрсатишингни сўрайман. Сенинг Сўзингни кўриб, эшитиш учун кўзларим ва қулоқларимни очгин. Менга Исони аввалгидан ҳам аниқроқ очиб бергин. Ушбу китобдаги Сўзларинг орқали менда қилмоқчи бўлган ишларинг учун олдиндан миннатдорчилик билдираман. Исо номи билан бу ҳақида ибодат қиламан. Омин”.*



## 2-БОБ

# НИШГА ҚАРШИ ТЕПИШ ҚИЙИН

*Агар сиз демократик нуқтаи назардан  
фикр юритсангиз, Шоҳликнинг  
тамойилларини тушунишингиз қийин.*

Энди, менинг олдимда қийин вазифа гавдаланмоқда, Худонинг иноятисиз, эҳтимол, уни ечишнинг имкони йўқ. Ўз навбатида мен сизларни ҳокимиятни ҳурмат қилишни ўргатишга уриниб кўраман, чунки дунёда кундан-кунга қонунбузарлик кўпаймоқда. Китобимда сўзлаб берадиганларимнинг аксарияти бу дунёнинг фикрлаш тарзига зид келади. Бизда Худо Сўзининг асосий ҳақиқатларига нисбатан салбий тафаккур яратиш учун қанчалик кўп йўллар ўйлаб топилган! Ахир, бу бизнинг жонимизнинг душмани, шайтоннинг усуллари билан тўлиқ мос келади, у охир-оқибат, бизни қулликка олиб борадиган нарсаларни ажойиб ва ҳатто, фойдали қилиб тасвирлашни ёқтиради ва аксинча, бизга эркинлик берадиган барча нарсани у мажбурий қарамлик сифатида кўрсатади.

Адан боғини ёдга олинг – шайтоннинг ҳийласи эътирозсиз ишлади ва ўшандан буён у ҳеч қанча ўзгармади. Мана нима

учун доимо бизни олдиндан огоҳлантиришади: “Севикли биродарларим, алданманглар” (Ёқуб 1:6) ва “Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканлигини фаҳмлаб олинглар” (Римликларга 12:2).

Ўз тажрибамга асосланиб шуни айтаманки, Ғарб вакиллари (Америка ва ғарбий Европа демократик мамлакатлари аҳолиси) – бу Худо Сўзининг ҳақиқатига энг кўп қаршилиқ кўрсатувчи одамлардир. Агар сиз демократик нуқтаи назардан фикр юритсангиз, Шоҳликнинг тамойилларини тушунишингиз қийин. Демократиянинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, агар давлат унинг тамойилларига кўра яшаса ажойиб бўлади, бироқ у бу дунё учун яратилган, Худонинг Шоҳлиги эса (ва биз бунга ёдда сақлашимиз зарур), айнан бошчилигида Подшоҳ турадиган ва унда қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунуши, қоидалар тартиби ва ҳокимият тушунчалари мавжуд бўлган шоҳликдир. Унинг Шоҳлигининг қонунлари бекор қилиниши мумкин эмас, улар жамоатчилик фикри, овоз бериш ва ижтимоий сўров таъсирига бўйсунмайди. Ушбу қонунларга Момо Ҳаво қилишга уринганидек, ўзимиз учун фойдали деб ҳисоблаган тузатишларни киритиш мумкин эмас. Шунинг учун Шомуил “... шоҳликнинг низомларини халққа изоҳлади ва буларни китобга ёзди...” (1-Шоҳликлар 10:25) каби, бизнинг жамиятимиз уларни бизга сингдирмаётгани тўғрисида, биз ҳам бугун шоҳликнинг тамойилларига ўргатилган бўлишимиз керак.

Агар биз имонлилар сифати маданиятимизнинг фикрлаш тамойилларига кўра яшашга ва ҳокимиятга муносабатда бўлишга уринсак, унда нари борса муваффақиятсиз бўламиз, жуда бўлмаганда эса, катта хавф-хатарда қоламиз. Ҳақиқий ҳаёт Манбаидан узилиб қолиб, биз дуо-баракаларимиз ва ҳимоя йўлимиздан ҳам маҳрум бўлишимиз мумкин. Бунга

Худо бир инсонни футбол бўйича чемпионатга тайёрламоқчи бўлган айни пайтда, умрини бейсболга бағишлаган одамга ёки электр токига улаш мосламасига уланмаган электр асбобидан фойдаланишга уринаётган одамга қиёслаш мумкин. Бизнинг кунларимизда, агар биз ҳокимият билан келишмасак, ундан шикоят қилишимиз ёки норозилик билдиришимиз мумкин. Ахир, ҳукумат “халқдан, халқ томонда ва халқ учун” бўлиши керак, тўғрими? Демократик фикрлашнинг бу ва бошқа тамойиллари замонавий масиҳийликка сингиб кетган ва кўпчилиқни ўз-ўзини бошқаришнинг ёлғон йўлларидан боришга маҳқум қилган. Биз тобора кўпроқ, ҳокимият шаънига таналар ёғдиришдан очиқчасига унга қарши туришга ўтамыз. Натижада, ҳокимиятга нисбатан ҳурматсизликнинг энг юқори даражасига етиб борган ва уни умуман менсимайдиган одамлар пайдо бўлади. Бу улар Худонинг қўрқувини йўқотганликларидан далолат беради.

Бироқ, ушбу ёндашувларнинг ҳеч бири биз қидираётган ўша эркинликни олиб кела олмайди. Зеро Ёзув айтади:

Агар улар қулоқ солсалар ва Унга хизмат қилсалар, улар ўз кунларини фаровонликда ва йилларини ҳузур-ҳаловатда ўтказадилар. Бироқ, агар улар қулоқ солмасалар, унда улар қиличдан ҳалок бўладилар ва ақлсизликда ўладилар (Аюб 36:11, 12).

“Унга” – бу Худодан бошқа ҳеч кимга эмас. Ваъдага эътибор беринг: Унинг ҳокимиятига бўйсунуш эвазига эҳтиёжларни қондириш ва ҳимоя қилиш айтилмоқда. Шунингдек, устидан турган ҳукмдорларни менсимайдиганларни кутаётган хавфга эътибор беринг. Биз ҳокимиятга қаршилик кўрсатишда излайдиган эркинлик, аслида, уларга бўйсунмасликдан иборат эркин бўлмасликка айланади. Хотинимнинг мақоли бор: “Озодлик – бўйсунушда,

қуллик – исёнда”. Бу сўзлар биз ҳозиргина Аюбнинг китобидан ўқиганларимизнинг барчасини ифодалайди.

Айримлар: “Мен фақат Худога бўйсунаман, инсонга эмас, боз устига, агар у билан рози бўлмасам” – дейишлари мумкин. Мана, жамоатда тарқалган нотўғри тарбия ва муносабат, бизга ёмон хизмат қилади. Биз Худодан мерос бўлган ҳокимиятга бўйсунимизни У томонидан топширилган ҳокимиятга бўйсунидан ажрата олмаймиз. Ҳар қандай ҳокимият Ундан келиб чиқади! Ёзув нимага ўргатаётганига қаранг:

Ҳар бир жон юқори ҳокимиятларга бўйсунсин. *Чунки Худодан бўлмаган ҳокимият йўқ*, мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган. Шунинг учун ҳокимиятга қаршилиқ қилаётган Худонинг қарорига қарши чиққан бўлади. Қаршилиқ қилувчилар эса ўз-ўзларини маҳкумлиқка дучор қиладилар (Римликларга 13:1, 2).

Бу парча ўзига муҳим эътиборни қаратади, унда мулоҳаза юритиш мумкин бўлган кўп нарса бор. Кейинроқ биз уни янада батафсилроқ кўриб чиқамиз, лекин ҳозир мен кўйидаги жиҳатларга изоҳ бермоқчиман: биринчидан, барча бошқарувчиларни Худо тайинлайди. Ҳеч ким Худонинг ихтиёрасиз қонуний ҳокимиятда ўрин эгаллай олмайди. Биз бунини бир марта ва абадий ўзлаштиришимиз керак. Иккинчидан, бу ҳокимиятларга қарши исён қилиш Худонинг тартибига қарши, яъни, Худонинг Ўзига қарши исён қилишни англатади ва бундай йўл тутганлар ўзини ҳукмга дучор қиладилар. Ҳокимиятга ташна қандайдир етакчи эмас, балки бизнинг Отамиз ушбу сатрларнинг муаллифи эканини унутмаслигимиз керак, зеро “Бутун Ёзув Худодан руҳланган” (2-Тимотийга 3:16). Бугунги кунда кўплаб масиҳийлар шундай ўйлашади: “Мен ҳокимиятларга эмас, фақат Худога бўйсунаман”. Бундай фикрлайдиганлар ўзлари Раббий

деб атайдиган Шахсга қарши чиқишади. Исонинг Шоулга (кейинчалик Павлусга айланган) қарата айтган сўзларини эсланг: “Нишга қарши теппинг қийин” (Ҳаворийлар 9:5). Ўша даврларда деҳқонлар ниш ёки ниқтадан фойдаланишган. Бу узунлиги тахминан 2,5 метрлик, эман ёки олдиндан пўстлоғи шилиб ташланган бошқа мустаҳкам ёғочдан ясалган тўғри таёқ бўлган. Унинг бир учига ўткир тикан қоқилган, деҳқон ерни шудгорлаганда, бу билан ҳўкизни ҳайдаган. Албатта, ҳўкиз қаттиқ оғритиб ва ҳатто, жароҳат етказишга қодир бўлган бундай асбобга қаршилиқ кўрсата олмаган. Шунинг учун Павлус даврида бу ибора юқори ҳокимиятга қарши туришнинг беҳудалигини тасвирлаш учун ишлатилган.

Исо билан учрашгунча Павлусга ўхшаб, Худонинг ҳокимиятига тўғридан-тўғри ва шунингдек, У томондан топширилган ҳокимиятга қисман қаршилиқ қиладиганлар, охир-оқибат, Худонинг қўлларидаги нишга санчиладилар. Лекин кўпинча, бу бизни тўхтатмайди ва ўзимиз учун ҳеч қандай ҳулосалар чиқармаймиз, балки бир пайтлар мен қилганимдек, ўзимизникида ўжарлик билан туришда давом этамиз.

### КЎЗНИ ОЧАДИГАН ТАЖРИБА

Оғриқ ҳақида гапирганда, топширилган ҳокимиятга қарши туриш, Худонинг ҳокимиятига қарши туриш эканини тан олиш, менга қанча азобга тушгани ҳақида ҳар доим эсламан. Бу менинг онгимда ўчмас из қолдирди ва нишга қарши кетаётган инсоннинг аҳмоқлигининг ўзига хос ёдгорлигига айланди.

1980-йилларнинг ўрталарида менга бир улкан халқаро жамоатда ёшлар чўпони хизматини таклиф қилишди. Мен учун ибодат қилиб, қўл қўйиб тайинлагандан сўнг, бу хизматни Худонинг иродаси сифатида қабул қилдим.

Мени ҳис-туйғулар лиммо-лим тўлдирди, ахир, мен ҳали ёшлар хизматида ҳеч қачон ишламаган эдим ва шунга

қарамай бутун Америкадаги энг тез ўсаётган ва нуфузли жамоатлардан бирининг жамоасида бўлиб қолдим. Ёшлар хизматиға бағишланган турли хил китоб ва дарсликларни ўқиб, ўрганишға ошиқишдан бошладим. Китоблардан бири ажойиб ёшлар дастурини ишлаб чиққан Луизианадаги жамоатнинг бош чўпони томонидан ёзилган эди. Мен котибамдан ўша жамоатга қўнғироқ қилиб, бир неча кунга уларнинг олдига учиб бориб, улар билан бирга бўлишим мумкинми ёки йўқлигини билиб беришини сўрадим. Унинг етакчилари менинг илтимосимға розилигини билдиришди ва биз менинг ташрифим ҳақида келишиб олдик.

Етиб келгач, мени дарҳол чоршанба куни кечқурун ёшлар хизматиға таклиф қилишди. У ерда кўрганларим мени ҳайратда қолдирди. Уларда 1500 ўринга мўлжалланган, ўзларининг ёшлар зали бўлиб, у деярли тўла эди! Улар ўйинчоқ ўйнашмади ва оддий мурасали мактубларни тинглаш билан шуғулланишмади. Воизликлар муқаддаслик ва қудратға тўла эди. Ёшлар бу йиғинларда бажонидил иштирок этишди. Мен кўрганларимдан ҳайратда қолиб, бу инсонлардан ҳақиқатан ҳам ўрганиш керак бўлган нарсалар борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Мен эртаси куни хизматнинг етакчилари билан учрашдим. Яна мен кўрган нарсаларимға зўрға ишондим. Уларнинг ўз маъмурият биноси, икки нафар ёшлар котиби ва тўлиқ хизматдаги тўрт нафар ёшлар чўпони бор эди. Кейинги икки кун давомида мен ушбу тўрттала чўпоннинг хизматларида қатнашдим. Статистика ақл-бовар қилмас даражада эди. Ўша вақтда уларнинг мактаб хизматида 1250 нафар ёшлар бўлиб, бу ҳисоб тез суръатлар билан ўсиб борарди.

Ҳар бир тўрттала чўпонлар менга бир нарсани айтишди. Уларнинг сўзларига кўра, хизматнинг муваффақияти бутун шаҳар бўйлаб юздан ортиқ жойларда ҳар жума оқшомида бўлиб ўтадиган “зиёфатлар”ни ташкил қилишдан иборат эди.

Зиёфатларнинг мақсади ёшларни нажотга олиб келишдан иборат бўлган уй гуруҳларидан бошқа нарсани ифодаламас эди.

Ҳақ етарлича оддий, лекин шу билан бирга теран эди. Нажот топмаган ёшларни жамоат йиғинига боришларига мажбурлаш қийин, уларни зиёфатга таклиф қилиш анча осон. Ёшлар гуруҳининг ҳар бир аъзоси ҳафта давомида мактабдан кимнидир топишга ва жума кўни оқшом меҳмонга таклиф қилишга ҳаракат қиларди. Ушбу зиёфатларда улар чой ичиб, мулоқот қилишар ва замонавий масиҳийча мусиқалар тинглашарди. Сўнгра гуруҳ етакчилари, одатда мактаб ёки коллеж талабаси аста-секин сўхбатни нажот мавзусига йўналтириб, Муқаддас Китобдаги турли хил мавзулар бўйича ташкиллаштирилган муҳокамаларни бошлар эдилар. Сўнгра у келганларга ўз гуноҳларига тавба қилиш ва ҳаётини Исо Масиҳга бағишлаш имкониятини тақдим этарди. Натижада, илк маротаба ташриф буюрганларнинг кўпчилиги нажотни қабул қилишарди. Уларга имонлилар билан мулоқот ва жамоатга боришнинг зарурлиги ҳақида айтиб, уй манзил ва телефон рақамлари билан алмашиб, ёшлар хизматига таклиф қилишар эди.

Мен шундай зиёфатларнинг бирида қатнашдим ва бир нечта талабалар ўз ҳаётларини Исога бағишлаганларини кўриб руҳландим. Ўз жамоатимга қайтиб, биз ёрдамчим билан бирга у жойда кўрган нарсаларимиз ҳақида бўлишдик. Ибодат қилиб, биз ўз гуруҳимизда худди шундай қилишимиз кераклигини ҳис қилдик. Якшанба хизматларининг биридан сўнг, автотураргоҳда катта чўпон билан ўз ваҳийим ҳақида қизиқиш билан бўлишдик. У мени қўллаб: “Ажойиб, биродар. Ҳаракат қил!” – деди.

### САККИЗ ОЙЛИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МЕҲНАТ

Мен ибодат қилганимда, Ҳудо менга режа берди. Мен зудлик билан бу хизматда етакчилар тайёрлаш учун мактаб ташкил

қилишим керак эди. Бу ҳақида сешанба куни кечқурун ёшлар гуруҳида эълон қилдим ва эрталаб яқин якшанба куни етмиш нафар одам етакчилик машғулотларига келишди. Мен кейинги олти ой давомида ҳафтада бир марта бу машғулотларни ўтказдим ва ёшларга етакчилик тамойилларини: садоқат, муқаддаслик, бағишланиш, одамларга ва мақсадга хизмат қилишни ўргатдим.

Беш ой ўтиб, Раббий ибодатда яна менинг юрагимга гапирди: *“Ўз синфингдан йигирма тўрт кишини танлаб ол ва улар билан шогирдчилик машғулотларини бошла. Улардан зиёфат учун биринчи етакчиларингни ажратиб олгин”*. Мен дарҳол уй гуруҳларимизнинг биринчи авлоди учун етакчилар тайёрлашни бошладим.

Кейинги икки ой бу етакчиларни уй гуруҳлари ва зиёфатлар ўтказишга тайёрладим ва сешанба кунлари умумий ёшлар йиғинларида бу зиёфатлар хусусидаги ваҳийларни улар билан бўлишдим. Ёрдамчи билан биргаликда биз етакчилар учун ўқув режаси ишлаб чиқдик ва бундан ташқари, кўплаб зарур масалаларни, масалан, зиёфат ўтказиш учун жойларни топиш, шаҳарни туман мактаблари ва почта индекслари бўйича бўлиш, шунингдек, гуруҳларни ва янги имонга келганларни ўқитиш услубларини оммалаштириш каби масалаларни ҳал қилдик. Биз фақат бир мақсад – атрофимизда яшаётган нажот топмаган одамларга эришиш учун юз фоиз бор кучимизни сарфладик.

Бизларнинг ҳар биримиз ҳаяжон ва қувончни бошдан кечирдик. Ваҳий етакчилардан ёшлар хизматининг олд хизматчиларига ўтди. Ёшлар зиёфатларга биринчи бўлиб кимларни таклиф қилишни аллақачон гаплашишди. Биз Худо одамларнинг юрагига тегиниши ва уларга Исо ҳамда нажот керак эканини тушунишлари учун ибодат қилдик. Биз етакчим билан сешанба кунги йиғинларда икки минг беш юз нафар ёшлар билан тўла зални аллақачон тасаввуримизда кўрар эдик. Биз ушбу ваҳий ва уни амалга ошириш истагига шай эдик.

## МЕН ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИГАН ЙИҒИН

Илк ёшлар йиғини бошланишига уч ҳафта қолган эди. Мен одатдагидек ҳар кунлик чўпонлар йиғинларига борардим ва у ерда умуман тайёр бўлмаган бир нарсани эшитишимни ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Ушбу йиғинларнинг бирида катта чўпон ўзининг ўн бир ёрдамчисига мутлақо ақл бовар қилмайдиган сўзни айтди: “Азизларим, Муқаддас Руҳ менга ушбу жамоатнинг йўналиши бизда уй гуруҳларининг бўлмаслигидан иборат эканини очди. Шунинг учун мен жамоат аъзоларининг уйлардаги барча йиғилишларини бекор қилишингизни истайман”.

Мен қулоқларимга ишонмадим. Бу қандайдир хатолик ёки тушунмовчилик бўлиши керак. Биз ёрдамчим билан ҳайрон бўлиб бир-биримизга қарадик, у ҳам гангиб қолганди. *У ёшларни назарда тутмаяпти* деган фикр билан ўзимни юпатишга ҳаракат қилдим... *У шунчаки бошқа чўпонлар ҳақида гапиряпти*. Бўйдоқ ва турмушга чиқмаганларнинг чўпонлари, кекса кишиларнинг чўпонлари, эр-хотинлар учун жавоб берадиган чўпонлар ва бошқа чўпонлар – уларнинг барчаси уй гуруҳларини олиб борар эдилар, бироқ уларнинг ишлари унчалик ҳам яхши кетмаётган эди, ўз гуруҳларига ҳам бизчалик эътибор қаратмас эди. Бундан ташқари мен бир неча ой аввал автотураргоҳда катта чўпон билан бу мавзуда гаплашган эдим ва у менга: “Ҳаракат қил” – деган эди. Ёшлар хизмати бу мораторийдан ташқарида қолиши кераклигига ишончим комил эди.

Мен ортиқ кута олмасдан, сўрадим: “Кечирасиз, чўпон. Сиз ёшлар хизмати бундан мустасно деб айтмоқчисиз, тўғрими?” У менга қараб: “Жон, Муқаддас Руҳ менга ушбу жамоатнинг йўналиши бизда уй гуруҳларининг бўлмаслигидан иборат эканини айтди” – деди.

Мен яна гапирдим: “Чўпон, мен бир неча ой олдин Луизианадаги ўша ёшлар гуруҳига учиб борганимни

эслайсизми? Уларнинг хизматида, аллақачон 1250 нафар талаба бор ва тўрттала чўпон ҳам бу уларнинг уй гуруҳлари туфайли содир бўлганини айтишди”. Бош чўпон менга қарадида, жавоб бериб: “Жон, Муқаддас Руҳ менга ушбу жамоатнинг йўналиши, бизда уй гуруҳларининг бўлмаслигидан иборат эканини айтди” – деди.

Мен эса тинчланмадим, менинг қатъиятим ўсди, миямда бир фикр айланарди: у *тушунмаяпти*. Мен бошқа далил келтирдим: “Чўпон, нажот топмаган ёшларни жамоатимизга қатнашга мажбурлаш қийин, лекин биз коллежнинг деярли ҳар қандай талабасини зиёфатга таклиф қилишимиз мумкин ва бу мен бир неча ой аввал айтганимдек, мақсади одамларни қутқариш бўлган ўша уй гуруҳларига айланиши мумкин”. У такрорлади: “Жон, Муқаддас Руҳ менга ушбу жамоатнинг йўналиши, бизда уй гуруҳларининг бўлмаслигидан иборат эканини айтди” – деди.

Сабримни йўқотиб, баҳслаша бошладим: “Лекин, чўпон, биз 2500 нафар талабани олиб келишимиз мумкин. Биз Флорида Штатидаги Орландонинг бутун ёшларини қутқара олардик!” У яна ўша сўзларни такрорлади. Мен яна ўн беш дақиқа ўз фикримни ҳимоя қилишда давом этдим. Хонада бўлганларнинг барчаси кескинлик ошиб бораётганини ҳис қилишди. Бахтимга чўпондан чиққан ягона сўзлар, ўзи ишонганидек, Худо унга айтган сўзлар эди.

Ниҳоят, мен гарчи ичимда ҳамма нарса қайнашда давом этсада, жим бўлдим. Мен йиғин сўнгигача ҳеч нарсани эшитмас эдим. “*Биз бунинг устидан саккиз ой ишладик. У буни қилаётганимизни биларди. Мен унга бу ҳақда бир неча ой олдин айтгандим. Қандай қилиб, у Худонинг Шоҳлигига юзлаб, балки минглаб одамларни олиб келиши керак бўлган жараённи тўхтата олади? У Худонинг ҳаракатини тўхтатмоқда! Мен ёшларга нима дейман? Етакчиларим нима деб ўйлашади? Мен*

*Луизианада бўлдим. Ахир, бу пул ва вақтни беҳуда сарфлашқу!*  
*Бу ҳақиқатан ҳам содир бўлаётганига ишона олмайман!”*  
Менинг фикрларим чексиз оқим бўлиб оқиб келарди ва мен ҳамма жойда ҳақ эдим, мен Худо томонида эдим, чўпон эса бўлиши керак жойда эмас эди!

Мен йиғиндан сўнг анжуман залидан ўқдай отилиб чиқдим. Ёши каттароқ ва тажрибага бой чўпон ёрдамчиси мени тўхтатиб, тинчлантиришга уринди, лекин мен унга қараб: “Фред, ҳеч нарса ҳақида гапиришни истамайман!” – дедим. Бу сўхбат ҳеч қандай фойда келтирмаслигини тушуниб, чекинди.

Мен уйга келиб, эшикни очдим, мени рафиқам кутиб олди. Унинг саломига буғиқ овоз билан жавоб бердим: “У нима қилганига ишонмайсан!” Барчасини қандай оҳангда айтганимни эшитиб, у хавотир билан сўради: “Ким у ва у нима қилди?”

“Чўпон! У барча уй гуруҳларини бекор қилди! Саккиз ойлик меҳнат, у эса бекор қилди, қўйди! Сен бунга ишона оласанми?” У менга қаради-да, қатъий ва жиддий оҳангда деди: “Афтидан, Худо сени нимагадир ўргатишга ҳаракат қилмоқда”. Шундан сўнг, у даҳлиздан чиқиб, ётоқхонага йўл олди.

Энди, ундан ҳам жаҳлим чиқарди. Ошхонага бордим, оёғимни ўриндиққа қўйиб, дераза ёнида турдим ва олдинга маъносиз боқиб қолдим. Миямда ўша битта фикр айланарди: чўпон ноҳақ эди, бунга яна бошқа фикр аралашди – хотиним бефарқ ва зеҳни паст.

## РАББИЙ БИЛАН УЧРАШУВ

Дераза олдида турар эканман, Муқаддас Руҳ юрагимга гапирди. У: *“Жон, сен кимнинг хизматини қуряпсан? Меникиними ёки ўзингникини?”*

Мен ўйламасдан бидирладим: “Сеникини, Раббий!”

У дарҳол жавоб берди: *“Асло йўқ! Сен шахсий хизматингни қурмоқдасан”*. Мен: “Раббий, биз кўпчилик нажот топмаган

талабаларни жамоат йиғинларига олиб келолмаймиз, лекин биз уларни зиёфатларга олиб келишимиз мумкин...” Гўё У бу ҳақда ҳеч нарса билмайдигандек, Унга чексиз далил ва режаларимни кўрсата бошладим. Биз қанчалар осон йўлдан озамиз!

Раббий менга охиригача гапиришимга рўхсат бериб, сўнгра деди: *“Жон, Мен сени бу жамоатга мана шу инсонга хизмат қилишинг учун олиб келганимда, сенга ишонилган хизматни кенгайтириш мақсадида сени қўйгандим. Мен сени унинг қўл ва оёқлари бўлишга даъват этгандим. Мен фақатгина бир инсонни хизмат учун масъулиятли қилиб қўйганман”.*

У Мусони намуна қилиб келтирди. Муқаддас Китоб шундай дейди: *“Мусо... Худо уйининг ҳамма нарсасида хизматкор сифатида содиқ эди”* (Ибронийларга 3:5). У Худо халқ устидан қўйган етакчи бўлган. Сўнгра фикрларимда Янги Аҳддаги Ёқубнинг тимсоли гавдаланди. У Иерусалим жамоатининг етакчиси бўлган. Мен имонлилар орасида юзага келган ва суннат қилиш зарурати ҳақидаги савол сабаб бўлган тортишувни эсладим (Ҳаворийлар 15). Бу масалани муҳокама қилиш учун Иерусалим жамоатининг барча оқсоқоллари ва барча ҳаворийлар йиғилдилар, уларнинг орасида Павлус, Барнабо, Петрус ва Юҳанно бор эди.

Биринчи бўлиб имонга келган фарзийлардан баъзи бирлари гапирдилар, улар ҳам етакчи бўлганлар. Сўнгра Петрус сўз олди. Ундан сўнг Павлус ва Барнабо, Худо мажусийлар орасида қилган ишлар тўғрисида сўзлаб беришди. Улар тугатган заҳоти, Ёқуб ўрнидан туриб, айтилганларнинг барчасига хулоса қилди, сўнгра ўз ҳукмини айтди: *“Шунинг учун мен хулоса қиламанки...”* У бош сифатида бу масала бўйича ўз қарорини айтди ва ҳамма, жумладан, Петрус, Павлус ва Юҳанно унга бўйсунди. Мен Ёзувда фаришта Петрусни қамоқдан озод қилганида, худди шунинг намунасини кўрдим. Петрус Марямнинг уйидаги имонлиларга: *“Бу ҳақда Ёқуб ва*

бошқа биродарларга хабар қилинлар!” – деди (Ҳаворийлар 12:17). Худди шу нарсани Луқо ва Павлуснинг ҳаётида ҳам кўрамиз. Улар Иерусалимга келишганда, Луқо шундай ёзган: “Биродарларимиз бизни қувонч билан қабул қилдилар. Кейинги куни Павлус биз билан бирга Ёқубнинг олдида борди. Барча жамоабошқарувчилар ҳам у ерга келдилар” (Ҳаворийлар 21:17, 18). Нима учун Петрус ва Павлус иккала вазиятда ҳам Ёқубни эсга олишди? Унинг номи алоҳида эслаб ўтилганига қараганда, у аниқ уларнинг етакчиси бўлган.

Муқаддас Рух бу жиҳатни ойдинлаштиргани биланоқ, давом этди: *“Жон, сен Менинг қаршимда туриб, ушбу чўпонга хизмат қилган давр учун ҳисоб бераётганингда, Орландода қанча ёшларни имонга олиб келганинг учун ҳам ҳисоб беришинг керак эмас. Аввалом бор, Мен сени қўйган хизматда чўпонга садоқатинг учун жавоб берасан”*.

Унинг кейинги сўзлари мени шунчаки ҳайратга солди: *“Аслида сен Орландодаги бутун ёшларни қўлга киритишинг ва Менинг қаршимда туриб, сени устингдан қўйилган чўпонга бўйсунмаслик ва хиёнат учун ҳукм қилинишинг мумкин эди”*. Бу сўзлар билан Худодан қўрқининг янги ҳисси келди! Менинг барча қалъаларим қулади, мен ўзимни Унинг қўлидаги лойга ўхшаш нарсадек ҳис қилдим. У яна гапирди: *“Жон, агар сен мана шу йўналишда кетишда давом этсанг, ёшлар ўз йўлидан кетади, жамоат бошқа йўлдан кетади. Сен жамоатга бўлиниш олиб келасан”*. Бошқача айтганда, мен иккита ваҳий олиб келиш хавфини келтириб чиқардим. Нима учун бугунги кунда кўпгина жамоатлар ва оилалар бўлиниб кетмоқда? Иккита ваҳий пайдо бўлмоқда, бу улардан бири Худо томондан қўйилган ҳокимиятнинг ваҳийига қарши боришини англатади. “Икки бошли” ташкилот бўлинишга маҳкум бўлганидек, етакчилар орасида ва ҳар қандай гуруҳ одамлари орасида ҳамфикр кишилар бўлиши шарт!

## ТАВБА ҚИЛИШ ОРҚАЛИ КЕЛГАН ЖАВОБ ВА ЙЎЛ

Мен исёним учун дарҳол тавба қилдим. Ибодатдан сўнг, нима қилишни, аллақачон билардим. Мен телефоннинг олдига бориб, катта чўпонга қўнғироқ қилдим. У гўшакни кўтарганида, гапира бошладим: “Чўпон, бу Жон Бивер. Мен сиздан кечирим сўраш учун қўрғироқ қиялман. Худо менинг Сизга нисбатан исёнда бўлганимни менга кўрсатди ва мен жуда катта гуноҳ қилдим. Илтимос, мени кечиринг. Мен зудлик билан уй гуруҳларини бекор қиламан”.

У менга раҳм қилди ва ҳаммасини кечирди. Мен гўшакни қўйганим заҳоти, Муқаддас Рух мендан сўради: *“Бу ҳақда яқин дам олиш кунларида ўзингнинг йигирма тўрт етакчингга қандай айтмоқчисан?”*

Аллақачон, етакчилар йиғилган залга қандай киришимни ва бир хил овозда: “Болалар, нима содир бўлганига ишонмайсизлар” – дейишимни тасаввур қилдим. Ҳамма хавотир билан менга биргина савол беришади: “Нима?” Мен эса ўша руҳий ҳолатда давом этиб: “Ҳаммангиз биласизки, биз кўп ой меҳнат қилдик, лекин чўпон уй гуруҳларини бекор қилди. Бизда сешанба кунлари зиёфатлар бўлмайди” – дейман.

Улар бундай қарордан норози бўлиб оҳ-воҳ қиладилар ва минғирлайдилар. Уларнинг катта чўпондан норозилигини тасаввур қилиш осон эди. Албатта, ҳаммамиз қурбон бўлишимиз мумкин эди, мен эса бу вазиятда қаҳрамон бўлиб кўринган бўлардим.

Бу манзарани фикран ҳаёлимда айлантитар эканман, Муқаддас Рух мендан: *“Сен шундай қилмоқчимисан?”* – деб сўраганини эшитдим. Мен: “Йўқ, албатта!” – деб жавоб бердим.

Кейинги йиғинда мен барча ёшлар етакчилари йиғилган хонага кирдим, юзимда ишонч акс этарди, гарчи овозим бироз хаяжонли янграган бўлсада, жилмайдим. Мен иштиёқ билан эълон қилдим: “Болалар, сиз учун ажойиб янгилик бор”.

Ҳамма сабрсизлик билан мен томонга қаради: “Қанақа?” Мен давом этдим: “Худо бизни Ундан келмаётган нарсанинг пойдевори ва қурилишидан озод қилди. Катта чўпонимиз мана шу ҳафта етакчилар йиғинида бизга Муқаддас Рух томонидан жамоатимизга берилган йўналиш, уй гуруҳларига эга бўлмасликдан иборат эканини айтди. Шунинг учун биз зиёфатлар дастуримизни ёпамиз!”

Мендаги хаяжон уларга ҳам ўтгандек кўринди, улар деярли бир овозда ҳайқиришди: “Ҳа... яхши!” Мен бу вазиятдан ўтган ягона одам эмас эдим. Ҳаммамиз бундан ўтдик. Мен фақат бир қанча вақт ўтгандан сўнгина, ўшанда нимани ҳис қилганимни бўлиша олдим. Ўша йигирма тўрт нафар ёшларнинг кўпчилиги ҳозир тўлиқ хизматда ва уларнинг ишлари ажойиб кетмоқда.

### СИНИҚ ВА ИТОАТКОР ЮРАК

Ортга назар ташлаб, мен баён қилган воқеалар ҳаётим ва хизматимда ҳал қилувчи ролни ўйнаганига амин бўламан. Агар мен ўшанда итоат қилмасдан, ўзимни гапимда туриб олиб, қайсарлигимни бас қилмаганимда, менинг қаерда бўлиб қолишим мумкинлигини ким ҳам биларди. Албатта, менда бошқа танлов бўлмагани сабаблигина зиёфатларни бекор қилишим мумкин эди, лекин юрагим мағрур, қаршилиқ кўрсатадиган, қаттиқ бўлиб қоларди. Худо фақатгина ташқи бўйсунисни эмас, балки синган ва итоаткор юракни излашини ҳар доим ёдингизда тутинг – мана, Унинг мақсади. У Худонинг иродасига чанқоқ ва оч бўлганларни излайди. Бу ҳақида Довуд айтган:

Зеро Сен қурбонликни истамайсан, мен уни берган бўлар эдим; тамоман ёндириш қурбонлигини хуш кўрмайсан. Худога қурбонлик – синиқ руҳдир. Ё, Худо, синиқ ва эзилган юракни Сен рад қилмайсан (Сано 50:18, 19).

Биз ҳаётимизда катта қурбонликлар қилишимиз, узоқ вақт хизматга бағишланишимиз, маош талаб қилмасдан ишлашимиз, уйқуни қурбон қилишимиз, янги одамларни қўлга киритиш йўлларини қидиришимиз ва яна бошқа кўп нарсаларни қилишимиз мумкин, чунки хизматда бу рўйхат чексиз бўлиши мумкин. Ўзини қурбон қилишга иштиёқманд бўлиб, бизнинг барча хатти-ҳаракатларимиз Худога маъқул эканига ўзимизни осонгина ишонтира оламиз. Шунга қарамасдан, бу барча ишларда бизнинг истагимиз ўзбошимчалик бўлиб қолиши мумкин.

Ушбу сўзларга қулоқ тутинг: ҳақиқий итоаткорликка олиб борувчи бўйсунми Худога маъқулдир. Ушбу китобнинг мақсади – фақатгина Худонинг ҳокимиятига бўйсунининг бутун аҳамиятини очиб бериш эмас, балки ҳокимиятга бўйсунишда севги ва иштиёқни ўйғотиш ҳамдир.

Мен келтирган гувоҳлик кўп саволларни туғдириши ва бу саволларга жавоб берилмаган бўлиши мумкинлигини тушунаман. Улардан бири шундай бўлиши мумкин: “Наҳотки Худо ибодатда сенга уй гуруҳлари ташкил қилиш кераклигини айтмаган бўлса?” Ёки яна бошқаси: “Агар чўпон жамоатнинг йўналишини аниқлашда ноҳақ бўлган бўлса-чи? Балки сиз барибир уй гуруҳларига эга бўлишингиз зарур бўлиб, у ноҳақ, сиз эса ҳақ бўлсангиз-чи? Эҳтимол, у кимнингдир таъсири остига тушиб қолгандир?” Биз ўз изланишларимизда ҳаракат қилганимиз сайин, мана шу ва бошқа кўпгина саволларга жавоб топамиз.

Бироқ ҳокимиятни бўлишиш масаласининг кейинги муҳокамасини бошлашдан олдин, биз Худонинг ҳокимиятига бевосита бўйсунининг муҳимлигини ўзлаштиришимиз керак. Вочман Ни қуйидагиларни ёзган:

Инсон Худо томондан топширилган ҳокимиятга бўйсунгунича, у авваломбор, Худодан чиқадиган ҳокимиятни қабул қилиши керак. Бизнинг Худо билан барча ўзаро

## НИШГА ҚАРШИ ТЕПИШ ҚИЙИН

муносабатларимиз биз ҳокимиятни тан олишимиз ёки тан олмаслигимиз билан тартибга солинади. Агар шундай бўлса, бундай ҳолатда биз ҳар қадамда бунга дуч келамиз ва Худодан чиқувчи шундай чекловлар туфайли У биздан фойдалана олади (Spiritual Authority (“Рухий ҳокимият” [New York: Christian Fellowship Publishers, 1972])).

Дастлаб Худонинг Ўзига бўйсунининг зарурлигига мустаҳкам Инжил пойдевори қўйилган бўлиши лозим. Шундан сўнгина топширилган ҳокимиятга бўйсуниниш масаласига ўтиш мумкин.



2-ҚИСМ



ХУДОНИНГ ПАНОҲИ  
ОСТИДА



## ГУНОҲНИНГ ТАЪРИФИ

*Жамоат кўпинча гуноҳнинг асосий  
таърифидан четга чиқади ва биз унинг  
ҳақиқий маъносини тушунишни бас  
қиламиз*

**К**елинг, кичик ўйин ўйнаймиз, яхшироқ ном йўқлиги кучун уни руҳшунос ва бемор ўйини деб атаймиз. Сиз беморсиз ва кроватда ётибсиз, мен эса руҳшуносман ва ёнингиздаги ўриндиқда ўтирибман. Мен сўз айтаман, сиз эса, биринчи ҳаёлингизга келган фикрни айтасиз. Тайёрмисиз? Унда мана биринчи сўз: гуноҳ. Ҳаёлингизга биринчи нима келади?

Бутун дунё бўйлаб кўплаб имонлилар ва етакчилар билан мулоқот тажрибасига эга ҳолда, сизда қандай фикрлар пайдо бўлганини тахмин қилишим мумкин. Эҳтимол, сиз хиёнат, зино, бузуқликлар ёки жинсий жиноятнинг баъзи шакллари ҳақида ўйладингиз. Бундай фожеали гапни тез-тез эшитиб туришга тўғри келади: “У гуноҳга қулади”. Одатда бу етакчининг жинсий муносабатлар соҳасидаги қулашига тегишлидир. Гап нима ҳақида кетаётганини тушуниш учун ушбу иборанинг ўзи етарли. Жамоат доираларида бу фикр шу қадар мустаҳкам

ўрнашиб олганки, уни аллақачон *гуноҳ* сўзининг синоними деб ҳисоблаш мумкин.

Балки сизнинг тасаввурингизга ичкиликбоз ёки гиёҳванд одамнинг тимсоли келгандир. Шубҳасиз, имонлилар бу иллатларни энг катта *гуноҳлар* деб билишади. Эҳтимол, қимор ўйинлари, қотиллик, ўғирлик ёки жодугарлик эсга келгандир. Балки бунинг эҳтимоли бирмунча паст, сизнинг *гуноҳ* тоифангизга нафрат, жанжал, ҳасад ёки кечиримсизлик киради. Ўйлайманки, рўйхат анча узун бўлишига ишончимиз комил бўлиши мумкин.

### АСОСИЙ ТАЪРИФ БИЛАН ТАФОВУТ

Хўш, бу ҳақида ўйлаб кўрдингизми? Энди тингланг: Одам Ато Адан боғида бошқа аёлнинг олдига тўшакка сакрамади ва у марихуана ҳам чекмади! Шунга қарамасдан, унинг *гуноҳи* шу қадар жиддий эдики, у туфайли бутун мавжудот асирга тушди. Биз *гуноҳ* ҳақида гапирганимизда, Одам Ато билан нима содир бўлганини эътиборга олишимиз зарур, чунки унинг жиноятининг табиати бутун инсоният ирқининг томирлари бўйлаб тарқалди. У одамларга шунчалик зарар етказадиган нима қилди? Ҳаммаси оддий – у Худо унга айтган нарсага қулоқ солмади.

Бир зум бўлса ҳам ўйлаб кўринг. Ҳозиргина мен айтган бутун рўйхат *гуноҳ* эмас деб айтмаяпман, балки мен фақатгина жамоат кўпинча *гуноҳнинг* асосий тушунчасини эсдан чиқариб қўйишини таъкидламоқдаман, ушбу муҳим таркибий қисмсиз эса йўлдан озиш осондир, бу бобда гап шу тўғрисида кетади.

Сизга бошқа бир мисолни келтираман. Айтайлик, сизнинг касаллик ҳақида билганларингиз қўйидаги хулосага тўғри келади: беморнинг ҳарорати 37 даражадан юқори, шу билан бирга у танасида ноқулайлик ҳис қилади, йўталиб, аксиради ёки кўнгли айнийди. Мен етти ёшда бўлганимда, касаллик

ҳақидаги менинг тасаввурим айнан шунга келиб тақаларди ва айнан ўшанда ўн тўрт ёшли севимли опамга саратон ташхиси қўйилган эди. У тез-тез шифокор ҳузурида бўлар, бир неча ҳафтага уни шифохонага ётқизишар эди. Онам менга тушунтириб: “Жонни, опанг оғир бетоб” – деб айтарди. Бироқ унинг иситмаси йўқ эди, у йўталмас ва аксирмас эди. Нима учун менинг ота-онам ва опам бу қадар хавотирга тушганини тушуна олмас эдим. Мен шундай хулосага келгандим: у шунчаки чарчаган. Мен унинг касаллигининг жиддийлиги ҳақида билмас эдим, чунки кўрганларимни ўз билимларим ва тажрибам орқали ўтказардим.

Агар бир куни мени мактабдан уйга олиб келмаганларида ҳеч нимани тушунмаган бўлар эдим, уйда мен отам ва онам билан меҳмонхонада ўтирган руҳонийни кўрдим. Менга опанг вафот этди деб айтишди. Фақат ўшандагина у ҳақиқатан ҳам *оғир* бетоб бўлганини англадим. Бу ойлар давомида мен нима бўлганини тушунмасдим, чунки касаллик ҳақидаги тасаввурим унинг фақат бир томони билан чекланган эди. Мен саволлар берар ҳамда секин-аста кўпроқ ва кўпроқ билиб борардим. Мен бетоб одам – бу қандайдир касаллик ёки заифлик билан оғриган одам эканини аниқладим. Ўшандан буён касалликни, энди у ҳақида эски тушунчалар билан ўлчамайман. Мен касалликнинг ҳақиқий таърифи нимани ўз ичига олишини билиб олдим.

### ГУНОҲНИНГ ҲАҚИҚИЙ ТАЪРИФИ

Худди мана шу нарса жамоатдаги кўпчилик одамларга дахлдордир. Биз ниҳоятда кўп ҳолларда гуноҳ, аслида нима эканини охиригача тушунмаймиз. Давом этиш учун Ёзув гуноҳга қандай таъриф беришини кўздан кечириш зарур. Муқаддас Китоб “гуноҳ – бу қонунбузарлик” эканини тасдиқлайди (1-Юҳанно 3:4). Юнон тилида “қонунбузарлик” *аномия* сўзи билан ифодаланган. Тайернинг юнон луғати бу

сўзни қуйидаги тарзда таърифлайди: “қонунни эътиборга олмаслик ёки уни бузиш сабабли пайдо бўлган қонунсиз ҳолат, мавжуд бўлишлиқдир”. Оддий қилиб айтганда, қонунбузарлик қонунга ва Худонинг ҳокимиятига бўйсунмасликни англатади. Вайннинг луғати бу оят “(гуноҳ) сўзининг ҳақиқий маъносини” беришини айтади. Вайн яна давом этади: “Гуноҳнинг мазкур таърифи унинг моҳиятини қонун ёки Худонинг иродасини инкор этиш ва унинг ўзидан келиб чиқувчи ирода билан алмаштириш сифатида тушунтиради”.

Ушбу таърифнинг тасдиғи сифатида Исонинг масалини кўриб чиқамиз. Бир куни У бошқа одамлар билан биргаликда таом еяётган эди ва улардан бири: “Худонинг Шоҳлигида нон ейдиган киши бахтлидир!” – деди (Луқо 14:15).

Раббий Қўзининг никоҳ базмида ким ўтириши ҳақида айтиш учун фурсатдан фойдаланди. У қуйидаги сўзлар билан бошлади: “Исо эса унга деди: “Бир одам кечки зиёфатга катта дастурхон тайёрлаб, кўпларни чақирди. Кечки зиёфат вақти келгач: “Келинлар, дастурхон тайёр бўлди”, – деб меҳмонларга айтмоқ учун қулини юборди (Луқо 14:16, 17).

Зиёфат уюштирган одам Отани ифодалайди, қул эса – бу Исонинг Ўзидир. “Қул” сўзининг бирлик сонда қўлланилиши бу талқиннинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди. Ёзув алоҳида таъкидлайди: “Қадимдан кўп маротаба ва турли тарзда пайғамбарлар орқали оталаримизга сўзлаган Худо шу охирги кунларда бизга Ўз Ўғли орқали сўзлади. Худо У орқали оламларни яратган бўлиб, Уни ҳамма нарсанинг меросхўри қилиб тайинлади” (Ибронийларга 1:1, 2). Исо бизнинг Қўмондонимиздир. Янги Аҳд даврида воизлик қилган, таълим берган ёки ёзган одамларга Худонинг хабарчилари ролини бажариш буйруғи берилган. Биз Унинг бизга айтганларини эшитишимиз ва буни бошқаларга айтилганидек етказишимиз керак.

Ушбу масалда Худонинг иродаси баён этилган: “Боринглар, зеро ҳамма нарса аллақачон тайёр”. Мазкур сўзлар ҳеч қачон Хушxabарни эшитмаган мажусийларга эмас, балки аллақачон таклиф этилганларга, яъни, Жамоатдаги имонлиларга қаратилган. Шунга қарамай, бу одамлар “Келинлар” деб айтилган чорловдан бўйин товлаш учун ҳар хил баҳона ва узрлар ўйлаб топишни бошлайдилар. Биринчиси айтади: “Менда яна битта шиша қолди, бу ерда эса яқин дам олиш кунларида кўнгилочар зиёфат бор ва мен у жойга боришни жуда хоҳлайман. Мени кечирасан”.

Иккинчиси айтади: “Мен Лас-Вегасга саёҳат ютиб олдим, яна беш минг доллар ҳам беришди, мен уларни казино ўйинларига сарфлашим мумкин. У жойга жуда ҳам боргим келяпти, шунинг учун таклиф ҳам қилиб ўтирма”.

Учинчиси шундай дейди: “Мен ўз котибамни севиб қолдим ва биз шу ҳафта дам олиш кунлари Гавайига бормоқчимиз, ўзимизга севги ҳафтасини уюштирамиз. Фақат, илтимос, хотинимга оғиз очма. У мени хизмат сафарига кетяпти деб ўйлайди. Қисқаси кела олмайман”.

Улар шундай дейишяптими? Агар сиз Муқаддас Китобни очсангиз, уларнинг жавоблари мутлақо бундай эмаслигини кўрасиз. Келинг, уларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Биринчиси у одамга: “Мен ер сотиб олдим” – деди. Энди, биз давом этишимиздан олдин, савол беришимга рухсат этинг: ерни сотиб олиш – бу гуноҳми? Агар шундай бўлса, унда кўпчилик одамларда муаммолар юзага келиши мумкин эди. Албатта, бу гуноҳ эмас ва ҳаммамиз бу ҳақда биламиз. Келинг, унинг нима деганини яна бир бор кўриб чиқамиз: “Биринчиси у одамга: “Мен ер сотиб олдим, бориб уни кўришим керак. Илтимос, мени кечиринг”, – деди” (18-оят). Мен айтиб ўтганимдек, ер сотиб олиш гуноҳ ҳисобланмайди, бироқ мулкка бўлган қизиқиш Худонинг Сўзига зудлик билан

бўйсунушдан кўра муҳимроққа айланса, у гуноҳнинг асосий таърифига киради. Бу қонунбузарлик, Худонинг ҳокимиятига бўйсунмасликдир. Бошқа таклиф қилинган одам қимор ўйинларини ўйнамоқчи эмас эди. У: “Мен беш жуфт ҳўкиз сотиб олдим, уларни синагани боряпман. Илтимос, мени кечиринг”, – деди (19-оят). Наҳотки ҳўкиз ёки кундалик ҳаётда зарур бўлган бошқа нарсаларни сотиб олиш гуноҳ бўлса? Албатта йўқ, бироқ ишлаб чиқариш ёки бизнес Сўзга ёки Худонинг иродасига зудлик билан бўйсунушдан кўра муҳимроқ ҳисобланса, унда бу гуноҳга айланади! Одам Ато Адан боғида қимор ўйнамаганини, у шунчаки Худонинг айтганига бўйсунмаганини эсга олинг.

Охиргиси: “Мен ўйландим, шунинг учун кела олмайман”, – деди (20-оят). Демак, ўйланиш гуноҳми? Албатта йўқ! Акс ҳолда кўпчилигимизда кўнгилсизликлар юзага келган бўларди. Шунга қарамасдан, яқинини рози қилиш истаги Худонинг иродасига бўйсунушдан кўра муҳимроққа айланса, унда бу гуноҳдир. Адан боғини яна бир бор ёдга оламиз. Момо Ҳаво алданган эди (2-Коринфликларга 11:3), лекин Одам Атога келсак, у билан бошқа нарса содир бўлган: “Одам Ато алданган эмас [эди]” (1-Тимотийга 2:14). Одам Атонинг гуноҳкор табиатига мурожаат қилиб, Ёзув бундай дейди: “Чунки бир кишининг *итоатсизлиги* билан кўп одамлар гуноҳкор бўлганларидай...” (Римликларга 5:19, курсив муаллифга тегишли). Одам Ато Худога бўйсунмади, унинг хотини, аллақачон мевани таътиб кўрганди ва эри ҳам худди шундай қилишини хоҳлади. Одам Ато Худонинг иродасига бўйсунушнинг ўрнига Момо Ҳавога қулоқ солди. Бу гуноҳ. Одам Атонинг итоатсизлиги натижасида “кўп одамлар гуноҳкор бўлди” ёки бошқача айтганда, “кўп одамлар қонунбузар ёки Худонинг ҳокимиятига итоатсиз бўлдилар”. Асосий гуноҳ мана шундан иборатдир. Исо масалда инсон ўз хотинини Худонинг сўзидан устун қўйганини кўрсатган.

Энди, Исо хушмуомалалик билан узр сўраган, лекин Худонинг чақирuvi ва ҳокимиятига бўйсунмаганлар ҳақида нима деяётганига қулоқ тутинг: “Чунки сизларга айтаманки, ўша чақирилган одамлардан бирортаси ҳам зиёфатимдан татиб кўрмайди” (Луқо 14:24). Эшитиб, лол қоласан! Бу одамларга бунга қадар ҳурмат билан таклифнома олган никоҳ зиёфатида иштирок этишга рухсат бермайдилар. Улар қандайдир жинсий гуноҳлар ёки гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимлик қабул қилганлари учун эмас, балки Худонинг Сўзига оддий бўйсунмаганлари сабабли, уларни Қўзининг зиёфати иштирокчилари рўйхатидан чиқариб ташладилар. Нима учун бу бизни ажаблантириши керак? Агар ўйлаб кўрилса, Одам Атонинг қаршилиги энг даҳшатли оқибатларга – бутун инсоният ирқининг ҳукм қилинишига олиб келмадимми!

Ушбу масалда гиёҳвандлар, фоҳишалар, даюслар, ичкиликбозлар, қотиллар ёки ўғрилар эсга олинмаганлиги далили диққатга сазовор эмасми? Агар давомини ўқисангиз, қул хўжайинига билдирилган барча узр ва рад жавоблари ҳақида қандай хабар бераётганини кўрасиз. Шундан сўнг хўжайин унга фармойиш беради: “Менинг уйим тўлиши учун йўлларга ва сўқмоқларга бор, одамларни келишга ишонтиргин”, – деди. Ёзувда йўллар ва йўл ёқасидаги одамлар фоҳиша, даюс, ўғри, қароқчилар тўдалари аъзолари, қотил, ичкиликбозлар ва яна бошқаларни англатади! Ана холос! Улар бу масалда яхши маънода тилга олинмоқда.

Раббий охири кунларда бундай одамларнинг кўпчилиги уларнинг ҳаёти бўм-бўш ва қайғудан бошқа нарса келтирмаслигини тушунишларини ва улар нишга қарши тепишдан чарчашларини билади. Улар Раббийнинг чорловини эшитиб, дарҳол унга жавоб берадилар ва бўйсунадилар. Улардан фарқли равишда таклиф қилинганлар – мунтазам жамоатга қатнайдиган ва ўзини художўй

ҳисоблайдиганлардир, бироқ шу билан бирга Худога фақатгина қулай бўлганда ва шахсий режа, йўл-йўриқ, барака ёки ҳузур-ҳаловатларига халақит бермаганда Худога бўйсунадиганлар – Одам Ато билан бир қаторда бўлиб, Худонинг улўфвор ҳузуридан маҳрум бўладилар.

### “БОРАМАН, ҲАЗРАТИМ”

Никоҳ зиёфати тўғрисидаги масалда гуноҳнинг ҳақиқий маъноси Худонинг ҳоқимиятига бўйсунмасликдан иборатдир. Исо бошқа бир масалда бу масалага яна тўхталади, масал “Сиз нима деб ўйлайсиз?” сўзлари билан бошланади. У бу сўзлар билан кўринишидан тақводор бўлган Ўзининг тингловчиларини чуқурроқ қарашга ва ўз жавобларида ҳақиқатни топишга ундашга ҳаракат қилди.

Исо икки ўғли бор одам ҳақида гапирди. Отаси биринчи ўғлининг олдига келиб, унга: “Ўғлим! Бугун бориб, узумзоримда ишла” – деди.

Ўғли жавоб бериб: “Истамайман” – деди. Бироқ кейин у фикрини ўзгартирди ва шахсий ишларини қолдириб, узумзорда ишлаш учун кетди.

Сўнгра ота иккинчи ўғлининг олдига келиб, ундан ҳам ўша нарсани илтимос қилди. Ўғил отасига жавоб бериб: “Бораман, ҳазратим” – деди. Шунчаки ажойиб кўринади, бу ўғил эмас – тилло ва албатта, у отаси билан жуда ҳурматли оҳангда гаплашди. Аммо Исо давомида: “Ва у бормади” – деди.

Сўнг Исо муҳим ва шу билан бирга оддий савол берди: “Иккисидан қайси бири, отанинг иродасини бажарди?” Савол йўналтирилган одамлар тўғри жавоб беришди: “Биринчиси”. Сўнгра Исо дарҳол гапнинг лўндасига ўтиб, шундай деди: “Сизларга ростини айтаман, солиқчилар ва фоҳишалар Худонинг Шоҳлигига сизлардан олдин бормоқдалар” (Матто 21:28-31). Ҳар қандай ота-она уларнинг ўғли: “Хўп, бораман”

– деб айтишини, ҳақиқатан ҳам мажбурликдан эмас, балки хурсандчилик билан боришини ва ҳамма нарсани шай ҳолда бажаришини афзал кўриши табиий ва равшандир. Нима бўлганда ҳам, масал ушбу диний етакчиларга, гуноҳнинг асосий мазмуни – бу Худонинг ҳокимиятига бўйсунмасликда эканини кўрсатди. Гап бу ерда хиёнат, қотиллик, ўғирлик ва бошқа нарсалар ҳақида кетмаяпти.

Бу етакчилар мағрур ва ўзига ишонган эдилар, чунки уларни, “катта гуноҳлар” деб ҳисоблаган нарсаларда айблаш мумкин эмас эди. Бироқ гуноҳ ҳақидаги чекланган таърифлари билан улар осонгина йўлдан озиб, жон-жаҳди билан қочган нарсани – самовий ҳокимиятга бўйсунмасликдан иборат бўлган гуноҳни қилишди.

### “КАТТА ГУНОҲЛАР” ХУСУСИДА НИМА ДЕЙИШ МУМКИН?

Биз бутун Муқаддас Китобни кўриб чиқишимиз ва шунга ўхшаш хабарни топишимиз мумкин. Эҳтимол, сиз: *“Ёлғон, ичкиликбозлик, хиёнат, ўғирлик, қотиллик тўғрисида нима дейиш мумкин? Булар гуноҳ эмасми?”* – деб ўйларсиз. Албатта, булар гуноҳ! Булар ҳам Худонинг иродасига қарши боришдир. Худо ёлғон гапирмасликни ва “ҳар бирингиз ўз яқинингизга ҳақиқатни сўзлаш”ни амр берган (Эфесликларга 4:24, 25). Шунингдек, спиртли ичимликлар борасида ҳам У шундай буйруқ беради: “Шароб ичиб маст бўлманглар” (Эфесликларга 5:18). У бизни хиёнатдан огоҳлантиради: “Зинодан қочинглар” (1-Коринфликларга 6:18). Ўғирликчи? У бизга: “Илгари ким ўғирлик қилган бўлса, энди ўғирлик қилмасин” – дейди (Эфесликларга 4:28). Қотиллик ҳақида ўқиймиз: “Ўз биродаридан нафратланадиган ҳар кимса қотилдир. Ҳеч бир қотил эса Худода мавжуд бўлган абадий ҳаётга эга бўлмаслигини биласизлар” (1-Юҳанно 3:15). Янги Аҳд бундай ишлар билан шуғулланадиган одамлар Худонинг Шоҳлигини

мерос қилиб ололмаслигини таъкидлайди (1-Коринфликларга 6:9-11; Галатияликларга 5:19-21; Ваҳий 21:8). Шунга қарамай, фақатгина биз “катта гуноҳлар” деб атайдиган нарсалар эмас, балки ҳар қандай гуноҳ вайроналик олиб келишини назаримиздан четда қолдирмайлик.

Энди, руҳшунос ва бемор ўйинимизга қайтамиз. Гуноҳнинг асл маъносини тушунадиган бемор, тезда: “Самовий ҳокимиятга бўйсунмаслик” – деб жавоб беради. У гуноҳ ва қонунбузарлик ўртасидаги боғлиқликни кўради.

### ҚОНУНБУЗАРЛИК КУНЛАРИ

Бир куни шогирдлар Исодан охириги кунлар ҳақида сўрадилар. У уларга келажақда содир бўладиган воқеалар ҳақида сўзлаб берди ва Унинг иккинчи келиши олдидан дунёда ҳукм сурадиган шароитларни тасвирлаб берди. Мана улардан бири: “Қонунбузарликнинг кўпайиши тўфайли кўпларда севги совийди. Охиригача чидаган эса нажот топади” (Матто 24:12, 13).

Мен ҳар сафар жамоатдаги имонлилардан, буни бизнинг жамиятимизда қўллаш мумкинми деб сўраганимда, улар қўлларини кўтариб, бошларини қимирлатиб маъқуллайдилар. Кўпчилик замонавий жамиятни гуноҳга ботган деб ҳисоблайди. Жуда кам одамлар, агар умуман бундайлар мавжуд бўлса, чиндан ҳам бу тўғри баҳоми деб сўрашади. Аммо Исо Ўз сўзларида жамиятни тасвирламади. У Жамоатни тасвирлади! Эҳтимол, мен нима учун бундай хулосага келишим сизни ажаблантирар. Иккила оятлардаги икки яққол иборалар буни кўрсатиб беради.

Биринчи ибора – муҳим ибора: “Кўпларда севги совийди”. Юнон тилида “севги” сўзи *агапе* сўзи билан белгиланган. Юнон тили бўйича мутахассис В.Е. Вайн *агапе* “Бунгача номаълум бўлган ғояларни ифодалаш учун... ваҳий Рўҳи томонидан” ишлатилишини ёзади. Исо деди: “Сизларга янги амрни

беряпман: Бир-бирингизни севинглар [*agape* от сўз туркумидан олинган кесим шаклидаги *agapao*]. Мен сизларни севганимдек, сизлар ҳам бир-бирингизни севинглар” (Юҳанно 13:34). Бу севги ҳали инсониятга маълум эмас эди, Масих уни олиб келди. У буни “Мен сизларни севганимдек” ибораси билан таърифлаган. Вайн яна давом этади: “Бу севги чуқур ва доимий севгини ҳамда Мукаммал Зотнинг мутлақо нолойиқ бўлган борлиққа қизиқишини ифодалайди”. Аслини олганда, гап бу ерда Худонинг сўзсиз севгиси, Исо айтганидек “дунё қабул қила олмайдиган” (Римликларга 5:5; Юҳанно 4:17) Муқаддас Рух орқали бизнинг юрагимизга қўйилган севги ҳақида кетмоқда. Бу севгини фақатгина Исо Масихни Нажоткор сифатида қабул қилган одамларда топиш мумкин.

Янги Аҳдда севги деб таржима қилинадиган бошқа сўзлар ҳам мавжуд. Бироқ уларнинг ҳар бири имонсизларга, шунингдек, имонлиларга нисбатан ҳам мустақил қўлланилиши мумкин. Бундай сўзлардан бири *филеодир*. Вайнга кўра, *филеонинг агапедан* фарқи шундаки, у мазмунига кўра нозик яқинлик ифодасига яқинроқдир... *Филео* одамларга берилган Худони “севиш” амрида ҳеч қачон ишлатилмаган. *Агапедан* фарқли ўлароқ, бу сўз фақат Худого ишонадиган одамларга нисбатан қўлланилмайди.

Исонинг: “Қонунбузарликнинг кўпайиши туфайли кўпларда севги совийди. Охиригача чидаган эса нажот топади” сўзларида – юнон тилида *филео* эмас, *агапе* ишлатилади! Исо жамият ҳақида гапирмаган, У Жамоат ҳақида гапирган. У охириги кунларда Жамоатни қонунбузарликлар қамраб олишини башорат қилган.

Биз Исонинг бошқа шунга ўхшаш фикрларини эътибордан четда қолдира олмаймиз. Улардан бирини Матто Хушхабаридан ўқиймиз: “Менга: “Ё, Раббий! Ё, Раббий!” – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шоҳлигига кирмайди, аммо Осмондаги

Отамнинг иродасини бажарадиган киши киради” (Матто 7:21).

Ушбу фикр инсоннинг қайси ҳолатда нажот топган деб ҳисобланишини аниқлашда юзага келган фикрни бекор қилади. Биз бор-йўғи қилишимиз керак бўлган нарса – бу “гуноҳқорнинг ибодат”ини айтиш деб ўйлаймиз ва инсонга, сиз аллақачон, самода жой билан таъминлангансиз деб ўргатамиз ва шунга ишонамиз. Биз Худонинг амрларига амал қилишга бепарво қараймиз ёки алоҳида эътибор бермаймиз. Бундай сохта иноят кўплаб одамларни адаштиради ва итоат масаласига енгил қарашларига сабаб бўлиб хизмат қилади. Исо Худонинг иродасини *этироф этиб, бажариш* орқали Унинг амрларига риоя қиладиган кишилар Самога боришини айтди.

Худо бизга Унинг талабларини бажаришда кучга эга бўлишимиз учун ҳақиқий иноятни берди. Ибронийларга мактубнинг муаллифи бу ҳақда ҳаммадан яхшироқ айтган: “Шу иноят билан эҳтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик” (Ибронийларга 12:28). Иноят бизга Худога Унинг иноятига мувофиқ тарзда хизмат қилишимизга имкон беради.

Масих давом этади: “Ўша кунда кўпчилик Менга: “Ё, Раббий, ё, Раббий, биз Сенинг номинг билан башорат қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизаларни яратмадикми?” – дейдилар” (Матто 7:22).

Бу ерда гап алоҳида инсонлар ҳақида эмас, балки *кўплар* ҳақида кетмоқда. Унинг олдинги сўзларидаги *кўплар* сўзини эслайсизми? “Кўпларда севги совийди”. Бу оломон Исога: “Раббий! Биз Сенинг номинг билан башорат қилмадикми, жинларни қувиб чиқармадикми, мўъжизаларни яратмадикми?” – дейди. Имонсиз одам, Исо номи билан бирорта ҳам жинни қувиб чиқара олмайди (Ҳаворийлар 19:13-17). У яна Жамоатга мурожаат қилган.

Сўнгра У ўзини масихий деб атайдиганларга: “Менинг

олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар” – дейди (Матто 7:23). Уларнинг *қонунбузарлик* қилаётганига эътибор қаратинг. Бошқача сўз билан айтганда, уларнинг ҳаёт тарзи никоҳ туйи ҳақидаги масалда тасвирланган одамларнинг ҳаёт тарзини ёдга солади. Бу одамлар ўзларига Раббийнинг буйруғидан устун турувчи тартиб, ҳузур-ҳаловат ёки режалар ўйлаб топишди. Бугунги кунда бу одатий ва табиий хатти-ҳаракатлар деб ҳисобланади. Оддий қилиб айтганда, улар фақат Унинг ҳокимиятига итоаткор эканини даъво қилишади, лекин аслида мутлақо бундай эмас. Улар ўз режаларига мос келадиган нарсаларга бўйсуняшади. Улар қонунбузарлик қилишаётганини ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Бугунги кунда жуда кўп масиҳийларнинг ҳолати шундай ва бу ҳақда мен афсус билан гапираман!

Исо Жамоат ҳақида гапирганини билишимизнинг иккинчи сабаби, Унинг кейинги иборасида ўз аксини топган: “Охиригача чидаган эса нажот топади”. Мусобақани яқунлаш учун уни бошлаш зарур. Имонсизлар, авваломбор, бу масиҳий “мусобақа”ни бошлашлари керак.

### ЙЎЛДАН ОЗИШНИНГ ЗАРБАСИ ВА ТАЛВАСАСИ

Исо ва ҳаворийлар охириги кунлар ҳақида гапирганда, одамларни бу давр муҳитини аълороқ таърифлайдиган *йўлдан озишдан* қочиш ҳақида бир неча бор огоҳлантирадилар. Йўлдан озишнинг бундай кенг тарқалишининг сабабларидан бири гуноҳнинг моҳиятини тушунмасликдир. Опамнинг касаллигига ҳам муносабатим худди шундай бўлган. Унинг касалини ҳеч қачон жиддий қабул қилмаганим учун уйга қайтиб, унинг вафот этганини билганимда шокка тушгандим. 1980-йилларнинг охирида менда худди шундай кечинма бўлган.

Бир кун мен ибодат вақтида мени ҳушёр тортирган ҳамда менинг бутун келгуси ҳаётим ва хизматимни ўзгартирган

руҳий ваҳий олдим. Мен одамларнинг катта оломонини кўрдим, халқнинг бундай йиғинини ҳали кўрмаган эдим. Улар Осмон Шоҳлигининг дарвозаси олдида йиғилиб турар, Раббий уларга дарвозани очиб: “Келинлар, эй, Отамдан барака топганлар! Сизларга дунё яратилишидан тайёрлаб қўйилган Шоҳликни мерос қилиб олинглар” – дейишини кутар эдилар. Лекин улар бунинг ўрнига: “Менинг олдимдан кетинлар, эй, қонунбузарлик қилувчилар” – деганини эшитдилар. Уларнинг юзлари қўрқинчли шок, талваса ва даҳшатдан буришганини кўрдим. Улар осмонга бораётганига чин дилдан ишонар эдилар, чунки Исонинг ҳукмронлигини ва масиҳийликка тегишли эканини эътироф этишарди. Бироқ шу билан бирга, улар гуноҳнинг асл маъносини тушунмас эдилар. Гарчи улар самога боришни хоҳлашган бўлсаларда, уларга Отанинг иродасига бўйсунуш учун жонбозлик етишмасди.

Худо юраклари бўйсунушда юришга чанқоқ фарзандларни қидирмоқда. Бу ҳаётнинг қайси соҳаларига тегишли бўлишидан қатъий назар, биз имонлилар сифатида Унинг иродасини бажаришдан хурсандчиликни ҳис қилишимиз керак. Итоаткорлик келтирган муваффақиятга ва итоатсизлик келтириб чиқарган муаммоларга тўла ҳаётининг охирида, Сулаймон ҳамма нарсанинг асоси бўлган донолик сўзларини айтди: “Ҳамма нарсанинг хулосасини тинглайлик: Худодан қўрққин ва унинг амрларига амал қилгин. Чунки инсон учун ҳамма нарса мана шундадир” (Воиз 12:13).

Матто Хушхабари шундай дейди (7:23): “Мен эса уларга эълон қиламан: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинлар, эй, қонунбузарлик қилувчилар”. Баъзилар нима учун бу имонлиларга тегишли бўлиши керак, ахир, Исо: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ” – деб айтган, дея қизиқишади? Эсингизда бўлсин, имонсизлар жинларни Исонинг номи билан қувиб чиқара олишмайди.

Исо: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ” – деб айтганида, “билганим” сўзи юнон тилида *гиноско* сўзини англиштишни тушуниш зарур. Бу сўз Янги Аҳдда эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларни таърифлаш учун ишлатилган (Матто 1:25). У муносабатларнинг яқинлигини англатади. Аслини олганда Исо: “Мен сизларни ҳеч қачон яқиндан билганим йўқ” – деб айтган. Коринфликларга биринчи мактубда (8:3) (асл юнон тилидан янги таржима. – Таржимон изоҳи) шундай ёзилган: “Бироқ, агар ким Худо севса, У Худо томондан таниб-билингандир”. Бу ерда ҳам *гиноско* сўзи қўлланилади. Худо Уни севадиганларни яқиндан билади. Уни севадиганлар эса, Унинг сўзларига итоат қилиб, Унинг ҳокимиятига бўйсундилар. Исо деди: “Мени севайдиган одам Менинг сўзларимга риоя қилмайди” (Юҳанно 14:24).



# ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ СИРЛИ ҲОКИМИЯТИ

*Бирор киши томонидан хабар берилмаган,  
лекин ваҳий орқали олинган билим –  
йўлдан озишдан энг яхши ҳимоя бўлиб  
хизмат қилади.*

Ёзувда “охирги кунлар” ибораси тез-тез тилга олинади. Ушбу кунлар, бир томондан, энг ҳаяжонли, иккинчи томондан, инсоният тарихидаги энг қўрқинчли давр ҳам бўлиши мумкин. Ҳаяжонли бўлишининг сабаби, чунки биз ҳали ҳеч бир авлод кўрмаган Худо шарафининг буюк намоён бўлишининг гувоҳига айланамиз ва бунга жонларнинг ақл бовар қилмас ҳосили ҳамроҳлик қилади. Бу шон-шараф ва қувонч, ҳукм ва қўрқув вақти бўлади.

Охирги кунлар даҳшатли бўлади. Ҳаворий Павлус бизга аниқ айтди: “Охирги кунларда оғир замонлар келади” (2-Тимотийга 3:1). У бу сўзлардан олдин бошқасини айтди: “Шуни ҳам билгинки”. Бошқача қилиб айтганда: “Менинг ҳозир ёзадиганимни яхшилаб эслаб қол; бунни ўз онгинга

уқтириб, муҳрлагин!” Кейинроқ, у учинчи бобда бу замонни тавсифловчи воқеа-ҳодисаларни батафсил баён қилади. Ушбу замонлар даҳшатли деб аталишининг сабаби ҳукуматлар ёки худосизлар томонидан қувғинларнинг кучайишида эмас. Уларнинг бутун оғирлиги Жамоатда йўлдан озишнинг кенг тарқалишидан иборат бўлади. Бу огоҳлантириш бутун Янги Аҳд давомида кўп маротада эшитилади.

Йўлдан озиш – қўрқинчли нарсадир. Нима учун? Чунки унда ёлғон бор! Йўлдан озишда бўлган инсон ўзининг ҳақлигига бутун юраги билан ишонади, лекин аслида, бу ундай эмас. Исо Хушxabарларда бир неча бор йўлдан озишдан огоҳлантиради. Фақат Матто Хушxabарида (24-боб) У тўрт маротаба бундан эҳтиёт бўлиш кераклигини айтади. Аслида, шогирдлар Исодан Унинг келишининг аломатларини сўраганида, У охириги кунлар ҳақида айтган биринчи нарса: “Эҳтиёт бўлинглар, токи ҳеч ким сизларни йўлдан оздирмасин” – гапи бўлди (Матто 24:4). Унинг огоҳлантиришларида қатъийлик сезилади: оҳанги жиддий ва тантанали. У Унинг сўзлари шогирдларининг қалбларида абадий муҳрланишини хоҳлаган. Исонинг сўзлари икки минг йилдан буюн яшаб келмоқда. Биз доно бўлишимиз ва Унинг насиҳатларини эътиборсиз қолдирмаслигимиз керак.

## Икки муҳим савол

Биз ўзимизга иккита муҳим саволни беришимиз керак. Биринчиси: йўлдан озишнинг асосий сабаби нимада? Иккинчиси: нима учун йўлдан озиш, тўсиқларсиз тарқалишга қодир? Биринчи саволга жавоб бериб, биз асосий сабабни аввалги бобда, аллақачон муҳокама қилганимизни айтаман. Бу Самовий ҳоқимиятга бўйсунмаслик ёки қонунбузарликдир. Бизга огоҳлантириш берилган:

Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас,  
балки бажарувчилари бўлинглар (Ёқуб 1:22).

Бу жойда энди, ҳазилга ўрин йўқ! Ёзув бизга, агар инсон Худонинг Сўзини *эшитса*-ю, лекин унга *бўйсунмаса*, унда унинг юраги ва онгига йўлдан озиш келишини айтади. Бундай одам, аслида бутунлай бошқа йўналиш томон ҳаракат қилаётган бўлсада, у тўғри йўлдалигига ишончи комил бўлади. Худо Сўзининг нуфузини ўзига қамраган, Худонинг ҳоқимиятига ҳақиқий бўйсуниб бўлмаган жойда, кўз илғамас, лекин ўз кучига кўра буюк бўлган йўлдан озишга эшик очилади.

Нима учун охири кунларда йўлдан озиш бундай дабдаба билан гуллаб-яшнайдими? Павлус кўплар алданиб қолишларини ёзади, чунки “улар нажот топиш учун ҳақиқат севгисини қабул қилмадилар” (2-Фессалоникаликларга 2:10). Ҳақиқатни севиш шунчаки уни тинглашни англамайди, балки унга бўйсуниб севишдир. Бир пайғамбарга Худо шундай деган:

Бироқ, инсон ўғли, сен ҳақингда халқининг ўғиллари деворлар ёнида, уйларнинг эшикларида суҳбатлашиб, бири бошқасига, ҳар бири ўз биродарига: “Келинлар ва Раббийдан чиққан хабарга қулоқ солинлар”, — демоқда. Улар сенинг олдинга халқ қатори келдилар, Менинг халқим сенинг қаршинга ўтиради ва сенинг сўзларинга қулоқ солади, *лекин уларни бажармайди*. Зеро улар ўз оғизларида буларни эрмак қилдилар, уларнинг юраклари ўз манфаатлари ордидан юради. (Эзекил 32:30-31, курсив муаллиф томонидан қўшилган).

Бизнинг жамоатларимиздаги кўпчиликка яхши воизлик ва таълимотлар ёқади, лекин масала ишга келиб тақалганда, улар барибир ўз манфаатларини Худонинг иродасига зид равишда устун қўйдилар (2-Тимотийга 3:1-4). Биз ҳақиқатни ҳар қандай одамдан кўпроқ, дунёдаги ҳамма нарсаданда кўпроқ севишимиз керак. Унинг иродасини қулайликдан кўра, ҳатто ҳаётдан ҳам кўпроқ жон-жаҳдимиз билан исташимиз

керак. Ўшанда биз ўзимизнинг шахсий иззат-нафсимиз ва истакларимизни Унинг истаклари ҳақи қолдириб, қониқиш ҳис қиламиз. Биз ўз хочимизни олиб, Унинг иродасини бажариш учун ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз ва имтиёзларимиздан воз кечамиз. Нимага? Чунки У Худодир, бизнинг Яратувчимиз, Халоскоримиз бўлиб, Унинг бизга бўлган севгиси мукамалдир. Фақатгина мана шу бизни йўлдан озишдан сақлаши мумкин.

Аммо Жамоатдаги имонлилар орасида бундай бағишланиш мавжудми? Воқелик бошқа нарсани айтади. Ажабланарлиси, Ёзувнинг муаллифлари бизнинг кунларимизнинг муҳитини, шу даражада аниқлик билан олдиндан кўра билишганки, баъзан бугун бизга мана шу нарса етишмайди.

### ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ СИРЛИ КУЧИ

Бизнинг кунларимизда қонунбузарликнинг бундай тарқалиш сабабларини ўрганаётганда, ҳисобга олиш керак бўлган яна бир омил мавжуд. Бизни огоҳлантирадилар: “Аммо қонунбузарликнинг сирли кучи ва режаси, аллақачон амал қилмоқда” (2-Фессалоникаликларга 2:7 [Замонавий таржимадаги Янги Аҳд. – Таржимон изоҳи.]). Юнон тилидан “қонунбузарлик” деб таржима қилинган сўз асл нусхада *аномия* сўзини англатади ва биз уни аввалги бобда кўриб чиққан эдик. Бунинг ортида қандайдир сирли куч ёки ҳокимият турганига эътибор беринг. Муқаддас Китобнинг бошқа таржимасида [рус тилида – Синодал таржима. – *Таржимон изоҳи.*] буни “қонунбузарликнинг сирли” деб атайди. Сир унинг яширин кучида беркинган. Имонлиларнинг ҳаётида қонунбузарлик агар у фош қилинган бўлса, ҳеч қандай кучга эга бўлмайди. У фақатгина моҳирона ниқобланганда самарали бўлади. Сир айнан шундан иборатдир. Худо бизни ундан огоҳлантиради, чунки бизни бу сирдан ёки сирли кучдан беҳабар қолишимизни истамайди (2-Коринфликларга 2:11га қаранг).

Шайтон – йўлдан оздиришнинг устасидир. Ўйлаб кўринг-а: у Худога қарши исён кўтарди ва фаришталарнинг учдан бир қисми унинг ордидан эргашди (Ваҳий 12:3, 4). Албатта, бу мукамал ибтидо ўртасида, улуғворликка тўлган Раббимизнинг ҳузурида содир бўлди! Исо шайтоннинг нафақат ёлғончи, балки яна ёлғоннинг отаси эканидан огоҳлантирган (Юҳанно 8:44). Масиҳ сўнги кунларда ёлғон ва йўлдан озиш алоҳида кучга эга бўлиши ва танланганлар ҳам уларнинг қурбонига айланишини таъкидлаган (Матто 24:24га қаранг).

Бу бизни ажаблантирмаслиги керак. Агар у самодаги миллионлаб фаришларни олиб кета олган бўлса, нима учун унга “ҳавода ҳукмронлик қилаётган бош ҳукмдор” бўлган ердаги дунёда одамлар оломонини алдаш қийин бўлиши керак (Эфесликларга 2:2). Биз ҳозир айнан Исо айтган ўша кунларда яшамоқдамиз, келинг, шунинг учун Павлуснинг Коринф жамоатига жўшқин мурожаатини диққат билан ўрганайлик:

Лекин илон ўз ҳийлагарлиги билан Ҳаввани алдаганидек, сизларнинг онгингиз ҳам Масиҳдаги соддаликдан йироқлашиб бузилмасин, деб кўрқмоқдаман (2-Коринфликларга 11:3).

Павлус имонлиларнинг заифлиги ва Момо Ҳавонинг йўлдан озиши ўртасида ўхшашликни кўрсатган. Шубҳасиз, иблис ўйлаб топиши мумкин бўлган энг жозибали найрангларида бири Момо Ҳавони йўлдан оздириш бўлган. У мукамал муҳитда иблиснинг таъсири ва босимидан ҳоли яшаган. У танавий фикрлаш таъсиридан ҳоли тарзда, Худонинг ҳузуридан баҳраманд бўлган. Уни исён кўтаришга мажбурлаш учун шайтон нозик ҳийла-найранглари ўйлаб топишига тўғри келди. Унинг фикрларининг поклигини барбод қилиш учун у айёр ҳаракатни зимдан ишга солди. Агар биз унинг

Момо Ҳавога нисбатан ишлатган усулини англаб етсак, биз унинг энг яхши қуролини фош қиламиз. У бизни қандай алдашга уринаётганини ва нима учун бугун кўпчилик Худога итоатсизлик қилаётганини тушуниб етамиз.

Момо Ҳавони алдов билан Худога итоатсизлик қилишга мажбур қилишганини эсланг, бироқ Одам Ато нима қилаётганини аниқ билар эди. Мен жамоатдаги одамлар нима қилаётганини аниқ-равшан тушуна туриб, кўзларини катта очган ҳолда, Худонинг амрларини бузишларини тез-тез кўраман. Улар йўлдан озиш ҳолатида бўлмайдилар. Улар хавfli ҳудудни босиб ўтиб, руҳий ўлимга яқинлашмоқдалар (Римликларга 8:13). Ушбу одамлар тош юракдирлар ва уларга эришиш қийин. Лекин бошқа бир тоифадаги – жамоатдаги бўйсунмасларнинг кўпчилигини ташкил этувчи одамлар – яъни, *алданган одамлар* ҳам бор. Момо Ҳаво билан бўлган ҳолат сингари, билимсизлик улар учун йўлдан озиш ва қонунбузарликнинг сирли кучи томон йўл очган.

Билимсизлик – йўлдан озиш учун фаровон заминдир. Худо: “Шунинг учун Менинг халқим билимсизлик туфайли асирликка олиб кетилади” [ёки “билимнинг йўқлиги туфайли” – Инжилнинг инглизча таржимасида (NKJV). – Таржимон изоҳи] – деди (Ишаъё 5:13). Бизга Худонинг йўллари ва Унинг руҳий қонунлари ҳақида очилган билим бизни душманнинг йўлдан оздиришидан сақлайди. Унинг ҳақиқатининг нури ҳар қандай ёлғонни фош этади ва бизни ундан ҳимоя қилади.

### ЕТКАЗИЛГАН БИЛИМГА ҚАРШИ ВАҲИЙ

Худо одамни Адан боғига жойлаштириб: “Раббий Худо инсонга шундай амр берди: “Боғнинг ҳар бир дарахтидан бемалол еявергин. Фақат яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтидан емагин. Чунки ундан еган куниеқ аниқ ўласан” – деди (Ибтидо 2:16, 17).

Шундан сўнг, Раббий аёлни эркакнинг қовурғасидан яратди. Бу бироз кейинроқ содир бўлганини тахмин қилиш мумкин, чунки аёл пайдо бўлишидан аввал, Одам Ато барча ҳайвонлар ва само қушларини кўриб, ном беришга улгурган эди.

Момо Ҳаво Одам Атодан фарқли равишда буйруқларни тўғридан-тўғри Худонинг оғзидан эшитмади. Аниқроғи, улар Худонинг боғида мулоқотдан завқ олишаётганда, Одам Ато улар ҳақида Момо Ҳавога хабар берган. Биз Момо Ҳавонинг илонга берган жавобларини таҳлил қилиб, буни тахмин қилишимиз мумкин. Қуйидаги сатрларни диққат билан ўқинг:

Раббий Худо яратган барча дала ҳайвонлари орасида илон энг айёри эди. Илон хотинга: – Ростдан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дарахтдан еманглар, деб айтдимиз? – деди. Хотин эса илонга деди: – Боғдаги дарахтларнинг мевасидан ея оламиз-у, Худо: «Сизлар ўлмаслигингиз учун фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, унга тегманглар ҳам» – деди (Ибтидо 3:1, 3).

Биринчидан, илон Худонинг амрига шубҳа қилганда, Момо Ҳаво дарҳол “Худо айтди” деб айтишнинг ўрнига, аввал “биз ея оламиз” деб жавоб берганига эътибор беринг. Бу тартиб ва қоидалар ҳақида, воситачи орқали эшитган одамнинг одатий жавобидир. Бу амр Кимдан келган бўлса, худди Унда бўлгани каби юрак ва истакка эга одамнинг жавоби эмас.

Иккинчидан, Момо Ҳавонинг жавоби Худо томонидан берилган амрдан фарқ қилишига эътибор беринг. У қўшиб қўйди: “Худо: «Сизлар ўлмаслигингиз учун фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, унга тегманглар ҳам» – деди”. Худо уларга тегиш ҳақида бирорта ҳам сўз айтмаган эди. Мана Раббийдан эмас, бошқа бир одамдан ваҳий олганингизда, нима содир бўлиши мумкинлигига яна бир мисол.

Худо Ўз Руҳи орқали Сўзни очганида, у ҳаётимизнинг бир қисмига айланади. Бу биз китоблар ўқиганимизда, таълимотда барпо бўлганимизда ёки ёлғиз Муқаддас Китоб ўқиганимизда ёки Муқаддас Руҳ билан мулоқотда бўлганимизда содир бўлиши мумкин. Одам Ато учун Худонинг амрлари уни ўраб турган барча нарсалар сингари ҳақиқий эди. Улар унинг мавжудлигининг бир қисми эди. Аксинча бўлса, биз Худодан буйруқларни эшитганимизда, бироқ улар бизга Муқаддас Руҳ томонидан очилган бўлмаса, унда улар бизнинг ҳаётимизнинг бир қисми бўлмайди. Биз учун улар шунчаки қонундир, “гуноҳнинг (итоатсизликнинг) кучи эса – қонундир” (1-Коринфликларга 15:56).

Мен айтиб ўтганимдек, Одам Ато Момо Ҳавога Худонинг амрини етказган деб ҳисоблайман. Аниқроғи, Момо Ҳавонинг ўзи бу ҳақида Худодан, ҳатто сўрашга ҳам уриниб кўрмаган. У шунчаки, Одам Атонинг сўзларини “борича” қабул қилган. Бу унинг учун ваҳий орқали олинган билим бўлмаган, бу бошқа одам орқали етказилган билим бўлиб, бу билим Момо Ҳавони йўлдан озишнинг сиқуви остида янада ҳимоясиз қилиб қўйди. Шунинг учун илон ҳужум учун Одам Атони эмас, айнан Момо Ҳавони танлади.

Фақат ваҳий орқали олинган билимгина йўлдан озишдан энг катта ҳимоячимиздир. Кўпчилик Ёзувдаги билим, насиҳат ва тақиқларни фақат эшитиб қабул қилишлари тўфайли қонунчиликнинг асирига тушиб қолганлар. Улар қаердан келишидан қатъий назар – ота-онадан, воизхонлар ёки видео ёзувлар, китобларданми – авваломбор, ҳар бир алоҳида маласага нисбатан Худонинг иродасини излаш зарур. Бу бизни йўлдан озишдан ҳимоя қиладиган тушунчани беради. Акс ҳолда, қонуннинг фақат ҳарфи бўлади, лекин ҳаёт бўлмайди.

Одамлар бобни ёки оятни аниқ қилиб такрорлаши мумкин, бироқ улар Ёзув келтирадиган ҳаёт нафасини йўқотадилар. Улар ғайратга тўлиб, ҳозиргина семинар ёки анжуманда олинган янги

таълимотлар билан бўлишадилар, лекин ўзлари бажонидил бўлишган нарсаларига биноан яшаш учун қобилиятсиз бўлиб чиқадилар. Бу уларнинг ҳаётининг бир қисмига айланмайди. Улар пуч бўлган ва Худодан ҳаёт олиб келишга қодир бўлмаган сўзларни айтадилар. Бу нарса содир бўлганида, улар осонгина Худонинг айтганига нимадир қўшиш ёки нимадир олиш васвасасига тушадилар. Улар осонгина йўлдан озадилар, чунки улар Худонинг йўлларини тушуниб етмайдилар.

Мен бир неча бор қўйидаги иборани эшитишимга тўғри келган: “Биласанми, биродар, пул – ҳамма ёвузликларнинг илдизидир!” Лекин Худо бошқача гапирган. Мана Унинг сўзлари: “Пулга бўлган *севги* – ҳамма ёвузликларнинг томирдир” (1-Тимотийга 6:10, курсив муаллифга тегишли).

Агар пул ҳамма ёвузликларнинг томири бўлганда эди, унда биз Исода ҳам камчилик топган бўлар эдик, чунки Унинг хазиначиси ва пул учун тўрваси бор эди! Бир куни бир аёл унинг бутун йиллик маошига тенг тутатқи солинган идишни синдириб, у билан Исони мойлади. Пулни яхши кўрган Яҳудо содир бўлган воқеадан хафа бўлди. Раббийнинг Ўзи уни бунда фош қилди ва аёлнинг ишини маъқуллади (Юҳанно 12:3-7).

Йўқ, пул эмас, балки унга бўлган *севги* – мана, нима ҳамма ёвузликнинг илдизи ҳисобланади. Бу пулга эга бўлиш носоғлом истаги ва пулга қарамликдан иборатдир. Пулга қонуний ёндашиш пулга нисбатан носоғлом муносабатни шакллантиради, лекин Худо буни истамайди. Раббий бизни пулга ҳирс қўйишдан ва унга қарамликдан огоҳлантиради. Очкўз одамлар Худога маъқул тарзда маблағларни бошқаришга қодир эмаслар. Бу фақатгина Сўз уларнинг юракларида ваҳийга айланмаганини тасдиқлайди. Улар фақат бошқа одамлар етказган Унинг Сўзи ҳақидаги билимни қабул қилишган ва шу тарзда, йўлдан озиш учун асосий даъвогарларга айланишган.

Демак, биз ваҳий орқали билимни қандай оламиз? Раббийнинг қаршисида камтарликда юриш ҳамда Худонинг қўрқуви ва юракда Худонинг алангаланаётган севгисига эга бўлиш билан оламиз. Худо шундай дейди:

Лекин мана, Мен кимга назар ташлайман: камтарин ва руҳи эзилган ҳамда Менинг Сўзим олдида титрайдиган одамга (Ишаъё 66:2).

Унинг Сўзи олдида титрайдиган одам, ҳатто бу унга фойдали бўлмасада, зудлик билан Унга бўйсунди. Бундай одам Худонинг ҳақиқий қўрқувига эгадир. Ёзув аниқ айтади: “Раббийнинг сири – Ундан қўрқадиганларгадир, У уларга Ўз аҳдини англатади” (Сано 24:14).

Энди, биз ҳаётининг ниҳоясида айтган Сулаймоннинг сўзларини яхшироқ тушуна оламиз: “Худодан қўрққин ва унинг амрларига амал қилгин. Чунки инсон учун ҳамма нарса мана шундадир” (Воиз 12:13). Худо Ўз сирлари ёки йўлларини Ундан қўрқадиганларга очади. Юҳанно шундай деган:

Мен сизларга буни сизларни *алдаётганларга* нисбатан ёздим. Бироқ Худодан олган мойланиш сизларда бор экан, сизларга бировнинг уқтиришининг ҳожати йўқдир. Лекин шу мойланишнинг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидек – бу эса ёлғон эмас, балки ҳақиқатдир – шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масихда бўлинглар (1-Юҳанно 2:26, 27, курсив муаллифга тегишли).

Кўришимиз мумкинки, ваҳий орқали берилган Худонинг Сўзи бизни йўлдан озишдан асрайди. Момо Ҳаво алдов йўли билан исёнга жалб қилинди, чунки унга Худонинг ваҳийи орқали олинган билим етишмади. У илоннинг сўзларида ҳийла ва ёлғонни фаҳмлай олмади.

## ИЛОН БУНИ ҚАНДАЙ ҚИЛДИ?

Давом этиб, қуйидаги саволга жавоб берамиз: илон қай тарзда аёлни алдади? Унинг айёр ҳужум режаси нимадан иборат эди? Ушбу саволларга жавобларни билиш жуда муҳимдир. Ўйлаб кўринг: у қандай қилиб, уни йўлдан оздиришга муваффақ бўлди? Ахир, Момо Ҳаво мукаммал муҳитда яшарди-ку. Ҳеч бир ҳоқимият эгалари унга босим ўтказмади. Унинг қалбида отаси, бошлиғи ёки хизматчи билан мулоқотдан сўнги ёқимсиз доғ қолмаган эди. У гуллаб-яшнаган боғда, иблиснинг ҳар қандай босимидан озод яшар эди. У фақатгина Худонинг инояти ва таъминотини биларди. У Худонинг ҳузуридаги мулоқотдан завқланиб юрарди. Хўш, илон уни алдаш йўлини қандай топди?

Худонинг амрини эсланг: “Боғнинг ҳар бир дарахтидан [бемалол] еявергин. Фақат яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтидан емагин. Чунки ундан еган куниёқ аниқ ўласан” – деди (Ибтидо 2:16, 17).

Худонинг инояти берди: “[бемалол] еявергин...”, шу билан бирга Унинг ҳоқимияти чеклов қўйди: “Фақат яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтидан емагин”. Худо Одам Ато ва Момо Ҳаво бир дарахтдан бошқа ҳар қандай дарахтнинг мевасидан бемалол ейишларини таъкидлади.

Худонинг табиати севиш ва беришдан иборатдир. У Уни севадиган ва Унга итоатда бўладиган дўстларга эга бўлишни хоҳлаган эди. Унга танлаш ҳуқуқидан ажралган роботлар керак эмас эди. У Худонинг суратида ва Унга ўхшаш қилиб, эркин ирода билан яратилган дўстлари бўлишини истади. Уларни дарахтдан ейишларини чеклаш орқали уларни ўлимдан ҳимоя қилди. Бу уларнинг иродасининг иштирокини назарда тутар эди. Улар Худога ишониб, бўйсундиларми? Амрсиз, танлов ҳам бўлмаган бўлар эди.

Илоннинг сўзларига эътибор беринг: “Раббий Худо яратган

барча дала ҳайвонлари орасида илон энг айёри эди. Илон хотинга: – Ростдан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дарахтдан еманглар, деб айтдимиз? – деди” (Ибтидо 3:1). Бизнинг замонавий тилимизда бу шундай жаранглаган бўлар эди: “Эшитишимча, Худо сизларга ҳеч бир дарахтнинг мевасидан еманглар дебди. Шу ростми?”

Илон ўз ҳужумини Худонинг амридан диққатни олишдан бошлади. Унинг маъносини ўзгартириб, у Одам Ато ва Момо Ҳавони Худонинг ниятларидан шубҳаланишга мажбур қилди. У Момо Ҳавони охир-оқибат, Худонинг раҳм-шафқати ва ҳаққонийлигига шубҳа қилишига олиб борадиган фикрлаш йўлига йўналтиришни истар эди. У бунини қилишга муваффақ бўлгани заҳоти, Ҳавони осонликча Худонинг ҳоқимиятига қарши йўналтирди.

Илон Худонинг саҳийлигини эътиборсиз қолдирди ва Унинг ягона тақиқига ишора қилди. Улардан қандайдир яхши нарсани яшираётганига шаъма қилди. Илон биргина савол билан Одам ва Ҳавога ўзларининг хавфсизлиги учун берилган ягона амрни бузиб кўрсатди ва уни яхши нарсага нисбатан адолатсиз тақиқ сифатида тақдим этди. Унинг оҳангида масхара қилиш сезилиб туради: “Шундай қилиб, Худо сизларга ҳеч бир дарахтнинг мевасидан еманглар дедимиз?” Уларга боғдаги ҳамма нарсага рухсат берилганига қарамасдан, илон Ҳавонинг эътиборини фақат улар ейиши тақиқланган ўша дарахтга қаратди. Худо ўз табиатига кўра “берувчи” бўлган бир вақтда, илон Момо Ҳавони Уни “тортиб олувчи” деб ҳисоблашга мажбур қилди.

Илон Раббийни адолатсиз қилиб кўрсатиб, Унинг ҳоқимиятига кўз олайтириши мумкин эди. Шайтон аҳмоқ эмас. У ҳужум учун Худо ҳоқимиятининг энг асосини танлади: “Ҳақлик ва одил ҳукм Унинг тахтининг пойдеворидир” (Сано 96:2). Унинг тахти – бу Унинг ҳоқимиятининг рамзидир.

Агар шайтон Худонинг ҳақ феъл-атворини ёлғон йўли билан бузиб кўрсатса, унда Унинг ҳоқимиятининг асоси ҳам Унинг ижодининг нигоҳида шубҳали бўлиб қолади.

Аёл илоннинг саволига жавоб бераркан, уни тўғрилади: “Боғдаги дарахтларнинг мевасидан ея оламиз-у, Худо: «Сизлар ўлмаслигингиз учун фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, унга тегманглар ҳам» – деди (Ибтидо 3:2, 3).

Эҳтимол, у ушбу амр ортида турган сабаб билан қизиқиб қолгандир. У Худонинг эзгулиги хусусида ўйлашни бошлади. Сиз унинг фикрларини ўқий оласизми? *“Ёмонга ўхшамайди... Нима учун биз бу дарахтдан ейишимиз мумкин эмаслигини билмайман. Ундан қандай зарар бўлиши мумкин? Унинг биз учун қандай ёмон томони бор?”* Момо Ҳаво Худонинг ниятларига нисбатан ички шубҳага эга бўлиб, Худонинг ҳоқимиятидан шубҳаланишга тайёр эди.

Илон Раббий феъл-атворининг обрўси, ҳаққонийлиги ва яхлитлигига путур етказиш имкониятини қўлдан бой бермасдан, Унинг Сўзига тўғридан-тўғри ҳужум қилди: “Йўқ, аниқ ўлмайсизлар! Зеро Худо биладики, ундан еган куниеқ кўзларингиз очилади, шунда сизлар худолар каби яхшилик ва ёмонликни биладиган бўласизлар” (Ибтидо 3:4, 5).

Йўлдан ўриш устаси, у Момо Ҳавонинг Худого бўлган садоқати таянган асосий пойдеворни бузишга ҳаракат қилди. У очиқчасига Худого қарши чиқиб, уни ўлмаслигига ишонтира бошлади. Шайтон ўзининг важларини таклиф қилди: “Сизлар ўлишининг ўрнига Худо каби бўласизлар. Сизлар яхшилик ва ёмонлик ўртасида танлов қила оласизлар, чунки сизлар доно бўласизлар. Сизлар ортиқ ҳамма нарсани воситачи орқали эшитишингиз ёки нотўғри буйруқларга бўйсунингиз керак бўлмайди”.

## ГУНОҲ КЕЛДИ – ҚУЛЛИК ҲАМ КЕЛДИ

Момо Ҳаво ҳайрат ва саросимада қолди. У ҳайрон бўлди: *“Нима учун Худо менга бу мевалардан ейишни тақиқлайди?”* У энди, унинг меваларини яхшироқ ўрганиш учун янги кўзлар билан дарахтга қаради, энди янги кўзлари билан қаради. У мевалар бутунлай ёмон ва хавfli эмас, аксинча, кўриниши ҳатто, жуда ёқимли деган хулосага келди. У: *“Уларни, шубҳасиз ейиш мумкин ва муҳими, улар бизни ҳақиқатан ҳам доно қилади”* – деб қарор қилди.

Бундай хулоса чиқариш уни кўр қилди. У эътиборини биргина дарахтга қаратиб, мўл-кўл бўлган иноят ҳақида унутди. У шундай фикрлади: *“Бу дарахт бизга қандайдир яхши нарса келтиради, Худо эса буни биздан яширди. Унинг барча мевалари бизники бўлиши мумкин эди. Нима учун У биз билан бундай йўл тутди? Агар У бизни бу дарахтга қўймаётган бўлса, У яна нимани биздан яширган экан?”* Агар Худонинг феъл-атвори, яхлитлиги ва раҳм-шафқатини шубҳа остига қўйсангиз ҳамда ўзингизнинг жазоланмаслигингизга амин бўлсангиз, Унинг ҳоқимиятига бўйсуниб учун ҳеч қандай асос қолмайди. Момо Ҳавонинг ўзбошимчалиги Отанинг иродасини сиқиб чиқарди. У мевани узиб олиб, қўлида айлантириб кўрди – ҳеч нарса содир бўлмади. Афтидан, илон ҳақ. Сўнг у уни татиб кўрди ва эрига мазасини кўришга берди.

Улар бу дарахтдан еб кўрганларидан сўнг, уларнинг кўзлари тўсатдан очилиб, уларни уят ва қўрқув тўлқини қамраб олаётганини ҳис қилдилар. Улар ўзларининг яланғочлигини кўришди ва итоатсизлик билан руҳий ўлим келди. Мева бундан буён уларни бошқарадиган қудратли нозирга айланди. Худонинг Сўзига шубҳа қилиб ва йўлдан озиш йўлида туриб, улар исённинг ҳукмдорига эшик очдилар ҳамда у уларнинг авзойи бузуқ бошлиғига айланди. Ёзув таъкидлайди: *“Билмайсизларми, сизлар бўйсуниб учун ўзларингизни*

кимга қул қилиб топширсангизлар, кимга итоат қилсангизлар, ўшанинг қули бўласизлар. Сизлар ё ўлим келтирувчи гуноҳнинг [Худонинг ҳокимиятига бўйсунмасликнинг] қулига, ёки ҳақлик келтирувчи итоаткорликка қул бўласизлар” (Римликларга 6:16). Зулмат ҳукмдори нафақат Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ҳаётига кириш ҳуқуқини, балки бу дунёга қонуний кириш ҳуқуқини ҳам олди. Ҳаворий Павлус бу ҳақда шундай ёзган: “Битта киши орқали дунёга гуноҳ кириб, гуноҳ орқали эса ўлим кирганидай, худди шундай, ўлим ҳамма одамларга ўтди, чунки ҳамма гуноҳ қилган” (Римликларга 5:12).

Уларнинг исёнидан олдин на ғазаб, на нафрат бор эди, кечиримсизлик, жанжал, ғийбат, ҳалокат, ёлғон, алам, талончиликлар ҳам бўлмаган. Шунингдек, жинсий бузуқликлар, гиёҳванд моддаларга, ичкиликка иштиёқ, қотиллик ва ўғирлик ҳам мавжуд бўлмаган. Хотини ёки болаларига нисбатан зўравонлик йўқ эди. Касаллик, ўлим, қашшоқлик – бундай тушунчалар шунчаки мавжуд бўлмаган. Инсон табиий офатлар, фалокатлар, юқумли касалликларнинг кенг тарқалишини ҳеч қачон кузатмаган. Ҳайвонот дунёси тўлиқ уйғунликда яшаган. Ер атмосфераси тинчлик ва осойишталикда бўлган, чунки Худо бутун мавжудот устидан ҳукмронлик қилган.

Бўйсунмаслик инсоннинг хулқ-атвориغا таъсир қилган ва бутун инсониятга тарқалган даҳшатли хулқ-атвор муаммоларини келтириб чиқарди. Уларнинг рўйхати ўсиб, авлоддан-авлодга, янада жирканчли бўлиб бормоқда. Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоатсизлик қилишди ва уларнинг бу ҳаракати қонунбузарликнинг сирли ҳокимиятига асос солди. Ушбу ҳокимиятдан келиб чиқувчи йўлдан озиш туфайли одам ўзининг Самовий қўллаб-қувватлашини ва ҳимоясини йўқотди. Шайтоннинг қулашини такрорловчи исён унинг ҳокимияти ва вайрон қилиши учун эшикларни ланг очди. У Худога бўйсунмиш

эмас, балки Унга ўхшаш бўлиш имкониятидан юз фоиз фойдаланди. Худонинг ижодини қул қилиб, у ўзининг тахтига тирмашиб чиқиб олди (Ишаъё 14:12-14).

## СЦЕНАРИЙ ҲОЗИРГИ КУНГАЧА ШУНДАЙЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Ўшандан буён шайтоннинг услуби деярли ўзгармаган. У ҳали ҳам Худонинг феъл-атворини бузиб кўрсатиш ва бизни Унинг ҳокимиятига қарши қилиб қўйиш истаги билан ёнмоқда. Биз бунини Ёқубнинг Мактубида яққол кўраемиз: “Севикли биродарларим, алданманглар! Ҳар бир эзгу эҳсон, ҳар бир мукамал ҳадя юқоридан, нурлар Отасидан тушади. Унда ўзгартиш йўқ, ўзгарувчан соя ҳам йўқдир” (Ёқуб 1:16, 17).

Ушбу сатрлар муаллифи биз имонлилар Момо Ҳаво бардош бера олмаган қонунбузарликнинг сирли кучига таслим бўлмаслигимизга муваффақ бўлишни истаган. У бизни ҳаворий Павлус каби ҳимоя қилиш учун огоҳлантирган. Биз унинг сўзларига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишимиз ва уларни юракларимизга мустаҳкам ўрнатишимиз керак. Худонинг иродасидан ташқари ҳақиқат ҳеч қандай яхшилиқни ўз ичига олмайди. У эзгу ва ёқимли кўриниши мумкин, лекин қаерда Худонинг иродаси бўлмаса, алданманг, у ерда биз учун эзгулик ҳам йўқдир.

Ёқуб бир неча маротаба такрорлаган: агар сен Худонинг таъминотидан ташқарида эзгулик борлигига ишонсанг, Момо Ҳаво алдангани сингари, сени ҳам алдаш мумкин. Биз муҳокама қилган нарсалар устидан яхшилаб ўйлаб кўринг. Бирор нарса қанчалик яхши кўриниши ва қандай ёқимли ҳисларни келтириб чиқариши муҳим эмас; бу сизни нечоғлик бой, муваффақиятли ва доно қила олиши муҳим эмас, агар бу Худодан бўлмаса, охирида у сизни улкан қайғу, хафагарчиликка ва ниҳоят, ўлимга олиб боради. Худонинг таъминоти ва

ҳимояси йўлдан озиш билан тўхтатилади. Ҳар қандай эзгу ва мукамал инъом Отадан келади. У бизнинг Манбаимиздир. Ушбу ҳақиқатни олиб, уни юрагингизга жойланг, ўшанда сиз жозибадор таклифларга учмайсиз. Агар Момо Ҳаво бунӣ қилганида эди, у бир сония ҳам Худога шубҳа қилмаган бўлар эди. У Худонинг таъминотидан ташқарида ўз истакларининг амалга ошишини излаган.

Қанчадан-қанча одамлар нотўғри истакларга таяниб ўйланади ва турмушга чиқади! Эҳтимол, Худо уларни ота-оналари ёки чўпонлар орқали огоҳлантирган ёки тўғридан-тўғри уларни юрагига гапиргандир, бироқ улар ушбу огоҳлантиришлардан кўра, ўз фикрларини афзал билишган. Балки улар ёлғиз бўлишгандир ва уларга мулоқот етишмагандир. Эҳтимол, улар танлаган йигит ёки қиз ёқимли ташқи кўринишга эгадир ёки уларга керакли ёрдамчи сифатида қарагандирлар. Кўпчилик Худонинг иродасига эмас, ўзининг иродасига бўйсунини афзал билганлар ва кўп ҳолларда катта азоб-уқубатларни ўриб олишган.

Албатта, Худо бизга нотўғри қарорларимизнинг оқибатларидан халос бўлишни беришга қодир. Довуднинг Баршебага ўйланишдан иборат гуноҳи кечирилди ва кейинчалик уларнинг ўғли Сулаймон туғилди. Шунга қарамасдан, Довуд ўзининг итоатсизлиги туфайли барибир кўп азобларни ўриб олди: қилич ҳеч қачон унинг хонадонини тарк этмади. У ҳали жуда ёш ва кучга тўла уч ўғлини йўқотди. Биз бўйсунини танлаганимиз нақадар яхши.

Кўпинча одамлар Худо уларни илдиз оттирган ўз жойларини – иш, жамоат, шаҳарларини, уларнинг устидан қўйилган бошлиқлари билан рози бўлмаганликлари туфайли ташлаб кетадилар. Эҳтимол, уларга ҳаёти тўхтаб қолгандек ва айни дам улар турган жойда уларнинг келажаги йўқдек кўринар. Тез орада қулай имконият пайдо бўлиб, гарчи улар

Муқаддас Рухнинг тасдиғига эга бўлмасада, ўз жойларини тарк этадилар. Кўпинча уларнинг кетиши Худо уларни даъват этган муқаддаслик билан мурасага келишни англатади. Бу одамлар: *“Мен бу тешикда жуда узоқ ўтириб қолдим, нимадир қилиш керак”* - деб ўйлайдилар. Охир-оқибат, улар ўзларига яхши бўлиб кўринган мақсадларига эришишда Худонинг иродасига қарши бориш даражасига етадилар. Баъзан улар, ҳатто ўзларига мол-дунё тўплашга муяссар бўлишади, лекин шу билан бирга, уларнинг юраклари Раббий билан яқин ва иштиёқли мулоқотдан узоқлашади.

Қанчалик кўп одамлар Худонинг иродасига бўйсунмайдилар! Улар ёқимли ва фойдали деб ҳисобган нарса кетидан қувадилар. Худонинг Сўзидан ташқарида муваффақиятга эришиш учун воситаларни топадилар. Бу мақсадлари сари интилишда давом этиб, завқ, бахт топадилар ва ҳаяжонли лаҳзаларни бошдан кечирадилар – лекин буларнинг барчаси вақтинчадир. Улар Худо “йўқ” деган жойда “эзгулик” топадилар. Худо улардан қандайдир ажойиб нарсани ушлаб қолишидан қўрқадилар! У уларнинг эҳтиёжларини тушунмайдилар ёки уларнинг истакларига эътибор қаратмайдилар деб ўйлашади. Улар ўзлари қўйган муддатда ибодатларига жавоб олмаганларида, Худони садоқатсиз деб билишади. Улар шундай фикр юритадилар: “Нега қутиш керак? Мен ҳозирнинг ўзида ёқимли ва фойдали нарсани оламан!”

### ИСО ҲАҚИДА ЎЙЛАНГ

Исо ҳақида ўйланг. У қирқ кун саҳрода сувсиз, егуликсиз ва қулайликсиз бўлди. Очлик чидаб бўлмас ҳолатга келганда, Унинг қорни тиришиб оғрий бошлади. Агар тез орада овқат емаса ёки ҳеч бўлмаганда бир қултум сув ичмаса, У ўлади. Лекин биринчи бўлиб, Унга нима келди – таъминотми ёки васваса?

Ўша дамда Унинг олдида шайтон ўзининг саволлари билан

яқинлашди: “Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, буюргин, бу тошлар нонга айлансин” (Матто 4:3). Душман яна яқиндагина, Худо аниқ айтган нарсани шубҳа остига қўйди. Йордан дарёси қирғоғида Ота Исони Ўзининг Ўғли деб очиқ эълон қилди. Шайтон яна Худонинг феъл-атворини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилди: “Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, унда нимага У Сени оч қолиш учун бу ерга чақирди? Нима учун У Сени таъминламайди? Балки Ўзинг учун ғамхўрлик қилиш вақти келгандир. Агар Сен тез орада овқат емасанг, ўласан ёки жуда ҳам кеч бўлиб, Сенда даҳшатли оғриқлар бошланади. Ўзингга хизмат қилиш учун Ўз ҳоқимиятингдан фойдалан. Ушбу тошларни нонга айлантир”.

Исо унга қарши туриб, Худонинг таъминотини кутди. У душманга Ўзининг онгида Худонинг феъл-атворини бузиб кўрсатишга йўл қўймади. Ота Унинг барча эҳтиёжларини қондиришини билар эди. Ўша пайтда қанчалар қийин бўлмасин, У Худонинг ҳоқимиятига бўйсунди.

У ҳамма нарсани Ўз қўлига олиш васвасаси олдида туриб берганидан сўнг, “иблис Уни тарк этди ва фаришталар келиб, Унга хизмат қилдилар” (Матто 4:11). Нима учун? Ибронийларга мактубнинг муаллифи Исо ҳақида шундай деган: “Масих танадаги кунларида Ўзини ўлимдан қутқаришга қодир бўлган Худога кучли фарёд ҳамда кўз ёшлари билан ибодату илтижолар қилди ва Ўз художўйлиги туфайли Уни Худо эшитди. У Худонинг Ўғли бўлса ҳам, азоб чекиш орқали итоат қилишни ўрганди” (Ибронийларга 5:7, 8). Худо Уни эшитди, чунки Унда диёнатли қўрқув бор эди. Исо ҳеч қачон Худонинг эзгулигига шубҳа қилмаган. Ҳатто ҳеч ким бошдан кечирмаган буюк васваса ва шиддатли азоблар қаршисида ҳам, гарчи оғир бу синовларни олиб келган бўлсада, У итоаткорликни танлади.

Одам Ато ва Момо Ҳаводан фарқли ўлароқ Исо Отага

итоаткор бўлган ва Унга тўлиқ бўйсунган. Бу Унинг ҳаётига олиб борадиган душманнинг барча оstonаларини тўсиб қўйди. У гувоҳлик берди: “Энди, сизлар билан кўп гаплаша олмайман, чунки бу дунёнинг ҳоқими келмоқда ва Менда у ҳеч нарсага эга эмас. Лекин дунё билсинки, Мен Отамни севаман ва Отам Менга қандай амр берган бўлса, Мен шундай қилаяпман. Энди, қани, туринглар, бу ердан кетайлик” (Юҳанно 14:30, 31).

Одам Атодан фарқли равишда охирги Одам Ато бўлмиш Исо, Отасига тўла-тўқис итоатда юрди ва шайтоннинг Унда ҳеч қандай ҳиссаси йўқлиги ҳақида гувоҳлик беришга тўла ҳақли эди. Айнан шунинг учун бизга насиҳат беришади: “Кимки мен Унда [Исода] жо бўлмоқдаман деб айтса, Масих қандай юрган бўлса, у ҳам шундай юриши керак” (1-Юҳанно 2:6). У бизнинг намунамиз ва бизнинг Мубоширимиздир. У биз учун нарх тўлаб, бизга йўлни ёритган Зотдир. Биз биринчи Одам Атонинг йўлидан ва унинг қонунбузарлиги ордидан боришга ортиқ маҳқум эмасмиз, аммо биз охирги Одам Атонинг итоаткорлиги йўлидан эргашишга даъват этилганмиз ва ваколатлимиз.

Ёзув қизғин эълон қилмоқда:

Шунинг учун бизлар атрофимизда гувоҳларнинг шундай буюк булутига эга бўлиб, ҳар бир оғирликни ҳамда бизларни осон қўраб олаётган гуноҳни афдариб ташлайлик ва тайинланган мусобақада сабр-тоқат билан югурайлик. Имоннинг асосчиси ҳамда тугатувчиси бўлган Исога кўз тикайлик. У шармандаликни менсимай, Ўзига тайинланган қувончнинг ўрнига хоч азоб-уқубатига чидади ва Худо тахтининг ўнг томонида ўтирди. Сизлар дармонсизланиб, жонингиз ҳолсизланиб қолмаслиги учун гуноҳкорларнинг Унга қарши ҳақоратларига чидаган Исо ҳақида фикр юритинглар (Ибронийларга 12:1-3).

Бу ҳамма нарсага хулоса ясайди. Биринчи Одам Атонинг қулашидан сабоқ олинг ва охириги Одам Атонинг итоаткорлигига жон-жаҳд билан эргашинг.

Биз кейинги бобда итоатсизликнинг оқибатларини кўздан кечирамиз. Улар ҳар доим ҳам дарҳол аён бўлмайди, бироқ уларни қайтариб бўлмайди. Итоатсизлик сизга аён бўлгани заҳоти, ҳеч қачон ҳаётингизда унга кўнишга ҳаракат қилманг.



## ИТОАТСИЗЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (1-ҚИСМ)

*Имон ва итоат ажралмас ҳисобланади,  
чунки итоат – ҳақиқий имоннинг  
гувоҳлигидир.*

**И**тоатсизлик ҳар доим ҳам тезда аниқлаб бўлмайдиган қўплаб оқибатларни олиб келади, аммо улар тўпроққа экилган уруғлар униб чиққани каби, албатта, пайдо бўлади. Жонларимизнинг душмани биз итоатга калтабинлик билан муносабатда бўлиб, шу тариқа унинг йўлдан оздириш услубининг осон ўлжасига айланишимизга умид қилиб, биздан бу билимни яширишга уринади.

Баъзи бир одамлар уларнинг итоатсизлигининг ҳар қандай оқибатлари, улар ўз ихтиёри билан қабул қилган қарорларидан кейин ҳам, эриша олган нарсалари орқали ортиғи билан қопланади деб ҳисоблайдилар. Бундай ёлғон ва ўта хавfli тушунча, қанчалик кенг тарқалганига лол қоламан. Бу қонунбузарликнинг сирли ҳокимиятининг жумбоғидир. Мен чин дилдан умид қилиб, ибодат қиламан, токи кейинги учта

боб ҳеч қачон итоатсизликнинг таъсирига берилмаслигингиз учун юрагингизда қатъийликни мустаҳкамласин.

## ОДАМ АТОНИНГ ЎҒИЛЛАРИ

Одам Атонинг тўнғич ўғли Қобилдан бошлаймиз. Қобил деҳқончилик билан шуғулланар эди. Одам Атонинг иккинчи ўғли, унинг укаси Ҳобил чўпон эди. Ёзув ҳикоя қилишича, бир мунча вақт ўтгач, Қобил ерининг ҳосилларидан Раббийга бағишлов келтирди, Ҳобил эса ўз сурувининг тўнғичини қурбонликка келтирди. Кейинчалик биз кўрамиз: “Раббий Ҳобилга ва унинг қурбонлигига назар ташлади, лекин Қобилга ва унинг бағишловига назар ташламади” (Ибтидо 4:4, 5).

Ҳа айтганча, айнан шу оят кўпинча биз жамоатларимизда учратадиган қуйидаги: “Худо сени қандай бўлсанг, шундайлигингча қабул қилади” – деган умумий фикрни рад этади. Бу нотўғри. Албатта, *агар биз тавба қилсак*, Худо бизни қабул қилади! Аммо бундай фикрни Ҳананияҳ ва Сапфирага нисбатан қўллашга уриниб кўрингчи. Бу ерда нимадир мос келмаяпти, чунки улар ҳалок бўлишди (Ҳаворийлар 5:1-11га қаранг).

Худо Қобилнинг қурбонлигини қабул қилмади. Боз устига, У Қобилнинг ўзини ҳам қабул қилмади! У Қобилни қабул қилмагани, Қобилнинг кейинги тақдирини – абадий рад этилишини англатмайди, бироқ бизни сўзсиз қабул қиладиган Худо ҳақидаги бизнинг замонавий таълимотимиз, барибир ноаниқ бўлиб чиқмоқда. Аслида, у ўз ичида хавфни яширади, чунки юракларимиздан Худонинг қўрқувини сиқиб чиқаради. Раббийнинг қўрқуви бизни ҳимоя қилади ва гуноҳдан узоқлашишга ундайди (Чиқиш 20:20). Муқаддас Китоб айтганидек, Ҳананияҳ ва Сапфиранинг ўлиmidан сўнг, “бутун жамоатни буюк қўрқув босди” (Ҳаворийлар 5:11). Итоатсизлик энди, қандайдир тасодиф эмас эди!

Мен Одам Атонинг икки ўғли ҳақидаги ҳикояни янада

тушунарлироқ қилиш учун уни бироз замонавийлаштиришни хоҳлардим. Унинг ўғиллари Раббийга ҳамма умид қиладиган уйда улғайди. Иккаласи ҳам ҳаётларининг рамзий ифодаси бўлган нарсани Худога бағишловга келтирди. Муқаддас Китоб бизга танамизни тирик қурбонлик қилиб бағишлашимизни айтади (Римликларга 12:1га қаранг). Худога қурбонлик – бу бизнинг Унга хизматимиздир. Шунинг учун биз Ҳобил Худога хизмат қилган, унинг акаси Қобил эса хизмат қилмаган деб айтмаймиз. Қобил жамоатга бормаслик учун турли спорт ўйинларида ва стриптиз клуб ёки барларда дайдиб юрмаган. Қобилни Худо ҳақида ҳеч нарсани билишни истамайдиган одам билан адаштирманг. Унисини ҳам, бунисини ҳам Худо билан тирик мулоқотга эга имонли деб аташ мумкин.

Иккаласи ҳам қаттиқ меҳнат қилиб, Раббийга қурбонлик келтиришди. Қобил Ҳобилдан кўра кўпроқ меҳнат қилган деб тахмин қилиш мумкин. Мен деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида зўр мутахассис эмасман, бироқ мен аниқ биламанки, чорвачилик – осон меҳнат эмас, лекин деҳқончилик ҳам катта меҳнатни талаб қилади. Чорва кўпайтириш билан шуғулланади, бунда сиз эрталаб ва тушлиқдан сўнг ўз вазифангизни бажаришингиз керак, куннинг энг қизиган вақтида сояда дам олишингиз ва бирор бир муздек нарса ичишингиз мумкин.

Деҳқончилик – янада қизғин меҳнатдир. Қобилнинг қурбонлиги Худо томонидан лаънатланган ерда пешона тери билан топилган эди (Ибтидо 3:17-19). Қобил тупроқни тошлардан, тўнқалардан ва ахлатлардан тозалади. Сўнг у ерни шудгор қилиб, ишлов берди. У экин экиб, уларни суғорди, ўғит солди, янги униб чиққан экинларни ҳимоя қилди. Бағишловни олиш учун у катта куч сарфлашига тўғри келди.

## НИМА УЧУН ХУДО ҚОБИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАДИ?

Шунда биз қуйидаги саволни беришимиз керак: “Ахир, нима учун Худо Қобил кўпроқ меҳнат қилишини била туриб, унинг бағишловини қабул қилмади?” Биз жавобни унинг ота-онасида топишимиз мумкин. Худо Боғда яратган ҳамма нарса устки қопламага эга эди. Ҳайвонларнинг териси, балиқларнинг тангачалари, қушларнинг патлари бор эди. Ҳеч қаерда оқ айиқни жинси кийимда кўрмайсиз, унга қўшимча устки қоплама керак эмас.

Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳам бундан мустасно эмас эди. Уларнинг устида табиий ёпинчиқ ёки кийим йўқ эди, аммо уларга шуҳрат “тожи кийдирилган эди” (Сано 8:6). *Тож кийдирилган* сўзи “ўраб олинган” деган маънони англатади. Улар у билан қопланган эдилар. Худо уларнинг устига қўйган ўша шуҳрат ҳамма нарсани қамраб олган ва уларнинг нигоҳида танавий яланғочликни яшириб турар эди. Ёзув айтади: “Одам билан хотини иккаловлари ҳам яланғоч эдилар, аммо уялмас эдилар” (Ибтидо 2:25). Уларнинг ҳаётларида ҳеч қандай уялиш йўқ эди, боз устига, уларнинг ҳаёти тўлиқ Худонинг юзи қаршисида ўтар эди. Кийим ҳақидаги фикр ҳатто, уларнинг ҳаёлига ҳам келмаган, улар шунчаки унга муҳтож бўлишмаган.

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худого итоатсизлик қилган лаҳзада ҳаммаси ўзгарди. Бунгача уларнинг ҳаётида уларнинг руҳи устунлик қилган бўлса, энди тана асосий ўринни эгаллади. Улар дарахтдан еганларидан сўнг Муқаддас Китобда ёзилган илк сўзлар: “Шунда иккаловларининг ҳам кўзлари очилиб, яланғоч эканликларини пайқадилар” – бўлди (Ибтидо 3:7). Бу жойда асосий сўз “*пайқадилар*” ҳисобланади. Улар шу пайтгача эга бўлмаган билимни олдилар.

Яхшилик ва ёмонликни билиш тамойили шундан иборатки, сиз тўғри ва нотўғри нарсани фарқлаб яшайсиз. Гуноҳга йиқилгунча уларнинг хатти-ҳаракатлари нима яхши-ю, нима

ёмон ёки нима тўғри ва нотўғрилиги ҳақидаги билим билан эмас, балки Худонинг билими билан белгиланар эди. Улар ишонч ва севги билан илҳомланган итоат билан бошқарилган эдилар. Тўғри ва нотўғри уларнинг онгида эмас, балки Худонинг қўлларида эди.

Унинг ишлари мукамал ва Унинг барча йўллари адолатлидир. Худо содиқ ва [Унда] ноҳақлик йўқдир. У ҳақ ва тўғридир (Қонуннинг тақорланиши 32:4).

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худо тўғрисида мукамал тасаввурга эга бўлиб, Худонинг қаршисида яшар эдилар. Улар яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтининг мевасидан еб, Худодан ташқарида бўлган яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги билим манбасини топдилар. Буни фикрлаш тамойили деб аташ мумкин.

Улар ортиқ Раббийнинг ҳомийлигига муҳтож эмас эдилар. Улар ўзларининг ичида яхшилик ва ёмонликни ҳис қилиш қобилиятига эга бўлдилар. Мана, нима учун Худо сўраган биринчи нарса: “Ким сенга айтди?” – эди (Ибтидо 3:11).

Худо савол берганда, У бирор бир маълумотни олишга ҳаракат қилмайди. У сизни мулоқотга таклиф қилади. Раббий Одам Ато ва Момо Ҳаво дарахтдан еб, ўз донолигига суяниб гапираётганини, аллақачон билар эди. Улар итоаткорликни фикрлаш билан алмаштирдилар. Аслини олганда, У: “Шундай қилиб, сиз энди Мендан ташқарида бўлган яхшилик ва ёмонликни англаб етиш манбасини топдингиз. Шубҳасиз, сиз яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтидан егансизлар” – деди.

Улар итоатсизлик ҳаракатини амалга оширганларидан сўнг, дарҳол ўз яланғочлигини анжир барглари ёки ернинг ҳосили билан ёпди. Ҳатто, ўзларини ёпган бўлсаларда, улар барибир, ўзларининг яланғочлигини ҳис қилиб, яшириндилар. Сўнгра Худо сўради: “Ким сенга яланғочсан деб айтди?” (Ибтидо 3:11). Улар тўғри ва нотўғри деган янги ҳисдан келиб чиқиб, назарида

тўғри бўлган нарсани қилишга ҳаракат қилдилар, лекин барибир, яланғочлик ҳисси уларни тарк этмади. Янги ёпинғич Худоникига ўхшамас эди. Худо ернинг ҳосилидан бўлган кийим билан эмас, балки бегуноҳ ҳайвонни ўлдириб, Одам Ато ва Момо Ҳавони унинг териси билан ёпиб, яланғочлик учун Унга мақбул бўлган ёпинғични кўрсатди. Бу Раббийнинг амри эди.

Ўша лаҳзагача Одам Ато ва Момо Ҳаво Худо нимани қидирганини билмас эдилар, аммо Қобил ва Ҳобил, аллақачон бундай билимга эга эдилар. Ота-оналари уларга Худога тўғри қурбонлик келтиришни ўргатишган. Шунинг учун, Қобил ернинг ҳосилидан қурбонликка келтирганида, бундай қурбонлик яна нотўғри бўлиб чиқди. У Худога ўзи хоҳлаганидек хизмат қилди! У укаси Ҳобил каби болаларча итоаткорликнинг поклигига эмас, балки тўғри ва нотўғри ҳақидаги танавий фикрлашлар орқали бошқариладиган лаънатга интилди.

### СЕН УНИНГ УСТИДАН ҲУКМРОНЛИК ҚИЛ

Ёзув айтади: “Имон билан Ҳобил Худога Қобилдан кўра яхшироқ қурбонлик келтирди ва имон орқали ҳақ бўлганлиги ҳақида гувоҳлик олди, чунки Худонинг Ўзи унинг бағишловлари ҳақида гувоҳлик берди. Имон орқали Ҳобил ўлганидан кейин ҳам ҳануз гапирмоқда” (Ибронийларга 11:4). Янги Аҳд муаллифи Ҳобилнинг имони ва итоати ўртасига тенглик белгисини қўйган. Биз кейинги бобда, ҳақиқий имон итоатга тенглаштирилишини, кўпроқ айтадиган бўлсак, унга асосланишини кўраимиз. Ҳақиқий имон тўғри ва нотўғри ҳисдан эмас, балки айнан бўйсунушдан келиб чиқади.

Қобил унинг саъй-ҳаракатлари ва қурбонликлари Худога маъқул бўлмаганини тушуниб, “Қобил қаттиқ хафа бўлди\* ва унинг юзи тундлашди” (Ибтидо 4:5). Мана, ҳақиқат билан тўқнашган пайтдаги диний одамнинг одатий муносабати. У ғазаблана бошлайди. Биз бунинг тасдиғини бутун Ёзув

бўйлаб топамиз. Бу ғазаб мағрурликдан сув ичади, мағрурлик эса Худонинг иродасини ёки Унинг йўлларини рад этиб, ўзиникини танлайди.

Худо Ўзининг шафқати билан Қобилнинг кўзларини очишга уриниб, ундан сўради: “Нега хафа бўлдинг? Нега юзинг тундлашди? Агар яхшилик қилсанг, бошингни кўтариб юрмайсанми?” (Ибтидо 4:6,7). Худога яхшилик қилиш – бу Худога бўйсунушдир. У қурбонликдан кўра, кўпроқ итоатни истайди. У бир неча маротаба Ўз халқига ўз қўшиқлари ва мусиқа асбобларини қолдириб, қурбонлик келтиришни бас қилишни буюрган. Нима учун? “Чунки Мен чақирганимда, жавоб берувчи бўлмади, Мен гапирганимда – улар тингламадилар” (Ишаъё 66:4). Улар қурбонликлар келтиришди, аммо Уни тингламадилар ва Унинг буйруқларига бўйсунмадилар. Сажда қилишнинг энг олий шакли – итоатдир.

Биз буни билган ҳолда, Ибтидо (4:5) китобидаги “яхшилик қилиш” сўзини, оятнинг мазмунини ўзгартирмасдан, “*Менга бўйсунуш*” сўзи билан алмаштиришимиз мумкин. Ўшанда бу оят бундай жаранглайди: “Қобил, нега ғазабландинг? Керак эмас. Тушун: агар сен уканг каби Мени тингласанг, Мен сени ва Ҳобилники сингари, сенинг қурбонлигингни ҳам қабул қиламан”.

Раббий огоҳлантирди: “Агар яхшилик қилмасанг [Менга бўйсунмасанг], гуноҳ эшик ёнида ётибди ва сени ўзига жалб қилади, лекин сен унинг устидан ҳукмронлик қил!” (Ибтидо 4:7). Икки жиҳатга эътибор беринг. Биринчиси: гуноҳ (итоатсизлик) истакка эга бўлади. Қонунбузарликнинг отаси шайтон – бу итоатсизликнинг ортида турувчи кучдир. Бир куни бу куч Одам Ато тўғайли бизнинг ҳаётимизга кириш ҳуқуқини олди. Унинг бир мақсади бор эди – ҳаммани ва ҳамма нарсани бошқариш. Буни ҳавога жуда катта миқдордаги радиоактив газларни чиқариб юборган айёр олим билан солиштириш мумкин. Гарчи олимнинг ўзи бу ердан кўп километр узоқликда

бўлса ҳам, энди улар ҳамма жойга тарқалиб кетади. У қудратли ҳалокатли кучни ҳаракатга келтирди. Махсус ҳимоя кийимларни кийганларгина хавфсизликда бўлади. Ёзув аниқ айтади: “Биламизки, биз Худоданмиз, бутун дунё эса ёвуз шайтоннинг ҳоқимлиги остидадир” (1-Юҳанно 5:19).

Гуноҳ қилиш истагини, бутун дунё тортишиш қонуни билан таққослаш мумкин. Бу ҳамма жойда бўлган ва бутун материяга таъсир қиладиган доимий кучдир. Агар сиз бинонинг тоmidан пастга қадам ташласангиз, бу қонунни ўзингизда бошдан кечирасиз ва ергача учиб тушасиз. Тўқнашув жуда ҳам сезиларли бўлади. Сиз йиқилишни хоҳламаслигингиз ҳам мумкин, тортишиш кучи мавжудлигини билмаслигингиз ёки бунга умуман ишонмаслигингиз мумкин, шунга қарамасдан, барибир сизнинг ерга урилишингиз кафолатланган.

Олимлар яна бошқа қонунни – аэродинамика қонунини кашф этдилар. Улар тортишиш кучини маълум бир шартлар ва тамойилларга амал қилган ҳолда енгил ўтиш мумкинлигини аниқладилар. Мана шу тамойиллар асосида ихтирочилар самолётни ясашди. Самолётда учаётганингизда, сиз бутун дунё тортишиш қонунининг таъсирини ҳис қилмайсиз, чунки самолётни ерга тортиб турувчи тортишиш кучи самолёт қанотларининг кўтарилиш кучи билан мувозанатга келади. Ёзув бизга: “Чунки Исо Масихдаги ҳаёт Рухининг қонуни мени гуноҳ ва ўлим қонунидан озод қилди” – дейди (Римликларга 8:2). Бу ажойиб янгилик!

Менга самолётларда тез-тез учушимга тўғри келади. Фақатгина ўтган йили бутун дунё бўйлаб Хушxabарни воизлик қилишим учун ҳавода икки юз минг милга яқин масофани босиб ўтишимга тўғри келган. Мен самолётга ўтирганимда, аэродинамика қонуни мени тортишиш қонунининг таъсиридан озод қилишидан хурсанд бўламан. Шунга қарамасдан, агар учувчи тўсатдан моторларни ўчиришни хоҳласа ёки қанотлар

тушиб қолса, самолёт ернинг тортишиш кучининг бутун қудратини ўзида бошдан кечиради ва фалокат муқаррардир. Биз тортишиш қонуни устидан устунликка эга бўлиш билан ортиқ завқлана олмаймиз, лекин ўзимиз муваффақиятли енгиб ўтган нарсамизнинг ҳокимияти остида қоламиз.

Кейинроқ Ёзув худди шу фикрни давом эттиради: “Шунинг учун биродарлар, биз тана изми бўйича яшаш учун танадан қарздор эмасмиз. Агар тана изми бўйича яшасангизлар, ўласизлар. Агарда Руҳ билан аъзойи бадан ишларини ўлдирсангизлар, яшайсизлар” (Римликларга 8:12, 13). Гарчи ҳаёт Руҳининг қонуни бизни гуноҳ қонунидан озод қилса-да, мазкур гуноҳ қонуни ўзгармасдан қолаверади. Бизнинг ҳимоямиз ёки унинг устидан ҳукмронлигимиз ҳақиқий имон ва итоатдан келади.

Ҳаёт Руҳи қонунининг яна бошқа номи мавжуд – “имон қонуни” (Римликларга 3:27). Имон қонуни гуноҳ қонунидан устун келишини биламиз. Ҳақиқий имон итоаткорликка мувофиқ бўлган ишларни амалга ошириши сифатида тасвирланган (Ёқуб 2:19-23). Имон ва итоат ажралмасдир, чунки итоат – бу ҳақиқий имоннинг гувоҳлигидир.

Ҳобил имон ва Раббийга итоат орқали гуноҳ ва ўлим қонунидан устун эди. Худо Қобилга мурожаат қилиб, огоҳлантирди: “Сени (тортишиш қонуни бутун материяга таъсир этгани каби) гуноҳкор истак бошқармоқда. Агар сен Менга бўйсунсанг, (кўтарилиш кучи қонуни тортишиш кучини енгиши каби) унинг устидан ҳукмронлик қиласан”. Гуноҳ итоаткорлик орқали енгилади.

## ЭШИК ОЧИҚ

Худо Қобилга айтган иккинчи нарса: “Агар яхшилик қилмасанг [Менга бўйсунмасанг], гуноҳ эшик ёнида ётибди” (Ибтидо 4:7). У эшик сўзини ишлатганига эътибор беринг. Ҳар

бир инсоннинг ҳаётида маълум бир мажозий эшик бор. Сиз у ҳақида биласизми ёки йўқми, лекин у мавжуд. Эшик сизнинг ҳаётингизга кириш йўлини англатади. Бундай ҳолатда, бу гуноҳ ва иблиснинг кучлари учун кириш жойидир. Бошиданоқ, Худо гуноҳ ва иблиснинг таъсири учун бизга уни *нима* очишини ва *нима* ёпишини айтади. Уни итоатсизлик очади ва шунга мувофиқ, итоат уни қаттиқ тарақлатиб бекитади.

Қобил билан нима содир бўлди? У ўзининг донолиги ва мулоҳазаларида қаттиқ туриб олди. Унинг юрагига ҳасад кирди, унинг ортидан эса – хафагарчилик. Сўнгра нафрат келди. Қотиллик режаси туғилди ва бир мунча вақт ўтгач, ғазаб оловида укасини ўлдирди. У душманлик йўлига ўтиб, Худонинг қўрқувини йўқотди. У Худонинг укаси ҳақидаги саволига қўрс жавоб билан ўз муносабатини билдирди: “Билмайман. Мен укамга қўриқчиманми?” (Ибтидо 4:9). У Худога ёлғон гапирди, чунки укасининг қаерда эканини аниқ билар эди.

Ҳар қандай ақли-ҳуши ва фаросати жойида бўлган одам, Худо Ҳобилнинг қаерда эканини тушунади. Ўзининг хулосаларига мурожаат қилган ва ҳаётида итоатсизликка йўл қўйган ҳар бир киши билан мана нима содир бўлади: у руҳий воқелик билан алоқани йўқотади. У Худонинг тимсолини ўзининг чекланган даражасигача туширишга ҳаракат қилади ва ўзини Худо каби доно, баъзан эса Унданда донороқ тасаввур қилади. Бундай одам ҳақида ақли-ҳуши жойида деб бўлмайди. Люцифер – бунинг илк мисолидир. Қонунбузарликдан туғилган хулосалар уни Худони афдариб ташлашга қодир эканига ишонтирди. Қандай бемаънилик! Шундай бўлсада, у ортидан кўпчиликни эргаштиришга муваффақ бўлди (Ишаъё 14:12-17).

Агар сиз Қобил ва Ҳобилнинг дўсти бўлганингизда ва бу воқеани тўлиқ билмаганингизда, саросимага тушиб қолардингиз. Худога сидқидилдан хизмат қилишни бошлаган одам, қандай қилиб бундай шафқатсиз қотилга айланиши

мумкин? Бу қандай содир бўлиши мумкин? Итоатсизликда қаттиқ туриб олиб, у гуноҳ қонуни учун ўз жонининг эшигини очди. Шундай мақолни биласизми: “Бармоғингни берсанг, қўлсиз қоласан”. У итоатсизлик қонунини яққол тасвирлайди. Агар сиз унга ҳаётингизни бирозгина очсангиз ҳам, бу тўғоннинг ёрилишига ўхшайди. Охир-оқибат, сув унинг орасидан шиддатли оқим билан отилиб чиқади.

Мен қарийб ўн саккиз йил давомида тўлиқ вақт хизмат қилиш шарафига муяссар бўлдим. Ўтган йиллар давомида бир неча бор ушбу қонуннинг ҳаракатда бўлганининг гувоҳига айланганман. Мен одамларнинг Худо учун ёрқин ёниб хизмат бошлаганини кўрганман. Улар ўз жамоатларида фаол бўлиб, доим Исо ҳақида гувоҳлик беришган. Улар жон-жаҳди билан бошлаган Қобилга ўхшайдилар. Аммо вақт ўтган сайин, уларда яширин ўзбошимчалик фош бўлган вазиятлар юзага келди. Бу Қобил билан бўлган ҳикоядагидек, тўғридан-тўғри Худонинг ҳокимияти орқали ёки топширилган ҳокимият орқали содир бўлди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ҳар доим ҳокимиятга муносабат билан боғлиқ бўлган.

Мен бу одамларнинг ҳокимиятга бўйсуннишдан бош тортганларини ва қайсарлик қилганларини кузатганман. Қонунбузарлик уларнинг ҳаётини тўлиқ эгаллашини кутиш қолган, холос. Бу қотилликда ифодаланмаслиги мумкин, лекин бир нарса аниқ: қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, у албатта, номоён бўлади. Эҳтимол, бу очкўзлик, нафрат, қаҳр-ғазаб, кечиримсизлик, жанжаллар, ғийбатлар, жинсий гуноҳлар ёки танани эгаллаб оладиган қўлликнинг кўплаб бошқа шаклларида номоён бўлади. Бу одамлар хафагарчилик ва адашиш ҳолатида бўлиб, Худо билан тўғри муносабатлардамиз, қолганлар эса, айна вақтда, ҳаддидан ошиб, қонунчиликка тушиб қолган ёки Худо билан алоқани бутунлай йўқотган, деб ўйлайдилар.

Қобил билан бўлган ҳикояга ўхшаш ҳолларда, агар одамлар Раббийнинг бевосита ҳокимиятига қарши исён қилсалар, Унинг тимсоли, обрўси ва кучини янада қулайроқ даражагача кичрайтирадилар ва шу тарзда, янада кўпроқ менсимайдиган бўлиб бораверадилар. Улар Уни ўзининг Раббийси деб эътироф этадилар, лекин аслида, уларнинг суратида ва уларга ўхшаш яратилган “ўзларининг” Исосига хизмат қиладилар. Ўзлари билмаган ҳолда, улар ўз юракларида ғоя ва истакларини Худонинг тахти ва ҳокимиятидан юқори кўтарганлар. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг кўзлари юракларида ҳукмронлик қилаётган йўлдан озишдан кўр бўлиб қолган ва ўзининг ҳақиқий ҳолатини кўришмайди.

Агар сиз Қобилга, юраги ҳали ҳушёр бўлиб, Худого хизмат қилган ёшлик чоғида: “Бир кун келиб, сен ўкангни ўлдирасан” – деб айтганингизда, у ҳайратда қолиб, дарҳол: “Бунинг иложи йўқ. Мен ҳеч қачон бундай қилмайман!” – деб жавоб берган бўлар эди. Бироқ кейинчалик, у ўзини қонунбузарлик учун оқди ва бунгача ақлига сиғдирилмаган ишни қилди.

Жамоатга борадиган ва бормайдиган одамлар бир куни Худонинг қаршисида турадилар ва ўзларининг қонунбузарлиги учун ҳукм қилинадилар. Лекин сиз уларнинг ҳаёт кечиришини кузатсангиз эди, уларнинг охирати шундай бўлади деган фикрлар келишига йўл қўймаган бўлардингиз. Улар ҳатто, ҳозир ҳам ўзлари ҳақида қонунбузарлик қиляпман деб ўйламайдилар, аммо ҳақиқат очиладиган Ҳукм Кунида улар ҳайратда қолишади: “*Мен қандай қилиб, Раббийнинг йўлларига итоат қилишдан бунчалик узоқлаша олдим?*” Жавоб жуда қайғули: улар Унинг паноҳи остида бўлиш зарурлиги ҳақидаги ҳақиқатни севмадилар ва қабул қилишни хоҳламадилар.

Йўлдан озган одамлар учун биргина умид бор: Худонинг раҳм-шафқати уларнинг кўзларини очишга қодир ва Унинг ҳақиқатининг нури ёлғоннинг қора пардасига барҳам

беради. Юрагимнинг ҳайқириғи ва ушбу китобнинг мақсади – одамларни қонунбузарликнинг ёлғон кучидан ҳимоя қилиш ва аллақачон, унинг тўрига илиниб қолган кишиларга ҳақиқат нурини ёғдириб, шу тариқа уларни озод қилишдир. Мен бу хабарни бутун дунё бўйлаб воизлик қиламан ва залда бўлганлардан қанча инсонлар, қандайдир тарзда итоатсизлик қилганини сўраганимда, жавоб мени ҳайратга солишдан тўхтамайди – одатда ярмидан кўпи. Кўпчилик одамлар: “Ҳақиқат юрагимни ёритмагунича, ўзимни исёндаман деб ўйламаганман” – дея тан оладилар.

Мен ушбу китобни ҳеч қачон алданмаган ва қонунбузарликнинг сирли ҳоқимияти таъсири остига тушмаган одам сифатида ёзмаётганимни тан оламан. Йўқ, мен унинг даҳшатли исканжасида қолиб кетганман, аммо Худо Ўзининг раҳм-шафқати билан юрагимнинг хатоларини ва йўлларини очган. Мен шахсан ўзим бошдан кечирган ва озод бўла олган нарсани сизлар билан баҳам кўрмоқдаман. Мен Унинг раҳм-шафқати ва ғамхўрлиги учун қимматли Раббимиздан жуда миннатдорман!

Худо раҳм-шафқат билан биз итоатсизликка йўл қўйган соҳаларда кўзларимизни очишга ҳаракат қилмоқда, лекин камтар бўлмагунимизча, Қобил билан бўлган ҳолатдаги каби ҳақиқатни кўрмаймиз. Кейинги бобда камтарлик бизнинг озод бўлишимизда ниҳоятда муҳим рол ўйнашини кўрамиз ва шу билан бирга, мағрурлик қандай фожеали оқибатларга олиб келишини кўрамиз.



## ИТОАТСИЗЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (2-ҚИСМ)

*Қисман итоаткорлик, Раббийнинг  
нигоҳида умуман итоаткорлик эмас.*

**И**сроилнинг биринчи подшоҳи Шоул, итоатсизлик билан ўйнашадиган одам билан нима бўлишининг яққол мисоли бўлиб хизмат қилади. Унинг тарихи фожиали ва биз имонлилар учун жуда кўп ибратли нарсаларни ўз ичига олади. Унга Раббий томонидан айтилган фoш қилувчи сўзларда биз тушунишнинг калитларини топамиз. Унинг ҳаётига назар ташлаш, бизга Худонинг ҳокимиятига тўлиқ бўйсунмасликнинг руҳий оқибатлари ҳақида янада аниқроқ тасаввурларни беради. Агар биз хоҳласак, бу тушунча бизни мустаҳкамлайди, Шоулнинг муваффақиятсизлиги эса огоҳлантириш бўлиб хизмат қилади. Биз Муқаддас Китобда қуйидагиларни кўрамиз: “Зеро илгаридан нимаики ёзилган бўлса, бизнинг таълим олишимиз учун ёзилгандир” (Римликларга 15:4), шунингдек: “Буларнинг ҳаммаси уларда намуна *сифатида* содир бўлган. Бизга эса, замоннинг охирига етганларга – булар огоҳлантириш учун ёзиб қолдирилган” (1-Коринфликларга 10:11).

## ҚИСМАН ИТОАТКОРЛИК

Исроилнинг бош пайғамбари Шомуил Раббийнинг оғзидан чиққан буйруқ билан Шоулнинг олдига борган воқеадан бошлаймиз. У Шоулни қўйидаги кўрсатмаларга қатъий риоя қилиши кераклиги ҳақида огоҳлантирди: “Энди бориб, Амолеқ халқини шикастла. Уларга қарашли ҳамма нарсани тамоман йўқ қилиб ташла, ҳеч нарсасини аяма. Эркак ва аёл, бола-ю чақа, ҳўкизидан тортиб қўйигача, туясидан тортиб эшагигача ҳаммасини ўлдир” (1-Шоҳликлар 15:3). Буйруқ тушунарли ва жуда аниқ эди. Амолеқ эгалик қилган ҳеч бир нарса – хоҳ одамлар бўлсин, хоҳ чорва тирик қолиши керак эмас эди. Нафасга эга бўлган барча нарсани йўқ қилиш зарур эди.

Шоул нима деб жавоб берганига қаранг. У: “Мен буни қилмайман. Бу жуда ҳам шафқатсизлик!” – демади. Биз кўпинча исён тушунчасини фақат кўринарли томонга – очик итоатсизликка бураамиз. Бироқ бу ҳақиқатдан ниҳоятда узоқ эканини тез орада кўраамиз. Йўқ, Шоул бошида розилик билдирмади ва кейинчалик ўз қарорини ўзгартирмади. Кўпчилигимизга бундай кўринишдаги итоатсизлик таниш. Йўқ, Шоул бу буйруқни эътиборсиз қолдирмади ва у ҳақида унутмади. Кўплар бундай хатти-ҳаракатни итоаткорлик деб аташ қийинлигини тан оладилар, бироқ уни эзгу ниятлар билан оқлайдилар. Тўғрироғи, кўпчилигимиз бу вазият итоатсизликнинг турли шаклларини ифодалашига қўшилаамиз, ammo келинг, яна Шоулга мурожаат қилсак.

У зудлик билан қўшин тўплаб, уни Аломеққа ҳужум қилишга тайёрлади. Ҳаммаси ажойиб эди. У ҳужум қилиб, барча эркаклар, аёллар, болалар ва чақалоқларни шикастлади. Шоулнинг ва унинг қудратли қўшинининг қиличидан ўн минглаб одамлар қулади.

Лекин Шоул подшоҳ Амолеқнинг ҳаётини сақлаб қолди. Нега? Эҳтимол, у ўша даврнинг анъаналарига амал қилгандир.

Агар сиз халқни мағлуб қилиб, унинг етакчиларини тириклайин асирликка олсангиз, у худди жанг ўлжаси каби сизнинг қулингизга айланади.

Шоул минглаб ҳайвонларни йўқ қилди, аммо қўйларнинг, ҳўкизларнинг энг яхшиларини, семиртирилган қўзичоқларни аяди ва барча қимматли нарсаларни сақлаб қолиб, Худога тамомила ёндириш қурбонлиги келтириб, шу тариқа “Ёзувга мувофиқ” ҳаракат қилишлари учун бунини ўз халқига топширди. Энди одамлар Шоулнинг ҳаракатларига қандай муносабатда бўлганини тасаввур қилинг. Улар Йаҳвега ўлимга маҳқум ҳайвонларни қурбонликка келтирар эканлар, шундай деб ўйлашарди: *“Бизнинг қандай ҳудожўй подшоҳимиз бор, у ҳар доим Раббийни биринчи ўринга қўяди”*.

Лекин Худо буларнинг барчасига бошқача қарайди. У Шомуилга афсусланиб деди: “Шоулни подшоҳ қилиб тайинлаганимдан ачинаман, чунки у Мендан юз ўгирди ва Менинг сўзимни бажо келтирмади” (1-Шоҳликлар 15:11). Шоул ўн минглаб кишини ўлдирди, лекин бир кишининг ҳаётини сақлаб қолди. У олдига қўйилган вазифани 99,9 фоизга бажарди. Кўпчилигимиз унинг ҳарбий юришида тўлиқ итоаткорликни кўрган бўлардик, бироқ Худо унда итоатсизликни кўрди. У Ўз пайғамбарининг оғзи билан Шоулнинг ҳаракатини исён деб атади. Шундай қилиб, биз қисман итоаткорлик Худонинг нигоҳида итоаткорлик эмаслигини кўрамиз. Ҳатто 99 фоизга бўйсўниш ҳам итоаткорликни англамайди, боз устига, бу исён ҳисобланади.

Биз бундай изоҳни қанчалик тез-тез эшитамиз: “Нима учун сен, мен қилган бошқа нарсаларга қарамайсан? Сен фақатгина мен қилмаган кичкина нарсага эътиборингни қаратасан!” Шоул шундай деб айтишининг эҳтимоли кўпроқ. Гарчи ушбу хулосалар инсоний мантиққа зид бўлмасда, улар Худонинг мантиғига зиддир!

Шомуил Шоул билан учрашиш учун йўлга чиқди ва у

пайғамбарга кўтаринки руҳ билан салом бериб: “Раббийдан барака топган! Мен Раббийнинг сўзини бажардим”, — деди (1-Шоҳликлар 15:13). Унинг овозида қувонч ва ишончи комиллик сезиларди. Шоул буни самимий айтганига аминман. У чиндан ҳам унга буюрилган ишни бажарганига ишонган, лекин Худо унинг исёнда эканини айтди.

Худо кечқурун айтган гаплар билан, Шоул бутун юраги билан ишонган фикрлар ўртасидаги бундай улкан фарқни, қандай тушунтириш мумкин? Жавобни қўйдаги сўзларда топиш мумкин: “Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинлар” (Ёқуб 1:22). Инсон олдида аниқ очиқ турган Худонинг Сўзига бўйсунмаган лаҳзада, унга кўришга халал берадиган парда унинг юрагини қоплайди. Бу йўлдан адашишдир. Шоул ўз хулосаларида адашган эди. Шоул аслида ноҳақ бўлсада, тўғри йўл тутаётганига ишончи комил бўлган. Унинг хулосалари, умуман олганда, инсоний мантиққа зид бўлмаганига қарамасдан, унинг имони Худонинг табиати билан тўқнашувга киришди.

Бундай вазият, подшоҳнинг ҳаётида биринчи марта содир бўлмаган эди. Бундан олдин ҳам, Шомуил унга итоатсизлигини таъна қилган эди (1-Шоҳликлар 13:1-13). Муқаддас Китобда, эслаб ўтилмаган бошқа кўпгина ҳолатлар бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Шоулда аллақачон шахсий бўйсунмаслик услуби шаклланган эди. Бундай нарса содир бўлганда эса, ҳақиқатни хатоликдан ажратиш тобора қийинлашади.

### ЙўЛДАН ОЗИШ ПАРДАСИ

Юқоридан туғилганингиздан сўнг, биринчи марта гуноҳ қилганингизни эслайсизми? Мен эслайман. Худди юракка пичоқ санчгандек ҳис-туйғу бўлади. Биз Худонинг фарзандларига бундай ҳис таниш бўлиши керак. Бу юракларимизда Муқаддас Рухнинг фош қилишидир. Лекин

биз ҳақиқий тавбадан юз буриб, ўз хатти-ҳаракатларимизни оқлаганимизда нима содир бўлади? Икки нарса содир бўлади. Биринчиси: биз худди ўша итоатсизлик ҳаракатини қайта-қайта такрорлаш мумкин бўлган ҳолатга ўтамиз. Иккинчиси: юракларимиз йўлдан озиш пардасига қопланиб олади ва шу тариқа, гуноҳни англаб етиш ҳисси ўтмаслашади, унинг ўрнини эса, бизнинг мулоҳазаларимиз эгаллайди.

Кейинги шунга ўхшаш хатти-ҳаракатда биз энди, фош қилиш тиғининг аввалги ўткирлигини ҳис қилмаймиз, чунки парда уни юмшатди. Аксинча, биз енгил ноқулайлик туғдирувчи нинанинг санчилишини ҳис қиламиз. Биз яна ўзимизни оқлаймиз ҳамда юрагимиз уни ҳақиқатнинг чорловларидан янада кўпроқ ҳимоя қиладиган янги парда билан қопланади. Кейинги сафар биз гуноҳ қилганимизда, виждоннинг бироз чимчилганини ҳис қиламиз, холос. Агар биз ўзимизни яна оқласак, янги парда юрагимиз устига ташланади. Биз такроран гуноҳ қилганимизда, парда шу қадар қалин ва мустаҳкам бўладики, биз энди ҳеч қандай қоралашни ҳис қилмаймиз, балки фақат оқлаймиз. Йўлдан озиш биздан ҳақиқатни яширди ва бизнинг виждонимиз қуриб қолди.

Бу босқичда инсон ҳар қандай художўйликдан бутунлай узоқлашиши ёки кўпинча бўладиган нарса, художўйлик қиёфасини сақлаб қолиши, аммо яхшилик ва ёвузликни билиш лаънати остида диний ҳаёт кечириши мумкин. Унинг тўғри ва нотўғри ҳақидаги юрагидаги ҳисси, Муқаддас Рухдан олинган Худонинг тирик Сўзидан эмас, балки энди бошқа манбадан олинади. У ўз юрагининг ёлғон буйруқларига мувофиқ яшайди. Бу ўлдирадиган Ёзув ҳарфи (2-Коринфликларга 3:6) ёки жамият тўғри ёки нотўғри деб биладиган нарса бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, у тирик Худо билан мулоқотдан ташқарида бўлади. Энди бундай инсонга таъсир этишнинг ягона йўли – бу Раббий томонидан унга юборилган пайғамбар орқали бўлади.

## УЧ БОСҚИЧЛИ ЖАРАЁН

Инсонни итоатсизлигидан тўхтатиш учун Раббий уни маълум бир жараёндан олиб ўтади. Аввало, У инсонга виждонни фош қилиш орқали таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин у итоатсизликда қаттиқ туриб олишни давом эттирса, бу йўлдан озиш пардаси унга, юраги ва Худонинг кўрсатмалари билан алоқада бўлишга тўсқинлик қилаётганини англатади. Бундай ҳолатда Раббий Шоул ва Шомуил мисолида бўлгани каби, бошқа одам орқали башорат сўзи беради. Пайғамбарчилик хизматининг асл мақсади одамларнинг кўзларини Худонинг йўлларига очишдан иборат. Раббий исталган одамни пайғамбарчилик хизмати билан юбориши мумкин. Инсон пайғамбарчилик хизматига эга бўлиши шарт эмас. Хабар чўпон, ота-она, бошлиқ, бола ва бошқа киши орқали етказилиши мумкин. Ёқуб қуйидагича ёзган: “Биродарларим! Агар сизлардан бирор киши ҳақиқатдан узоқлашиб кетса ва уни кимдир яна тўғри йўлга қайтарса, билсинки, гуноҳкорни сохта йўлдан қайтарган киши унинг жонини ўлимдан қутқарган ва кўп гуноҳларини қоплаган бўлади” (Ёқуб 5:19, 20). Эътибор беринг, мактуб гуноҳга қулаган имонлиларга қаратилган. Шунингдек, “кўп гуноҳлар” сўзига эътибор беринг. Ҳақиқатдан оғиш ёки йўлдан озиш итоатсизликнинг қайта-қайта намоён бўлишидан дунёга келган.

Агар бизга юборилган пайғамбарларга қулоқ солмасак, Худо бизга ҳукм орқали таъсир қилишга уриниб кўради. Павлус шундай ёзган: “Агар биз ўз-ўзимизни *ҳукм қилганимизда* эди, *маҳкум* бўлмас эдик” (1-Коринфликларга 11:31, курсив муаллиф томонидан қўшилган). *Ҳукм қилиш* калит сўзи бу оятда икки марта ишлатилмоқда. Юнон тилида бу иккита турлича бўлган сўзлардир. Биринчи ҳолатда – “агар биз ўз-ўзимизни *ҳукм қилганимизда* эди” – *диакрино* сўзи қўлланилган бўлиб, “маълум даражада ажратиш” деган маънони билдиради. (Бу ҳамма бузуқ нарсани қимматбаҳо нарсадан ажратиш

учун, ўзимизни ичкаридан синчиклаб текширган пайтимизда содир бўлади.) Бу итоатсизликни эътироф этиб, тавба қилиш орқали амалга ошади. Иккинчи ҳолатда – “маҳкум бўлмас эдик” – *крино* сўзи ишлатилиб, “жазолаш ёки маҳкум қилиш” маъносини англатади. Павлус давом этади: “Биз бу дунё билан маҳкум бўлмаслигимиз (*крино*, жазоланмаслигимиз) учун ҳозирги вақтда ҳукм қилиниб, Раббий томонидан жазоланмоқдамиз” (32-оят). Биз бу дунё билан бирга жазоланмаслигимиз учун Худо бизни итоатсизликдан ажратиб олишга интилоқда (Матто 7:20-23; Луқо 12:45-48).

Ўз-ўзидан савол туғилади: Худонинг халқи пайғамбарчилик огоҳлантирувини эътиборсиз қолдирганда ва уни рад этганда, Худо уни қандай ҳукм қилади ёки жазолаган? Одатда жавоб қийинчиликлар, касалликлар ва бошқа бахтсизликлар шаклида келган. Сано бастакори шундай эълон қилган:

Мен азоб тортганимдан олдин адашар эдим, энди эса сўзингга риоя қиляпман... Сенинг ҳукмларинг ҳақ эканини биламан. Сен мени адолатингга кўра жазоладинг (Сано 118:67, 75).

Агар биз бошқа таржимадаги Павлуснинг сўзларига назар солсак, ҳаммаси равшан бўлади: “Шу сабабдан, сизларнинг кўпларингиз заиф ва касалсизлар, баъзилар эса, ҳатто ўляптилар. Лекин биз ўзимизни текширсак, биз Худо томонидан текширилмаймиз ҳамда бу тарзда маҳкум бўлмаймиз” (1-Коринфликларга 11:30, 31).

### ТИРИК НАЪМУНА

Мен аллақачон, Худонинг тузатишининг дастлабки икки услубини қабул қилмаганликлари туфайли Худонинг ҳукми остига тушиб қолган одамларнинг ҳаётидаги кўплаб ҳолатларнинг гувоҳи бўлганман. Бунинг ёрқин бир мисоли 1990-йилларнинг бошида, мен Техасда ёшлар оромгоҳида

воизлик қилганимда юз берди. Хизмат ҳафтаси руҳий жанг билан бошланди – кўплаб ёшлар ҳаётларига гуноҳнинг киришига йўл қўйганликлари туфайли Раббийга нисбатан сезгирликни йўқотишган эди. Ҳар бир хизматда олдинга бир нечта йигит ва қизлар чиқиб, гуноҳларига тавба қилишарди, уларнинг катта қисми жинсий алоқалар билан боғлиқ эди, ҳамда улар ажойиб тарзда Исонинг қони билан тозаланардилар. Бутун ҳафта мобайнида бундай кучли тавба тўлқинини кўриб, мен сўнги хизматда Худо кучининг портлаши содир бўлишини ҳаяжонланиб кутар эдим.

Хизмат бошланганида, бу мен кутганимдек бўлмаслигини тушундим. Мен яна фош қилиш ва тавбага чақириб зарурлигини ҳис қилдим. Воизлик қилиш вақти келганда, мен микрофонни олиб, ибодат қила бошладим. Муқаддас Рух менга кўрсатди: *“Ушбу залда ҳали ҳам исёнда бўлган бир киши бор. Унга олдинга чиқишига яна бир бор имкон бергин”*. (Мен аллақачон, олдинги хизматда исён тўғрисида воизлик қилган эдим.) Мен чақирдим ва бир неча киши олдинга чиқди, лекин мен юрагимда уларнинг орасида бу инсоннинг йўқлигини аниқ билардим. Эҳтимол, олдинга қандайдир бошқа муаммоларни ҳал қилишни хоҳлаган, Рухга сезгир йигит ва қизлар чиқишгандир.

Муқаддас Рух яна менинг юрагимга гапирди: *“Бу одамга айтгинки, агар бу йигит ёки қиз бугун Менга жавоб бермаса, унинг ҳаётига ҳукм келади”*. Мен юрагимда эшитганимни тингловчиларга аниқ қилиб етказдим, яна бир қанча ёшлар олдинга чиқди, лекин уларнинг орасида унинг йўқлигини ҳис қилдим.

Муқаддас Рух менга яна айтди: *“Агар у Менга жавоб бермаса, бу одамга қандай ҳукм келишини айтгин”*. У том маънода бу сўзларни менинг ичимга муҳрлаб қўйди: *“Бу одамга айтгинки, агарда бугуноқ Менинг чорловимга жавоб бермаса, у уч ҳафтадан сўнг авто ҳалокатда тўқнашувга дучор бўлади”*.

Мен Унинг сўзларини титроқ ва қўрқув билан қатъий такрорладим. Яна бир неча киши олдинга чиқишди, бироқ уларнинг орасида унинг йўқлигига яна ишончим комил эди. Раббий менга олдинга чиққанлар учун хизмат қилиб, ибодат қилишга рухсат берди. Шундан сўнг мен кутганимдек, бизда кучли хизмат бўлди. Кўп ёшлар Раббийдан ваҳий, баъзилари – хизматга чорлов олдилар. Баъзилар шифо топишди, ўз ҳаётлари учун йўналиш олишди. Бу хизмат узоқ вақт, балки абадий ҳамманинг хотирасида қолди.

Бир неча ой ўтгач, бир куни мен ёшлар чўпони билан телефон орқали гаплашдим. У менга ёшлар оромгоҳи бўйича ҳисобот берди. Мана у шундай деди: “Жон, бизнинг ёшлар гуруҳимизда коллеж талабаси бўлган бир қиз бор, у бизга ҳаммадан кўра кўпроқ муаммо келтирди. У бўйсунини истамас ва кўпгина кўнгилсизликлар келтирар эди. Мен Муқаддас Рух охириги хизматда айтган одам айнан у эканлигига юрагимнинг туб-тубидан амин эдим. Унинг жавоб бермаганидан жуда ҳафсалам пир бўлган эди. (Мен бу қиз ҳақида ҳеч нима билмас эдим.)

У давом этди: “Ўша хизматдан сўнг уч ой ўтиб, у сен айтган авто ҳалокатга учради. Автомобил пачоқ бўлиб кетган”. Мени титроқ қамраб олди. Мен у билан нима бўлганини билишни хоҳладим. Мен Худонинг Рухидан гапирганимга амин эдим, лекин бу инсон ўша фалокат юз беришидан олдинроқ Унинг чорловини эшитишига умид қилган эдим.

У давом этди: “Худо унинг ҳаётини сақлаб қолди! Унинг ҳолати жиддий эди, лекин у шифо топди. Ҳозир у умуман бошқа одам. Унинг ҳаёти бутунлай ўзгарди!” Елкамдан тоғ ағдарилди, у учун хурсанд эдим. Довуднинг сўзларига яна бир бор қулоқ тутинг: “Мен азоб торганимдан олдин адашар эдим, энди эса сўзингга риоя қиляпман”.

Энди, бир нарса айтишимга рухсат беринг: бу нарсаларни

бизнинг бошимизга Худо келтирмайди. У бир мунча вақт Ўзининг ҳимоя қўлларини тортиб олади ва итоаткорлик бизни ҳимоя қилиши мумкин бўлган зарбни, душман бизга беришига имкон беради. Саночи шундай эълон қилган:

Бизнинг бошимизга одамни ўтқаздинг. Биз оловга ва сувга кирдик ва Сен бизни озодликка олиб чиқдинг (Сано 65:12).

Бошқа таржима шундай дейди: “Сен бизни мўл-кўлчилик амалга ошишига олиб чиқдинг”. Авто ҳалокат бу қизни ўйлашга мажбур қилди. У шифохонада шифо топган ва мўл-кўлчилик амалга ошиш ҳудудига ўтган. Бу Худонинг биринчи тузатиш усули бўлмаган, лекин биринчиси ишламаганда, буниси таъсир кўрсатган.

Афсуски, ҳамма авто ҳалокатлар бундай бешикаст тугамайди. Яна бир воқеа эсга келади. Исён кўтарган бир йигит мен шахсан биладиган хизматчи орқали огоҳлантириш олган. У қулоқ солмаган ва қисқа вақт ўтгач, шунга ўхшаш авто ҳалокатга учраган ва у воқеа жойида вафот этган. Мен тавба қилиб, баракали бўлган одамлар ва охири, подшоҳ Шоулнинг ҳикоясига ўхшаган одамларнинг бошқа кўп мисолларини келтиришим мумкин.

### ҚУРБОНЛИККА ҚАРШИ ИТОАТКОРЛИК

Энди, Шоулга қайтсак. Шомуил подшоҳнинг йўлдан озганини кўрди ва ҳақиқий пайғамбар сифатида дарҳол мақсадга кўчди. У: “Қулоғимга эшитилаётган қўйнинг маъраши ва сигирнинг бўкириши нимаси?” – деб сўради.

Шоул зудлик билан жавоб бериб: “Уларни амалеқликлардан тортиб олишди, чунки сенинг Раббий Худойингга қурбонлик қилиш учун қўй, сигирларнинг энг сараларини аяб, сақлаб қолишди. Қолганларини эса биз қириб ташладик” – деди (1-Шоҳликлар 15:14, 15).

Шоул ҳақиқат билан тўқнашганда, у шунчаки бутун айбни халққа юклади. Унинг сўзлари қўйидагиларни англатарди: “Мен бўйсунмоқчи эдим, лекин халқ мени мажбур қилди”. Одамни итоаткорликда тавба қилмаган юрак билан тутиб олишганда, у ўз айбини бошқаларга юклайди, шу тарзда, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан қочиб умида қилади.

Одам Ато ҳам, Худо ва Момо Ҳавони айблади. Момо Ҳавонини айблади. Одам Ато ҳақ эди: Худо унга аёлни берди, аёл эса унга бу мевани берди. Лекин ҳеч ким уни бу мевани ейишга мажбурлагани йўқ. У ўз хоҳиши билан еди. Ҳа, Момо Ҳаво алданган эди, лекин Худога бўйсунмаслик қарори Момо Ҳаводан чиққан эди.

Халқ Шоулни эмас, у халқни бошқарар эди. У нафақат ўзининг итоатсизлиги учун, балки халқнинг итоатсизлиги учун ҳам жавобгар эди. У халқ устидан қўйилган бўлиб, унга уларни бошқариш ва насихат бериш ҳокимияти берилган эди. Етакчилар, диққат билан тингланг: сизга ишониб топширилган одамларнинг ҳаётига киришига йўл қўяётган итоатсизлик учун сиз ҳисоб берасиз.

Исроилнинг етакчиси ва Шомуилнинг устози Элий, ўғиллари Худонинг амрини менсимасликларини билар эди, лекин ҳеч қандай чора кўрмади. У фақатгина уларга рамзий маънода “қўлларига шапалоқ туширди”, аммо унга топширилган ҳокимиятдан фойдаланмасдан, уларни жиловламади. Шунинг учун Худо: “Сенинг айбинг учун хонадонингни тобад жазолайман”, деб эълон қилдим, чунки у ўғиллари ўзларига лаънат орттирганларини била туриб, уларни тиймади” – деди (1-Шоҳликлар 3:13). Нафақат ўғиллари, балки Элийни ўзи ҳам ҳукм қилинди.

Шоул Раббийга қурбонликка келтириш учун қўйлар ва ҳўкизларни сақлаб қолгани билан ўз итоатсизлигини оқлади. Бироқ у итоатсизлик билан Худога маъқул қурбонлик келтириб,

Унга хизмат қилиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ўз-ўзини алдаган бўлади. Бу исённинг нозик ва алдамчи шакли эди.

Исо қўйдагиларни айтди: “Агар ким Менинг ортимдан юришни истаса, ўзидан воз кечсин ва ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин” (Матто 16:24). Баъзилар хочни олиб, эътиборни азобларга, яъни қурбонлик ҳаётига қаратадилар. Шунга қарамасдан, Исонинг сўзларидаги хоч тўхташга арзийдиган ягона нарса эмас. Ўз-ўзидан бутунлай воз кечиб яшаш, лекин Худонинг мақсади ёки иродасини бажармаслик мумкин! Аслини олганда, ўз-ўзидан воз кечиш йўлини танлаб, бироқ Худога қарши исёнда қолавериш ҳам мумкин!

Исо гапирётган муҳим нарса бу *итоатдир*. Итоаткорлик томон ягона йўл – бу хочни ўзига олишдир. Зеро биз ўз режа ва истакларимиз учун ўлмасак, биз охир-оқибат, Худонинг иродаси ва инсоний истаклар ўртасида қолиб кетамиз. Агар биз ҳаётимизни Худога бўйсундирмасак, Унинг йўлларига зид бўлган шахсий истакларимизни амалга оширишнинг бошқа бир йўлини топамиз ва Шоул қилганидек, ўзимизни оқлаш учун Ёзувдан фойдалана бошлаймиз. Ўзимиздан: “Итоатсизлик Худонинг хизматига кирадими?” – деб сўрашимиз лозим. Агар бу шундай бўлганида эди, биздаги “Ёзувга мувофиқ” диний ишларимизнинг ёки қурбонликларимизнинг шарафини шайтон олган бўлар эди, зеро у исённинг отаси ва ҳокимидир.

Пайғамбар Шоулнинг хулосаларини рад этди:

Шошмай тур, бу тун Раббийнинг менга нималар деганини сенга билдириб қўяйин. — Айтинг, — деди Шоул. Шомуил давом этди: — Исроил қабилаларининг боши бўлганинда ва Раббий Исроил устидан подшоҳ бўлишинг учун сени мойлаганида, сен ўз кўзингда кичик эмасмидинг? Раббий эса сени юбориб, сенга шундай деди: “Бор, ўша бетавфиқ амалеқликларни бутунлай қириб ташла, ҳаммасини йўқотмагунингча, улар билан жанг қил”. Нега энди

Раббийнинг овозига қулоқ солмадинг?! Нима учун ўлжага ташланиб, Раббийнинг кўзи олдида ёмонлик қилдинг?! (1-Шоҳликлар 15:16, 19).

Шомуил деди: “Исроил қабилаларининг боши бўлганинда ва Раббий Исроил устидан подшоҳ бўлишинг учун сени мойлаганида, сен ўз кўзингда кичик эмасмидинг?” Бошқача айтганда: “Шоул, сен эндигина шоҳ этиб танланганинда, камтарин, буйсунувчан ва ювош эдинг”. Ушбу суҳбатдан анча йиллар олдин Шомуил биринчи марта Шоулга подшоҳ бўлиши ҳақида айтганида, Шоул ишонмасдан: “Мен Исроилнинг энг кичик қабиласи бўлган Беняминнинг ўғли эмасманми? Бенямин қабиласининг ҳамма оилалари орасида менинг оилам энг кичиги эмасми? Менга нима учун буларни айтяпсиз?” – деб жавоб берди (1-Шоҳликлар 9:21). Шоул ўзини подшоҳ сифатида кўрмади. У нима учун Худо, у каби бундай арзимас одамни танлаганини тушунмасдан саросимага тушди.

Кейинчалик, Раббий уни бутун Исроилга таништиришга қарор қилганида, ҳар бир қабила қуръа ташлаши керак эди. Қуръа Бенямин қабиласига тушди, ундан Шоулнинг оиласига, сўнгра Шоулга тушди. “Аммо уни излаб топа олмадилар. Шунда Раббийдан: — У яна шу ерга келадими? — деб сўрадилар. Раббий эса жавоб берди: — Мана, у анжомларнинг орасида яшириниб турибди (1-Шоҳликлар 10:21, 22).

У Худонинг халқини бошқаради деган фикрнинг ўзигина Шоулни титроққа солди. У ўзининг нигоҳларида кичкина одам эди. Шомуил унга бу ҳақида эслатиб, сўнгра: “Мана, Раббий сени йўлга юбориб деди: “Боргин ва бутунлай йўқ қил” – деди. Нима учун ҳозир сен Раббийдан устунроқман деб ўйламоқдасан? Сенинг донолигинг Худонинг донолигидан қачон ўзиб кетди? Нима учун сен Худо йўқ жойда, тўғри ва нотўғри нарсани қидирмоқдасан? Ўша камтар ва юмшоқ одам билан нима содир бўлди?”

Наҳотки, бизлардан кимдир Худо билганидан кўпроқ билса? Албатта, йўқ! Аммо биз Худога бўйсунмаганимизда, айнан мана шуни Худога ва атрофдагиларга айтишни хоҳлаймиз. Ўзини шухрат тахтида Ўтиргандан донороқ деб билиш аҳмоқликдир. У нафақат бутун оламини яратган, балки уни Ўз ичига сиғдиради. Юлдузларни осмонга Ўз бармоқлари билан жойлаштирган Яратувчидир. Шунга қарамай, Унинг маслаҳатини менсимасдан, биз инсоний доноликни Унинг донолигидан устун қўямиз!

### ИСЁН ВА ЖОДУГАРЛИК

Шомуил Шоулга диққат билан қараб, пайғамбарчилик даъватининг дадиллиги билан деди:

Итоат этиш – қурбонликдан ва бўйсунуш – қўчқорлар ёғидан яхшироқдир. Бўйсунмаслик – сеҳр-жоду *сингари* гуноҳ, ўжарлик эса – бутпарастликнинг *ўзидир* (1-Шоҳлиқлар 15:22, 23).

Шомуил исён ва жодугарликни бирлаштирди: “Бўйсунмаслик – сеҳр-жоду сингари гуноҳ”. “*Сингари*” ва “*ўзидир*” сўзлари бу оятларда курсив билан ажратилганига эътибор қаратинг. Одатда Муқаддас Китобдаги асл матнда бўлмаган сўзлар шундай ажратилади. Улар кейинчалик янада аниқроқ бўлиши учун таржимон томонидан қўшилган. Янада аниқроқ таржимада фақат *дир* сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу матн мана шундай бўлиши керак: “Зеро бўйсунмаслик сеҳр-жодудир”. Бу ёзувнинг умумий маъносини ойдинлаштиради. Исённи жодугарлик билан солиштириш бошқа нарса, аслида бу жодугарлик деб айтиш бутунлай бошқа нарсалар. Шубҳасиз, ҳақиқий масиҳий ҳеч қачон онгли равишда жодугарлик билан шуғулланмайди. Бироқ қанча имонлилар исён орқали йўлдан озиш тўғрисида ўзлари биламаган ҳолда унинг таъсири остига тушиб қолганлар?

*Жодугарлик* сўзи одатда қора кийим кийган жодугарнинг

тасвири билан боғлиқ. У турлича сеҳр-жодуларни ўқийди, супургида учади ёки биллур шар орқали келажакни башорат қилади, унинг хонасида эса, доим нимадир биқир-биқир қилади ва оловда қайнайди. Ёки, эҳтимол, бизга замонавийроқ нарса – масалан, афсунлар ўқийдиган ва одамларга қарата лаънат айтадиган киши намоён бўлади. Келинг, бу иккала тимсолларни ҳам ўз ҳолига қўйиб, қандай шаклга киришидан қатъий назар, жодугарликнинг асл юрагига нигоҳ ташлаймиз.

Иброний тилида жодугарлик *кесем* сўзи билан белгиланади. У *башорат*, *жодугарлик* ва *афсун* каби тушунчаларни ўзида жам қилади. Шунга қарамай, мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу сўзларнинг оккултизмга нисбатан аниқ маъноси номаълум эканлиги ушбу сўзнинг таржимаси кўплигини тушунтиради. Жодугарлик қандай шаклда бўлиши ёки қандай услублардан фойдаланиши эмас, балки у қандай натижа ёки мақсадни кўзлаши муҳимдир.

Жодугарлик иблиснинг соҳаларидан бирини очади. Унинг мақсади – шароитлар, вазиятлар ёки одамларни турли хил воситалар билан, кўпинча руҳий дунёда нима содир бўлаётганини тўлиқ тушунмаслик орқали *назорат қилишдир*. Бу кенг тарқалган бўлиши мумкин: вазиятни тўлиқ тушунмасликдан тортиб, зулматнинг қандай кучлари ҳаракат қилаётганини бутунлай англашгача. Аслида, жодугарлик билмасдан ҳам, гапни тўлиқ англаган ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин. Унинг мақсади – назорат қилишдир, бироқ иблис кучлари аралашгани туфайли, бундай одам назорат қилувчидан муқаррар равишда назорат қилинувчига айланади.

## ИТОАТСИЗЛИК ОРҚАЛИ ҚУЛЛИК

Собиқ ёшлар чўпони сифатида мен кўп маротаба оккултизмга дуч келганман. Маҳаллий мактабларда ҳар хил поғонадаги, ўлганларнинг руҳи билан шуғулланувчи жуда кўп

ёшлар ўқишган. Менинг ёшлар етакчиларим жодугарчилик ва шайтонга сиғинишга қўшилган синфдошларини учратишлари ҳақида вақти-вақти билан хабар беришарди.

Оккултизмнинг мен учратган энг қизиқарли тамойилларидан бири қуйидагидан иборат: бир кишини ўз тўдасига (жодугарлик билан шуғулланувчи одамлар гуруҳи) жалб қилиб, уларнинг етакчилари уни гиёҳванд моддаларни қабул қилишга, ичишга, никоҳдан ташқари жинсий алоқа қилишга, ўғирлик қилишга ҳамда Худонинг қонунларига ва инсоний ахлоқ меъёрларига зид бўлган бошқа ҳаракатларни қилишга руҳлантирадилар. Худо менга ҳақиқатни очмагунича, мен бунинг сабабини умуман тушунмас эдим: “Исён – бу жодугарликдир”.

Уларни, сен қанча кўп исён қилсанг, шунча кўп кучга эга бўласан деб ўргатишади ва улар кучни қидирадилар. Улар қанча кўп исён қилсалар, шунча кўп иблиснинг кучлари уларга таъсир ўтказишига, уларнинг ҳаётларини назорат қилишига рухсат берадилар. Улар Худо томонидан ва У томонидан топширилган ҳокимиятлар ўрнатган тартиб ва қонунларга қарши исён кўтариб, онгли равишда назорат қилувчи иблиснинг дунёсига қонуний кириш ҳуқуқини таъминлаб берадилар.

Бу ғоялар жодугарлар ўзларининг шайтоний библия деб атайдиган китобида акс этган. Бир неча йил аввал хизматдан сўнг, хотиним билан меҳмонхонадаги хонамизда телеканалларни ўтказиб, тасодифан шайтонга ва жодугарликка бағишланган каналга дуч келиб қолдик. Мен аллақачон, ойнаижаҳонни бошқа каналга олмоқчи эдим, бу аслида оқилона ҳаракат, чунки биз руҳий жанг ҳақида билишимиз зарур бўлган барча нарса Худонинг Рухидан келиб чиқиши кераклигига ишонаман. Шунга қарамай, мен бир дақиқага тўхташ кераклигини ҳис қилдим. У ерда шайтоний библия муҳокама қилинаётган, қандайдир шоуни кўрсатар эди

ва бошловчи биринчи рақамли амр ҳақида гапирди: “Истаганингни қил”.

Бу менинг эътиборимни тортди. Хотирага дарҳол Ёзув оятлари кела бошлади. Саночи айтади:

Мана, Мен келмоқдаман; Мен ҳақимда ўроғлик битикда ёзилган. Ё, Худойим, Мен Сенинг иродангни бажаришни истайман, Сенинг қонунинг юрагимдадир (Сано 39:8, 9).

Исо Ўзи ҳақида шундай деган: “Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини излайман” (Юҳанно 5:30). Мен кўп йиллик изланишлардан сўнг, Худо Унга итоатда яшайдиганларга илтифот қилишини тушуниб етдим. Бунинг акси ҳам ҳақиқат экани тўсатдан ҳаёлимга келди: зулмат руҳлари исёнда яшаётганларга илтифот қилади. “Истаганингни қил” амри – бу Худонинг Сўзига тўғридан-тўғри зиддир ва у Худонинг исён ҳақидаги сўзларига жуда ҳам яхши мос келади.

Онгли равишда ўз ҳаётини шайтонга хизмат қилишга бағишлаганлар бу тамойилни тушунадилар, бошқалар эса йўлдан озишда бўладилар. Беҳабар одамлар қонунбузарликни озодлик деб янглиш қабул қиладилар. Бироқ исёнда озодлик йўқдир. Янги Аҳдда аслида, нима содир бўлаётгани аниқ тасвирланган: исёнчилар иллатнинг қулларига айланадилар. Петрус уларнинг адашишини шундай таърифлаган: “Ўзлари [бўйсунмасликни қўллаб-қувватлайдиган ўша етакчилар] чиришнинг қули бўла туриб, бошқаларга озодлик ваъда берадилар. Бироқ одам нимадан енгилса, ўшанинг қули бўлади” (2-Петрусга 2:19).

Ҳақиқат маълум. У жойда озодлик йўқ, у ерда фақат жонга шайтоний босим ва таъсир учун йўл очувчи кишан ва назорат мавжуд. Павлус кўп маротаба эътиборимизни ушбу соҳага қаратади: “Билмайсизларми, сизлар бўйсүниш учун ўзларингизни кимга қул қилиб топширсангизлар, кимга

итоат қилсангизлар, ўшанинг қули бўласизлар. Сизлар ё ўлим келтирувчи гуноҳга, ёки ҳақлик келтирувчи итоаткорликка қул бўласизлар (Римликларга 6:16).

Шунингдек, Исо ушбу тамойилнинг аҳамиятини таъкидлаган: “Ростини, сизларга ростини айтаман, гуноҳ қиладиган ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир” (Юҳанно 8:34). Қобилнинг Раббийга қурбонлик келтириш танловида намоён бўлган итоатсизлигини эслайсизми? Кейинчалик Худо унинг танлови, унинг тақдирини ҳал қилишини унга аниқ айтди. Қобил Худонинг иродасини қабул қилиб, гуноҳ (жодугарлик) томонидан назоратга олиниш учун эшикни ёпиши мумкин эди ёки у исёнда қолиши ҳамда Худонинг ҳимояси ва қудратисиз қолиб, уни қул қилмоқчи бўлган гуноҳнинг юки остида эгилиб қолиши мумкин эди.

Худо Қобилни огоҳлантиргани каби, Шомуил худди шундай, Шоулни огоҳлантирди. Шоул исён унинг жонига назорат руҳи таъсир этиши учун йўл очди ва агар у тўғри руҳда бўлганида эди, бунга йўл қўймаган бўлар эди. Шундай қилиб, Шоул тавба қилмади ва Муқаддас Китоб Биринчи Шоҳлар китобида (16:14) ҳикоя қилганидек, унинг ножўя ишидан сўнг бироз вақт ўтгач, унинг ҳаётига ёвуз руҳ кириб, уни азоблади. Ёвуз руҳ ўша лаҳзадан бошлаб, унинг ҳаётига қонуний кириш ҳуқуқига эга бўлди. Шоулга тинчлик йўқ эди, чунки у тавба қилмади. У бошида гавдаланган киши каби эмас, балки бутунлай бошқа одамга айланди. Отасининг қиёфасида бўлган ҳокимиятга, шунингдек, Шомуил пайғамбарга бўйсунган ва Раббийнинг иродасини ҳурмат қилган камтар йигит энди йўқ эди. Унинг ўрнига, энди қачонлардир қадрлаган нарсаларини ҳаммасини оёқ ости қилган одам бор эди. Агар ёшлик чоғида унга: “Шоул, кун келиб, сен ғазаб оловида бегуноҳ саксон беш нафар руҳонийларни, уларнинг хотинлари ва болаларини ўлдирасан” – деб айсангиз эди, у сизни ақлдан озган одамни ҳайдагандек қувиб соларди. “Бунинг имкони йўқ! Мен ҳеч қачон буни

қилмаган бўлардим!” – деб жавоб берган бўларди. Лекин ачинарли ҳақиқат шундан иборатки, у барибир буни қилди (1-Шоҳликлар 22-боб)!

Ёвуз Рух Шоулни рашк, ғазаб, нафрат, жанжаллар, қотилликлар ва йўлдан озишда ҳаёт кечиришга мажбурлади. У итоатсизлигида тавба қилмади, бу эса, буларнинг барчаси унинг устидан назорат ўрнатишига имкон берди. У Худонинг энг содиқ хизматкорларидан бири бўлган, унинг шахсий хизматкори ҳам бўлган Довудни ўлдириш мақсадида уни таъқиб қилди. Гарчи Довуд бутун юраги билан Раббийни излаган бўлсада, у Довудни хоин деб ҳисоблади. Шоул шайтоний назорат таъсири остида, йўлдан озишнинг қалин булутлари билан ёпилган ҳақиқатнинг, фақат сирғаниб чиқадиган шуъласини кўрди. Ҳақиқат ёлғонга, ёлғон эса ҳақиқатга айланди.

Неча бор бундай воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Нафақат бошқа одамларнинг ҳаётида, балки ўзимнинг шахсий ҳаётимда ҳам гувоҳ бўлганман. Мен ортга, ҳаётимнинг итоатсизликда типирчилаб юрган ўша даврларига назар ташлайман ва ёлғонда яшаганлигимдан йиғлагим келади. Ўша вақтларда мен ўзимнинг руҳий етакчиларимни қонунчиликка ва хатоларга ботган одамлар сифатида қабул қилар, имонли дўстларимни эса, шахсий душманларим деб ҳисоблар эдим.

Мен фақатгина итоатсизликнинг, аллақачон аланганланиб турган оловига ёғ қуйиш учун бошқа исёнчиларга қўшилар эдим. Биз ўзимизни Раббийга яқин турган одамлар деб билар эдик ва биз Худонинг “янги авлод” хизматчилари эканимизга ишончимиз комил бўлган. У менга раҳм-шафқатли бўлгани учун Худога шараф! Мен билан бўлгани каби, худди ўша тузоққа тушиб, алданиб қолмаслик учун сизнинг руҳий кўзларингиз доимо очиқ бўлсин.



7-БОБ

## СЕҲРЛАНГАНЛАР

*Худо Сўзининг нури ёлғонни очади ва  
инсоннинг юрагидаги фикр ва истакларни  
фарқлайди.*

**И**сён бу жодугарликдир. Ушбу яширин қонунбузарлик тамойили таъсирининг оқибатлари бир қарашда унчалик сезилмасада, бизнинг замонавий жамиятимизда бўлгани каби, жамоатларимизда ҳам яхшигина кўзга ташланади. Мен бу бобда исёнда бўлган имонлиларга жодугарлик қандай таъсир кўрсатиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтаман. Итоатсизлик орқали келадиган назоратнинг таъсирини ўрганиш учун биз Эски ва Янги Аҳддаги, шунингдек, замонавий ҳаётдаги мисоллардан фойдаланамиз.

### ЛАЪНАТ ТАҚИҚЛАНГАН

Авваломбор, Исроилга назар ташлаймиз. Иброҳимнинг авлодлари саҳрода кезиб юрган пайтда, улар Моаб текисликларида қароргоҳ ўрнатдилар. Бундан бироз аввал улар ҳужум қилиб, Башан подшоҳини мағлуб этдилар ва ўз ҳудуди орқали уларнинг йўлларини тўсишга ҳаракат қилган

Амморийларни аллақачон йўқ қилган эдилар.

Исроил Моаб текисликларида қароргоҳ ўрнатганида, Балак ва унинг одамлари, моабликлар ва Мидиам оқсоқоллари хавотирга тушдилар. Халқ қўрқувдан титрарди. Раббий Исроилга шундай ваъда берган эди: “Мен сенинг олдиндан Ўз даҳшатимни юбораман ва сен олдиларига келадиган ҳар қандай халқни қириб ташлайман, сенга душманларингнинг орқасини ўгираман” (Чиқиш 23:27). Исроилга қарши чиққан халқларни у забт этганини ва энг қудратли миллатни – Мисрни деярли йўқ қилганини ҳамма аллақачон билар эди.

Подшоҳ Балак элчиларини пайғамбар Балаамнинг олдига ёрдам сўраб юборди. У ўзининг руҳий аниқлиги ва заковати билан яхшигина машҳур эди. Подшоҳ Балаамнинг башоратлари амалга ошганини билар эди. Агар у баракаласа, одамлар баракаланар эди. Агар лаънатласа, улар лаънат остида қолар эди. Балакнинг икки гуруҳ элчиларини қабул қилган Балаам, ҳокимлар билан бирга подшоҳнинг олдига боришга ва Исроил ўғилларига лаънат юборишга рози бўлди. Унга кўрсатилган шоҳона назрлар ва иззат-ҳурмат уни бундай қадам қўйишга ундади.

Эртаси куни улар Балл тоғига кўтарилдилар ва Балаам Исроил халқига қаради. У подшоҳга еттита қурбонгоҳ қуриб, ҳар бири учун қурбонликлар тайёрлашни буюрди. Сўнгра Исроилни лаънатлаш учун оғзини очди, лекин бунинг ўрнига дуо-баракаларни айтди.

Подшоҳнинг ниҳоятда норози бўлганини айтишнинг ҳожати ҳам йўқ! “Сен мен билан нима қиялсан? Мен сени душманларимни лаънатлашинг учун олиб келгандим, сен эса, баркалаяпсанми?” (Сонлар 23:11).

Балакнинг илтимосини бажариш умидида Балаам уларга янада баландроқ жойга кўтарилишни таклиф қилди. Эҳтимол, янада юқорироқ жойдан лаънат ёғдириш учун кўпроқ кувват бўлади. Улар яна еттита қурбонгоҳ қуриб, қўшимча қурбонликлар

келтиришди. Бироқ Балаам жодугарлик лаънатларини айтмоқчи бўлган эди ҳамки, у яна Исроилни баракалади.

Бу яна такрорланишда давом этди. Балаам ҳар сафар лаънат ёғдирмоқчи бўлганида, у дуо-барака айтишга мажбур бўлди. Биз Балаамнинг иккинчи башоратида қўйидаги кучли сўзларини топамиз: “Ёқубга қарши жодугарлик йўқдир ва Исроилга қарши ҳеч қандай афсун йўқдир” (Сонлар 23:23).

Балаам Худонинг халқига қарши жодугарлик ҳам, афсун ҳам таъсир қилмаслигини уларга маълум қилди! Нақадар ажойиб ва қудратли сўзлар! Бу оят замонавий умумий маъносиди шундай жаранглаган бўларди: “Худонинг халқига қарши таъсир қиладиган ҳеч қандай жодугарлик ва Унинг жамоатига қарши ҳеч қандай афсун йўқдир!” (Сонлар 23:23, муаллиф талқини).

Ушбу ваъда бизни руҳлантириши керак. Сеҳргар ва жодугарлар кичқиришлари, шайтонлаши ва ўз шамларини ёқиши мумкин. Улар ўзларининг кинналари, жоду ва лаънатларини айтаверишсин, лекин бу Худонинг фарзандига зиён келтирмайди. Тирик Худонинг Жамоати билан баҳслашишнинг имкони йўқ. Ҳикматлар китоби (26:2) бу ҳақиқатни тасдиқлайди: “Чумчуқ пир этганидек, қалдирғоч учиб кетганидек, асоссиз лаънат ҳам амалга ошмайди”.

## ЛАЪНАТ ҚАЙТИБ КЕЛАДИ

Мен яна бир бор, ўша ёшлар чўпони бўлган йилларимга мурожаат қилмоқчиман. Жодугарлар мактабида машҳур бўлган бир қиз Исони қабул қилди. Онаси уни шайтонга бағишлаганда, у ҳали онасининг қорнида бўлган. Масиҳий бўлганидан сўнг, бир куни у менинг ёрдамчим билан ўзининг аввалги ҳаётини муҳокама қилди. У ёрдамчимнинг эътиборини алоҳида тортган сўзларни айтган. У: “Биз масиҳийларни лаънатлай олмаймиз” – деган.

Ёрдамчим: “Нима учун?” – деб сўраган. У: “Чунки биз буни қилсак, улар бизга қайтиб келади” – деб жавоб берган. Ёрдамчим ҳайратда қолган.

Кўриб турганингиздек, унинг сўзлари Балаамнинг айтганларига мос келди. У ўзининг биринчи башоратида қуйидаги саволни берди: “Мен қандай лаънатлайман? Худо уни лаънатламайди” (Сонлар 23:8). Агар Баллам лаънат сўзларини Исроил ўғилларига айтганида эди, бу унинг бошига қайтиб келган бўлар эди? Довуд буни шундай айтади:

Мени ярамасларнинг ёвуз ниятидан, бетавфиқларнинг *исёнидан* яшир. Улар тилларини қиличдек чархладилар, отиш учун камон ёйларини- аччиқ сўзларини – бенуқсонни яширинча отиш учун тортдилар. Улар уни тўсатдан отадилар ва қўрқмайдилар (Сано 63:2-5, муаллиф курсиви).

Лаънатлар исёнкорлар (жодугарлик билан шуғулланадиганлар) томонидан айтилади, лекин улар ҳақ кишиларга таъсир қилмайди. Лаънатларни эълон қилувчилар билан нима бўлишига қаранг:

Аммо Худо уларга камон ўқини отади, улар тўсатдан яраланадилар. Улар ўз тиллари билан ўзларини шикастлайдилар. Уларни кўриб турганларнинг ҳаммаси улардан узоқлашади (Сано 63:8-9).

Улар ўзларининг сўзларига тугиладилар. Уларнинг бошқаларга зарар етказиш учун йўналтирган ўша сўзлари, ўзларига қайтиб келади. Бунинг мисоли сифатида Довуд ёрқин тасвирдан фойдаланган: “Менинг олдимда чуқур қазидилар ва *ўзлари* унга йиқилдилар” (Сано 56:7).

### **БЎЙСУНМАСЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИНГАНЛАР**

Балаам исроилликларни лаънатлашнинг имкони йўқлигини билар эди. Ҳатто у буни жуда хоҳласада, қўлидан ҳеч нима келмас эди. Мусо бу ҳолатни батафсил баён этган: “Чунки

Мисрдан чиқиб келаётганингизда, улар сизларни йўлда нон ва сув билан кутиб олмадилар; шунингдек, сизларни лаънатлаш учун, Месопотамия Пефоридаги Беор ўғли Балаамни сизларга қарши ёлладилар. Лекин Раббий Худойинг Балаамни эшитишни хоҳламади ва Раббий Худойинг унинг лаънати сизга дуога айлантирди, зеро Раббий Худойинг сени севади” (Қонуннинг такрорланиши 23:4, 5). Бу сиз билан бизга ҳам тегишлидир.

Дарғазаб бўлган подшоҳ Балак қичқириб: “Мен сени душманларимни лаънатлашинг учун чақирган эдим, сен эса мана, учинчи марта уларни дуо қилмоқдасан. Шундай қилиб, ўз жойингга қочиб қол. Мен сени улкан иззат-икромга сазовор қилмоқчи эдим. Бироқ мана, Раббий сени иззат-икромдан маҳрум қилмоқда” (Сонлар 24:10, 11).

Подшоҳ Балаамга ашаддий душманни муваффақиятли лаънатлагани учун катта пул мукофоти ва халқ ичида иззат-ҳурмат беришни режалаштирган эди. Лекин аслида подшоҳ: “Мукофотинг ҳақида унутишинг мумкин. Шубҳасиз, Худо сен буни олишингни хоҳламайди. Кўзимдан йўқол!” – деди.

Бааламга бу нарса ёқмади – у чиндан ҳам бу мукофотни истаган эди. У айнан шунинг учун у ерга борди ва энди уни йўқотиши мумкин эди. Бундай йўқотишлардан қочиш учун у Балак билан бошқа ҳужум режасини бўлишди. Гарчи у исроилликларни лаънатлай олмаслигини тушунган бўлсада, у уларни қандай қилиб ўз бошларига лаънат орттиришга мажбурлашни билар эди.

Исён ва жодугарлик ўртасидаги руҳий алоқа тўғрисидаги билимга эга бўлган ҳолда, Балаам подшоҳга моаблик аёлларни Исроил қароргоҳига киришлари учун юборишни маслаҳат берди. Улар ўзлари билан бутларни олиб, Исроил эркакларини жинсий гуноҳ ва Худонинг қонунларига қарши исён қилишга васвасага солишлари керак эди. У исён уларни жодугарлик лаънатига дучор қилишини билар эди.

Биз бунинг содир бўлганини биламиз, чунки Мусо ҳам, Исо ҳам подшоҳга айтилган ушбу маслаҳатдан далиллар келтиришган. Мусо буни шундай тасдиқлаган: “Мана, *Балаамнинг маслаҳати бўйича* улар Исроил ўғиллари Пеорга маъқул бўлишга ҳаракат қилиб, Раббийга хиёнат қилишларига сабабчи бўлганлар ва шу сабабли, Раббийнинг жамоасида қирғин бўлган эди” (Сонлар 31:16, муаллиф курсиви). Кўп асрлар ўтиб, Исо “Исроил ўғиллари зино қилишлари ва бутларга бағишланган нарсаларни ейишлари учун Балаам Балакка уларни васвасага солишни ўргатган”ини айтган эди (Ваҳий 2:14, муаллиф курсиви).

Бу тўғрисида Ёзувда айтилади. Балаамнинг башоратидан сўнг, дарҳол биз ўқиймиз: “Исроил Шиттимда ўрнашди ва халқ Моабнинг қизлари [ва Мидианнинг қизлари] билан зино қила бошлади. Улар Исроил халқини ўз худоларининг қурбонликларига чақирар эдилар, халқ эса уларнинг қурбонликларини еб, уларнинг худоларига сажда қилар эди. Исроил Баал-Пеорга ёпишиб қолди ва Раббийнинг ғазаби Исроилга қарши алангаланди” (Сонлар 25:1-3). Натижада, Исроилда шиддатли вабо ўлати авж олди.

Лаънатлаш мумкин бўлмаган бу халқни, итоатсизлик вабо лаънати остида қолдирди: “Қирғиндан ўлганлар йигирма тўрт минг нафар эди” (Сонлар 25:9). Йигирма тўрт минг! Ушбу фожеанинг кўламини тасаввур қилиясизми? Бизнинг кунларимизда агар самолёт ҳалокати ёки бўрон бир неча юз кишининг ҳаётини олиб кетса, бу ҳақида дунёнинг барча янгиликларида хабар қилинади. Лекин биз бу ерда юзлаб эмас, балки йигирма тўрт минг киши ҳақида гапирмоқдамиз! Бу Исроилнинг саҳро бўйлаб дарбадар юрган бутун вақти давомидаги энг катта йўқотиши бўлган ва бунга сабаб инсоннинг исён қилиши бўлди.

Кескин итоатсизлик вабонинг кескин шаклига эшик очди.

Уларнинг исёни чидаб бўлмас даражада эди. Ҳатто бир уятсиз исроиллик эркак, Мусо ва Исроилнинг бутун йиғини олдида улар Худога илтижо қилаётган пайтда мидианлик аёл билан очиқ-ойдин вақтичоғлик қилишгача борди (Сонлар 25:6).

Вабони нима тўхтатди? Эҳтимол, тахмин қилгандирсиз – кескин итоат!

Рухоний Аҳароннинг ўғли бўлмиш Элеазарнинг ўғли Финеҳас буни кўриб, жамоанинг орасидан турди ва қўлига найзани олди. У исроилликнинг ортидан ётоқхонага кириб, уларнинг иккаласига ҳам: исроилликка ва аёлнинг қорнига суқиб олди. Шундай қилиб, Исроил ўғилларининг қирғини тўхтади (Сонлар 25:7, 8).

Қуйидаги фикрни яна бир бор таъкидлашимга рухсат беринг: Худо вабо ва касалликларнинг муаллифи эмас. Исроил ўғиллари Унинг ҳокимиятига қарши кўтарилиб, уни сурбетларча оёқ ости қилдилар, шунинг учун Худонинг ҳимоя ёпинғичи олиб ташланган эди ва душман ҳужум қилишга қонуний рухсат олди. Бу яна бир дафъа исён ва жодугарлик – шайтоннинг назорат руҳларига қонуний кириш ҳуқуқини очадиган бир хил ҳодиса эканини исботлайди. Исроил афсунгарнинг лаънатидан қочди, лекин итоатсизлик туфайли катта йўқотишларга йўлиқди.

### КИМ СИЗГА ЛАЪНАТ КЕЛТИРДИ?

Биз Эски Аҳдда исён жодугарликнинг намоён бўлиши эканининг тасдиғини кўрдик. Кўплаб шунга ўхшаш мисолларни топиш мумкин. Энди Янги Аҳдга мурожаат қиламиз. Ҳаворий Павлус Галатиядаги жамоатларга етарли даражада кескин мактуб ёзган. У Галатиянинг бутун аҳолисига эмас, балки айнан жамоатларга қаратилган эди. Павлуснинг сўзларини диққат билан ўқинг: “Эй, фаҳмсиз галатияликлар! Ким сизларни

авради [сеҳрлади – юнонча]?” (Галатияликларга 3:1).

Энди, тўхтанг! Павлус жамоатларга улар жодугарликнинг лаънати остида эканини айтган. Сиз: “Мен эса Худонинг халқига қарши ҳеч қандай афсун ва жодугарлик бўлиши мумкин эмас деб ўйлагандим” – дейишингиз мумкин. Бу ҳақиқат. Ҳеч қандай лаънат итоаткор одамларга йўналтирилган бўлиши мумкин эмас. Лекин исён ва итоатсизлик инсонни жодугарликнинг ҳокимияти остига қўйишини ёдда тутинг.

Менинг ёрдамчимнинг, озодлик олган собиқ жодугар қиз билан суҳбатини эсга оламиз. Масиҳийларга ҳеч қандай лаънат таъсир қилмаслиги ҳақидаги сўзлар уни қанчалар хурсанд қилиб юборганини кўриб, у тезда қўшиб қўйди: “Чўпон, лекин биз жамоатдаги илиқ имонлиларга [итоатсизларга] таъсир қила олардик”. Бунинг тасдиғи ўрнида Павлуснинг нима деганини тингланг: “Ким сизларни ҳақиқатга бўйсунмаслик учун авради [сеҳрлади]?” (Галатликларга 3:1).

Жодугарлик биринчи навбатда жодугарлар айтган, қандайдир лаънатни эмас, балки Худонинг Сўзига бўйсунмасликни тахмин қилган. Нега? Чунки исён ва жодугарлик – бир нарсадир! Аслида, Галатиядаги жамоат итоатсизлик сабабли жодугарлик лаънати ҳокимияти остига тушиб қолган.

Биз давом этишимиздан олдин, мен бу ҳақиқатни ойдинлаштиришим керак. Бизга очиқ бўлмаган нарсага бўйсунмаганимизда эмас, балки Худо биз учун ошкор қилган нарсага бўйсунмаганимизда сеҳр-жодунинг ҳокимияти остига тушиб қоламиз. Павлуснинг ушбу сўзларини ўқишда давом этганимизда, бу тушунарли бўлади: “Ким сизларни ҳақиқатга бўйсунмаслик учун авради? Исо Масиҳ *гўё сизларнинг* орангизда хочга михлангандек кўз олдингизда тасвирланган эди-ку” (Галатияликларга 3:1).

Ушбу махсус мисол ҳар ёқлама ҳақиқатни очиб беради.

Худо Павлуснинг воизлиги орқали жамоатларга июят орқали нажотни намоён қилди. Бироқ орадан бироз вақт ўтгач, уларда ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва бегона урф-одатлар пайдо бўлиб, бу бир вақтлар Муқаддас Руҳ уларга шунчалар яққол очиб берган нарсага итоатсизлик қилишга олиб келди. Улар нажот қонуннинг ишларига амал қилиш орқали келишига ишона бошлашди. Шунга қарамасдан, биз тўхталиб ўтадиган ҳар ёқлама шарт қуйидагидан иборатдир: *ҳар сафар биз Худо бизга яққол очиб берган нарсага бўйсунмаганимизда, биз ўзимизни жодугарлик лаънатининг таъсири остига қўямиз.* Нима учун? Чунки исён жодугарликдир.

Мен буни жамоатларда, оилалар ва алоҳида инсонларда кузатганман. Мен у ёки бу сабабга кўра доимий итоатсизликда яшаётган кўплаб жамоат аъзоларини учратдим. Уларнинг кўпчилиги ҳатто, унинг жиддий оқибатлари тўғрисида билишмайди ҳам, чунки улар итоаткорликнинг родини пасайтирувчи июят ҳақидаги бир томонлама таълимотдан кўр бўлиб қолганлар. Уларнинг ҳаётларида бир инқироз бошқаси билан алмашади. Уларда доим қандайдир муаммо ёки гуноҳ бўлиб, улар унинг устидан ҳеч ғалаба қозона олишмайди. Улар бир тузоқдан бошқасига қоқилади. Ҳар бир кейинги ҳолатда ҳаммаси ёмонлашиб бораверади. Бу муаммолар уларнинг вақтини, қувватини ва воситаларини кўйдириб, йўқ қилади. Бу ҳолатларда шайтон босими ва таъсири ечиб юборилган бўлади. Итоатсизлик уларни заиф қилиб қўяди.

Мен уларнинг никоҳлари азоб чекканини, энг ёмон ҳолатда, ҳатто парчаланиб кетганини кузатганман. Айримларнинг ишда лавозими кўтарилмайди ёки ҳатто, ишини йўқотишади. Бошқалар ўғриларнинг, молиявий инқироз ва турли хил фожиали вазиятларнинг қурбонларига айланишади. Уларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, айбни кимга ағдариш йўлини роса қидирадилар. Кўпинча улар ота-оналари берган тарбияни,

чўпон, бошлиқ, хотини ёки эрини, ёки болалари, ҳукуматни ёки уларнинг фикрларига қўшилмаган яна бирор кишини баҳона қилиб кўрсатадилар.

Аслида, бир-биридан озиқ оладиган иккита жиноятчи бор. Биринчиси – йўлдан озишдир. Худонинг Сўзига бўйсунмаган одамларнинг юракларини зулмат қамраб олади. Иккинчи жиноятчи – ўзлари хоҳлаган пайтда одамнинг итоатсизлигидан фойдаланиб, унга ҳамла қиладиган назорат қилувчи руҳларнинг айёр тузоғидир. Павлус исёнчилар билан мулоқот қилган имонлиларга таълим берган: “Худонинг қули... ҳаммага хушфёъл, ўргатишга тайёр, сабр-тоқатли бўлиши керак. У қаршилиқ кўрсатаётганларга мулойимлик билан насиҳат қилиши керак, балким Худо уларга ҳақиқатни таниб-билишлари учун тавба қилишни берар, токи уларни ўз иродасига асир қилган шайтоннинг тузоғидан улар озод бўлсинлар” (2-Тимотийга 2:24-26). Муаммо шундаки, йўлдан озишнинг асирлари ўз айбларидан яшириниш учун бошқаларни айблайдилар ва бу уларга нимадан озод бўлишлари кераклигини кўришга имкон бермайди.

Унинг Сўзи учун Худога шараф бўлсин. Унинг нури ёлғонни фoш этиб, инсон юрагидаги фикр ва ниятларни ошкор қилади. Афсуски, кўплаб одамлар ўзларининг итоатсизлигидан азият чекиб, ўз хатоларидан сабоқ олишни рад этадилар. Улар сабоқ олишнинг ўрнига бошқаларни айблаб, итоатсизлик саҳроси бўйлаб юришни давом эттирадилар.

### “СИЗДА ҲАМДАРДЛИК ЙЎҚ”

Бир киши, охир-оқибат, ўз хатосидан сабоқ олган ҳолатни эслайман. Мен жамоатлар ва Инжил мактабларидан иборат халқаро хизматда бир мунча вақт хизмат қилиш шарафига муяссар бўлдим. Мен бу хизматни севиб, қадрладим, у ҳаётимга катта таъсир кўрсатди. Бир куни бу хизмат етакчиси менга қўнғироқ қилиб, шундай деди: “Жон, мен хизматдаги

барча яқин дўстларимга қўнғироқ қилиб, уларга бошқа манбалардан етиб бормаслиги учун яқинда нима содир бўлишини айтаман. Сизга хотиним билан ажрашаётганимни айтишим керак. Биз турмуш қурганимизга ўн саккиз йил бўлди, энди эса ҳаётга бўлган фикр ва қарашларимиз қарама-қарши томонга кетганга ўхшайди. Биз оилавий жуптлик бўлиб, биргаликда иш қилмаймиз ва ҳар биримизга бутунлай турли хил нарсалар ёқади. Биз кўп йиллар давомида вазиятни тузатишга ҳаракат қилдик, лекин аҳвол янада ёмонлашди”.

Мен қулоқларимга ишонмадим. Мен ўйлаган ягона нарса: *“Йўқ, илтимос, бундай қилма”* – бўлди. Мен бу жуптликни ва уларнинг хизматини яхши кўрар эдим. Мен шунчалар ҳайратда қолганимдан, гапиролмай қолдим.

Мен жим турар, у эса давом этарди: *“Жон, энди сен биласан, мен Исони жуда севаман, агар ноҳақ бўлсам, У менга буни кўрсатади”*. Бу хизматчи ўзининг вазияти ҳақида яна бир неча дақиқа гапирди, сўнгра гўшакни қўйди. Мен деярли бир оғиз сўз айтмадим, чунки ҳали ҳамон унинг сўзларини ҳазм қилаётган эдим.

Мен бутун кун давомида эшитганларимдан халос бўла олмадим. Бу сўзларни қайта ва қайта такрорладим. Бошимда бир фикр айланарди: *“Буларнинг ҳаммаси ёмон тушга ўхшайди”*. Ташвишли ўйларга ботиб, Муқаддас Рух менга бу одамга қўнғироқ қилиб, унга ҳақиқатни айтишимни гапирганини ҳис қилдим.

Эртаси кун тонгда унинг рақамларини тердим. Мен бу масалани эрталабгача қолдирдим, шунинг учун менинг жавобим қарама-қарши ҳаракатнинг шошқалоқ муносабати каби эмас, балки Рухнинг жавоби эди. Овозимни таниб, ўша хизматчи сўради: *“Салом, Жон, яхшимисиз?”*

Мен: *“Сен билан ажрим ҳақида яна бир бор гаплашмоқчиман. Айтчи, хотининг сенга хиёнат қилдими?”*

– деб бошладим. У жавоб бериб: “Йўқ, албатта!” – деди. Шунда мен: “Қилаётган ишинг нотўғри. Исо ажримнинг ягона сабаби зино гуноҳи бўлиши мумкинлигини аниқ айтди (Матто 5:32), Малахи китобида эса Худо ажримдан нафратланиши, чунки у бизнинг кийимларимизни зўравонлик билан қоплаши ёзилган (2:6). Кеча менга Исони севишингни ва агар нотўғри иш қилган бўлсанг, У буни сенга кўрсатган бўлишини айтдинг. Лекин Ўз Сўзида бу ҳақида фикрини аниқ баён қилганда, нима учун У сенга нимадир кўрсатиши керак? Қандай қилиб, Худо ўрнатган нарсага онгли равишда қарши боришинг мумкин? Агар сен буни қилаётган бўлсанг, қандай қилиб йиғин қаршисида ёки Инжил мактаби қаршисида туриб, қай тарзда уларга муқаддасликда юриш, гуноҳга ёки ёвуз руҳларга қарши туришни айта оласан? Сен ўзингни ва ўз хизматингни муаммолар ҳамда йўлдан озиш учун очиб бермоқдасан”.

Хизматчи шартта гапимни бўлиб: “Жон Бивер, сиз менинг вазиятимда бўлмагансиз ва сизда ҳамдарадлик йўқ!” – деди.

Шундан сўнг у гўшакни қўйди. Ярим соатдан кейин ишхонамдан менинг ўша жамоатдаги хизматим бекор қилингани ҳақидаги хабар келди. (Мен уч ойдан кейин унинг жамоатида воизлик қилмоқчи эдим.) Мен хотинимга: “Улар буни қилишларини билар эдим, лекин бу бунчалик тез содир бўлади деб ўйламагандим” – дедим. Улар билан барча алоқа бутунлай узилди, кейинчалик йўл-йўлакай ўша жамоатда бўлган бошқа бир хизматчи менинг номимни у ерда шунчаки лойга қоришганини айтди. Мен фикрлашда давом этдим: “*Мен бор-ўғи, ҳақиқий дўст бўлишга ҳаракат қилгандим*”.

### ҲУКМ ОРҚАЛИ ЎЙҒОНИШ

Мени ажаблантирган нарса шундаки, орадан етти ой ўтиб, ўша хизматчи менга қўнғироқ қилди: “Жон, мен сиз билан очиқча гаплашиб олишим керак. Мен гўшакни қўйиб,

биздаги барча чиқишларингизни бекор қилганимдан сўнг, нима бўлганини биласизми? Шундай қилиб, бир ой ўтгач, буйракларим ишдан чиқди ва омон қолиш имкониятим элликка эллик эди. Иккинчи диализдан сўнг, ҳушимга келиб, ўзимга дедим: “Мен ажримга эришиб, нима қиламан?” Мен даҳшатли хатога йўл қўйганимни тушундим ва буйрак касаллиги менга огоҳлантириш бўлган эди. Хотинимга қўнғироқ қилиб, унинг олдида тавба қилдим. Шундан сўнг, бутун жамоат ва Инжил мактаби олдида чиқиб, ҳаммининг олдида тавба қилдим. Мактабнинг талабаларига: “Мен Жон Бивернинг ташрифини бекор қилдим, чунки у менга ажримга бериб, хато қилаётганимни айтган эди” – дедим. Жон, сиз қайта оласизми?”.

“Албатта” – дея жавоб бердим. Мен у учун жуда ҳам хурсанд бўлдим ва шундан сўнг, унга чуқур ҳурмат билан қарадим. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, унинг соғайиши кутилгандан анча тезроқ бўлди: бир йил ўтгандан сўнг унга буйрак кўчириб ўтқазилди, ўтқазилган аъзо ҳеч қандай асоратларсиз, жуда яхши мослашиб кетди. Бу хизматчи бирорта ҳам хизматни қолдирмади. Унинг соғайиш жараёни шифокорларни ҳайратда қолдирди. Бундан ташқари, тавба қилиш билан унинг ҳаётига катта руҳий куч ва ҳокимият келди. Йиллар ўтди ва ҳозир бу одам аввалгидан кўра, янада кўпроқ самарали етакчи ва энг машҳур воизхон бўлиб, унинг оиласи эса жуда бахтлидир. Ҳар сафар мен бу жуфтлик билан учрашганимда, уларнинг бири-бирига бўлган севгиси, шу қадар равшанлигидан, бунини шунчаки сезмаслик мумкин эмас. Улар бир пайтлар ажралиш арафасида бўлганини ҳеч қачон тахмин ҳам қилмаган бўлардингиз.

### УЧ ЯРИМ ОЙ ДАВОМ ЭТГАН КАСАЛЛИК

Мен бу хизматчини ҳукм қила олмас эдим, чунки мен ҳам бундан бир неча йиллар аввал, шунга ўхшаш воқеани бошдан кечирганман. Бу оиламга тегишли эмас, балки хизматдаги

итоатсизликка алоқадор эди. Биз “Жон Бивер хизмати”ни энди ташкил қилганимизда, Раббий бизга, агар биз Унинг иродасини билмасак, яхши кўрингани учунгина, бирор-бир хизматга киришга уринмаслик ҳақида аниқ амр берди.

Бир неча йил ўтди ва хизматимиз кенгайиши учун ажойиб имконият пайдо бўлди. Аммо Худо шахсан менга, шунингдек, хотинимга ҳам “йўқ” деб аниқ айтди. Биз бу таклифни қабул қилмаслигимиз керак эди. Шунга қарамасдан, бизга янги имкониятларни таклиф қилган одам, ўз фикридан қайтмади ва бу менга хуш ёқди. Мен тинглай бошладим. Тез орада Худо юрагимга солган сўзни мантиқ ёрдамида рад эта бошладим. Мен саросимага тушиб қолдим, мулоҳазаларим онгимни тўсиб қўйди. Хотиним мени бундай қилмасликка ишонтиришга уринди, лекин тез орада мени фикримдан қайтаришнинг иложи йўқлигини тушунди. Ваниҳоят, мен таклифни қабул қилдим.

Мен нажот топганимдан буён ажойиб соғлиқ билан дуо қилинганман, яъни деярли касал бўлмаганман (Худогога шукр). Мен камдан-кам касал бўламан, агар шундай бўлса ҳам, одатда, касаллик бир-икки кундан сўнг ўтиб кетади. Исо бизга хочда гуноҳларнинг кечирилиши билан бирга илоҳий соғлиқ ҳам берганига ишонаман (Ишаъё 53:4, 5; Сано 102:2, 3). Лекин мен ўша таклифни қабул қилган куним касал бўлдим ва бошимга тушган дардлардан халос бўла олмадим.

Ҳаммаси грипдан бошланди. Охириги ўн йил ичида биринчи мартаба кўнглим айниди. Бир неча кун касаллик билан курашганимдан сўнг, вирусни юқтириб олдим. Биз хотиним билан тўйимизнинг юбилейини нишонлаш учун шаҳар ташқарисига чиқдик ва ўша кунлари ҳароратим 38 даражагача кўтарилиб, дам олишимизни бузди. Ҳафта охирида иситма ва қалтирашдан гандираклар, воизлик қилдим. Кейинги ҳафта иситма ўтиб кетмади, касал ҳолимда Канададаги хизматларда иштирок этдим. Мен юқори ҳароратда воизлик қилар ва ҳар

сафар хонамга қайтганимда, қалтираб, чалқанчасига тўшакка ўзимни ташлардим ва кейинги хизматгача ётар эдим. Кучим тугай деб қолганди.

Иситма уч ҳафта тушмади. Биз нима бўлаётганини тушуна олмасдик. Мени ҳали бирор марта бундай касаллик билан курашишимга тўғри келмаган. Худонинг Сўзини эътироф этиб, ибодат қилдим, курашдим, лекин ундан халос бўла олмадим. Мен шифокорга бордим ва у менга кучли антибиотик буюрди. Тез орада соғайиб кетдим.

Лекин даволаниш курсини тугатганимдан сўнг бир ҳафта ўтиб, сиздан бор кучингизни тортиб оладиган қаттиқ шамоллашлардан бирини юқтириб олдим. Менга қараш жуда ачинарли эди: томоқ оғриғи, тошдек оғир бош ва бошқа кўпгина ёқимсиз аломатлар. Мен хизматни кенгайтиришга киришган вақтимдан бошлаб бу бир ҳафта мобайнида давом этди.

Тумовдан қутулганим заҳоти, бир чет эл сафари чоғида девордан тушиб кетиб, тиззамни жароҳатлаб олдим. Жароҳат шу қадар оғриқли эдики, мен бир неча ҳафта давомида, аввал ногиронлар аравачасида, кейин эса оёғимга шина тақиб сафарга чиқишимга тўғри келди. Кейин вирус яна мени йиқитди. Ҳарорат 39 даражагача кўтарилди ва яна ҳеч нарса билан уни тушириб бўлмади. Яна шифокорга мурожаат қилиб, дорилар билан даволанишга тўғри келди. Менга энди бир ҳафта ҳам навбатдаги касалликни юқтириб олмасдан яшай олмайдигандек туюлди. Буларнинг барчаси уч ярим ой давом этди.

Мен ҳар хил хасталиклар билан курашиб ётган пайтимда, хотиним бир кун ҳам касал бўлмади. Жисмоний муаммолардан ташқари бошқа кўплаб муаммолар пайдо бўлди. Мен силжитишнинг имкони йўқдек кўринган бир рақибим билан курашардим. Менинг онгли равишда қилган итоатсизлигим мени лаънатга гирифтор қилди!

## ҲАҚИҚИЙ ТАВБА ОРҚАЛИ ТЕЗДА ОЗОД БЎЛИШ

Тўрт ой ўтди ва мен гуноҳимни тан олдим. Шунга қарамай, мен барибир ўзимга юкланган вазифаларни бажаришимга тўғри келди, кўп вазиятлар юзага келди, агар ғайритабиий аралашув бўлмаганда, улардан чиқиш йўлини топа олмаган бўлар эдим. Бир куни биз хотиним билан қўл ушлашдик ва мен тавба қилиб, Худодан раҳм-шафқат сўрадим ҳамда У биз учун тузоққа айланган ушбу узоқ муддатли мажбуриятлардан бизни олиб чиқди.

Бир неча ой ўтгач, мен билан содир бўлган барча нарсалар ҳақида хотиним билан гаплашдик ва менинг барча жароҳатларим итоатсизлик туфайли юзага келди деган қарорга келдик. Тавба қилишим биланоқ, мустақкам соғлик менга қайтиб келганини кўрдик. Бизга босим кўрсатган бошқа муаммолар ҳам кетди.

Шу вақт ичида Ёқубнинг сўзлари менга аниқ равшан очилди. Мен кўпинча улардан иқтибос келтирар эдим: “Иблисга қарши туринглар ва у сизлардан қочиб кетади” (Ёқуб 4:7). Авваллари ўзимга ҳужумни ҳис қилганимда, Худонинг Сўзи билан қуролланиб, зулматга иштиёқ билан қарши турардим ва ҳар доим натижаларни кўрганман. Лекин ўшанда ҳаммаси бошқача эди. Бир куни бу оятни қайта ўқиб, Ёқуб айтган гапларнинг фақат ярмини иқтибос келтирганимни тушундим: “Шунинг учун Худога бўйсунинглар, иблисга қарши туринглар ва у сизлардан қочиб кетади” (Ёқуб 4:7).

Биз иблисга Худонинг ҳокимиятига итоаткорлик ва бўйсунуш орқали қарши турамиз. Муқаддас Китобдан астойдил берилиб иқтибос келтириш мумкин, лекин итоатсизликда яшасангиз, натижаларни кўрмайсиз.

## МУҲИМ АНИҚЛИК

Илтимос, бир нарсани тушуниб олинг: агар одам қийинчилик, касаллик, муаммоларга дуч келса, бу ҳамма нарсага айбдор

– итоатсизлик дегани эмас. Кўпчилик итоаткорликда яшаб, азоб чекади. Масалан, Довуд айнан шундай инсон бўлган. Унда заррача ҳам исён бўлмаган. У ўз Ҳукмдорининг ғазабини қўзғатиши мумкин бўлган ҳеч нарса қилмади. Лекин у барибир ғорлар, саҳро ва ёввойи жойларда яшашга мажбур эди. У уйсиз ва ватансиз киши эди. Кўп йиллар дарбадар одамдек, муттасил жудоликда яшади. Айримлар унинг барча азобларининг сабаби итоатсизлик дея ўйлаб, уни ҳукм қилишди, аммо руҳан сезгир инсонлар унинг устида, подшоҳнинг феъл-атворини янгича фикр юритиш билан чиниқтирган Худонинг қўлини кўрдилар ва унинг ҳаётида Худонинг илтифотини ҳис қилдилар. Бу унинг кўрсатган донолиги туфайли аён бўлди.

Итоаткорликда яшаб, лекин азоб-уқубатларга бардош берган одамларнинг яна кўплаб намуналари мавжуд. Исо, Юсуф, Ҳаннаҳ, Дониэл, Йермияҳ ва Аюб – мана, улардан фақат баъзилари. Итоаткор одам ва жодугарликнинг лаънати остида яшаётган одамнинг қийинчиликлари ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биринчи одамда руҳий ривожланиш кузатилади. Бундай одамлар бошларини деворга урмайдилар. Улар аслида ҳеч қаерга силжимасдан, тоғларни айланиб ўтмайдилар.

Қобил билан ҳаммаси бошқача эди. Унинг итоатсизлиги улкан азоб-уқубатларга сабаб бўлди. У қаттиқ хафа бўлиб, тавба қилишни истамади, бу унинг бутун умрига лаънат тусини берди. У умрининг қолган йилларини сургунликда дарбадар кишидек ўтказди. Унинг мақсадсиз ва умидсиз саргардонликлари келажак авлод учун намуна ва огоҳлантиришдир.

Мен ушбу қисмни шундай огоҳлантириш билан якунлайман: охириги икки бобдаги ҳақиқатларни юлиб олманг ва улардан бошқаларни ҳукм қилиш учун фойдаланманг. Уларнинг қийинчиликлари Худонинг улўворлигига олиб борувчи синовлар бўлиши мумкин. Ушбу бобнинг мақсади – Худонинг

ҳоқимиятига итоатсизликнинг жиддийлигини англаб етишингизга ёрдам беришдир. Агар сиз исёнда бўлсангиз, ўзингизни ҳукм қилиш учун ушбу ҳақиқатлардан фойдаланиб, ҳаёт сўқмоғига қайтинг.

3-ҚИСМ



ХУДО ТОМОНИДАН  
ЎРНАТИЛГАН ҲОКИМИЯТЛАР



# ХУДО БОШҚАРУВДА КИМ ТУРГАНИНИ БИЛАДИМИ

*Агар биз Худога итоаткор бўлишни  
ўргансак, бошқа инсонга берилган  
Худонинг ҳокимиятини тан олиш, бизга  
қийинчилик туғдирмайди.*

**Б**из Раббийнинг бевосита ҳокимиятига бўйсуниб муҳимлигини, аллақачон тўлиқ англадик. Энди Худо томонидан ўрнатилган ҳокимиятларга бўйсуниб нақадар муҳимлигини муҳокама қиламиз. Биз иккинчи бобда кириш қисми сифатида кўриб чиққан Ёзувдаги оятга мурожаат қиламиз:

Ҳар бир жон юқори ҳокимиятларга бўйсунсин. Чунки Худодан бўлмаган ҳокимият йўқ, мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган. Шунинг учун ҳокимиятга қаршилик қилаётган, Худонинг қарорига қарши чиққан бўлади. Қаршилик қилувчилар эса ўз-ўзларини маҳқумликка дучор қиладилар (Римликларга 13:1, 2).

## ЮҚОРИ ҲОКИМИЯТЛАР

Биринчидан, юқори ҳоқимиятлар кимлар? Павлус бу ерда давлатни бошқарадиган фуқаролик ҳоқимияти ҳақида гапирмоқда. Шунга қарамай, бу кўрсатма, нафақат юқори бошқарувчи доираларга тегишли, балки ҳоқимиятнинг бошқа соҳаларига вакил қилинганларга ҳам тегишлидир ва биз бу оятларда ўқиган нарса, ҳар қандай даражадаги ҳоқимиятларга тааллуқли бўлиши керак.

Янги Аҳд вакилликка топширилган ҳоқимиятнинг тўрт соҳаси: фуқаролик, жамоат, оила ва ижтимоий соҳалари ҳақида гапиради. Ижтимоий соҳага иш берувчилар, ўқитувчилар ва корхона бошқарувчиларини қўшаман. Янги Аҳд ҳар бир соҳа учун алоҳида кўрсатмаларни беради, шунга қарамасдан, кўп ҳолларда мазкур кўрсатмалар ҳоқимиятнинг барча соҳаларига тегишлидир.

Ушбу оятларнинг биринчи – “ҳар бир жон” сўзларига эътибор қаратинг. Ҳеч қандай истиснолар йўқ, шунинг учун буни онгингизга муҳрлаб қўйинг. Бу таклиф эмас, буйруқ. Худо бизга шаъма қилиб ёки тавсиялар бергани йўқ.

Давомида ўқиймиз: “Ҳар бир жон юқори ҳоқимиятларга бўйсунсин. Юнон тилида “бўйсунсин” сўзи ҳарбий луғатда қўлланиладиган *hypotasso* атамаси билан ифодаланиб, у “етакчининг буйруғи остида (қўшинни) ҳарбий тартибда саф тортишини” англатади. Фуқаролик соҳасида бу “ихтиёрий бўйсунуш, масъулият олиш ва оғир юкни кўтариш” деган маънони англатган (Тайернинг юнон луғати). Оддий қилиб айтганда, бу сўз ушбу жойда қўлланилган маъносида ҳоқимиятларга ихтиёрий бўйсунуш ва уларга сўзсиз қулоқ солишга бизни ундайди.

Ҳар бир жон ҳоқимиятларга бўйсунуши керак, зеро Раббий барча юқори ҳоқимиятларни ўрнатган. Ҳар қандай ҳоқимият Худодан келиб чиқади. Истиснолар йўқ. Аслида, бу оятда

қўлланилган сўз – юнонча *tasso* сўзи бўлиб, “тайинлаш, буйруқ бериш ва ўрнатиш” деган маъноларни англатади. У ҳеч бир яширин маънога эга эмас, яъни гап бевосита тайинлаш ҳақида кетади. Худо барча ҳокимиятларни тайинлар экан, уларни ҳурмат қилмаганимизда ёки бўйсунушдан бош тортганимизда, биз бу билан уларнинг ортида турган Зотга бўйсунмаймиз. Биз буни биламизми ёки йўқми, лекин Худо ўрнатган тартиб ва ҳокимиятга қарши турамиз, яъни Худонинг Шахсан Ўзига қарши турамиз!

Биз масиҳийлар сифатида ҳокимиятларга ишимиз тушганида, муайян шахс ва унинг эгаллаб турган мавқеидан узоқроққа қарашимиз керак. Биз ҳокимият вакилларига уларга топширилган ҳокимият Худодан чиққани учун бўйсунамиз. Бу одам бизга ёқадими ёки йўқми, назаримизда, у бу жойга лойиқ ёки лойиқ эмаслигидан қатъий назар, биз унга ҳурмат билан муносабатда бўламиз. Кўпинча имонлилар Раббийга итоатни эътироф этадилар, лекин уларга топширилган ҳокимиятга бўйсунушни эътиборсиз қолдирадилар. Бу одамлар алдовда яшайдилар!

Агар биз Худога бўйсунушни ўргансак, бошқа одамдаги Худонинг ҳокимиятини тан олиш, бизга қийин бўлмайди. Кимга бўйсунушни танлаш керак бўлган вазиятлар юзага келадими: бевосита Худонинг ҳокимиятигами ёки топширилган ҳокимиятгами? Шубҳасиз! Лекин кўпгина имонлилар ўзлари тасаввур қилганидек тез-тез эмас. Фақатгина бир истисно мавжуд бўлиб, биз бу ҳақда кейинги бобларнинг бирида батафсил муҳокама қиламиз. Муаммо шундан иборатки, кўплаб масиҳийлар итоаткорлик – бу аниқроғи истисно, бироқ шахсий танлов эркинлиги – бу ҳар бир киши учун қоида деб ҳисоблашади. Бундай хулоса чиқариш бизни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Биз аввалги бобларда кўрганимиздек, бунинг оқибатлари оғир бўлиши мумкин. Бу нафақат бизни Раббийнинг маҳқум қилиши остига қўяди, балки иблиснинг

кучлари ҳаётимизга қонуний кириш ҳуқуқини ҳам беради. Агар биз Худога итоаткор бўлишни ва дуо-баракаларга эга бўлишни истасак, топширилган ҳокимиятга бўйсуншдан бошқа танловимиз бўлмайди.

### ШАФҚАТСИЗ БОШЛИҚЛАР ХУДОДАНМИ?

Шундай қилиб, Муқаддас Китоб бизга барча ҳокимиятлар Худо томонидан тайинланишини ва биз уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз ҳамда уларга бўйсуншимиз кераклигини айтади. Кўпинча, айнан мана шу жойда одамларнинг онгида деворлар кўтарилади. Энг кенг тарқалган асос қуйидагича жаранглайди: “Лекин ёвуз ва шафқатсиз ҳукмдорларнинг борлиги аниқ. Улар Худо томонидан қўйилган деб қандай тасдиқлаш мумкин?” Бу саволга жавоб бериш учун ўтган асрнинг энг ваҳший ва шафқатсиз ҳукмдорлари деб тан олинган одамларни – Гитлер ва Сталин тоифасидан бўлган яқка ҳокимларнинг энг ёмон намуналарини эслайлик. Ўйлайманки, бу тоифа вакилларида кўра шафқатсиз ва ёвузроқ одамларни, энди топиб бўлмаслигига ҳамма қўшилади. Тўғрими?

Келинг, энди Миср ҳукмдори фиръавн ҳақида гаплашсак. У аниқ ушбу тоифа сирасига киради. Унинг ҳукмронлиги даврида Исроил халқи қаттиқ босим остида эди. Фиръавн одамларни қул қилиб, хонавайрон қилган, жисмоний ва маънавий зулм ўтказган ҳамда агар бу етарли бўлмаса, у совуққонларча уларни мингталаб ўлдирган. У ҳаммага – хоҳ одам бўлсин ёки Шахсан Худога баландпарвоз ва такаббуруна муносабатда бўлган. Фиръавннинг ҳокимияти қаердан келди? Худонинг халқи унинг ҳукмронлиги остида қай ҳолатга тушди? Бу бахтсиз ҳодиса эдими?

Ёзувга кўра, Худо Мусо орқали фиръавнга гапирди: “Мен сени сақладим” (Чиқиш 9:16). Павлус бунинг Римликларга мактубида тасдиқлади (9:17). Ушбу икки ҳаволадан хулоса қилишимиз мумкинки, бу далил ишончли бўлиб, унинг талқин

қилинишида хатоликлар йўқ: бу икки кишининг гувоҳлиги билан тасдиқланган (Юҳанно 8:17га қаранг). Иблис эмас, балки Худо фиръавни ҳокимият мавқеига кўтариб, уни ўрнатди. Бошқача қилиб айтганда, Худо фиръавнга Иброҳимнинг авлодлари устидан ҳокимият берди. Бу “барча ҳокимиятлар Худо томонидан тайинланади” деган фикрга бутунлай тўғри келади.

Энди улар қай тарзда ушбу шафқатсиз ҳукмдорнинг ҳокимияти остига тушиб қолганини кўриб чиқамиз. Иброҳим етмиш беш ёшга кирганда, Худо унга намоён бўлди ва агар у итоаткор бўлса, ундан буюк халқ келиб чиқишини айтди. Иброҳим Раббийга бўйсунди ва унинг итоаткорлиги, шу қадар Худога маъқул бўлдики, авлодлар уни “имон отаси” деб атадилар (Римликларга 4:11, 12). Иброҳимнинг итоаткорлигига жавобан Худо у билан аҳд тузди, шу билан бирга У унга: “Шуни аниқ билгинки, сенинг уруғинг бегона юртда мусофир бўлади ва уларга *хизмат қилади*, уларни тўрт юз йил *азоблайдилар*” – деди. (Ибтидо 15:13).

Ҳа, бундай нарсани қабул қилиш осон эмас! Мен тўрт ўғилнинг отаси сифатида болаларим, неvara ва чевараларим учун бундай мерос ҳақида билиб, хурсанд бўлмас эдим. Мен бу башоратни насиҳат берувчи ёки тинчлантирувчи деб атаган бўлмасдим. Ўйлаб кўринг: мен янги минг йилликнинг биринчи асрида яшаяпман ва менинг авлодимга бўлган бундай муносабат 2400-йилгача давом этган бўларди! Васвасага тушиб: “*Нима бу, Худога итоат қилганим учун менга шундай ваъда ва дуо-барака бериладими?*” – деб ўйлаш қийин бўлмасди. Энг қизиғи – башорат Исҳоқ онасининг қорнида пайдо бўлишидан олдин айтилган.

### БАЛКИ ГАП УЛАРНИНГ ЁМОН ХУЛҚИДАДИР?

Баъзилар шундай деб ўйлашлари мумкин: “Раббий Иброҳимга буни аввалроқ айтган, чунки унинг авлодлари итоатсиз бўлишини билган ва гарчи Худо аслида, уларга буни истамаган бўлсада, улар

ёмон хулқи учун жазо сифатида фиръавннинг бўйинтуруғи остига тушадилар!” Келинг, тадқиқот ўтказамиз ва бу далил нақадар тўғри эканига аниқлик киритамиз.

Жавоб бериш учун биз авваломбор, исроилликлар қай тарзда фиръавннинг ҳоқимияти остига келиб қолишганини аниқлашимиз керак. Иброҳимнинг ўғли Исҳоқ Худодан қўрқадиган одам бўлиб, итоаткорлик ва муқаддасликда яшар эди. У билан хотинининг икки нафар ўғиллари бўлиб, каттаси Эсов, кичиги Ёқуб эди, улар кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи одамлар эди. Худо уларнинг туғилишидан анча олдин: “Мен Ёқубни севдим, аммо Эсовдан нафратландим” – дея Ўз фикрларини очган эди (Римликларга 9:13).

Гарчи Ёқубнинг ҳаёти унчалик тўғри бошланмаган бўлсада, кейинчалик у Пенуэлда Худо билан учрашди ва бу учрашув унинг ҳаётини ўзгартириб юборди (Ибтидо 32-бобга қаранг). Учрашув унинг ҳаётида Худонинг барака аҳдини ўрнатди ва унинг исми ўзгарди – у Исроил бўлди, бу эса “Худонинг ҳоқими” деган маънони англатади. Шундан сўнг унинг ҳаётида Худога бағишланиш пайдо бўлди. У ўз оиласига бутпарастликдан қочишни ва Раббийнинг қаршисида пок бўлишни буюрди. Натижада, унинг оиласи шаҳар атрофи бўйлаб юганида, Худонинг даҳшати мажусийларнинг устига тушди (Ибтидо 35-оятга қаранг).

Исроил ўн икки ўғилнинг отаси эди. Ўн биринчиси бўлган Юсуфдан катта акалари нафратланар эди, чунки у отасининг севимли ўғли бўлган. Худо Юсуфга иккита туш берди, уларда Юсуфга унинг буюк ҳукмдор бўлиши, акалари эса унга хизмат қилиши ҳақида башорат берилган эди. Тушлар акаларини шу қадар хафа қилдики, улар Юсуфдан қутулиш учун тил бириктириб, уни Мисрга қуллика сотиб юборишди.

Лекин ҳатто, ўша Мисрда бутунлай ёлғизлик ва умидсизлик пайтларида ҳам Юсуф Раббийга содиқ қолди. Юсуф

фиръавннинг донгдор сарой аъёнларидан бирига ўн йиллик хизматидан сўнг, уни хўжайинининг хотинини шаънини ҳақоратлашда ноҳақ айблашди. У зиндонга тушди ва у ерда икки йилдан кўпроқ ўтирди, лекин имонда мустаҳкам турди. Сўнгра Раббий Юсуфдан, худди шундай қамоқда бўлган фиръавннинг иккита хизматчиси учун тушларни таъбир қилувчи сифатида фойдаланди. Бирини қатл қилишди, бошқасини озод этишди. Лекин вақт ўтиб борар, озодликка чиқарилган одам эса фиръавн қаршисида у учун илтимос қилишни сўраган Юсуф ҳақида эсламади ҳам. Шунга қарамай, Юсуф Худога содиқ қолди.

Бир куни фиръавн кўрган тушидан безовта бўлганида, озод этилган хизматкор унга Юсуф ҳақида айтиб берди. Шу заҳоти унинг олдига одам юбориб, зиндондан чиқардилар ва фиръавннинг тушини таъбир қилишни буюришди. У туш таъбирида тўлиқ етти йил давом этадиган даҳшатли очарчилик яқинлашаётгани ҳақида огоҳлантирди. Худо Юсуфга фиръавнга мўл-кўлчилик йилларида захира қилиб қўйишни маслаҳат бериш учун донолик берди. Бу фиръавнни шунчалар ҳайратда қолдирганидан, зудлик билан Юсуфни давлатдаги иккинчи муҳим лавозимга тайинлади, яъни Юсуфдан фақат унинг ўзигина юқори эди.

Уйда эса унинг отаси Исроил қолган бўлиб, ўғли билан нима содир бўлгани ҳақида ҳеч нарса билмасди: Худо бунга унга ошкор қилмади. Бу барча воқеалар тез орада Иброҳимнинг барча авлодларини Мисрга олиб келувчи кўприк бўлиши керак эди. Буюк очарчиликнинг учинчи йилида Исроил ўғилларини Мисрга дон учун жўнатди. Юсуфсиз улар ҳалок бўлган бўлишарди. Миср озиқ-овқат олиш мумкин бўлган ягона жой эди, чунки фақатгина у ерда Раббийнинг донолиги бўйича очарчиликка тайёргарлик кўрилган эди. Худо Юсуф орқали Миср аҳолисини бой қилди. У ушбу мамлакатни барча халқлар

орасида энг қудратли ва нуфузли қилишга тайёрланар эди, бу ҳам аниқ бир мақсад билан амалга оширилди.

Исроилнинг ўғиллари Мисрга келганларида, уларни Юсуфнинг олдига олиб келишди, лекин улар уни танимадилар. Ажабланарли жойи ҳам йўқ. Қулни тахтда ким ҳам тасаввур қила оларди? Юсуф, аксинча, уларни дарров таниди. Эҳтимол, у уларнинг келишини кутгандир, лекин буни сир сақлагандир. У уларни бепул дон билан дуо қилди, лекин уларни қайтишга мажбур қилиш учун акаларидан бирини қандай олиб қолиш режасини тузди. Уларнинг заҳиралари тугаганида, қайтиб келишди. Энди Исроилнинг барча ўғиллари келган эди. Уларнинг ҳаммаси йиғилганларида, Юсуф ўзини уларга ошкор қилди.

Юсуфнинг акалари уни таниганларида, даҳшатга тушишди. Юсуф шундай ҳолатда эдики, у уларнинг хиёнатлари учун батамом, улардан қасос олиши мумкин эди, аммо бунинг ўрнига уларни тинчлантирди:

Юсуф акаларига яна: “Менга яқинроқ келинглар”, – деди. Улар яқинлашдилар. У эса уларга шундай деди: “Мен сизлар Мисрга сотиб юборган биродарингиз Юсуфман. Энди мени сотиб юборганингиз учун ўзларингиздан ғазабланманглар ва қайғурманглар. Чунки Худо ҳаётларингизни сақлаб қолиш учун мени сизлардан олдин юборди. Чунки ҳозир икки йилдан буён ерда очарчилик, яна беш йил [қолмоқда] ерга ишлов бериб бўлмайти ва ҳосил йиғиб бўлмайти. Худо эса сизларнинг авлодларингизни ерда қолдириш ва сизларнинг жонларингизни буюк нажот билан сақлаб қолиш учун мени сизлардан олдин юборди. Шундай қилиб, мени бу ерга сизлар эмас, балки Худо юборди (Ибтидо 45:4-8, курсив муаллифга тегишли).

Бундай жавобдан кейин ҳайрон бўлишингиз мумкин: “Наҳотки, у Мисрда шунча вақт ўтказгани учун унинг

қарашлари бунчалар ўзгарган бўлса?” Балки у оғриқ, хиёнат ва ёлғизлик йилларини унутгандир. Охир-оқибат, қандай қилиб севувчи Худо уни бундай азоб-уқубатлардан олиб ўтиши мумкин? Қандай қилиб, У Исроилнинг энг садоқатли ва итоаткор ўғли, айбсиз бўлсада, ўн икки йилдан ортиқ зиндонда қуллик ва ёлғизлик юкининг машаққатларига чидашига йўл қўйди? Юсуф ҳақиқатан ҳам, Худо бу вазиятларга шунчаки йўл қўймаганига, балки боз устига, буларнинг барчасини режалаштирганига ишониши мумкин эдими?

Икки гувоҳнинг оғзидан чиққан сўзлар далилнинг ҳақиқат эканининг исботи бўлиб хизмат қилиши ёдингиздами? Саночикўп йиллар ўтганидан сўнг нима деб ёзганини кўриб чиқамиз:

У [Худо] ер юзига очарчилик чақирди, бор дон поясини қириб ташлади. Уларнинг олдидан одамни юборди: Юсуф қулликка сотилди. Унинг оёқларини кишанлар билан сиқдилар, унинг жони темирга кирди, токи Раббийнинг сўзи амалга ошгунича; Раббийнинг Сўзи уни синади (Сано 104:16-19).

Ана холос! Юсуф ўзи ҳақида адашмаганди! Бу парчани диққат билан кўздан кечирамиз. Биринчидан, ушбу очарчиликни иблис ҳам, вазиятлар ҳам эмас, балки айнан Худо режалаштирган. Иккинчидан, Юсуф айтганидек, Худо уни оиласи олдидан юборган. “Худо томонидан юборилган” жумласи айтилганда, буни бошқа биров эмас, айнан У қилганини англатади. Юсуф рад этилмаган бўлиб, Худонинг Рўҳидан гапирган эди. Учинчидан, ушбу барча азоб-уқубатлар Юсуф учун синов ёки покланиш жараёни эди. Ваниҳоят, у кишанланган ва зиндонга ташланган эди, ўша вақтдаги зиндонлар эса бизнинг замонавий жазони ўташ муассасаларимиздан анчагина қўрқинчлироқ бўлган. Бироқ Юсуф энг художўй ўғил бўлиб чиқди! Бу яхши одамлар, ҳокимият томонидан шафқатсиз муносабатга тоқат қилиши мумкинлигини ҳамда бу тасодиф ёки иблиснинг режаси бўлмаслигини

англатадими? Бундай вазиятлар, аслида Худо томонидан режалаштирилган бўлиши мумкин деб айтмоқчи эмасмисиз?

### БУЮК НАЖОТМИ?

Ушбу муҳим саволларга жавоб бериш учун биз тадқиқотимизни давом эттирамиз. Яна бир бор Юсуфнинг сўзларига эътибор беринг. У Худонинг руҳлантириши бошқаруви остида нима деганини ёдга олинг: “Худо эса сизларнинг авлодларингизни ерда қолдириш ва сизларнинг жонларингизни буюк нажот билан сақлаб қолиш учун мени сизлардан олдин юборди. Шундай қилиб, мени бу ерга сизлар эмас, балки Худо юборди” (Ибтидо 45:7, 8).

Буюк нажот! Демак, бир дақиқа, Иброҳимнинг авлодлари фиръавннинг ҳокимияти остига ўзларининг итоатсизлиги тўғайли эмас, балки Худонинг режасига мувофиқ тушишди. Буларнинг ҳаммаси етмагандек, Худо Юсуфнинг ўлиmidан сўнг, кўп ўтмай Исроилга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўладиган бошқа фиръавн келишини олдиндан билган (Чиқиш 1:8-14га қаранг). Бундан кўп йиллар олдин Раббий Иброҳимга унинг авлодлари тўрт юз йил азоб чекишини айтган. Энди бу Худонинг буюк нажоти деб аталадими?! Улар бундай зулмга чидаган бир пайтда, буюк нажот ҳақида қандай гап кетиши мумкин?

Баъзилар: “Нима учун Худо Иброҳимнинг авлодини Мисрнинг ўрнига етти йиллик очарчилик пайтида уларга озуқа бера оладиган доноликни ато этмади. Шунда Юсуф бу барча азоблардан қутулиб қолган бўларди” – деб сўрашлари мумкин. Сабаби юзада: Худо улар фиръавннинг ҳокимияти остига тушишини истаган. У буни режалаштирган. Сиз: “Лекин фиръавнни унинг шафқатсизлиги тўғайли қадимги даврларнинг Гитлери деб аташ мумкин бўларди. У минглаб ибронийларни ўлдирган ва Худонинг халқини буюк азобларга дучор қилган” – деб айтишингиз мумкин. Ҳа, бу ҳақиқат, лекин

Худо авваломбор, биз бу дунёнинг қулайлиги ва лаззатларида яшашимиздан манфаатдор эмаслигини ёдда тутишимиз керак, Унинг энг муҳим устуворлиги – қутқаришдир!

Худо фиръавнга айтган доно сўзларни тингланг: “Аммо сенда қудратимни кўрсатиш учун ва Менинг номим бутун заминга эълон қилиниши учун яшамоғингга изн бердим” (Чиқиш 9:16).

Бунгача Раббий ҳақидаги билим Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб ва уларнинг авлодларида бор эди, қолган дунё эса, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси ҳақида ҳеч нарса билмас эди. Мана нима учун, Мусо фиръавннинг олдига келиб, унга Раббий номи билан Исроилни қўйиб юборишни буюрганда, шундай жавоб берди: “Раббий ким ўзи?! Нима учун Унинг сўзига кириб, Исроилни қўйиб юборишим керак? Раббийни танимайман, Исроилни ҳам қўйиб юбормайман” (Чиқиш 5:2). Ҳеч ким, на фиръавн, на бутун Миср Худони билмас эди. Аммо Раббий Ўз халқини озод қилиш учун аломатлар кўрсатганда, ҳаммаси ўзгарди.

Бир нечта кулфатлардан сўнг баъзи мисрликлар Худонинг сўзига қулоқ солишди. Дўл билан жазоланишдан олдин биз қуйидагиларни ўқиймиз: “Раббийнинг сўзларидан қўрққан фиръавннинг баъзи аъёнлари қулларини ва чорваларини дарров уйларига йиғиб олдилар” (Чиқиш 9:20). Тез орада улар фиръавндан: “Бу одамларни қўйиб юборинг, улар ўзларининг Раббий Худосига сажда қилишсин” – деб сўрай бошладилар (Чиқиш 10:7). Ҳатто Миср сеҳргарлари ўз подшоҳига: “Бу Худонинг қўли” – дейишди (8:19).

Энди улар Яхвеҳ ҳақида, қандайдир билим олганликлари маълум эди: “Мусо ҳам Миср ерида фиръавннинг аъёнлари ва Миср халқи кўзи олдида ғоят улуғ эди” (Чиқиш 11:3). Улар Худонинг одамилини чўқур ҳурмат қилишарди, зеро Раббийнинг Кимлигини билар эдилар.

Биз яна Иброҳимнинг авлодлари мисрликлардан талаб

қилган нарсаларини: кумуш ва олтин тақинчоқлар ҳамда кийим олганларини ўқиймиз (Чиқиш 12:35, 36). Ҳатто фиръавн охирида: “Раббий ҳақ, мен эса халқим билан айбдормиз” – деди (Чиқиш 9:27). Ваниҳоят, бутун Миср тирик Худонинг ким эканини билиб олди.

### БУТУН ЗАМИН БИЛИБ ОЛДИ

Нафақат Миср, балки бутун замин Яхвеҳ ҳақиқий ва тирик Худо экани ҳақида билиб олди. Бу билим У ер юзидаги энг қудратли давлатни бўйсундирган ҳаракатларнинг бевосита натижаси эди. Худо Юсуф орқали миллатга донолик берди ва бу уни қудратли қилди ҳамда буларнинг барчаси охир-оқибат, қул исроилликлар уни ағдариб ташлашлари учун бўлди. Бундай мағлубият дунё нигоҳида қуллар, қашшоқ ва заиф давлатни ёки ҳатто, шунчаки оддий бир мамлакатни енгшидан кўра анча жиддийроқ таъсирга эга бўлди. Худонинг ҳаракатлари бутун дунёни, шу қадар ларзага солдики, йиллар ўтиб, Исроил саҳрода юрганида, мажусий халқлар ҳали-ҳамон Ундан қўрқиб, Исроил қаршисида титроққа тушар эдилар.

Бунинг оқибати кейинги авлодларда ҳам кўриниб турарди. Мусонинг давомчиси Йешуа Нун ўғли Йерихондаги халққа икки айғоқчини юборди. Уларни фоҳиша Раҳаб кутиб олиб, уларга деди:

Ушбу ерни Раббий сизларга берганини мен биламан, зеро сизлар бизларни ваҳимага солдинглар ва бу ернинг *бутун аҳолиси* сизлардан даҳшатга тушдилар. Зеро сизлар Мисрдан чиққанларингда, Раббий [Худо] сизларнинг қаршингизда Қизил денгизнинг сувини қандай қуритганини... биз эшитдик. Биз бу ҳақида эшитганимизда, бизнинг юракларимиз бўшашиб қолди ва бизнинг ҳеч биримизда сизларга қарши дадиллик руҳи қолмади; зеро

*сизларнинг Раббий Худойингиз – юқорида самода ва пастда ердаги Худодир (Йешуа Нун ўғли 2:9-11, муаллиф курсиви).*

У Раббийнинг Худо эканини эълон қилди ва ернинг “бутун аҳолиси” қўрқиб қолдилар. Раббийнинг исми бутун ер бўйлаб маълум бўлди!

Бу билим нафақат Унинг улўворлиги учун, балки қутқариш учун ҳам зарур эди. Қутқарилишнинг илк ҳосиллари ўзга халқдан бўлган фоҳиша ва унинг бутун хонадони қутқарилганда намоён бўлди. Энг муҳими, у подшоҳ Довуднинг бувиси бўлди ва Исо Масиҳнинг насл-насаб шажарасига кирди. Агар Раббий фиръавни бўйсундириб, Ўз исмини бутун ер бўйлаб эълон қилмаганида, бу нарса содир бўлмас эди.

Ҳатто исроилликлар Мисрдан чиққанларидан сўнг юзлаб йиллар ўтса ҳам, халқлар орасида Худодан қўрқиш гувоҳлиги қолган эди. Исроилнинг пайғамбари ва ҳаками Элийнинг даврида Худонинг исми Унинг фиръавнга қилган ишлари сабабли яна эсга олинди.

Исроил филистинликлар билан жанг қилди ва жангнинг илк кунидеёқ жиддий жанговар йўқотишларга учради. Эртаси куни исроилликлар ўз ҳарбий қароргоҳига аҳд сандиғини олиб келиб, унинг атрофида йиғилишди. Шунда “бутун Исроил шундай баланд овоз билан бақирдики, ҳатто ер ингради” (1-Шоҳликлар 4:5). Филистинликлар шовқинни эшитиб, бир-бирларидан бу нимани англатишини сўрай бошладилар. Шунда улар Исроил қароргоҳига Раббийнинг аҳд сандиғини олиб келишганини тушундилар. Уларнинг муносабатига қаранг:

Шунда Филистинликлар қўрқиб кетиб дедилар: “Худо [ибронийчада – *элоҳим*] уларнинг қароргоҳига келибди, энди ҳолимизга вой! Бунақаси кеча ҳам, тунов куни ҳам бўлмаган! Эҳ, ҳолимизга вой! Шу кучли Худонинг [*элоҳим*] кўлидан ким бизни халос қилади? Бу Мисрликларни

сахрода ҳар хил жазолар билан шикастлаган ўша Худодир [элоҳим] (1-Шоҳликлар 4:7, 8).

Бу жойда ибронийча элоҳим сўзи Худо ҳақида гапирилганда қўлланилган. Эски Аҳдда биз хизмат қилаётган Раббий ҳақида гапирганда, бу сўз деярли икки минг марта учрайди. Ибтидо китобида биринчи бобнинг ўзида, у ўттиз икки марта ишлатилган бўлиб, бу сўз бизнинг Худойимиз ва Яратувчимизни англатади. Ҳатто филистинликлар ушбу воқеалардан юз йил ўтган бўлса ҳам, титраб кетди. Гарчи улар Унга хизмат қилмаган бўлсаларда, ҳақиқий, тирик Худо Ким эканини билар эдилар.

### ХУДО ДОНОЛИГИНИНГ ТЕРАНЛИГИ

Ҳокимиятга шафқатсиз фиръавн келганда, бу Худони ғафлатда қолдирганини англатмайди: “Чунки Худодан бўлмаган ҳокимият йўқ, мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган” (Римликларга 13:1). Барча даврларда қонуний ҳокимиятга эга ҳар қандай етакчи, у яхши ёки ёмонми, Худо томонидан тайинланган. Унга олдиндан ҳар доим махсус, мутлақо тасодиф бўлмаган рол белгиланган.

Энди сиз: Сталин ёки Гитлерга ўхшаган етакчи қандай яхшилиқ келтиради? – деб сўрашингиз мумкин. Бу саволга жавоб бериш учун мен ҳаворий Павлуснинг сўзидан иқтибос келтираман:

Шундай қилиб, Худо истаганига шафқат қилади ва истаганини тошбағир қилади. О, Худонинг донолиги ва билими бойлигининг тубсизлиги! Унинг ҳукмлари шу қадар ақлга сиғмайдиган, Унинг йўллари ўлчаб бўлмайдигандир! Зеро ким Худованднинг ақлини билиб олган экан? Ёки ким Унинг маслаҳатчиси бўлган экан? (Римликларга 9:18; 11:33, 34).

Худо бизнинг тушунчамиз доирасидан чиқувчи нарсаларни қилишга қодирдир. Баъзан биз У қилаётган нарсани тушунтиришларсиз қабул қилишимиз керак, чунки У бизга содир бўлаётган нарсаларнинг моҳиятини бироз кейинроқ очиб беради.

Яна бир бор Павлус Унинг донолигини тавсифлайди: “Эй, инсон, сен кимсанки, Худо билан баҳслашасан? Бирор буюм уни ясаганга: “Нега мени бундай ясадинг?” – дейдими?” (Римликларга 9:20). Унинг сўзларига қулоқ тутинг: “Сен кимсанки?” Бошқача сўз билан айтганда, биз Уни бир йўла икки ёқдан тергов қилиш ҳолатидамызми?

Худо бизга намуна бериш ҳамда бизни Унинг донолиги ва раҳм-шафқатига ишонишга ўргатиш учун фиръавни тахтга кўтариш ортида нима туришини кўрсатди. Шу билан бирга, У бизга доим, буни ҳар бир етакчида очиб беравермайди. У биз Унинг донолиги ва раҳм-шафқатига ишонишимизни хоҳлайди.

Худо Ўзининг донолигида ҳеч қачон мақсадсиз азобга йўл қўймайди. Ҳатто биз буни қандайдир маълум бир фурсат кўрмасакда, У озод қилиш мақсадида ундан фойдаланиши мумкин. Лекин абадият ҳамма нарсани ўз жойига қўяди. Худо Ўзининг раҳм-шафқатига кўра, азоблар абадиятда бизнинг тақдиримизга зарар етказишига ҳеч қачон йўл қўймайди. Сиз: “Лекин ушбу нопок ҳукмдорлар одамларга шунча кулфат келтиришди” – дея баҳслашингиз мумкин. Бу ҳақиқат, лекин фақатгина жисмоний ҳаётда шундай бўлади, Худо эса руҳий ҳаётни жисмоний ҳаётдан юқори ҳисоблайди. Ҳобилнинг ўлими беҳудадек кўринади, лекин бу бундай эмас, зеро унинг қони ҳозирги кунгача гапирмоқда (Ибронийларга 11:4га қаранг). Бетавфиқ ҳукмдорлар инквизиция даврида ва ундан олдин, кейин бўлган таъқиблар даврида минглаб масиҳийларни ўлимга маҳкум қилишди, лекин шунга қарамай, уларнинг қонлари беҳуда тўкилмади. Уларнинг қонлари ҳали ҳамон гапирмоқда.

Бизда камтарлик, итоат қилиш ва ибодатлар орқали етакчиларга таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд. Худонинг

халқи камтар бўлиб, ибодат қилганда ва ёвуз йўлларидан қайтганда, Худо буни эшитади ва ерни шифолайди. Бунга Ҳакамлар китобида тасвирланган ҳудожўй ҳукмдорларнинг тайинланиши яхши намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Янги Аҳд эълон қилади: “Шундай қилиб, энг аввало, шуни илтимос қиламан: барча инсонлар, подшоҳлар ҳамма ҳоқимлар ва бошлиқлар учун ибодатлар, илтижолар, шафоатлар қилинглр ҳамда миннатдорчилик билдиринглр, токи биз ҳар қандай диёнат ва покликда тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечирайлик, чунки Нажоткоримиз Худого бу яхши ва маъқулдир” (1-Тимотийга 2:1-3).

Бизнинг ибодатларимиз мавжуд етакчиликка таъсир кўрсатади ва бу таъсир тайинловга ҳам, етакчилар сайловига ҳам ёйилиши мумкин. Аммо бу жойда ҳам истиснолар бўлиши мумкин. Илк жамоатнинг ҳаворийлари ва азизлари кўпинча уларни қувғин қилган қўпол ва шафқатсиз ҳукмдорларга дуч келишган. Улар гуноҳлари ёки ибодат қилмаганлари тўфайли азоб чекишмаган. Боз устига, бу ҳукмдорлар Худонинг қўтқариш режасида уларга ажратилган ролни ўйнаганлар.

## ҲИРОД АГРИППА I

Шундай ҳукмдорлардан бири Ҳирод Агриппа Iни кўриб чиқамиз. Исо туғилишидан олдин, У хизмат қилган пайтда ва У қайта тирилгандан сўнг, Фаластиндаги бир қанча римлик ҳукмдорларни Ҳиродлар деб аташган. Ҳирод Агриппа I, ҳоқимият тепасига Масих тирилишидан кейин милонинг 37-йили келган. У ўзининг ўткир ақли ва айёрлиги тўфайли ҳоқимиятга чиқиб олган. У зийракликка эга бўлиб, ҳоқимият поғонаси бўйлаб кўтарилиб бориши учун ҳар қандай воситани ишга солган. У ўзининг илк улкан сиёсий ҳаракатини Рим императори Калигула ўлдирилгандан сўнг амалга оширди – у Клавдияга тахтга ўтиришда ёрдам берди. У Агриппанинг ақлли сиёсатини қадрлади ва унинг ер-мулкига Яҳудия ва

Самария ҳудудларини қўшиб, эгаллаб турган лавозимида уни мустаҳкамлади. У бобоси Буюк Ҳироднинг салтанати каби улкан салтанатнинг ҳукмдорига айланди.

Ҳирод Агриппа I ҳокимиятда бўлганида яҳудийлик ва масиҳийлик оқими ўртасидаги курашда бир томонда бўлишга мажбур эди. У ҳеч иккиланмасдан, масиҳийларнинг шафқатсиз таъқибчиси ролини ўз зиммасига олди. Биз Ҳаворийлар китобида қуйидагини ўқиймиз: “Ўша пайтда подшоҳ Ҳирод [Агриппа I] жамоатдаги баъзиларга ёвузлик қилиш учун қўл кўтарди ва Юханнонинг акаси Ёқубни қиличдан ўтказди. Бу яҳудийларга ёққанини кўриб, унинг кетидан Петрусни ҳам қўлга олди. Ўшанда ачитқисиз нон ейиш кунлари эди” (Ҳаворийлар 12:1-3). Ҳукмдор имонлиларга шафқатсизларча муносабатда бўлди, чунки бу унинг сиёсий мақсадларига хизмат қилар ва уни яҳудийлар орасида машҳур қилар эди. У Исонинг энг яқин шогирдларидан бири бўлган Ёқубни ўлдирди, сўнгра у Петрусни ҳам ўлдирмоқчи бўлди.

Биз шундай савол беришимиз керак: “Агриппанинг ҳокимияти кимдан келади?” Сиёсатдаги унинг барча ҳийланайрангларига қарамасдан, агар Худо бунга йўл қўймаганида, у ҳокимият бошига кела олмаган бўларди.

Агриппанинг қўлидан азоб чеккан Петрус имонлиларга айтган: “Худодан кўрқинглар, подшоҳни ҳурмат-иззат қилинглар” (1-Петрус 2:17). Нима?! Ёқубни ўлдирган подшоҳни ҳурмат қилиш? Нима учун Худо Унинг жуда кўп фарзандлари яшаган ер устидан бундай шафқатсиз ҳукмдор ҳокимият тепасига келишига йўл қўйиб, кейин эса: “Подшоҳни иззат-ҳурмат қилинглар” – деб айтади? Саволимизга қисман жавобни Ёзувда топишимиз мумкин: “Шундай қилиб, Петрусни зиндонда қўриқлашар эди, жамоат эса у учун Худога ихлос билан ибодат қилар эди” (Ҳаворийлар 12:5). Натижада, Худо Петрусни зиндондан мўъжизали тарзда қутқариш учун

фариштани юборди ва уни масиҳийлар ибодат қилаётган хавфсиз жойга олиб борди. Агар масиҳийлар подшоҳни ҳурмат қилмасдан, балки Раббийнинг топширилган ҳоқимияти ҳақидаги амрига қарши исён қилганларида, улар Худонинг мўъжизаларини кўришмаган бўлар эди.

Агриппанинг Петрусни қатл қилиш режалари жамоатнинг ибодати ва итоати тўғрисида барбод бўлди. Бу воқеа имонлиларни сезиларни даражада мустаҳкамлади. Фиръавн билан бўлган ҳодисадагидек, ҳозир ҳам Худо, худди шундай Ўзининг озод қилувчи кучини намоён қилди. Бунга энг катта гувоҳликни ўша ерда, Ёзувда топиш мумкин: “Худонинг сўзи эса ўсар ва тарқалар эди” (Ҳаворийларга 12:24).

Муқаддасларнинг узлуксиз ибодатлари ва уларнинг ҳоқимиятга итоати воқеалар ривожига янада кучли таъсир кўрсатди. Кейинроқ биз кўрамизки, Ҳирод Агриппа I белгиланган кун халқнинг олдида баланд жойда ўтириб, уларга гапирди, “халқ эса: “Бу одамнинг овози эмас, Худонинг овозидир!” — деб хитоб қила бошлади. Лекин тўсатдан Раббийнинг фариштаси Ҳиродни урди, чунки у шарафни Худога бермади. Шундай қилиб, уни қуртлар еб, у жон берди” (Ҳаворийлар 12:22, 23).

Ҳукм келди, лекин бу Унинг халқининг эмас, Раббийнинг қиличи эди. Тез орада биз фақат Худо ҳукмдорлар устидан ҳукмни амалга ошира олишини билиб оламиз. Бизга эса ҳоқимият тепасидагилар учун ибодат қилиш, уларни иззат-ҳурмат қилиш ва уларга бўйсунуш амри берилган. Агар ҳукмга эҳтиёж туғилса, Худо биз фақатгина Унга ўрин беришимиз кераклигини айтади.

Ушбу бобда ёзилганлар, ҳатто сизнинг жамоатингизнинг таълимоти ва дунёқарашига қарши борса ҳам, ҳақиқатдир. Келинг, Худонинг донолигини очиқ юрак билан қабул қилайлик. Ёдингизда бўлсин – У бизга қарши эмас, балки биз томондadir.

## ПОДШОҲНИ ҲУРМАТ ҚИЛИНГ

*Биз ҳокимият эгаларини иззат қилишни, қадрлашни, ҳурмат қилишни, уларга ҳурмат ва итоаткорлик билан муносабатда бўлишни, шунингдек, ўз мажбуриятларимизни бажаришни ўрганишимиз керак.*

**О**хирги бобда қисқача айтиб ўтилган ҳаворий Петруснинг қатъий мурожаати, айниқса, бизнинг кунларимизда янада жиддий эътибор талаб қилади. Алоҳида оятни олишимиздан аввал, келинг, унинг қайси доирада қўлланганига назар ташлаймиз: “Севганларим, бу дунёда ғарибу мусофирдай бўлганингиз учун, сизлардан ўтиниб сўрайманки, жонга қарши жанг қилаётган танавий ҳирслардан ўзингизни тийинглар. Сизларни ёмонликда айблаб ғийбат қиладиган мажусийлар орасида диёнатли ҳаёт кечиринглар, токи улар хайрли ишларингизни кўриб, Раббий ташриф буюрадиган кунда Худони улуғласинлар” (1-Петрус 2:11, 12). Биз ҳокимиятга итоат қилиш – бу у айтган диёнатли ҳаёт эканини аниқладик. Бу ерда тилга олинган жанг – бу ҳокимиятга

бўйсунмасликнинг исёнкор истаклари ва итоаткорлик ўртасидаги жангдир. Шунга қарамасдан, биз кўпинча бошқача фикрлаймиз ва бўйсунмаслик истагини иттифоқдош, итоаткорликни эса душман сифатида қабул қиламиз. Бундай фикрлаш ҳақиқатдан жуда ҳам узоқдир.

Петруснинг нима деганини унутмаслигимиз керак: ҳатто биз итоатда яшасақда, бизни “ёмонликда” айблаб ғийбат қилишлари мумкин. Баъзи бир одамлар: “Бундан нима наф? Мен бўйсунаман, лекин барибир мени қилмаган ишим учун айблайдилар” – дея фикр юритганларини кўп мартаба эшитганман. Бундай кишилар ўларнинг Раббийга итоати ва мукофоти Ундан келишини унутганлар. Ёзув буни ажойиб тарзда тушунтиради:

Қуллар [ёлланма ишчилар, жамоат аъзолари, фуқаролар ва бошқалар], ерлик хўжайинларингизга [иш берувчилар, жамоат етакчилари, фуқаролик ҳокимиятидагилар ва бошқаларга] юракларингизнинг соддалигида қўрқув ва титроқ билан Масихга итоат қилгандек, итоат қилинглар. Кўзга кўринарли хизматлар билан одамларни мамнун қилувчилардек эмас, балки Худонинг иродасини чин юракдан бажарадиган Масихнинг қулларидек итоат қилинглар. Яна инсонларга эмас, балки Раббийга қилгандек, тиришқоқлик билан хизмат қилинглар. Билингларки, ҳар бир киши: қулми, озодми, қилган яхшилигига яраша Раббийдан мукофот олади (Эфесликларга 6:5-8).

Петруснинг сўзларига яна бир бор мурожаат қиламиз: “Шундай қилиб, Раббий ҳақи ҳар қандай инсоний ҳокимиятга бўйсунинглар: олий ҳоким бўлган подшоҳга ҳам, жиноятчиларни жазолаш ва яхшилиқ қилганларни тақдирлаш учун подшоҳдан юборилган ҳокимларга ҳам бўйсунинглар (1-Петрус 2:13, 14). Муқаддас Рух бизга Павлус орқали панд-

насиҳат берганидек, Петрус орқали ҳам, барча ҳокимиятларга истисноларсиз бўйсунишни насиҳат қилади. Ёдингизда бўлсин, у айтаётган подшоҳ масиҳийларни аёвсиз таъқиб қилган шафқатсиз ҳукмдор бўлган. Ҳаворий Павлус каби Петрус ҳам, инсоннинг ўзини эмас, балки унга юкланган Худонинг ҳокимиятини тан олишга ундаган. Агар у подшоҳ устида бўлган Худонинг ҳокимиятини тушуниб, тан олмаганда эди, у ҳеч қачон инсонга, Ҳирод Агриппа Iга бўйсунмаган бўлар эди. Агар сиз Худонинг ҳокимияти билан ҳали таниш бўлмасангиз, вакил қилиб қўйилган ҳокимиятга бўйсунуш қийиндир. Қанчалик кўп бўйсунушга ҳаракат қилсак, ҳақиқий ҳокимиятни кўрмаганимизда, буни қилиш бизга шунчалик қийин бўлади.

Петрус бизни бу ҳақида огоҳлантирган, чунки итоатсизлик, аслида дажжол ёки дажжол руҳининг ишига ёрдам беришини билар эди, зеро бу куч, шу жумладан, ҳақиқий барҳаёт Худонинг йўллари, иш усуллари ва амрларига, “табаррук” ёки “худо”, – деб аталадиган барча нарсаларга қарши чиқиб, ўзини ҳамма нарсадан устун қўяди” (2-Фессалоникаликларга 2:4). Биз имонлилар қонунбузарлик ҳаракатига кўмаклашяпмизми ёки қаршилиқ кўрсатяпмизми деб ўзимиздан сўрашимиз керак. Агар кўмаклашаётган бўлсак, унда биз мутлақо Худо эмас, балки шайтоннинг тамойиллари (исёни) асосида ҳаракат қилмоқдамиз.

Петрус давом этади: “Биродарликни севинглар. Худодан қўрқинглар, подшоҳни ҳурмат-иззат қилинглар” (1-Петрус 2:17). У бизга нафақат ҳокимиятга бўйсунушни, балки унга иззат билан муносабатда бўлишни насиҳат қилади. Юнон тилида “иззат-ҳурмат қилиш” сўзи *тимао* феъли билан ифодаланган бўлиб, “иззатламоқ, ҳурмат билдирмоқ, илтифот кўрсатмоқ, эъозламоқ” маъноларини билдиради. Исо: “Мен Отамни ҳурмат қиламан” (Юҳанно 8:49) – деб айтганда, айнан мана шу сўзни ишлатган. Вебстер луғати (1928-йилдаги нашри) иззат-ҳурмат қилиш сўзига қуйидаги таърифни беради:

“иззат қилмоқ, эъзозламоқ, ҳурмат ва итоаткорлик билан муносабатда бўлмоқ, шунингдек, ўз мажбуриятларини бажармоқ”. Яна бир бор такрорлайман: Петрус айтган подшоҳ имонлиларни таъқиб қилган! У масиҳийларни шахсан ўша подшоҳни ҳурмат қилишга чақирмаган, балки Худо томонидан ўрнатилган ҳокимият сифатида уни иззат қилишни ўргатган.

## ЁҚИМСИЗ ИНТЕРВЬЮ

Яқинда мендан мамлакат жанубидаги катта шаҳарда машҳур масиҳийча радиостанцияга интервью беришимни сўрадилар. Китобларимнинг бири ҳақида суҳбат бошланди. Ўн дақиқадан сўнг бизни реклама учун тўхтатишди. Мен студияда ўтириб, эълонларни эшитар эдим, бу вақтда менинг микрофони ўчирилган эди.

Тўсатдан, об-ҳаво маълумоти эътиборимни тортди: бир киши минглаб тингловчиларга шимолий штатларнинг бирига жуда қаттиқ совуқ тушганидан, штат ҳокимининг лаблари музлаб қолгани тўғрисида гапирар эди. У ҳокимнинг исмини айтиб, ўзининг изоҳларини келтирди: гўёки ҳокимнинг лаблари шунчалик музлаб қолдики, у оғзини очиб, у одатда айтадиган, қандайдир аҳмоқона гапларни айта олмай қолди.

Мен ҳайратда қолдим, қулоқларимга ишонмасдим. Миямда фикрлар айланарди: *“Бу масиҳийча радиому? Бўлиши мумкин эмас!” Кейин мен ўйлаб қолдим: “Агар бу масиҳийча радио бўлса, унда, эҳтимол бу бошқа манбадан ёзиб олинган”*. Танаффуснинг охирида, мен эшитганларимдан ҳали ҳамон ўзимга келиб улгурмаган эдим.

Бошловчи эфир вақтида қандайдир савол берди, мен бу саволга жавоб бериб, биз қилаётган ҳамма нарсада Худонинг юрагига эга бўлишнинг нақадар муҳимлигини айтдим. Бу вақтда танаффусда эшитганларим ҳаёлимдан кетмади. Мен таъкидлаб: *“Айтганча, мен бир неча дақиқа олдин реклама*

қисмида эшитганларимни яхши мисол сифатида келтириш мумкин” – дедим. Сўнгра: “Бу масиҳийча радиомини” –деб сўрадим. У: “Ҳа” – деб жавоб берди.

“Ундай бўлса, эшитганларим дунёвий манбадан олинган бўлиши мумкин, чунки бир неча дақиқа аввал гапирган одам сўзларида Худонинг юрагига эга эмас эди”.

У: “Нима ҳақида гапиряпсиз?” – деб сўради. Мен жавоб бериб: “Лаблари музлаган ҳокимга нисбатан айтилган сўзлар ҳақида” – дедим. Бошловчининг овозида ғазаб пайдо бўлди: “Бу мен эдим”.

Мен: “Ёзув биз Худодан қўрқишимиз ва подшоҳни ёки ҳокимиятга эга одамларни иззат-ҳурмат қилишимизни айтади” – дедим.

Унинг овози қаттиқроқ чиқди: “Ҳа, лекин бу ҳазилку”. Мен шу заҳоти қўшиб қўйдим: “Лекин Худо бизга иззат-ҳурмат қилишни буюрган кишининг қадр-қийматини оёқ-ости қилиш эвазига эмас. Ҳаворий Петрус: “Халқингнинг бошлиқларини ёмонлама” – деган (Ҳаворийлар 23:5).

У интервьюни режалаштирилгандан олдинроқ яқунлади ва охирида: “Биз Жон билан ҳамма нарсада ҳам қарашларимиз бир-бирига тўғри келавермайди” – деди.

Мен ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим. Бу ҳокимга нисбатан иззат-икром ва ҳурматнинг намоён бўлиши эдими? Тан оламанки, бошловчи гапирган ўша одам, ҳар доим ҳам ҳурматга сазовор ишлар қилмаган, лекин у ҳоким мансабини эгаллаган ва биз масиҳийлар сифатида унинг ҳокимиятини ҳурмат қилишимиз керак. Бу ҳурматсиз ҳазил қанча масиҳийларга таъсир ўтказган экан? Унда жамиятнинг кўплаб аъзоларига нисбатан ҳурматни йўқотганимиз ажабланарли эмас.

Энг шафқатсиз қувғинларни бошдан кечирган илк жамоат имонлиларининг ҳаракатлари бундан мутлақо йироқ бўлган. Улар ҳокимиятни иззат-ҳурмат қилишган. Агар биз ўзимизни номуносиб тутсак ва гапирсак, унда ўзимиз бизнинг

кунларимизда кучаяётган қонунбузарликнинг ҳоқимиятини мустаҳкамлаймиз. Бироқ Муқаддас Китоб бизга шундай дейди: “Чунки қонунбузарлик сири аллақачон амал қилмоқда, аммо унга тўсқинлик қилаётган унинг йўлидан олинмағунига қадар, бу *ошкор бўлмайди*” (2-Фессалоникаликларга 2:7). Бундай хатти-ҳаракат Муқаддас Рухнинг тўсқинлик қилаётган кучига қарши чиқади. Бу шайтоннинг тамойилидир!

### РАББИЙДАН ҚЎРҚИШ ИЗЗАТ-ИКРОМНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ

Петруснинг сўзларига қайтамыз: “Худодан қўрқинлар, подшоҳни ҳурмат-иззат қилинлар”. Худодан қўрқадиганлар – бу ҳаётларида шараф Раббийси ҳамма нарсадан улўвор бўлган одамлардир. Улар Унинг ҳамма нарсани қамраб олувчи ҳоқимияти билан учрашиб, у билан бир бутун бўлиб бирлашганлар. Улар У қадрлайдиган нарсани қардлайдилар ва У нафратланадиган нарсадан нафратланадилар. Ҳар қандай ҳоқимиятга нисбатан диёнатли қўрқув ва ҳурмат уларнинг ҳаётларида мустаҳкам ўрнатилган, чунки Худо Ўз ҳоқимиятини бўлишади.

Биз ҳоқимиятни иззат-ҳурмат қилишни тўхтатганимизда, Раббийдан қўрқиш руҳининг йўқлиги маълум бўлади. Пайғамбар Ишаъёнинг Масих (Мессия) ҳақида айтган сўзларини ёдга олинг:

Унинг устида Раббийнинг Рухи, донолик ва англаш руҳи, маслаҳат ва қувват руҳи, билим ва *Раббийдан қўрқиш руҳи* бўлади. *У Раббийдан қўрқишга тўлади, У кўзларининг кўргани бўйича ҳукм қилмайди ва қулоқларининг эшитганига биноан муҳокама қилмайди* (Ишаъё 11:2, 3, муаллиф курсиви).

Исо Раббийдан қўрқишга тўла эди. Бу Унга кўрган ёки эшитганига асосланиб, атрофдагилар тўғрисида ҳукм

чиқармасликка имкон берган. Радиостанциядаги ўша бошловчи ўзининг ҳосиллари билан, вакил қилиб қўйилган ҳоқимиятга нисбатан Худодан қўрқишга эга эмаслигини кўрсатди. Ҳоқимнинг хатти-ҳаракати нимададир номуносиб бўлгани учун, бу одам фақат у ҳақида кўрган ва эшитганларига асосланиб ҳукм чиқарди. Агар фақат шундай тамойилларга таянилса, эҳтимол, бошловчи мўлжалга ургандир. Лекин у ҳамма нарсага Раббийдан қўрқиш кўзи билан қараганда эди, унда авваламбор, ҳоқимнинг юзида вакил қилиб қўйилган ҳоқимиятни кўрган бўлар эди. Ҳукумат маъмурларини ғийбат қилишни диёнатли амал деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Яҳё чўмдирувчи бир ҳукмдор, Ҳироднинг ноҳақ хатти-ҳаракатлари билан тўқнашишига тўғри келган, бироқ унинг подшоҳга бўлган муносабати биз радио дастур бошловчисига кўрган муносабатдан фарқ қиларди. Биринчидан, Яҳё Ҳиродга: “Сен уни [укангнинг хотинини] олмаслигинг керак” – деган эди (Матто 14:4). У бевосита гуноҳ ҳақида гап олиб борди ва бу гуноҳни содир этган инсон ҳақида менсимасдан гапирмади. Иккинчидан, у Ҳиродга Худо пайғамбарининг ҳоқимияти мавқеи жиҳатидан мурожаат қилди. Ваниҳоят, Яҳё чўмдирувчи подшоҳга нисбатан ҳақоратли ҳазилларга йўл қўймади.

Муқаддас Китобда фақат бир марта диёнатли одам ҳоқимият тепасида турган одамлар устидан кулган ҳолат эсга олинади. Гап Элияҳ пайғамбар ҳақида кетмоқда (3-Шоҳликлар 18:27). У Баалнинг сохта пайғамбарлари ва улар хизмат қилган худолари устидан кулган. Бу одамлар ҳоқимиятга эга эдилар, бироқ у ҳақиқий эмас, балки сохта эди. Улар Исроил халқидан кўплаб одамларни зулматнинг ҳоқимиятига олиб кетдилар. Уларнинг ҳоқимияти Худо томонидан ўрнатилмаган эди. Улар иззат-ҳурматга ва бўйсунушига номуносиб эдилар.

Гарчи жодугарлик билан шуғулланадиган ташкилотларга бошчилик қиладиган одамларга бўйсунмаслик керак бўлсада,

барибир уларни жиддий қабул қилмаслик мумкин эмас, чунки ҳатто “бош фаришта Микоил Мусонинг танаси ҳақида иблис билан баҳслашаётганида, унга таъна этувчи ҳукм сўзларини айтишга журъат эта олмай, фақат: “Раббий сенга бунга тақиқласин”, – деб айтган эди. Аммо бу одамлар [жамоатдаги исёнчилар] нимани ҳақорат қилаётганларини ўзлари ҳам билмайдилар (Яҳудо 8, 9). Элияҳ Баалнинг пайғамбарларини масхара қилганда, Худонинг Руҳи унинг устида эди. Агар биз ҳокимиятнинг ҳар қандай шакли устидан, ҳатто у зулматдан келиб чиқса ҳам, калтабинлик билан масхара қилсақ, биз жуда номаъқул иш қилган бўламиз.

Ҳақиқий, Худо томонидан қўйилган ҳокимиятга қайтадиган бўлсам, шунга таъкидлашни истардимки, агар Худодан қўрқиш билан тўлган кўзлар билан ҳокимиятни кўрмасангиз, уни иззат-ҳурмат қилиш ва унга бўйсунуш қийин. Ёзув нима деяётганига қулоқ тутинг: “Раббий, албатта, қандай қилиб художўйларни васвасадан халос қилишни, қонунбузарларни эса, айниқса, тананинг расво ҳирслари ортидан юрадиган, ҳокимиятдан нафратланадиган, сурбет, ўзбошимча ва юқори мавжудотларни ҳақорат қиладиганларни жазо учун ҳукм кунигача сақлашни билади (2-Петрус 2:9, 10). Петрус ва Яҳудо имонлилар ҳақида гапиришган (Яҳудо 12; 2-Петрус 2:13-15). Бу ҳақиқат бизга ақл киритадиган даражада таъсир кўрсатиши керак.

Китобнинг аввалида, мен айримларга унинг мазмунини қабул қилиш қийин бўлишидан огоҳлантирган эдим, чунки биз кўпинча Худонинг Шоҳлигига демократик фикрлаш доирасида қараймиз. Айнан шу сабабли, бизга онгимизнинг руҳи билан янгиланиш буюрилган (Эфесликларга 4:23га қаранг). Агар радиостанция бошловчиси билан бўлган ҳолат, ягона ҳолат бўлганида эди, балки мен уни эслатиб ўтмаган бўлар эдим, бироқ бундай фикрлаш бугунги кунда Жамоатда кенг тарқалган. Мен бундай хулосага, Билл Клинтоннинг президентлик бошқаруви даврида келганман.

## МИНУСНИ МИНУСГА ҚЎШСА, ПЛЮС БЎЛМАЙДИ

1992-йили Клинтон президентликка сайланганида, Худо менга бир нарсани очмагунча, мен уч кун тушкунлик ҳолатида бўлганман. У менга ҳеч ким Унинг ихтиёрисиз ҳокимиятга келмаслигини ва “бошқарувда” турганларнинг барчаси У томонидан тайинланишини яққол кўрсатди. Бу менга очилгани заҳоти, мен, биринчи навбатда, инсоннинг шахсий ҳаётига эмас, балки унинг ҳокимиятига қарай бошладим. Шундай қилиб, мен шу заҳоти, бу етакчига нисбатан юрагимда ўсаётган чинакам муҳаббатни ва унинг ҳаётига озодлик кириб келиши ва у ҳақиқатда юришни бошлаши учун бўлган кучли истакни пайқадим.

Яҳё чўмдирувчи Ҳиродга нисбатан айнан шуни ҳис қилганига ишонаман. Гарчи у шоҳга қаттиқ гапирган бўлсада, Яҳё ушбу бетавфиқ ҳукмдорга Худонинг юраги билан мурожаат қилганига шубҳа қилмайман. Мана нима учун Йермияҳ, кимга қарата кескин сўзлар айтган бўлса, улар учун йиғлади. Шундай одамлар борки, улар қонунчилик ниятлари билан, нафратга тўла юракдан келиб чиқиб гапирадиган, лекин шундай одамлар борки, улар Раббийдан тузатиш сўзларини ҳамдардлик билан ёнаётган юракдан гапирадилар.

Ўзидаги ҳақ деб билган мулоҳазаларига асосланиб, бошқаларни танқид қилувчи одамлар Худони ғазаблантиради. Мен бир неча бор кўпгина жамоатларда президентимизга нисбатан беҳурмат муносабатнинг гувоҳи бўлганман. Давом эттиришдан аввал, мен ҳеч қаерда ва ҳеч қачон Клинтон учун овоз бермаганимни ва унинг хулқи туфайли, бутун мамлакатга маълум бўлган нарсалар мени ранжитганини бирдан айтмоқчиман.

1992-йил мамлакатнинг кўп жойларига воизлик қилиш учун бориш имкониятига эга бўлдим ва кўпинча имонлилар менга бир ўта даражада анъанавий дунёқарашли одам иштирокидаги теледастурни томоша қилишни маслаҳат

беришди. Афтидан, у бизнинг эркинлик тарафдори бўлган етакчиларимиз, айниқса, президент ва унинг хотини ҳақида эшитиш керак бўлган нарсаларни кўп гапирган. Бир нечта шаҳарларда менга унинг дастурини кўришни маслаҳат беришди. Одатда улар менга: “Сен уни эшитишинг керак. Унинг Вашингтондаги воқеалар ҳақидаги изоҳлари ўрнида гапирилган” – дейишар эди. Мен уларга ишониб: *“Унинг у ерда нима деяётганини, албатта кўришим керак”* – дея ўйладим. Мен кам телевизор кўраман, шунинг учун унинг дастурини кўраман дегунимча, деярли тўққиз ой ўтиб кетди.

Бу Калифорнияда бўлди. Мен хизматдан сўнг меҳмонхона хонасига қайтиб, ойнаижаҳонни ёқдим ва ниҳоят, ўша одамни кўрдим. Унинг кўриниши етарли даражада қизиқ эди, унинг костюмини қандайдир тасаввур қилиб бўлмайдиган рангдаги бўйинбоғ бегаб турарди. У президент Клинтон ҳақида гапира бошлади. Мен хурсанд бўлдим: *“Бу ўша ҳамма гапираётган одам”*. Унинг нима дейишини кутиб экран олдига ўрнашиб олдим.

У йигирма дақиқа давомида президентни батамом арзимас қилиб кўрсатиб, устидан масхара қилди. Унинг ҳазиллари жўшқин эди, иборалари зукколик билан чақнаб турарди, лекин шу вақт давомида томоғимга бир нарса тиқилиб қолгандек, кўнгил айнашни ҳис қилдим. Мен: *“Бу ерда нима нотўғри? У гапираётган ҳамма нарса ҳақиқат. У президентимизнинг либерал фикрлашини ажойиб тарзда тасвирлади”* деб ўйладим. Кейин Ҳудога мурожаат қилиб: *“Раббий, нима учун юрагимда бундай ёқимсиз туйғу қолди?”* – дедим.

Муқаддас Рух шу заҳоти жавоб берди: *“Халқингнинг бошлиқларини ёмонлама”* (Ҳаворийлар 23:5). Дарҳол Ёзувдаги бошқа оят эсимга тушди: *“Шундай қилиб, энг аввало шуни илтимос қиламан: барча инсонлар, подшоҳлар ҳамма ҳокимлар ва бошлиқлар учун ибодатлар, илтижолар, шафоатлар қилинлар ҳамда миннатдорчилик билдириллар,*

*токи биз ҳар қандай диёнат ва покликда тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечирайлик, чунки Нажоткоримиз Худога бу яхши ва маъқулдир” (1-Тимотийга 2:1-3).* Бу менга бир тонна ғиштдек ўрилди. Худо бизга ҳукмдорларни иззат-ҳурмат қилиш, улар учун ибодат, шафоат қилиш ва миннатдорчилик билдиришни амр этган. У шунингдек, уларга қарши гапирмаслигимизни буюрган. У бизга уларнинг устидан кулмасликни, уларни танқид қилмасликни, уларга қарши исён кўтармасликни ва уларга қарата ҳақоратли ҳазиллар айтмасликни амр берган. Гарчи ўша шарҳловчи кўп нарсаларда ҳақ бўлсада, иккита нотўғри нарса биргаликда битта тўғри нарсани ташкил этмайди!

Мен қаттиқ хафа бўлдим, лекин бу одам ўзини қандай тутганидан эмас, балки кўплаб имонлилар унинг дастурини “кўтаринки руҳ билан” қабул қилишганидан ранжидим. Бошловчининг ўзига келадиган бўлсак, мен унга ўзини бошқача тута олмайдиган одамга қарагандек қарадим. Менга бир нарса тушунарсиз бўлди – масиҳийлар унинг хабарини ҳаммага қандай билдиришлари мумкин? “Подшоҳни иззат-ҳурмат қилиш” шундай бўладими? Худо биз имонли масиҳийларга нима қилишни айтган: ибодат, шафоат қилиш ва миннатдорчилик билдиришни айтган. Павлус нафақат қонунбузарлик қилувчилар, балки бу ишларни қилувчиларни маъқуллайдиган [одамлар] ҳам ўлимга лойиқлигини айтган (Римликларга 1:32).

### БИЗ ҚАЙСИ ҚОНУНЛАРГА КўРА ЯШАЙМИЗ?

Мен бутун мамлакат бўйлаб, ўша меҳмонхона хонасида содир бўлган воқеа ҳақида воизлик қила бошладим. Кўпчилик нурни кўриб, тавба қилишди, бошқалари мендан ғазабландилар. Улар ўз далилларини илгари суриб, ўша шарҳловчи ҳукумат томонидан бизга берилган тўғри турмуш

тарзи ва сўз эркинлигини ҳимоя қилаётганини қаттиқ туриб маъқулладилар. Бу ҳақиқат; аммо барибир, бизда бундай хатти-ҳаракатдан устун бўлган амрлар бор. Ахир, биз Худо Шоҳлигининг қонунлари бўйича эмас, балки демократик меъёрларга мувофиқ яшамаяпмизми? Фақат бизнинг мамлакатимизда спиртли ичимлик ичишга рухсат берилгани сабабли, имонлилар ичкиликка ружу қўйишлари керакми?

Бизда олий қонун бор. Бир имонсиз римлик одам янги аҳд жамоатининг илк масиҳийлари ҳақида шундай деб ёзган: “Улар ўз кунларини ерда ўтказадилар, лекин улар осмон фуқароларидир. Улар ёзилган қонунларга бўйсунушади, лекин шу билан бирга, улар ўз ҳаётлари билан бу қонунлардан устун турадилар” (*Диогнетга мактуб*, 5-боб).

Ғийбатни тинглашдан нима фойда? Бундан қандай натижа бор? Агар вақтимизни бундай кўрсатувларни кўришга ва инсоний хабарларни тарқаришга эмас, балки давлатимиз раҳбарлари учун шафоат қилиш учун бағишласак, биз янада муваффақиятлироқ бўлмаймизми? Худо бизга итоаткорликдаги ҳаётнинг самараси, “ҳар қандай диёнат ва покликда тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечириш” бўлишини айтган эмасмиди?

Мен президент Клинтон билан учрашиб: “Беғуноҳ болаларнинг ўлдирилишини қонунийлаштирган ҳар қандай раҳбар Худонинг ҳукмига топширилади ва дўзахда ёнади” – деб айтган бир хизматчини биламан. Яхё чўмдирувчи Ҳиродга нисбатан қандай муносабатда бўлган бўлса, бу инсон ҳам ўзини худди шундай тутган. У адолатли ғазаб, қолаверса, туғилмаган болалар ва президентнинг ўзига нисбатан ҳақиқий севги билан президентга мурожаат қилган. Бу хизматчи, президентнинг ҳокимиятини ҳурмат жойига қўйган ҳолда ҳақиқатни гапирган. Бундай инсон ҳеч қачон ҳокимиятдаги раҳбарлар устидан кулишга ўзига изн бермаган бўлар эди. Биз ҳокимиятни масхара қилаётган теле ва радио бошловчиларини

тинглаганимизда, Худонинг юрагини йўқотамиз. Қулоқларимиздаги ғийбат абадий ҳосилни келтирмайди.

### ҲОКИМИЯТНИ ИЗЗАТ-ҲУРМАТ ҚИЛУВЧИ ЮРАК

Биз ўзимизга ҳоқимиятни эъзозлашни сингдиришимиз лозим, зеро биз Раббийнинг ҳомийлигида мансабга қўйилган одамларни иззат-ҳурмат қиламиз. Павлус шундай деб ёзади:

Чунки бошлиқлар яхши ишлар учун эмас, балки ёмон ишлар учун даҳшатлидирлар. Ҳоқимиятдан қўрқмасликни хоҳлайсанми? Яхшилик қил ва ундан мақтовлар оласан, чунки *раҳбар* сенга яхшилик учун *Худонинг хизматкоридир*. Лекин агар ёмон иш қилсанг, қўрққин, чунки ҳоқимият беҳудага қилич кўтариб юрмайди: у Худонинг ёмонлик қилганга қаҳрини сочувчи хизматкоридир. Шунинг учун фақат қаҳрдан *қўрққанликдангина* эмас, балки виждон юзасидан ҳам бўйсунуш керак. Шу сабабли ҳам сизлар солиқ тўлайсизлар; чунки улар Худонинг хизматкорлари бўлиб, доимо бу иш билан банддирлар. Шундай қилиб, ҳар кимга ўз ҳақини беринглар; кимга солиқ бўлса – солиқ, кимга бож бўлса – бож, кимга қўрқув бўлса – қўрқув, кимга ҳурмат бўлса – ҳурмат (Римликларга 13:3-7, курсив муаллифники).

Худо ҳоқимиятда турган одамларни Ўзининг хизматкорлари деб атаган ҳамда улар муносиб илтифот ва ҳурматга лойиқдирлар. Ҳар сафар мен милиция ходими, ўт ўчирувчи, вилоят ҳоқими, шаҳар кенгаши аъзоси, шаҳар ҳоқими, штат қонун чиқариш идора аъзоси, судья, конгрес аъзоси ёки ҳукумат тизимидан яна бирор кишини кўрганимда, бу сўзлар менинг юрагимда лов этиб ёнади. Мен шаҳар, туман ёки умумдавлат бошқармаси биноларига кирганимда, ичимда ҳар доим ҳурмат туйғуси юксалади. У жойда Худонинг халқига хизмат қилаётган хизматкорлар ишлайдилар.

Бир неча марта менга тезликни оширганам учун жарима солишган ва ҳар сафар жарима қоғозини олиб, милиция ходимига: “Жаноб, мен ноҳақ эдим, қолаверса сизнинг ишингиз ва шахримизга хизмат қилаётганингиз учун сизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Илтимос, қоидабузарлик учун мени кечиринг” – деб айтганман. Сиз уларнинг юзини кўрсангиз эди. Бир офицер шунчаки ўзгариб қолди, дастлаб у қаттиққўл эди, лекин унга ҳурмат билан муносабатда бўлишаётганини кўриб, кейин юмшади. Гарчи мен бунга эриша олмаган бўлсамда, менга ҳатто, у ўз жарима қоғозини қайтариб олмоқчи бўлгандек туюлганди.

“Масиҳийча” радио шаҳар ҳоқими ҳақида жуда ҳурматсизлик билан фикр билдирган, худди ўша шаҳарда чўпон бўлиб хизмат қиладиган дўстим бор. Унинг гувоҳлигига қулоқ тутинг. У Худодан шаҳардаги вазиятни, қандай ўзгартириш кераклигини сўраб, ўз шаҳри учун ибодат қилган. Ўшанда унинг жамоати кам сонли имонлилардан иборат эди. Худо унинг юрагига шаҳарнинг фуқаролик ҳоқимиятидагиларни иззат-ҳурмат қилишни солган. Бир нечта ибодатлардан сўнг, у нима қилишни билган. У ва жамоат етакчилари шаҳарнинг энг долзарб эҳтиёжларини аниқлай бошладилар. Улар шаҳар ўт ўчириш бўлими, ўт ўчирувчилари тутунли бинолардан одамларни олиб чиқишга имкон берадиган махсус ниқобларга муҳтож эканлигини аниқлаган, лекин бу ниқоблар ўша йилги маҳаллий бюджетга киритилмаган. Уларнинг ҳар бирининг нархи тахминан йигирма беш минг долларни ташкил этарди. Бу айниқса, бундай кичик жамоат учун катта пул.

Чўпон ўз ваҳийини жамоат имонлилари билан ўртоқлашди ва улар бу муаммони ҳал қилиш учун етарли бўлган миқдордаги қурбонлик тўплашди. Уларнинг жамоати йиғилган маблағли чек қоғозини шаҳарга совға қилишди. Чўпон мен билан ўз

тажрибасини бўлишди: “Жон, шаҳар ҳукуматига бу қандай хизмат қилганини билсангиз эди, ҳайрон қолган бўлардингиз. Улар қандайдир бир жамоат бундай ҳайрия ҳаракатини амалга оширганига ишона олишмади. Улар ҳукуматнинг чексиз эҳтиёжлари боис, одамларнинг нолишларига ўрганиб қолишган эди, лекин уларнинг ихтиёрий хайр-эҳсон беришлари – бу шунчаки ақл бовар қилмас ҳодиса эди!”

Шундан сўнг жамоатда бирдан шиддатли ўсиш содир бўлди. Янги жамоат биноти қурилганда, унинг очилишида шаҳар бошқармасининг кўплаб амалдорлари иштирок этишди, уларнинг баъзилари ҳали ҳам ўша жамоатга боришади. Ушбу чўпоннинг ҳосилини ўша радиостанциянинг ҳосили билан солиштиринг.

Кўпчилик имонлилар тўлашлари керак бўлган солиқлардан норози бўлади. Мен жамоатларда солиқ тўловларидан қочиш йўлларини йўлаб топган одамларга дуч келаман. Бу уларнинг конституциявий ҳуқуқлари эканини айтишади. Мен улар билан шундай баҳслашаман: “Худо сизга айтадиган нарса сизнинг конституциявий ҳуқуқларингиздан анча муҳимроқдир. Худо эса солиқларни тўлашни айтади”. Кейин мен бу одамларга шундай дейман: “Сизлар юрадиган йўллар учун ким тўлайди? Сизни ҳимоя қиладиган милиция, ўт ўчириш ва қонунчиларнинг иши учун ким тўлайди?” Ҳисобчилар кўп маротаба менга имонлилар гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан кесишга уриниб, қаллоблик қилишини ва солиқ тўлашдан қочишларини айтиб беришган. Бу менинг юрагимни парчалайди. Мен бизнинг ҳисобчиларимизга: “Ҳеч қандай икки томонлама ҳисоб-китоб бўлмасин, мен қаллоблик қилишни истамайман” – деганман. Солиқ тўловлари – бу ҳукуматга у муносиб бўлганини бериш имкониятидир. Агар биз беришга қарор қилсак, бизни талон-тарож қилишнинг имкони бўлмайди! Биз имонлилар бу ҳақиқатни қачон англаб етамиз-а?

Агар жамоат шундай қилса, биз халқимиз ва бутун дунё

учун буюк гувоҳликни намоён этамиз. Биз ҳокимият эгаларини иззат-ҳурмат қилишни: қадрлашни, ҳурмат қилишни, уларга ҳурмат-иззат ва итоаткорлик билан муносабатда бўлишни, шунингдек, ўз мажбуриятларимизни бажаришни ўрганишимиз керак. Биз бу билан Самовий Отамизни иззат-ҳурмат қилган бўламиз. Биз подшоҳни иззат-ҳурмат қилганимизда, Раббийдан қўрқишни намоён қиламиз.

### ҲОКИМИЯТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИ УЧУН БИР ХИЛ

Мен олдинги бобда ёзганимдек, подшоҳни иззат-ҳурмат қилиш амри бевосита ҳар қандай фуқаролик ҳокимиятига тегишлидир. Ушбу кўрсатмалар топширилган ҳокимиятнинг бошқа соҳаларига ҳам тегишлидир. Кейинги оятлардаги ҳурмат қилиш ҳақидаги сўзга эътибор қаратинг. Худо оила ҳақида: “Ўз ота-онангни ҳурмат қил” – деб айтган (Эфесликларга 6:2). У яна амр бермоқда: “Хотин ўз эрини ҳурмат қилсин” (Эфесликларга 5:33, Янги Аҳднинг замонавий таржимаси). Фуқаролик ҳокимияти тўғрисида: “Қуллик бўйинтуруғи остида бўлганлар ўз хўжайинларини ҳар қандай ҳурматга муносиб деб ҳисобласинлар, токи Худонинг номи ва таълимоти ҳақорат қилинмасин” (1-Тимотийга 6:1). Жамоатдаги ҳокимият ҳақида гапирганда, биз қўйидаги амрни оламиз: “Яхши бошчилик қилаётган, айниқса, Сўзни воизлик қилишда ва таълим беришда меҳнат қилаётган жамоабошилар икки баробар кўп ҳурматга лойиқ ҳисоблансинлар” (1-Тимотийга 5:17).

Ёшлар чўпони бўлган чоғларимда, ёшлар ўз ота-оналари ҳақида ҳурматсизлик билан гапиришганларини бир неча бор кузатганман. Уларда эъзозлаш у ёқда турсин, ҳурматдан асар ҳам йўқ эди. Агар ота-оналар улар билан шуғулланишмаган бўлса, мен ҳарҳолда бундай вазиятларга аралашишга ҳаракат қилардим. Агар улар бундай йўл тутиб, авваломбор, ўзларига зиён етказишларини билсалар эди, ҳаётида бундай нарсага

йўл қўймаган бўлишар эди. Худо шундай деган: “Ўз отасини ёки онасини ёмонловчи лаънатидир! Бутун халқ: “Омин”, — десин” (Қонуннинг тақрорланиши 27:16). Ўз ота-онасини ёмонловчи одамларга, биз олдинги бобларда айтиб ўтган лаънат келади.

Бошқа томондан, Худо ўз ота-отасини ҳурмат қилганларга буюк дуо-баракани ваъда қилади: “Ўз ота-онангни ҳурмат қил”, — бу ваъда билан бўлган биринчи амрдир: “токи сенга эзгулик бўлсин ва ер юзида узоқ яшай олгин” (Эфесликларга 6:2, 3).

Худо ота-отасини ҳурмат қиладиган фарзандларга иккита аниқ ваъдаларни бермоқда. Биринчиси: У унга эзгулик беради. Ўз ота-онасини ҳурмат қилмайдиган киши фаровон ҳаётга умид боғлай олмайди, у лаънат остидадир. (Бироз кейинроқ шахсий гувоҳлигим билан ўртоқлашаман.)

Иккинчиси: узоқ умр кўриш. Ота-отани ҳурмат қилиш қандай имтиёзлар беради! Сиз эътироз билдириб: *“Бир дақиқа, мен ўз ота-онасини ҳурмат қилган, лекин ёш вафот этган одамларни биламан”* — дейишингиз мумкин. Мен аниқ биламанки, Худонинг Сўзи бу ваъдага эга илк амр эканини айтади. Биз атрофимизда кўраётган нарсалар Раббийнинг ваъдасини рад этишига йўл қўймаслигимиз керак. Бир нарсани тушунинг: бизнинг Отамиз Унга тегишли бўлганларга қўрқувдан бутунлай озод бўлишни ваъда қилади. Мана Унинг сўзлари: “Сен ҳақликда мустаҳкамланасан ва жабр-зулмдан йироқ бўласан, зеро сенинг қўрқошинга асос йўқ” (Ишаъё 54:14). Бироқ қимматбаҳо масиҳийлар қўрқувда яшайдилар. Агар ваъдалар автоматик тарзда ҳаракат қилса, нима учун шунча одамлар ушбу соҳада муаммоларга эга? Жавоб қўйидагича бўлади: ваъдалар ибодат орқали келади ва имоннинг ғайратли кураши билан қўлга киритилади.

Иброҳимнинг ўғли Исҳоқ яхши намуна бўлиб хизмат қилади. Худо Иброҳимга Исҳоқ ҳақида ваъда берди: “Худо эса деди: “Мен у билан ва ундан кейинги авлоди билан абадий аҳд

тузаман” (Ибтидо 17:19). Гарчи никоҳдан кейин Исҳоқнинг ягона хотини Ривқо бепушт экани маълум бўлган бўлсада, Худо Ўз ваъдасини эълон қилди! Вазиятни янада мураккаблаштирган нарса Исҳоқ хотинини ўзи танламагани, балки Муқаддас Рух унга Ривқони кўрсатганида эди. Балки сиз: “Яъни, Худо бепушт хотинни танлаган демоқчимисиз?” – деб сўрасиз. Ҳа! Ваъда автоматик тарзда келмаган, у куч сарфлаш орқали келиши керак бўлган. Мана Ёзув нима дейди: “Исҳоқ Раббийга хотини учун ибодат қилди, чунки у бепушт эди. Раббий уни эшитди ва унинг хотини Ривқо ҳомиладор бўлди” (Ибтидо 25:21).

Исҳоқ ваъдага эга бўлиш ва Раббийга фарёд қилиши учун курашишига тўғри келган. У Худонинг иродасига мувофиқ ибодат қилди ва ибодатига жавоб олди. Муқаддас Китоб бизни қуйидаги сўзлар билан руҳлантиради: “Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз” (1-Юҳанно 5:14, 15). Худо Ўз иродасини аҳдда аниқ баён қилди. Агар биз Унинг ваъдасига эга бўлсак, Унинг иродасига мувофиқ ибодат қилишимиз мумкинлигини биламиз.

Ота-онангизни ҳурмат қилиб, ибодат орқали Унинг аҳдининг иккита ваъдасида мустаҳкам ўрнашинингиз ҳамда узоқ, муваффақиятли ва ҳосилдор ҳаётни қўлга киритишингиз мумкин. Ўз имонингизни бошқа одамларнинг ҳаётига эмас, Худонинг аҳдига асосланг.

Эҳтимол, сиз илгари ота-онангизни ҳурмат қилмаганингиз учун ҳозир ташвишланаётгандирсиз. Унда сиз тавба қилишингиз зарур. Худога ибодатда ва шахсан ота-онангизга мурожаат қилиб, улардан кечирим сўранг. Уларни ҳурмат қилишни бошланг ва Худонинг ваъдалари сизнинг ҳаётингизда намоён бўлишига ишонинг.

Худди мана шу тамойилни бошлиқларга ҳам, иш берувчиларга ҳам, ўқитувчилар ва бошқаларга ҳам қўллаймиз. Агар биз уларни иззат-ҳурмат қилсак, бизга эзгулик бўлади ва Раббидан мукофот оламиз. Павлус ишчиларга шундай насиҳат берган: “Нимаки қилсангизлар барчасини инсонлар учун эмас, балки Раббий учун қилаётгандек, бутун юрагингиз билан қилинглар. Зеро биласизларки, сизлар мукофот сифатида Раббидан мерос оласизлар. Раббий Масихга хизмат қилинглар. Кимки ноҳақлик қилса, у ўз ноҳақлигига ярашасини олади, чунки Худо юз-хотирчилик қилмайди (Колосаликларга 3:23-25).

Биз кейинги бобда жамоатдаги Унинг хизматкорларини қабул қилиб, уларга муносиб шарафни берганимизда, қандай истиқболлар бизни кутаётганини кўриб чиқамиз.



## ИККИ ҲИССА ҲУРМАТ

*Худо кўпинча, биз муҳтож бўлган  
нарсаларни, биз учун мутлақо ёқимли  
бўлмаган шаклда юборади.*

“**Х**ар кимга ўз ҳақини беринглар” (Римликларга 13:7).  
Биз ушбу бобда Худо бизга ҳоқимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлишимизнинг асосий сабабларидан бири – бу ҳоқимиятнинг ўзи учун эмас, балки ўзимизнинг манфаатимиз учун шундай йўл тутишимиз кераклигини кўрамиз. Энг қизиғи шундаки, Худо Сўзининг ушбу амрига риоя қилиш дуо-барака олиб келади. Биз бунинг намунасини 1-Шоҳликлар китобидан топамиз.

### ДУО-БАРАКАГА АЙЛАНГАН ҲАҚОРАТ

Исроилни ҳакамлар бошқарган кунларда, фарзанд кўра олмайдиган бир аёл яшар эди. Унинг исми Ҳаннаҳ бўлиб, у ўзига иккинчи хотин Пениннаҳни олган Элқанаҳга турмушга чиққан эди. Ҳаннаҳ бахтсиз эди: унинг кундоши унинг бепуштлиги устидан кулар эди. Ҳаннаҳ севимли эди ва эрининг ёқтиришини ҳис қиларди, лекин уйни Пениннаҳ тўлдириб

турарди. Оила ҳар йили Худога қурбонлик келтириб, сажда қилиш учун Шилоҳга борарди, ўшанда Пениннаҳ уни қийнаб, йиғлатди. Ҳаннаҳ эрининг уни юпатиш учун қилган барча уринишларига қарамай, таскин топмади.

Шилоҳга бўлган бундай ташрифларнинг бирида у маъбадга чуқур қайғу билан келиб, Раббийнинг қаршисида йиғлади ва Унга ваъда берди: “Агар... чўрингга бир ўғил ато этсанг, мен унинг барча кунларида уни Раббийга бераман” (1-Шоҳликлар 1:11).

У ибодат қилаётганда, Исроилнинг олий руҳонийси ва ҳаками Элий уни кўрди ва “Ханнаҳ юрагида гапирар, овози эшитилмас, фақат лаблари қимирлар эди. Шунинг учун, Элий Ханнаҳни маст бўлса керак, деб ўйлаб: — Қачонгача маст бўлиб юрасан? Энди шаробдан воз кеч! — деди” (1-Шоҳликлар 1:13, 14).

Қандай ҳақорат! Элий унинг оғриғини ҳис қилмади ва унинг руҳий кўзи ожиз бўлиб чиқди: у унинг азобларини мастлик алаҳлаши деб ўйлади. У Раббийда юпанч топиш учун доимий кундошининг юзидан қочиб келган эди ва давлатнинг юқори руҳий нуфузли одамнинг қоралашига учради. У ҳар йили Шилоҳга Худога сажда қилиш учун боласиз, қуруқ қўл билан келарди. Йилдан йилга у ғаразли қарашлар, орқадан шивирлашлар, атрофдагиларнинг масхараомуз кулимсирашлари билан тўқнаш келар эди.

Агар ўта қайғуга тўлган чоғингизда, чўпонингиз сизни ноҳақ айбласа, ўзингизни қандай тутган бўлардингиз? Балки сиз: “*Бу яна катта чўпонми? Наҳотки, у менинг рўзада эканимни ва Раббийга фарёд қилаётганимни билмаса? Нима учун у Рухга бу қадар сезгир эмас? Бўлди, бу ерга ортиқ келиш ниятим йўқ!*” – деб ўйлардингиз.

Бундай фикрлар осонгина ҳисларнинг портлашига олиб келади: “Сиз ўзинингизни Худонинг одами деб айтасиз-у, одамдаги оғриқни фарқлай олмайсиз! Сиз нима, одамнинг Худога астойдил ибодат қилаётганини кўрмайсизми? Унда сиз қанақа чўпонсиз? Бу қанақа жамоат? Жонимга тегди!

Яхшиси мени ҳис қиладиган ва Худодан келадиган нарсани фарқлайдиган чўпонга эга бошқа жамоатни топаман!” Бундай муносабат ҳамма вақт бизнинг жамоатларимизда – бу чўпоннинг кўз олдида бўлмаса-да, унинг орқасида, жамоат аъзолари орасида учрайди.

Лекин Ҳаннаҳнинг қаттиқ хафа бўлган пайтдаги жавобига қаранг: “Йўқ, эгам. Мен руҳан эзилган бир аёлман. Мен на шароб, на ароқ ичганман, фақат дилимни Раббийга тўкиб-соляпман. Бу чўрингизни ярамас қиз деб ҳисобламанг, чунки шу пайтгача мен буюк ғам-қайғудан сўзлаётган эдим” (15-16-оятлар). У ҳурмат ва эҳтиром билан жавоб берди. Элийнинг хатти-ҳаракати ва вазиятни баҳолаши ҳар қандай танқиддан тубанроқ бўлишига қарамасдан, Ҳаннаҳ унинг ҳокимият мавқеини ҳурмат қилган, шу сабабли, гуноҳ қилмаганига уни ҳурмат билан ишонтирди.

Дарҳақиқат, ўша пайтда ўзининг танавий моҳиятини кўрсатган одам, аслида Элий эди, унинг ўзи ҳукм остида қолди. Ҳаннаҳнинг эътибори эса, унинг хатти-ҳаракатига эмас, ўзига қаратилган эди. У ҳақиқатан Раббидан қўрқадиган хотин эди. Агар етакчи билан нимадир нотўғри бўлса, Худонинг Ўзи буни ҳал қилади. Бугун бизга ҳам худди шундай бўйсунуш ва камтарлик зарур.

Элийнинг Ҳаннаҳга нисбатан муносабати ўзгарди:

Тинчликда боравер, Исроилнинг Худоси сен Ундан сўраган тилагингни бажо келтирсин, — деди. Ханнаҳ эса: — Чўрингиз ҳузурингизда илтифот топсин, — деди. Шундай қилиб, аёл бориб овқат еди, унинг юзи аввалгидай *ғамгин* эмас эди (17-18-оятлар).

У уни иззат-ҳурмат қилишни бас қилмади, у уни Худонинг одами сифатида ҳурмат қилди ва ҳатто, дуо-барака сўзлари учун миннатдорчилик билдирди.

Бундан сўнг қуйидагилар содир бўлди: “Эртасига улар тонг

саҳарда туриб, Раббийга сажда қилиб, Рамаҳга – ўз уйларига қайтиб келдилар. Элқанаҳ ўз хотини Ханнаҳ билан қовушди ва Раббий Ханнаҳни эслади. Ханнаҳ ҳомиладор бўлди ва вақт-соати етиб ўғил туғди. У унга Шомуил деб исм қўйди, чунки: “Уни Раббийдан тилаб олдим”, – *дер эди*” (1-Шоҳликлар 1:19, 20).

Худо сўзни ечиб юбориш ва берилган ваъдага кўра ҳомилани амалга ошириш учун танавий, ҳиссиз руҳонийдан фойдаланди. Бепушт қорин очилди ва ҳаёт зулматдан чиқди. Кейинги йил Ҳаннаҳ аллақачон кичкина Шомуилни бағрига босиб турарди. Ҳали ҳомила бўлгунча Худого бағишланган бу одам Исроилга ўйғониш олиб келди.

### Ким судья?

Ўзлаштириб олиш керак бўлган ажойиб бир тамойил мавжуд: Худо Ўз ҳоқимиятини бирор бир инсонга юклаганда, унинг шахсий ҳаёти қандай бўлишидан қатъий назар, агар биз унинг шахсига қарашда давом этсак ва уни Раббийнинг элчиси сифатида иззат-ҳурмат қилсак, биз барибир уни қабул қила оламиз. Исо кўпчилик Ҳаннаҳга ўхшаб бетавфиқ раҳбарлардан озодлик ва шифоланиш олишини аниқ қилиб айтган. У шундай деган: “Ўша кунда кўпчилик Менга: “Ё, Раббий, ё, Раббий, биз Сенинг номинг билан башорат қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизаларни яратмадикми?” – дейдилар. Мен эса уларга эълон қиламан: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!” (Матто 7:22, 23).

Биз бу оятни ўқиётганимизда, эътиборимизни аксарият ҳолларда “кўпчилик” сўзига қаратамиз. Албатта, бу жиддий ва ҳушёр қилувчи сўзлардир, лекин, келинг, бунинг бошқа томонига қараймиз: кўплаб одамлар ушбу қонунбузар одамлардан ҳақиқий хизматни кўрдилар. Бу уларнинг Ҳаннаҳ каби Худони ўзи орқали ўтказишгани сабабли содир бўлди. Исо

айтган одамлар Элийга ўхшаш бўлиб, Худо унинг хонадонини абадий ҳукм қилган!

Мен бу китобни гуноҳга қулаган хизматчилар учун эмас, балки кимнингдир ҳокимияти остида турувчи одамлар учун ёздим. Ёзув бетавфиқ етакчилар ва диёнатли етакчилар борлигини мутлақо аниқ айтади. Агар ҳокимият остида бўлганлар ҳукм юкини ўз зиммаларига олсалар, улар ўрнатилган ҳокимиятга бўйсунисдан чиқиб, ўзларини етакчилари устидан судялик даражасига кўтардилар. Уларнинг юраклари, ўз навбатида, Худо уларнинг ўзларидан юқори қўйган одамлар устидан мағрурликда кўтариладилар. Улар ўзларини Худонинг тартиби ва ниятларидан устун қўйганлар. Аслини олганда, улар Унга: “Сен судялик мажбуриятларингни унчалик яхши ўддалай олмаяпсан, яхшиси ўзим уриниб кўраман” – дейишади.

Ҳаннаҳ Элийнинг ҳокимиятини тан олди ва унга эҳтиром билан муносабатда бўлди. У уни ҳукм қилиб, ҳақоратлади, бироқ у барибир, уни ҳурмат қилишни тўхтатмади. Агар у кўрган ва эшитганлари билан яшаганида эди, эҳтимол, Элийнинг хатти-ҳаракати унда шубҳа туғдирган бўлар эди. Бироқ у табиий фикрлашга эмас, балки Худодан қўрқиш ва Самовий ҳокимиятга таянди. У адолатли ҳукм қиладиган Худога ишонди.

Ҳаннаҳ кейинчалик Исо айтган нарса ҳақида билар эди: “Ростини, сизларга ростини айтаман, Мен юборган одамни қабул қилувчи Мени қабул қилган бўлади. Мени қабул қилган эса, Мени Юборганни қабул қилган бўлади” (Юҳанно 13:20). Эсингизда бўлсин, Исо гарчи Яҳудони, охирида бетавфиқ бўлиб чиқишини билган бўлсада, У Яҳудони бошқа шогирдлари билан биргаликда мўъжизалар қилиш ва жинларни қувиб чиқариш қудрати билан таъминлаган: “Мен сизларни, ўн икки кишини танлаган эмасманми? Аммо сизлардан бирингиз шайтон”

(Юҳанно 6:70). Исо Яҳудонинг гуноҳи ошкор бўлишидан аввал, Раббийдан қўрқишга асосланган руҳларни фарқлаш орқали у ҳақида ҳамма нарсани билар эди. Яҳудо мўъжизалар кўрсатди ва жинлар Исонинг исми тилга олинганда итоат қилганидан, бошқалар билан биргаликда қувониб қайтиб келди (Марк 6:7-13; Луқо 10:17). Одамлар Яҳудонинг қўлларини қўйиши орқали хизматни қабул қилишганми? Хизмат хазинасидан ўғирлаган ўша қўллардан қабул қилишганми? Шубҳасиз!

### КЕТИШГА ТЎҒРИ КЕЛГАНДА

Энди, муҳим бир жиҳат: агар жамоатдаги бирор бир етакчининг очиқ гуноҳда яшаётгани аён бўлса, биз унинг аччиқ манбасидан ичишни давом эттира олмаймиз. Ёзув бизга бундайлардан узоқлашишни аниқ айтади. Агар етакчи сизга ёки жамоатга маълум бўлган зино, гомосексуализм, товламачилик, ўғирлик, бидъат гуноҳида ёки бошқа бир гуноҳда яшаётган бўлса, шу билан бирга тавба қилишни истамаса, унинг хизматидан чиқинг. Ёзувга кўра, биз ҳатто улар билан бирга овқатланмаслигимиз ҳам керак (1-Коринфликларга 5:9-11). Элийнинг воқеасида Ҳаннаҳ Элийнинг ва унинг ўғилларининг иллатини билиши ёки билмаслиги ноаниқ. Яҳудо орқали шифо топган ва озодлик олган одамлар, унинг ўғри ва яширин хоин эканини, албатта билишмаган.

Павлус жамоат етакчилари ҳақида шундай деган: “Баъзи одамларнинг гуноҳлари ошкордир ва тўғридан-тўғри маҳкумликка олиб боради, баъзиларнинг гуноҳлари эса кейинроқ *маълум бўлади*” (1-Тимотийга 5:24).

Баъзи бир хулосаларни чиқарамиз: агар етакчи гуноҳда яшаётган бўлса-ю, лекин Худонинг ҳукми унинг устидан ҳали маълум бўлмаса, эртами ёки кечми, бу ҳаётда ёки келажак ҳаётда бу амалга ошади. Мавжудлигига ишончингиз комил бўлмаган нарсани ҳукм қилишингиз ёки оммага ошкор

қилишингиз шарт эмас. Кўпгина одамлар шубҳанинг таъсири остида ҳаракат қила бошлайдилар ва кўпинча, улар содир бўлаётган нарсани баҳолашда хато қиладилар ва шу билан ўзига ва яқинларига жиддий кўнгилсизликларни олиб келадилар. Уларнинг оғизларидан, бошқалардан асоссиз шубҳаланадиган нарсалар ҳақидаги сўзлар чиқади. Улар ўзларининг нуқтаи назарини гўёки уларда руҳларни фарқлаш инъоми борлиги билан асослайдилар. Улар бошқаларга мойланган етакчилардан хизмат қабул қилишларига халақит берадилар, шунинг учун кўпчилик Худо уларга бермоқчи бўлган нарсани йўқотишади. Мана нима учун Раббий шундай деб ўргатади: “Жамоабошиларга қўйилган айбни икки ёки уч гувоҳ бўлмаса қабул қилмагин” (1-Тимотийга 5:19). Гувоҳ – бу бирор нарсани қаердадир оз-моз эшитган одам эмас, балки ўз кўзи билан кўрган киши сифатида гапира оладиган одамдир.

Ҳамма нарса ўз вақтида Худонинг ҳукмига бўйсунди ва агар У етакчининг тавба қилинмаган гуноҳини очиш вақти келди деб ҳисобласа, сиз бу ҳақида аниқ биласиз. Сиз ушбу етакчининг ҳоқимияти остидан чиқишингиз керак бўладиган вақт келади. Павлус: “Гуноҳ қилиб юрганларни эса ҳамманинг олдида фош қилгин, токи бошқалар ҳам қўрқишсин” – деб айтган (1-Тимотийга 5:20). Мана сизга менинг огоҳлантирувим: уларнинг гуноҳларида иштирок этманг ва агар улар тавба қилмасалар, уларнинг ҳоқимияти остидан чиқинг.

Мен бир марта очиқ гуноҳга йиқилган бир етакчининг раҳбарлиги остида хизмат қилганман. Бу нарса содир бўлганида, мен у ерда йўқ эдим, чунки аллақачон мен ёшлар чўпони бўлиб хизмат қилган бошқа штатга кўчиб кетган эдик. Биз кетганимиздан сўнг тахминан икки йил ўтгач, у жамоат кенгаши олдида сўзга чиқиб, хотини билан ортиқ яшашни истамаслиги туфайли у билан ажрашаётганини эълон қилган. Бироз вақт ўтгандан сўнг, у бошқа аёлга уйланиш ҳақидаги ўз

режалари билан ўртоқлашган. Унинг хотини зино қилмаган, у шунчаки бошқа аёлни хоҳлаб қолган.

Ўшанда минглаб одамлар унинг жамоатини тарк этишди. Ва улар тўғри йўл тутдилар. У билан қолганлар эса, хавфли йўлга қадам ташлашди, чунки у ерда ушбу етакчи ва унинг янги хотинига маъқул келадиган янги бузуқ таълимотни воизлик қилиш бошланди. Мен кетиб, мўл-кўл ҳаётга эга бўлганларнинг кўпчилигини биламан, чунки улар бу чўпонга қарши бирор нарса гапиришдан бош тортдилар. Унга ҳужум қилганларнинг ўзлари бундан азият чекдилар.

Довуд тўғри хулқ-атвор намунаси бўлиб хизмат қилади. Ҳатто жинларнинг азобига учраган подшоҳ уни ўзининг олдидан ҳайдаб юборган бўлсада, у Шоул ўлгунича, уни иззат-ҳурмат қилди. Довуд Шоул Раббийнинг мойланган хизматкори эканини тушунар эди. Ҳозирги кунга қадар ўша етакчи тўғрисида, гарчи унинг танловининг оқибатлари ҳақида ўйлаш қайғули бўлсада, ҳурмат билан гапиришга ҳаракат қиламан. Мен уни ҳурмат қилсамда, унинг таълимоти ва хизматини соғлом ёки ишончга лойиқ деб ҳисоблай олмайман.

Юқорида тасвирланган воқеаларгача мен унинг хизматида кўп нарсаларни ўргандим. Бу гуноҳ унинг ҳаётида ҳали мен унинг раҳбарлиги ва устозлиги остида бўлган пайтларимда пайдо бўлганини кейинроқ аниқладим. Бу ҳақида айрим далиллар гувоҳлик берарди, лекин барибир ҳеч ким бу ҳақида, шубҳасиз ҳеч нарса билмас эди. Низо юзага келганда, Худо мени бу одамга қарата айтган танқидим учун фош қилди (бу ҳақида кейинги бобда сўзлаб бераман). Эҳтимол, ўшанда Худо ҳеч нарсага қарамасдан, унга гапиришга урингандир. Ўша пайтда бу менинг ишим эмас эди. Худо мени унинг ҳоқимияти остига қўйди ва у менга ўргатишга лойиқми ёки йўқлигини ҳал қилиш, менинг ишим эмас эди. Ҳаннаҳ Элийдан қабул қилгани каби, худди шундай, кўпчилик одамлар ўша вақтда бу одамдан хизмат қабул қилишган.

## РУҲИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ ТАРТИБИ

Биз Исонинг айтганларига қайтамыз ва бунга Элийга ўхшаш одамнинг нигоҳлари билан эмас, балки диёнатли етакчининг нигоҳлари билан назар соламыз. Матто Хушхабаридаги сўзларни ўқиймиз:

Ким сизларни қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади, ким Мени қабул қилса, Мени Юборганни қабул қилган бўлади. Ким пайғамбарни пайғамбар номи ҳақи қабул қилса, пайғамбарнинг мукофотини олади. Ким ҳақ одамни ҳақ одам номи ҳақи қабул қилса, ҳақ одамнинг мукофотини олади. Кимки бу кичиклардан бирига бир пиёла совуқ сувни шогирд номи ҳақи берса, сизларга ростини айтаман, ўз мукофотини йўқотмайди (Матто 10:40-42).

У бу ерда икки нарсани етказмоқчи. Биринчи ва энг асосийси: Отадан чиқувчи ҳоқимият оқими мавжуд. У Исони юборган ва Унга бор ҳоқимиятни берган Зотдир. Исонинг ўзи шундай деган: “Осмонда ҳам, ерда ҳам бор ҳоқимият Менга берилган” (Матто 28:18). Исо – Жамоатнинг бошидир ва кун келиб, У мавжуд бор исённи Отасининг оёқлари остига йиқитиб, Унга Шоҳликни қайтариб беради (1-Коринфликларга 15:24-26).

Ушбу ҳоқимиятдаги қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунушининг кейинги поғонасида пайғамбар туради. Пайғамбарлар дастлаб Муқаддас Китобда Худонинг иродасини ифодаловчи кишилар сифатида тасвирланган (Чиқиш 4:16; 7:1). Улар қайта тирилишдан сўнг, У томонидан Жамоатга берилган Муқаддас Руҳнинг бешта хизмат инъомларининг бир қисми ҳисобланади (Эфесликларга 4:8-13). Улар Жамоатнинг вакиллари дир. Биз хизмат инъомини олганимизда, Раббий бизга топширилган ҳоқимиятнинг ушбу тузилиши орқали берадиган нарсани Ундан қабул қиламыз.

Сўнгра Исо ҳақ одам ҳақида гапирди ва бу ерга кичикларни қўшишни унутмади. Мен ҳатто энг кичик имонлиларга эзгулик қилганлиги тўғрисида дуо-баракат олган имонсизларни ҳам кўрганман. Гарчи бу одамлар Раббийга хизмат қилмаган бўлсаларда, уларнинг Хўжайинига ҳурмат кўрсатишди. Биз муқаддасларни қабул қилиб, дуо-баракалаганимизда, натижада Худонинг Ўзини қабул қилиб, дуо-баракалаймиз. Шогирдлар, шу жумладан, кичиклар Худонинг иродасини ифодалайдиган, Исонинг бошқаруви остида турувчи жамоат ҳоқимиятининг бешта соҳасига бўйсундилар. Шу сабабли, нажот топмаганлар Масихда, гўдакларнинг дуо-баракаси остига тушадилар, зеро Осмон Шоҳлигидаги кичиклар йўқолганларга қараганда кўпроқ руҳий ҳоқимиятга эга бўладилар. Исонинг сўзларидан, ўрнатилган руҳий ҳоқимиятда маълум бир қўйи мансабдорлар, юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунуши мавжуд деган хулосага келамиз.

### РУҲИЙ ҲОҚИМИЯТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ МУКОФОТИ

Ушбу оятларда гапирилаётган иккинчи нарсани, хизматкорларни Худонинг элчилари сифатида қабул қилишимиз зарурлиги ва бунинг учун бериладиган мукофот ҳақидаги сўзларда топишимиз мумкин. Исонинг хизмати бунинг яққол мисолидир.

Бир шаҳарнинг аҳолиси, гарчи Масихнинг келиши ҳақиқат эканини воизлик қилиб, Ёзувдан Унинг келиш вақти, алақачон келганини билсаларда, улар Исодан деярли ҳеч нима олмадилар. Исо уларга деди: “Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндошлари ва хонадонидан бошқа ерда ҳурмат-иззатсиз бўлмайди”, – деди. Бинобарин, У ўша ерда ҳеч қандай мўъжиза ярата олмади. Фақатгина бир неча беморларга қўл қўйиб, *уларни* шифолади (Марк 6:4, 5, курсив муаллифники).

Биз инсондаги ҳоқимият мавқеига ҳурмат билан

муносабатда бўлсак, уни Худонинг элчиси сифатида қабул қиламиз. Раббий Мусо орқали халққа шундай деган: “Мен уларга биродарларининг орасидан худди сенга ўхшаган Пайғамбарни кўтараман” (Қонуннинг такрорланиши 18:18). Бироқ улар Исони Отадан Юборилган Шахс ёки Масиҳ сифатида ҳурмат қилмадилар.

Нима учун улар Уни қабул қилишмади? Чунки Исо улар кутган тарзда келмади. Масиҳ уларнинг тасавурида бироз ўзгача кўринишда бўлиши керак эди. Улар пайғамбар Ишаъёнинг китобида ўқиганлар:

Зеро бизга Чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди. Ҳукмронлик Унинг елкаларидадир... Довуднинг тахтида ва унинг шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг чеки бўлмайди (9:6, 7).

Демак, улар римликларнинг зулмидан уларни озод қиладиган ва Иерусалимда Ўз шоҳлигини ўрнатадиган ғолиб-подшоҳнинг келишини кутган. Лекин бунинг ўрнига, У дурадгорнинг ўғли сифатида, балиқчилар ва солиқчилар билан ўралган ҳолда келди. Улар бир-бирларига: “Йўқ, биз Масиҳнинг бундай намоён бўлишини хоҳламаймиз!” – дейишди.

Ёзув Исонинг ҳеч қандай мўъжиза ярата “олмагани”ни айтганига эътибор қаратамиз. Бу ерда “яратмади” деб ёзилмаган бўлиб, бу Унинг иродаси масаласига дахлдор ҳисобланади. Аммо “ярата олмади” деб ёзилган бўлиб, У қудратда чекланганини англатади. Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Худонинг Руҳига чексиз тўлган Худонинг Ўғли, қудратда чекланган эди! Нега? Бу ерда жавоб икки ёқлама: Исо бу одамлар Уни кутган қиёфада келмади, шунинг учун улар Уни қабул қилишмади ва ҳурмат қилмадилар, улар У билан ниҳоятда бетакаллуф муносабатда бўлдилар. Уларнинг сўзларига қулоқ тутинг:

Шаббат куни келганида, У синагогада таълим бера бошлади. Уни тинглаётганларнинг кўпчилиги ҳайратланиб дедилар: “Буларни У қаердан олган? Унга нақадар донолик берилган! Қандай қилиб шу қудратли мўъжизалар Унинг қўллари орқали содир бўлмоқда? У Марямнинг Ўғли ва Ёқубнинг, Ёшиаҳнинг, Яҳудонинг, Шимоннинг акаси бўлган дурадгор эмасми? Унинг сингиллари ҳам шу ерда, бизнинг орамизда эмасми?” Шундай қилиб, улар У ҳақида васвасага тушдилар. Исо эса уларга: “Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндошлари ва хонадонидан бошқа ерда ҳурмат-иззатсиз бўлмайди”, – деди (Марк 6:2-4, муаллиф курсиви).

Ҳурмат-иззатсиз пайғамбар қаерда? Кўп ҳолларда – ўз қариндошлари ва хонадонидагилар даврасида. Довуд ўз хонадонини дуо қилиш учун келганда, худди шундай муносабатларга дуч келди. Унинг ғалабаси кўчаларда нишонланди, уйда эса ғалабани эътиборсиз қолдиришди. Микал Худо томонидан унга тайёрланган дуо-баракани йўқотди, чунки Довуд ўз хонадонини дуо қилиш қудратига эга эди. Исо ўз яқинларини дуо қилиш учун қанчалик кўп қудратга эга эди! Гарчи Унда дуо қилиш учун чексиз қудрат хазинаси бўлсада, У улар учун ҳеч нарса қила олмади (2-Шоҳликлар 6-бобга қаранг).

Фақат Худога чанқоқ ва камтарин юракли ва ўрганишга тайёр одамларгина Исонинг устидаги Худонинг қўлини кўриб, Ундан мўъжизалар қабул қила олдилар. Исо Унинг халқини, юраклари Худони ҳақиқатан изловчи ва диёнатли кўринишга эга бўлган, лекин юрагида итоатсизлик билан кўзлари кўр бўлганларга ажратган қилич эди. Шимон Унинг онаси Марямга деди: “Мана, бу Чақалоқ Исроилда кўпларнинг қулашига ҳамда юксалишига сабабчи ва тортишув қўзғатадиган аломат бўлади, токи кўпларнинг юракларидаги фикр-хаёли ошкор бўлсин; сенинг жонингни ҳам қилич ёриб ўтади” (Луқо 2:34, 35).

Юҳанно Хушхабариди (1:11, 12) ушбу икки тоифадаги

одамларнинг таснифи келтирилади: “У ўзиникиларнинг олдига келди ва ўзиникилар Уни қабул қилмадилар. Уни қабул қилганларга эса, Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзандлари бўлиш ҳоқимиятини берди”. Барчамиз учун асосий ҳақиқат, мана шундан иборатдир. Худо кўпинча, биз муҳтож бўлган нарсаларни биз учун мутлақо ёқимли бўлмаган шаклда юборади. Ушбу ҳадея юрагимизнинг асл ҳолатини очиб ташлайди ва биз Унинг ҳоқимиятига бўйсунимизни ёки қаршилиқ кўрсатишимизни намоён қилади. Исо: “Сизлар Мени ҳам, Менинг Отамни ҳам билмайсизлар. Агар сизлар Мени билганингизда эди, Менинг Отамни ҳам билган бўлар эдингиз” – деди (Юҳанно 8:19). Отани биладиганлар У юборадиган одамлардаги Унинг ҳоқимиятини тан оладилар! Буни тушунтириш, исботлаш керак эмас ва буни ўргатиш шарт эмас.

Бу нима учун хизматчи Африкага бориб, кўзи ожизларнинг кўзларини, карларнинг қулоқларини очиши, фалажларни шифолаши, уйига қайтгач эса, бир неча кишининг фақат бош оғриғининг ва яна бир қанча енгил дардларнинг шифоланишини кўриши мумкинлигини тушунтиради. Африкада хизматчини у қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, Худонинг элчиси сифатида қабул қилишади, шунинг учун бизнинг қимматли африкалик биродар ва опа-сингилларимиз Унинг қудрати ва ҳузуридан дуо-баракатлангандир. Америкада эса, агар хизматчининг ташқи кўриниши белгиланган меъёрларга тўғри келмаса, унга нисбатан ҳурмат йўқолади. Ушбу қонун мутаносиб равишда ҳаракат қилади: сиз хизматчини Худодан юборилган киши сифатида, қай даражада қабул қилиб, ҳурмат-иззат қилсангиз, бу одам орқали Худодан шундай даражада қабул қиласиз. Ҳурматсизлик эксангиз – худди ўшани ўриб оласиз. Чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлсангиз – иззат-ҳурмат ҳам сизнинг улушингиз бўлади.

## МЕНИНГ ДЎСТИМ БЎЛАСИЗМИ?

Мен ёшлар чўпони бўлган чоғларим, Тим исмли ўн беш ёшли бир йигит билан қизиқ учрашув содир бўлди. Мен хизматга киришимдан олдин, Тим аввалги ёшлар чўпонининг гуруҳи ишида иштирок этган. Ўша гуруҳда биринчи ўринга қизиқишлар бўйича турли хил тугараклар, саёҳатларга чиқиш, спорт машғулотлари қўйилган. Ёшларни ҳар хил хусусиятли ва бир хил хавfli ахлоқий: бўйсунмаслик, ўсмирликдаги ҳомиладорлик ва шунга ўхшаш муаммолар қамраб олган эди. Қанчадир вақтдан сўнг, бош чўпон ёшлар чўпонини хизматдан четлаштиришга мажбур бўлди ва унинг ўрнига мен келдим. Энди собиқ бўлган ўша ёшлар чўпони жамоатдан кетди ва биздан бор-йўғи бир неча мил узоқликда ўзининг жамоатини очди, бу жамоатга бунгача унинг олдинги гуруҳига тегишли бўлган айрим ёшлар қатнай бошлади. Тим у билан бирга кетмаганлардан бири эди.

Гарчи ёшларнинг кўпчилиги қолган бўлсада, мен гуруҳ учун янги пойдевор қўйишим керак эди. Раббий менга биринчи ярим йилни фақат воизлик, ибодат ва саждада ўтказишимни айтди. Бу ойларда ҳеч қандай ижтимоий ишларни режалаштирмадим. Мен ҳаммага ҳам ёқмаган айнан ўша “шакл” бўлганимни айтишнинг ҳожати йўқ. Натижада, Раббийнинг қиличи гуруҳ орқали ўтди. Баъзилар кетишди, бошқалар қизиқувчанликдан қолдилар, лекин иштиёқ билан жавоб берганлар ҳам бор эди ва улардан кўплари ҳозир хизмат қилмоқда.

Менинг янги хизматим бошланганидан сўнг бир неча ой ўтгач, бир куни кечки хизматдан сўнг Тим менинг олдимга келди ва биз суҳбатлаша бошладик. У самимийлик билан: “Чўпон Жон, сиз менинг дўстим бўласизми? Биз аввалги чўпон билан яхши дўст эдик” – деб сўради. Мен унинг чўпон ҳақидаги тасаввурларига мос келмас эдим.

Унинг саволига юзаки муносабатда бўлиш мумкин эмас эди.

Тўғри жавоб бериш учун мен ичимга назар солдим. Жавоб дарҳол савол шаклида келди: “Тим, Исо: “Ким пайғамбарни пайғамбар номи ҳақи қабул қилса, пайғамбарнинг мукофотини олади” – деган. Шундай қилиб, бу ёшлар чўпонига ҳам тегишлидир. Агар сен чўпонни чўпон номи билан қабул қилсанг, сен чўпоннинг мукофотини оласан”.

Мен давом этдим: “Тим, ахир сенинг дўстларинг кўп, шундай эмасми?”

У жавоб берди: “Ҳа”.

“Лекин сенда фақат битта ёшлар чўпони бор, тўғрими?”

У: “Ҳа” – деб жавоб берди.

Мен: “Сен нимани хоҳлайсан: дўстнинг мукофотиними ёки чўпонингнинг мукофотиними? Сен мени қандай қабул қилсанг, Худодан шундай мукофотни оласан” – дея сўрадим.

Нур уни ёритгандек бўлди. Тимнинг кўзларидан, у ваҳий олганини кўрдим. У тезда деди: “Мен чўпонлик мукофотини хоҳлайман. Нимани назарда тутаётганингизни тушундим”. Ўша лаҳзадан бошлаб, унинг ўзи ва бутун ҳаёти ўзгара бошлади. Бир неча йил ўтгач, бошқа шаҳарга кўчиб ўтди, лекин барибир мен у ерда йўл-йўлакай бўлганимда, биз ҳар сафар учрашамиз.

## ШАХСИЙ ТАЖРИБАМДАН

Мен бу мавзуга бутун бир китобни бағишлашим мумкин эди. Одамлар Худонинг хизматкорларига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлганлари учун Худодан ҳеч нарса олмаётганларини кўрганимда, юрагим эзилади. Мен хизматимда кўп бора бунга тўқнаш келганман: Худонинг хизматкорларини ўз-ўзидан маълум нарса сифатида қабул қиладиган одамларга эришиш энг қийинидир. Мен айниқса, буни Қўшма Штатлар жамоатлари ва мактабларида тез-тез кўрганман. Уларга тақдим этилган доимий хизматчилар таомномаси, аллақачон уларнинг жонига тегиб кетган ва мен

улар учун катта рўйхатдаги навбатдаги таомман, холос.

Афтидан, ҳарбийларга воизлик қилиш энг осони бўлса керак, чунки кучнинг маъносини бошқаларга қараганда яхшироқ тушунишади. Маҳбуслар ва ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси уларнинг ортидан бормоқдалар, чунки иккаласи ҳам доимий умидсизлик ва очлик ҳолатида яшамоқдалар.

Худо Эзекилга шундай деди:

Зеро сен гапи ноаниқ ва тили тушунарсиз халққа юборилмаяпсан, бироқ Исроил хонадонига юбориляпсан, сен сўзларини тушунмайдиган гапи ноаниқ ва тили тушунарсиз кўп халқларга юборилмаяпсан; агар Мен сени уларнинг олдига юборганимда эди, улар сенга қулоқ солган бўлар эдилар. Исроил хонадони эса, сенга қулоқ солишни хоҳламайди, зеро улар Менга қулоқ солишни хоҳламаяптилар, чунки бутун Исроил хонадони қайсар ва бағри тошдир (Эзекил 3:5-7).

Эзекил Исроил учун бор-йўғи навбатдаги пайғамбар эди ва уни ҳам қабул қилмадилар, чунки халқ эшитишни хоҳлаган нарсани воизлик қилган, бошқа пайғамбарларга нисбатан қаттиққўл ва дангалроқ эди. Бир куни Худо мени саросимага солган сўзлар билан мурожаат қилди: *“Мен сени қабул қилмайдиган жойларга юбораман”*.

Мен сўрадим: *“Бир дақиқа. Сен мени қабул қилмасликларини Ўзинг, аллақачон олдиндан билган жойга мени юбормоқчисан. Нега?”*

Раббий жавоб берди: *“Улар кейин Мен ҳақимда, уларга имкон бермади деб айта олмайдилар”*.

Мен шундай жойларга борганман ва у ерда бўлиб, савол берганман: *“Умуман улар мени нега таклиф қилишди? Улар ўзларини, худди мени бу ерда кўришни истамаётгандек*

*тутишмоқда*”. Лекин бошқа жойлар ҳам бор эдики, у ерда мен аэропорт биносидан чиққан илк дақиқадан бошлаб, самолётга чиқишимнинг охириги дақиқаларигача, хизматдан олдин ҳам, кейин ҳам, менга катта қувонч, меҳр ва ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Меҳмонхона хонасида мени ҳар доим мева ва энгил газаклар тўла чиройли сават кутиб турарди, менга доим бир хил: “Сизга яна нимадир керакми?” – деган саволни беришарди ва менинг жавобларим чайналган пластинкани эслатарди: “Ҳаммаси яхши. Ҳаммаси яхши”. Мен ортга қараб, кейинчалик айнан мана шу жойлардан алоҳида имонлиларнинг, шунингдек, бутун жамоатнинг ҳаётидан катта гувоҳликлар келганини кўраман. Бошида, саҳнага чиқишим ҳақида эълон қилишганда, бундай муомала ва гулдурос қарсақларни қабул қилиш ноқулай бўлди. Мен: “*Ахир, мен сизлардан ҳеч қандай фарқ қилмасам. Бундай қилманг*” – деб ўйлайман. Аммо тез орада, бунинг барчаси мен учун эмаслигини тушунаман.

Худо менга қадамма-қадам очибо борди: “*Улар сен учун эмас, ўзларининг фойдаси учун сени эъзозлашларига изн бергин*”. Улар шахсан мени эмас, балки менинг ҳаётимдаги Худонинг инъомини ҳурмат-иззат қилганларини тушунганимда, энгил тортдим. Уларнинг ижобий кайфияти Исодан Ўзининг идиши сифатида, мен орқали уларга бермоқчи бўлган нарсани қабул қилиш учун уларнинг юракларини очди. Мен мағрурликнинг ўрнига, ичимда ўсиб бораётган камтарлик ва итоаткорлик ҳиссини сездим. Гап менинг қобилиятларимда эмас, балки Унинг танловида эканини билар эдим. Барча саломлашувлардан кейин мен тезда уларнинг нигоҳини Раббийга қаратиб, Унга ҳурмат кўрсатар ва Унга қарамлигимни айтар эдим. Менга ҳурмат кўрсатганлар менинг хизматимни ҳам осон қабул қилишарди. Бундай қилмаган бошқа одамларга эса, бунга эришиши жуда қийин бўларди.

## Икки ҳиссали ҳурмат

Павлус шундай таълим берган: “Яхши бошчилик қилаётган, айниқса, Сўзни воизлик қилишда ва таълим беришда меҳнат қилаётган жамоабошилар икки баробар кўп ҳурматга лойиқ ҳисоблансинлар” (1-Тимотийга 5:17). Икки ҳиссали ҳурмат, сиз дунёвий ҳокимиятдагиларга кўрсатадиган ҳурматдан икки борабар кўп ҳурматни ушбу одамларга кўрсатишингизни англатади.

Агар бу оятни кенгроқ маънода кўриб чиқсак, бунга хизматчиларнинг молиявий таъминоти ҳам киради. У давом этди: “Меҳнаткаш ўз мукофотига сазовор” (18-оят). Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимаси бу ҳақида аниқроқ гапирди: Ўз вазифаларини яхши бажараётган оқсоқоллар, айниқса, воизлик қилишда ва таълимот беришда садоқат билан хизмат қилаётганлар икки баробар ҳурматга [ва муносиб моддий қўллаб-қувватлашга] лойиқдирлар. Зеро Ёзув айтадики... меҳнаткаш ўз меҳнати учун тўловга лойиқдир” (1-Тимотийга 5:17,18).

Бу тамойил дахлсиздир. Агар жамоат аъзолари уларга хизмат қилаётган чўпонлари ва етакчилари учун ғамхўрлик қилсалар, бизнесменлар ҳам, бошқалар ҳам дуо-барака ва гуллаб-яшнашга эга бўладилар. Улар Самовий иқтисодиёт тамойилларидан фойдаланадилар. Лекин улар зиқна бўлсалар... Мен шундай одамларни учратганман, улар гоҳ ўғирлик ва етишмовчиликдан, гоҳ жаҳон иқтисодиётидаги ёмон шароитлардан шикоят қиладилар.

Баъзилар, айниқса, АҚШдаги хизматчилар бу ҳақиқатни суиистеъмол қилишларини тушунаман. Хизматчилар доимо пуллар ва бошқа моддий нарсалар ҳақида гапирётганини кўриш ачинарли. Улар ҳақиқатни биладилар, лекин хизматчи юрагини йўқотиб, ёлланма ишчи йўлига ўтиб олганлар. Фарзийлар ҳам шундай яшаган. Уларнинг суиистеъмолликлари

туфайли кўпчилик азалдан Худо томонидан ўйланган ҳокимиятни ҳурмат қилиш тамойилларидан ўзоқлашдилар. Бу ўз навбатида, уларнинг ҳимояси остида бўлган одамларга зарар келтиради, чунки уларга ҳақиқатни тўғри ўргатиш керак эди.

Мен воизлик сафарларимнинг биринчи йилидаёқ бунга дуч келганман. Бир марта мен юз кишидан кўп бўлмаган кичик бир жамоатда бўлдим. Йиғинлар яхши ўтар, у ердаги одамлар шунчаки ажойиб эди. Чўпон ва унинг хотини билан бўлган сўхбатдан уларнинг молиявий ҳолати унчалик яхши эмас деган хулосага келдим. Хотини стюардесса бўлиб ишлар ва ўзи хоҳлаганидек, жамоатда хизмат қила олмас эди. У ишдан кетиб, жамотда маош олишни хоҳламасди, чунки унинг фикрича, бу сира тўғри келмайди. Ҳаммаси қаердан келганини тушундим. Бундан олдин, биз чўпон билан мен бироз олдин айтиб ўтган жамоатда ишлаганмиз. Ўша жамоатнинг чўпони молия ва қурбонликлар ҳақидаги таълимотнинг бошқа четига берилган эди. Биз иккиламиз ҳам худди шундай қилишни истамасдан, бунга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганмиз ва ҳеч нарсани ҳаёлимизга келтирмасдан, бошқа четига ўтиб қолганмиз. Лекин Худо менга ҳар қандай чегарадан чиқиш, яхшилик келтирмаслигини ўргатди. Бизга ҳақиқий мувозанат зарур эди.

Бизнинг йиғинларимиз яхшанба куни эрталаб бошланиб, чоршанба куни кечқурун тугаши керак эди. Биринчи учта йиғин яхши ўтди, лекин жамоатни нимадир ушлаб тургандек туюлди. Бутун сешанба давомида, Раббий мендаги бу инсонга ва унинг жамоатида пул билан қандай муомала қилишларига нисбатан муносабатимни таҳлил қилди. Мен бу ерда яна нимадир қилиш мумкин деган ҳисдан халос бўла олмадим.

Йиғиндан олдин чўпон менга ўша куни кечқурун унинг хизматидан қурбонликни қабул қилишимни хоҳлашини айтди. Мана унинг менга айтган аниқ сўзлари: “Мен сенга қурбонликда эркинлик бераман”.

Мен хурсанд эдим. Худо бу эшикни очганини тушундим, чунки энди, Худо менга яқиндагина гапирган нарсани амалга ошира оламан. Ўша кеч мен ўша вақт устида ишлаётган бир китобимнинг мавзусида воизлик қилдим. Мен Тимотийга биринчи мактубдан оятни ўқиб, ўтирганларга улар молия соҳасида ўз чўпони ва хотини учун муносиб тарзда ғамхўрлик қилмаётганини айтдим. Мен чўпоннинг хотини, энди оиласини боқиш учун ҳар уч-тўрт кунда учмасликнинг вақти келгани ҳақида жамоатга аниқ тушунча бердим. Чўпон менга қурбонликда эркинлик берганини айтдим. Мен қурбонликни ўз хизматимга олмасликни, балки уларнинг чўпони ва унинг хотинига беришга қарор қилдим. Чўпонни дуо қилиш имкониятига одамлар катта иштиёқ билдирдилар. Ўша кеч уларнинг жамоатидаги қурбонлик одатдагидан уч баробар кўп бўлди! Чўпоннинг хотини ҳўнграб йиғлади, у эса ҳайратда қолди.

Бундан сўнг қандай ёриб ўтиш содир бўлганини билсангиз, ҳайрон қоласиз. Кейинги кун бир жуфтлик ўн минг долларлик чекни олди. Бошқа жуфтлик эшик олдида бир ярим минг долларлик чек солинган конверт топди. Бу фақат бошланиши эди. Кейинги якшанба кундаги йиғинга шундай ҳайрон қоларли гувоҳликлар янгради, ҳатто чўпоннинг ўзи илгари бу ҳақида воизлик қилишга журъат этмаган. Бутун йиғин одамларнинг Худо ўтган ҳафтада ишда ёки шахсий ҳаётда уларнинг маблағлари билан нима қилгани ҳақидаги гувоҳлигига бағишланди. Кейинроқ, чўпон менга ушбу режадан ташқари бўлган хизматнинг ёзиб олинган тасмасини юборди.

Кейинги икки йил ичида жамоат кучли ўсди. У янги бинога эга бўлиб, беш юз кишига ўсди. Бундан олдин уларнинг сони юз киши атрофида ўзгариб турарди. Бу ва бошқа сон-саноқсиз мисоллар менга Худо ораמידа, бизнинг манфаатимиз учун меҳнат қилаётганларни иззат-ҳурмат қилишимизни иташини ўргатди.

Мен баъзи ривожланаётган мамлакатларда бўлганман ва

баъзан маҳаллий жамоатлар, менга кўрсатган қарши олишдан кўзларимга ёш келган. Пул нуқтаи назаридан, бу Америка мезонлари бўйича арзимас нарса бўлиб кўринади, чунки менга бефарқ муносабатда бўлган айрим Америка жамоатларида анча каттароқ қурбонликлар олганман. Мени ҳайратга солган нарса бу ушбу миннатдор одамларнинг барча бағишловлари ортида турувчи ўша севги эди. Уларнинг муносабатлари бева аёлнинг ишидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Исо гарчи у келтирган пул жуда оз бўлсада, қолганлардан кўра кўпроқ берганини айтди. У ўзининг бағишлови билан Худони эъзозлади. Ушбу қимматбаҳо муқаддас кишилар Худо томондан юборилган хизматкорларни иззат-ҳурмат қилиб, қадрлайдилар. Бу сизнинг юрагингизга ҳам сингсин. Сизларнинг орангизда Худонинг даласида меҳнат қилаётган одамларни ҳурмат қилишга интилинг.

### ЕТАКЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАЙИНЛАНГАНЛАР

Яна бир бор Исонинг сўзларига назар соламиз: “Ростини, сизларга ростини айтаман, Мен юборган одамни қабул қилувчи Мени қабул қилган бўлади” (Юҳанно 13:20). Матто Хушхабариди Исо, аслида қўйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунуш занжирини тасвирлайди: Ота Исони юборди, Исо беш соҳадаги хизматчиларни юборади. Агар биз Унинг элчиларини қабул қилсак, Уни қабул қиламиз, Уни қабул қилиб эса, Отани қабул қиламиз.

Аммо занжир бу хизматчиларда ўзилиб қолмайди, балки давом этиб, шахсан хизматчилар томонидан тайинланганларга ўтади. Мен жанубий штатларнинг бирида воизлик қилганимда, оғзимдан отилиб чиққан нарсани ҳеч қачон унутмайман. Жамоатнинг чўпони яхши инсон эди, у атрофидаги одамларни ҳимоя қилиб, ҳокимиятда юрарди, улар эса, ўз навбатида, уни ҳурмат қилишарди. Бироқ бу ҳурмат унинг ҳамкасбларига

тарқалмас эди. Баъзи бир кишилар у томонидан тайинланган ташкилотчилар, котиблар ва ёрдамчи чўпонлар сингари одамларга ҳурмат кўрсатмасликларини пайқадим.

Ўша йиғинда менда пайғамбарчилик хизмати бўлмади. Мен шу тарзда воизлик қилсам, гоҳида ўзим ҳам, сўзларни озғимдан чиқиб кетгандан кейин эшитаман. Мен бир хизматчига ишора қилиб, қатъий дедим: “Сиз мана шу одамга қандай муносабатда бўлсангиз, ушбу чўпонга ҳам шундай муносабатда бўласиз. Чўпонга қандай муносабатда бўлсангиз, Исога ҳам шундай жавоб берасиз”.

Жамоатнинг баъзи бир аъзоларининг кўзларини кўрганингизда эди! Ваҳий нури тушиб, уларнинг муносабатини ошкор қилди. Бу жамоат соғлом таълимотда эди ва одамлар бажонидил тузатишни қабул қилдилар. Менинг сўзларим шахсан ўзимга ҳам хизмат қилди. Қандайдир жамоатда хизмат ўтказсам ёки ўзимнинг жамоатимга борсам, мен руҳоний тайинлаган одамларга, жумладан, ташкилотчилар, офис ишчилари, котиблар, ёрдамчи чўпонлар ва тўхташ жойи ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўламан. Улар чўпон томонидан тайинланган бўлиб, ўз навбатида, чўпон Ота томонидан тайинланган Исо томонидан тайинлангандир. Буларнинг барчасини биз атрофимиздаги одамларда Худонинг ҳокимиятини кўришимиз учун айтдим. Муқаддас Китобдан Сурия қўшинининг қўмондони Неҳеманнинг ҳикояси биз учун ажойиб намуна бўлиб хизмат қилади. У мохов касаллигига чалинди ва шифоланишга умид йўқ эди. Унинг яҳудий чўриларидан бири унга Исроилда, Исроил Раббий Худосининг кучи билан уни шифолай оладиган пайғамбар борлигини айтди.

Сурия подшоҳи Неҳеманга Исроил подшоҳининг олдига боришига рухсат берди, подшоҳ эса уни Элишанинг уйига

йўналтирди. “Шунда Неҳеман ўз отларида ва араваларида келиб, Элишанинг уйининг эшиги олдида тўхтади. Элиша ўз хизматкорини унинг олдида: “Бориб, Йорданда етти марта ювингин, шунда сенинг тананг янгиланади ва тоза бўласан” – дейиш учун юборди” (4-Шоҳликлар 5:9, 10).

Неҳеман буни эшитиб, ғазабланди ва шундай деди: “Мана, мен у чиқади, туриб, ўз Худоси Раббийнинг номини чақиради ва ўз қўлини ўша жойга қўйиб, моховни олиб ташлайди, деб ўйлабман” (11-оят).

Унинг нотўғри умидлари Худо унга бермоқчи бўлган нарсадан воз кечишга уни мажбур қилишига оз қолди. Агар Элиша унга пешвоз чиққанида, Неҳеман уни мамнуният билан қабул қиларди, лекин қандайдир хизматкор ёки ёлланма ишчи эмас, ахир Неҳеман муҳим одам эдику. Элишанинг муносабати уни таҳқирлади. Гарчи у қўмондон сифатида топширилган ҳокимиятнинг маъносини тушуниши керак эди. Аммо унинг бахтига Элишанинг хизматкори уни ишонтира олди ва у бориб, Йордан дарёсига етти марта шўнғиди ва тўлиқ шифо топди. Ҳаммаси Худонинг ҳокимиятига эга бўлган одамга хизмат қилиш учун тайинланган хизматкор айтганидек бўлди.

Баъзи бир жамоатларда чўпон кетиши билан одамларнинг жамоатга қатнаши бирдан камайиши ҳақида эшитсам, хафа бўлиб кетаман. Бу одамлар ҳақиқий ҳокимиятни тушунмасликларини кўрсатишади. Тўғри юракка эга одамлар чўпоннинг ёрдамчисидан ёки ташриф буюрган воизхондан қабул қила оладилар, зеро уларнинг ҳар бири чўпон томонидан қўйилган. Чўпон Исонинг ўрнида туради. Агар биз Шоҳликнинг ҳокимиятини тушунсак, шунда бу алоҳида шахсларнинг рақобати эмас, балки инсонга ишониб топширилган ва бевосита Исога бориб тақаладиган ҳокимият эканини англаб етамиз.

Биз имонлилар сифатида фуқаролик ҳокимияти, иш берувчилар, ўқитувчилар ва ҳокимият мавқеига

қўйилганларнинг барчасини иззат-ҳурмат қилишимиз керак. Фарзандлар ота-оналарини, хотинлар эрларини ҳурмат қилишлари керак. Шундай йўл тутиб, биз ваъдага мувофиқ мукофотни оламиз. Ниҳоят, хизматда иштирок этаётганларга, айниқса, Худонинг сўзини воизлик қилишда меҳнат қилаётганларга икки ҳисса ҳурмат кўрсатайлик.

# БЎЙСУНИШ ВА ИТОАТКОРЛИК

*Биз бўйсунимиз, лекин шу билан бирга  
итоаткор бўлмаслигимиз мумкин.*

**И**тоаткорлик баъзида имонлилар орасида юзага келувчи энг кўп сонли тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Кейинги уч бобда биз қийин масалаларга тўхталиб ўтамыз. Сўнги ўн йил ичида, мен кимнингдир ҳокимияти остида бўлиш ҳақида ўргатганимда, қуйидагиларга ўхшаш саволларга кўп дуч келганман:

Бўйсуниш шартсиз нарса ҳисобланадими?

Етакчимнинг қарорларидан рози бўлмасам-чи?

Етакчи ёмон қарорлар қабул қилса-чи?

Етакчи менга бирорта нотўғри ишни қилишни буюрса-чи?

Чегара қаерда?

Бу ҳокимиятга ишонч билан бўйсуниш учун жавоб бериш зарур бўлган ажойиб саволлардир. Бошланишида Ибронийларга мактубига мурожаат қиламиз:

Ўз бошлиқларингизга бўйсунинглар ва уларга итоатли бўлинглар, чунки улар ҳисобот берувчилар сифатида

жонларингизнинг устидан назорат қилмоқдалар, токи улар бунни оҳ-нола билан эмас, балки қувонч билан бажарсинлар. Акс ҳолда, бу сизларга фойдали бўлмайди (Ибронийларга 13:17).

Мактуб муаллифи бизга икки нарсани қилишни аниқ айтади: бизнинг устимиздан қўйилганларга бўйсунуш, уларга итоаткор бўлиш. Бу иккита ҳар хил кўрсатмалар ҳисобланади ва айнан мана шу ерда кўпчилик адашади. Биз бўйсунушимиз, лекин шу билан бирга итоаткор бўлмаслигимиз мумкин. Вазиятга аниқлик киритиш учун ҳаётимдаги мисол билан ўртоқлашаман.

### БИЗ ОРТИҚ ОЗИҚ ОЛМАЯПМИЗ

Олдинги бобда айтиб ўтганимдек, муҳандис сифатидаги қисқа муддатли фаолиятимдан сўнг, мен мамлакатнинг жанубидаги катта жамоатда хизмат қила бошладим ва у ерда чўпоннинг шахсий ёрдамчиси сифатида тўрт ярим йилни ўтказдим. Бу мен учун шогирд сифатида ажойиб мавқе бўлди ва биринчи йилим давомида Худо менга Унинг Шоҳлиги учун мана шу вазифада хизмат қилишимга рухсат бераётгани ҳақидаги фикрнинг ўзидан, кўпинча ҳисларга тўлиб тошардим. Нима деб ўйлаганимни эслайман: *“У менга бунни қилишга рухсат бергани учун Унга муносибини қайтаришга мажбурман”*. Лекин бу “асал ойи” бир йилдан кўп давом этмади ва мен сўна бошладим. Бошида бу деярли сезилмас даражада содир бўлди, кейин жараён кескин тезлашиб кетди.

Мен чўпонга қанча кўп яқинлашганим сари, шунча кўп камчиликларни кўрдим. Янгилик ва иштиёқ ҳисси энди менга келмай қўйганди. Гувоҳи бўлган нарсаларим ҳақида фикр юритиш мен учун оғир бўлган вақт эди. Тез орада бу малол келадиган бўлиб қолди. Кўпинча мен атрофдагиларнинг қилган ишлари, муаммоларнинг қандай ҳал қилиниши ва қандай

қарорлар қабул қилиниши билан борган сари норози бўлардим.

Назаримда мен ҳамма жойда, имонсизлар орасида эшитганларимдан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайдиган кескин танбеҳлар эшители бошлади. Агар мен айтиб ўтганлар, ёлланма ишчилар бўлган бўлса, уларни яқинда ишдан бўшатишлари ёки жойларини бўшатиб қўйишларини сўрашларига ишончим комил эди. Бу вақт билан боғлиқ масала эди. Кўп ўринларни мен хушомадгўй ёлғончилар деб ҳисоблаган одамлар эгаллаб олишганди. Янги ходимларнинг аксарияти бошқарув тизимига ва бошқа асосий лавозимларга менга сездирмай кириб олган одамлардек туюларди. Менинг чўпоним диёнатли одамларнинг даврасидан кўра, шундайларнинг даврасидан кўпроқ завлангандек кўринарди. У уларнинг бемаъни изоҳларига кулиб, қувонган бир пайтда, самимий имонлиларнинг орасида ўзини бефарқ ва паришонхотир тутарди. Унинг хатти-ҳаракати мени гангитиб қўйди ва тез орада уни танқид қила бошладим.

Мен эътиборимни қаратган бошқа зиддиятлар ҳам бор эди. Буларнинг барчаси бутун Американинг нигоҳида бўлган халқаро хизматда содир бўлди. Хизмат тизими ўзлуксиз ишлаши учун хизматнинг барча дастурлари катта инсон кучи ва пул сарфини талаб қиларди. Офисдаги ходимларнинг сони 250 нафардан ортиқ кишини ташкил этарди, бизда энг замонавий жиҳозлар ўрнатилган эди. Биз жорий дастурларни ва келажакдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни ишлашда, бизга ёрдам берган маслаҳатчиларни таклиф қилдик.

Мен уларни жойлаштиришга масъул эдим ва турли маиший масалаларни ҳал қилардим. Уларнинг орасида бўлганимда, улар чўпон билан ўз учрашувларини муҳокама қилганларини тез-тез эшитардим. Миямда саволлар пайдо бўларди: *“Бу нима, катта бизнесми ёки хизматми?”* Қанча кўп эшитганим сари, шунча кўп ўйлардим: *“Бу йўлдан озиш. Умуман олганда,*

*бу йигитларни одамлар қизиқтирадим и ёки улар бу ерда фақат пул учунми? Нима учун чўпон атрофига бундай одамларни тўплайди?”*

Менинг ёнимда дўстларим бўлиб, улар ҳам норози эдилар. Бир эр-хотиннинг уйида бўлган тушликни яхши эслайман. Биз хизматдан ҳеч нима олмаётганимиз ҳақида гаплашдик. Мен: “Охирги олти ой ичида минбардан қилинган воизликдан ҳеч нима олмадим” – деб айтганимни эслайман. Шунча вақт жим турган хотинимдан ташқари ҳамма бу гапга қўшилди. Мен бу гапни бир неча марта эшитдим: “Биз ортиқ озиқ олмаяпмиз”. Бизнинг ушбу хизматдаги иштирокимиз ўз ниҳоясига етмоқда деган хулосага келдик. Биз билан содир бўлаётган нарса руҳий хусусиятга эга эканини ҳис қилдик ва Худо бизни бошқа хизматлар учун тайёрлаётганига ишончимиз комил эди. Тез орада биз ўз лавозимизни тарк этсак, хизматда ўсишимизга бўлган ишонч бизда ҳукм сурарди.

### МУАММО МЕНДА ЭДИ

Бир неча кун ўтгач, ибодат қилаётганимда, Худо Ўзининг раҳм-шафқати билан менга ўша жуфтликнинг уйида муҳокама қилган муаммони эслатди. “Биз ортиқ озиқ олмаяпмиз” ибораси ҳатто мен ўтириб, чўпоннинг воизлигини эшитганимда ҳам миямда айланиб, қулоқларимда жаранглаб турарди. Мен ўзимнинг “руҳий очлигим” ҳақида ўйлаб турганимда, Муқаддас Рух менга қатъий гапирди: *“Муаммо чўпонингда эмас, балки сенинг ўзингдадир!”*

Мен эшитганимларимга ишонмай, эсанкираб қолиб, ўзимдан: “Худо менга шундай дейиши мумкинми?” – деб сўрадим. Унгача мен бундай тузатишларни бошдан ўтказганимда, эшитганларимнинг тўғрилигига иккиланиб, шубҳаланардим. Онгимда Худога бир савол жарангларди: *“Сен тўғри манзил бўйича мурожаат қилганингга аминмисан?”*

(Биз Рухда тобора улғайганимиз сари, ҳақиқатан ҳам кам билишимизни тушуна бошлаганимиз учун биз томондан бундай савол борган сайин камроқ кўтарилиши керак.)

Мен овоз чиқариб сўрадим: “Нима учун муаммо менда?”

Раббий жавоб бериб: *“Сен кам озиқ оляпман деб туриб олишда давом этмоқдасан. Ишаъё пайғамбарнинг китобида шундай деб ёзилган: “Агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар, ернинг эзгуликларидан ейсизлар. Агар воз кечсангизлар ва ўжарлик қилсангизлар, қилич сизларни еб битиради, чунки буни Раббийнинг оғзи айтмоқда”* – деди. (Ишаъё 1:19, 20).

Бу оят менга яхши таниш эди. Менда бошқа фикр пайдо бўлди: “Ахир мен ҳамма нарсада итоаткор бўлганманку”. Лекин Муқаддас Рух давом этди: “Сен хизматда сенга айтилган ҳамма нарсани бажаряпсан, лекин Мен: *“Агар итоат қилсангиз, ернинг эзгулигидан ейсизлар”* – деб айтмаганман. Мен: *“Агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар...”* – деб айтганман, *истак эса сенинг муносабатинг билан бевосита алоқага эгадир. Сенинг муносабатинг эса, ҳеч нарсага ярамайди!”*

Сўнгра У менга мактаб йилларимда юқоридан туғилишимдан олдин, чоршанба оқшомлари эфирга узатиладиган машҳур бир кўрсатувни томоша қилишни яхши кўрганимни эслатди. Эртаси куни эрталаб пайшанба куни бизникига ахлат олиб кетадиган машина келар эди. Машина жуда эрта келгани учун ахлатни кечқурун чиқариш керак бўларди ва бу вазифа менга юкланган эди. Ҳар сафар мен ўша кўрсатувни томоша қилаётганимда ва энг қизиқ жойига келганда, хонага, албатта онам кириб, ўша бир хил саволни бергандек туюларди: “Ўғлим, ахлатни чиқардингми?”

Мен: “Йўқ ҳали” – деб жавоб берардим.

Шунда у: “Дарҳол ўрнингдан туриб, уни чиқариб кўйишингни истайман” – дер эди.

Мен эса: “Ҳа, хоним, бажарилади” – деб жавоб берардим. Халтани олиб чиқиб қўярдим.

Агар кимдир менинг хатти-ҳаракатимни четдан кузатганда эди, у мени намунали бола ва ҳамма нарсада ота-онасига қулоқ солади деб айтган бўларди. Аслида эса, ичимда ҳамма нарса қайнарди: “Ишонгим келмайди: онам ҳар доим менинг севимли шоум бўлаётганда менга буни қилишни айтади. Нима учун у дастур тугагунча ўн дақиқа кутиб тура олмайди?”

Муқаддас Рух менга: *“Сен бўйсунгансан, лекин сенда истак бўлмаган. Сенинг онанга бўлган муносабатинг нотўғри бўлган. Бу жамоатда озиқ олмаётганингни сабаби, гарчи сенга буюрилган нарсани бажарсангда, сенинг ичингда истакнинг йўқлигидадир!”*

Менинг чўпонга нисбатан муносабатим, мени Худодан қабул қила олмайдиган жойга олиб борганини ва бу хавфли ҳудуд эканини тушундим. Ибронийларга мактубдаги оят (17:18) қўйидаги сўзлар билан яқунланади: “Акс ҳолда, бу сизларга фойдали бўлмайди”.

Менинг кўзларим очилди. Дарҳол тавба қилдим. Кейинги якшанба куни ўша жамоатга бориб, худди ўша жойга ўтирдим ва худди ўша услубда воизлик қиладиган ўша чўпонни тингладим. Лекин ўша куни эрталаб ҳаммаси бошқача эди. Осмон очиқ эди, Худо чўпоннинг воизлиги орқали менга берган ваҳийдан ҳайратда эдим. Худо менинг устимдан қўйган ҳокимиятга нисбатан нотўғри муносабатлар тўфайли ўтган олти ой ичида нималарни ўтказиб юборганимга ҳайратда қолиб, йиғлаб юборишимга оз қолди.

Биз топширилган ҳокимиятга итоат қилмаганимизда, биз Худонинг ҳокимиятига қаршилиқ кўрсатамиз, зеро ерлик бошлиқлар У томондан қўйилган! Худо Ўзи томонидан бизнинг устимиздан қўйилган одамларнинг иштирокида, биз учун тайёрлаган байрам дастурхонидан бизнинг бемалол

баҳраманд бўлиб, овқатлана олишимизни хоҳлайди.

Бўйсунуш ҳокимиятга нисбатан, бизнинг жавоб *ҳаракатларимиз* билан боғлиқ. Итоаткорлик – бу бизнинг ҳокимиятга бўлган *муносабатимиздир*. Кўпчилик айнан мана шу жойда хатога йўл қўядилар. Худо бизнинг ташқи ҳаракатларимизга қарагандек, юрагимизнинг яширин муносабатига ҳам қарайди. Довуд ўз тахтини ўғли Сулаймонга топширганида, у қўйидаги сўзларни айтди: “Сен эса, ўғлим Сулаймон, отангинг Худосини билгин ва Унга бутун юрак билан ҳамда *бутун жон билан* хизмат қилгин, зеро Раббий барча юракларни синайди ва *фикрларнинг барча ўйларини* билади” (1-Йилнома 28:9, муаллиф курсиви).

### БЎЙСУНИШСИЗ ИТОАТКОР МУНОСАБАТ

Ибронийларга мактубнинг муаллифининг сўзларига яна бир бор назар ташлаймиз: “Ўз бошлиқларингизга бўйсунинглар ва уларга итоатли бўлинглар” (13:17). Мен бунга қадар биз бўйсунушимизни, лекин шу билан бирга итоаткор бўлмаслигимиз мумкинлигини мисоллар билан кўрсатган эдим. Аммо биз ўз муносабатимизда итоаткор бўлишимиз ва шу билан бирга бўйсунмасликда бўлишимиз мумкин бўлган яна бир ҳолат мавжуд. Исонинг икки ўғил ҳақидаги масали бунга яхши мисол бўла олади, биз бу ҳақида учинчи бобда гапирган эдик. Бир ўғли шай бўлиб: “Хўп, хўжайин, мен бориб, узумзорингизда ишлайман” – деди. Бироқ у бўйсунмади. Исо бу йигит гарчи ҳаёлан отаси билан рози бўлган бўлсада, отасининг иродасини бажармаганини яққол билдирди.

Бу бизнинг жамоатларимизда тез-тез содир бўлиб туради. Бизда улкан ниятлар бор, бош ирғаб, табассум қиламиз ва етакчиларимиз билан рози бўлиб: “Мен буни қиламан!” – деймиз. Кейин эса ҳеч нарса қилмаймиз, чунки бу биз учун унчалик ҳам муҳим эмас. Одатда мен буни *мулойим исён*

деб атайман. Алданманг: мулойим исён, очиқ исён каби ғоят даражада хавфлидир. Худонинг Шоҳлигида иккаласи ҳам иззат-икромда бўлмайди.

Буни Исонинг Ваҳий китобида жамоатларга йўллаган қатъий, фош қилувчи сўзлари тасдиқлайди. У ҳар бир жамоатга салом берган: “Сенинг ишларингни биламан” (Ваҳий 2, 3-боблар). Жамоатларнинг эзгу ниятлари бор эди, бири ҳатто ўзини *тирик* деб атади, бироқ Исо уларнинг итоатсизлиги туфайли, ўз ишларида улар *ўлик* эканини айтди. У “ҳар кимни ўз ишига яраша тақдирлайдиган” Зот экани ёдингизда бўлсин (Римликларга 2:6). Эзгу ниятлар Худонинг суди олдида бардош бермайди, балки фақат итоаткорликда мувофиқ ишлар билан тасдиқланган ҳақиқий имон бардош беради.

### ЧЕГАРА ҚАЕРДАН ЎТАДИ

Худонинг амри шундай деб айтади: “Ўз бошлиқларингизга бўйсунинглар ва уларга итоатли бўлинглар”. Мен аввал айтиб ўтганимдек, одамлар кўпинча мендан бутун самимийликда сўрашади: “Чегара қаердан ўтади? Худо бизнинг ҳокимиятларга, улар бизга нима дейишидан қатъий назар бўйсунимизни кутадимиз? Агар менга гуноҳ қилишни буюрсалар-чи?” Муқаддас Китоб ҳокимиятларга сўзсиз итоат қилишни ўргатади, лекин у сўзсиз бўйсуншни ўргатмайди. Ёдингизда бўлсин, итоаткорлик – бу муносабат, бўйсуниш эса – бу буйруқни қандай бажаришингиздир.

Фақат бир ҳолатда – мен алоҳида таъкидламоқчиманки, фақат *бир* ҳолатда – Худонинг Сўзига тўғридан-тўғри зид бўлган бирор нарсани бизга қилишни айтганларида, ҳокимиятларга бўйсунмаслик ҳуқуқига эгамиз. Бошқача қилиб айтганда, фақат етакчилар бизга гуноҳ қилишни буюрганларидагина, биз бўйсуншдан озод бўламиз. Лекин ҳатто шундай ҳолатда ҳам, биз камтарлик ва итоатли муносабатни сақлаб қолишимиз

шарт. Бобил подшоҳи Набухадназар шафқатсиз одам бўлган ва Исроил халқидан кўп одамларни ўлдирган. Бироқ Худо, фақат У одамга ҳокимият беришини яна бир бор тасдиқлаб, уни Ўзининг қули деб атади (Йермияҳ 25:9; 27:5-7). Бу подшоҳ Исроилнинг қолдиғини Бобил асирлигига олиб кетди. Асирлар орасида Дониэл, Ҳананияҳ, Мисаэл ва Озариё бор эди.

Подшоҳ фармойиш берди, унга кўра барча одамлар мусиқа асбоблари овози эшитилганда, олтин бутга сажда қилишлари ва ҳар куни уни улўғлашлари шарт эди. Ушбу фармойишга бўйсунмаган тақдирда, қоидабузарни тириклайин оловда қиздирилган ўчоққа ташлар эдилар. Бу йигитлар оловли ўчоқдан кўра, Худодан кўпроқ қўрқишар эди, шунинг учун фармойишга бўйсунмадилар. Бу Худо Мусога берган ва Тавротда ёзилган иккинчи амрга зид бўлган бўларди. Улар Худонинг иродасига бўйсуниб, инсоннинг иродасига бўйсунмадилар. Бироқ вақт ўтгач, уларнинг итоатсизлиги ҳақидаги хабар подшоҳга етиб келди. У ғазабланиб, Ҳананияҳ, Мисаэл ва Озариёни дарҳол унинг олдига тушунтириш учун олиб келишни буюрди. Улар мана бундай жавоб беришди: “Сизнинг бу сўзларингизга жавоб қайтаришимизнинг ҳожати йўқ. Биз хизмат қилаётган Худойимиз оловда қиздирилган ўчоқдан бизни халос қилишга ва сизнинг қўлингиздан қутқаришга ҳам қодирдир. Агарда шундай бўлмаса ҳам, сизга, подшоҳимиз, маълум бўлсинки, биз сизнинг худоларингизга хизмат қилмаймиз ва сиз ўрнатган олтин бутга сажда қилмаймиз” (Дониэл 3:16-18).

Улар Худонинг амрига қатъий итоат қилдилар, лекин шу билан бирга подшоҳга ҳурмат билан жавоб қайтардилар. Улар унга нисбатан “Ҳазрати олийлари” сўзлари билан мурожаат қилишди. Улар: “Ҳой сен, аблаҳ, биз ҳеч қачон сенинг айтганларингни қилмаймиз!” – демади.

Бундай беҳурмат тарздаги мурожаат улар томонидан исён

бўлар эди. Биз ҳокимиятнинг буйруғига бўйсунмаслик керак бўлганда ҳам унга итоатли бўлишимиз шарт.

Биз буни Петруснинг хотинлар учун аталган сўзларида топамиз: “Шунингдек, хотинлар, сизлар ўз эрларингизга бўйсунинглар, токи улардан Сўзга итоат қилмаётган баъзилари сизларнинг Худодан қўрқиб кечираётган пок ҳаётингизни кўриб, юриш-туришингиз туфайли сўзсиз имонга келсинлар” (1-Петрус 3:1, 2). Хотин итоатли бўлиши керак (Титусга 2:5), у ўз эрини бўйсунувчанликда иззат-ҳурмат қилиши керак. Петрус яна хулқ-атвор ва итоаткорлик ўртасида ўхшашлик келтирмоқда. Буларга пок ва диёнатли ҳаёт ҳамроҳлик қилади. Хотинларга ҳатто эри имонсиз бўлсада, эрининг ҳокимият мавқеига ҳурмат билан муносабатда бўлишни сақлаб қолиш учун насиҳат берилмоқда. Агар уни гуноҳга мажбурлашса, унга сўзсиз бўйсунуш таклиф этилмаяпти, бироқ эрининг нуфузига сўзсиз итоатли бўлишга ва унга нисбатан ҳурматда бўлишга чақирмоқда.

Мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни олиш мумкин, имонли хотин телефон олдига келганда, унинг эри, қўнғироқ қилган одам билан гаплашишни истамасдан, хотинига: “Мени уйда йўқ деб айт” – дейди.

У томондан ўринли жавоб шундай бўлади: “Азизим, мен алдамоқчи эмасман. Хоҳласангиз, сизни келолмайди деб айтаман”. Шу тарзда, у эрининг нуфузига ҳурматни сақлаб қолади, лекин унинг ёлғон гапириш илтимосига бўйсунмайди.

Петрус яна давом этди:

Сизларнинг безакларингиз ўрилган соч, олтин тақинчоқ ва чиройли кийимлардан, яъни ташқи зеб-зийнатдан иборат бўлмасин. Аммо сизларнинг безакларингиз ювош ва сокин руҳдаги чиримас *гўзалликда* бўлган қалбдаги яширин инсон бўлсин. Худо ҳузурида мана шу қимматбаходир. Ўтмиш

вақтларда Худога ишонч боғлаган муқаддас хотинлар ҳам ўзларини шу йўсинда безаб, эрларига бўйсунган эдилар. Худди шу сингари, Соро ҳам Иброҳимни хўжайиним деб, унга бўйсунган эди. Агар яхшилик қилиб, ҳеч қандай қўрқувдан саросимага тушмасангиз, сизлар Соронинг қизларисизлар (1-Петрус 3:3-6).

Соронинг ҳурматли муносабати, у Иброҳимни хўжайини сифатида ҳурмат қилиб, унга бўйсунганида, яққол намоён бўлди. “*Хўжайин*” сўзи унинг итоаткор муносабатини акс эттиради, бўйсунуш эса, унинг қўрқувга берилмаганини кўрсатади. Қўрқув – ёмон устоз. Қўрқув масхара қилиши мумкин: “Мен эримга ёки ҳар қандай бошқа ҳокимиятга бўйсунушим билан Худога ишона олмайман. Мен ўзимни ҳимоя қилишим керак!” Келинг, бизга қандайдир ҳокимиятни севувчи одам эмас, балки айнан Худо бўйсунушни буюрганини эсимиздан чиқармайлик. Биз Унга бўйсунганимизда, Унинг ҳимояси бизнинг бойлигимизга айланади.

### АМРЛАРНИ БУЗИШ

Баъзи хотинлар сўзсиз итоат этишни қурол қилиб олиб, уни шундай қўллаганки, бўйсунуш ҳам сўзсиз бўлиб қолгани ҳақидаги воқеаларни эшитиш ачинарли. Мен айрим имонли эрларнинг жинсий қўзғалишга эришиш учун хотинлари улар билан биргаликда “катталар учун” одобсиз видеоларни томоша қилишларини талаб қилишгани, хотинлари эса, Ёзувда улар учун бундан ҳимоя йўқ деб ўйлаганлари учун, уларга бўйсунушгани ҳақида эшитганман. Мен баъзи эрлар хотинлари улар учун ёлғон гапиришини талаб қилганларини ва улар буни қилганини эшитганман. Мен ўз хотинларига жамоат йиғинларига боришни тақиқлаган эрлар ҳақида ва хотинлар уларнинг талабларига бўйсунганларини эшитганман. Бундай

нарсаларга бўйсунуш мумкин эмас, чунки улар Ёзувнинг амрларини бузадилар.

Давом этамиз. Менга эрлар ўз болаларини ёки хотинларини калтаклаган, хотинлар эса уларни бекитган ҳолатлар таниш. Болалар жинсий зўравонликка учраган, хотинлар эса ҳеч қандай чора кўрмаган ҳолатлар ҳам бўлган. Бу Худо устига ҳокимиятни ўрнатган ҳар қандай шартларни бузишдир ва аёллар бундай ҳолатларда Худо уларнинг четда туриб, ҳеч нима қилмасликларини асло истамаслигини тушунишлари зарурдир. Агар эрнинг хатти-ҳаракати атрофдагиларнинг ҳаётига таҳдид соладиган бўлса, хотин ўзини ва болаларини ундан узоқлаштириши ва унинг бутунлай тавба қилганига ишонч ҳосил қилмагунича қайтмаслиги керак.

Ҳатто жангчи ва кучли Довуд ҳам, Шоул найза улоқтирганда, саройда юрмади. У уни тарк этиб, саҳрода яшади, лекин ҳеч қачон Шоулнинг ҳокимият мавқеига нисбатан ўзининг ҳурматли муносабатини йўқотмаган. Довуд Шоулнинг ҳақиқий тавбасини ёки Худонинг адолатли ҳукмини кутиб, унинг ҳузуридан қочиб кетган бўлсада, Шоулнинг ҳокимиятига қаршилиқ кўрсатмади.

## ГУНОҲ ҚИЛИШ БЎЙРУҚЛАРИГА БЎЙСУНМАГАНЛАРНИ

### ХУДО ДУО ҚИЛАДИ

Ҳокимиятнинг ўзи бўйсунмаган ҳолатлар мавжуд. Фиръавн яҳудий дояларга, яҳудий аёллардан туғиладиган ўғил чақалоқларни ўлдиришни буюрди. Кейинроқ Муқаддас Китобда шундай деб ёзилган: “Аммо доялар Худодан қўрқар эдилар ва Миср подшоҳининг фармонини бажармасдан, ўғил болаларни тирик қолдирар эдилар” (Чиқиш 1:17). Уларнинг хатти-ҳаракатларни Худога шу қадар маъқул бўлдики, Ёзув шундай дейди: “Доялар Худодан қўрққанлари учун, Худо уларнинг ўйини обод қилди” (21-оят). Худо уларни гуноҳ қилиш

буйруғига бўйсунмаганлари учун мукофотлади.

Синедрион Исонинг шогирдларига буюриб: “Исо номи ҳақида мутлақо гапирманглар, таълим ҳам берманглар” – деди. Аммо Петрус ва Юҳанно уларга жавобан дедилар: “Ўзларинг ўйлаб кўринглар, Худодан кўра кўпроқ сизларга қулоқ солиш Худо олдида тўғри бўладими? Шунинг учун бизлар кўрган-эшитганларимизни айтмай тура олмаймиз” (Ҳаворийлар 4:18-20). Исо аллақачон уларга: “Бутун дунё бўйлаб юринглар. Ҳамма тирик жонга Хушхабарни воизлик қилинглар” (Марк 16:15) деганда, улар қандай қилиб, ўша етакчиларга бўйсунилари мумкин эди? Улар қила олмадилар! Синедрион шогирдларга Исонинг амрларига қарши иш қилишни буюрди, шу сабабли улар хушмуомалалик билан рад этдилар. Ёзувга кўра, уларнинг қарорларидан сўнг нима содир бўлганига қаранг: “Ҳаворийлар эса Раббий Исо Масихнинг тирилгани ҳақида буюк қудрат билан гувоҳлик берар эдилар ва уларнинг ҳаммаларининг устида буюк иноят бор эди” (Ҳаворийлар 4:33). Уларнинг ичидаги Худодан қўрқиш буюк дуо-барака ва қудратни олиб келди.

Шунга қарамай, биз шогирдларнинг ҳурматли муносабатини ёки итоаткорлигини Павлуснинг ўша синедрионда берган жавобида кўрамиз. Уни у ерга олиб келганларида, ўзининг ҳимояси учун айтган биринчи сўзлари қуйидагилар бўлди: “Эркак ва биродарлар! Мен шу кунга қадар Худо олдида пок виждон билан яшаганман” (Ҳаворийлар 23:1). Олий руҳоний Ҳанания бу сўзларни эшитиб, Павлуснинг ёнида турганларга унинг оғзига уришларини буюрди. Шунда Павлус жавоб бериб: “Эй, оқланган девор, Худо сени уради!” – деди. Биз давомида ўқиймиз: “Ёнида турганлар: “Худонинг олий руҳонийсини ҳақорат қиляпсанми?” – дедилар. Павлус эса: “Биродарлар! Унинг олий руҳоний эканини билмас эдим, зеро: “Халқингнинг бошлиқларини ёмонлама, деб ёзилган”, – деди” (Ҳаворийлар 23:4, 5).

Ҳананиянинг ҳокимият вакили эканини билиб, Павлус ўз муносабати учун тавба қилди ва сўз айтди. Шогирдлар Ёзувга зид бўлган буйруқларга бўйсунмадилар, лекин улар итоаткорлик муносабатини сақлаб қолдилар, чунки: “Барча мавжуд ҳокимиятлар Худо томонидан қўйилган”ини билар эдилар.

### ДОНИЭЛНИНГ ОЛИЙ ҚОНУНГА БЎЙСУНИШ ҚАРОРИ

Дониэлнинг кунларида кимдир подшоҳдан бошқа ҳар қандай худога ёки одамга мурожаат қилишга журъат этса, у шу заҳоти шерларнинг ўрасига ташланиши ҳақида фармон чиқарилди. Ҳасадгўй ва бетавфиқ ҳукмдорлар бу қонунни чиқариб, Дониэлни йўқ қилиш учун подшоҳ Дорийни қўл қўйиб тасдиқлашга кўндиришди. Дониэл ҳатто бундай қонунга бўйсунмиш ҳақидаги фикрларни ҳаёлига келтирмади. У Худога бўйсунмишни афзал билди. У саночининг сўзларига кўра ҳаракат қилди: “Оқшом ҳам, эрталаб ҳам, кундузи ҳам ибодат қилиб фарёд қиламан ва У менинг овозимни эшитади” (Сано 54:18).

Дониэл қандай йўл тутганига қаранг: “Дониэл эса бундай амрга қўл қўйилгани ҳақида эшитиб, ўз уйига борди. Унинг болохонасининг деразалари Йерусалим томонга қаратилган бўлиб, очиқ турар эди. Дониэл олдингидек, кунида уч марта тиз чўкиб, ўз Худосига ибодат қилиб, Унга мадҳлар айтар эди (Дониэл 6:10).

Дониэлнинг бўйсунмагани ҳақида дарҳол подшоҳга хабар қилишди ва у Дониэлни шерлар ўрасига ташлашга мажбур бўлди. Аммо Дониэлнинг итоаткор муносабати, ҳатто адолатсизлик қаршисида ҳам ўзгармасдан қолди. Худо уни қутқарди ва оч шерларнинг оғзини ёпди, Дониэл тун бўйи тинч ухлай олди. Подшоҳ нима бўлганини кўргач, у фитначиларни ўрага ташлади ва ғазабланган шерлар уларни еб ташлади.

## ҲАР ДОИМ ҲАМ БАХАЙР ХОТИМА БЎЛМАЙДИ

Худо бу муқаддасларни ўлимдан қутқарди, лекин ҳар доим ҳам, шу тарзда содир бўлмайди. Ибронийларга мактубда ўқиймиз:

Бошқалар эса аълороқ тирилишга эришиш учун қутулишни қабул қилмасдан азобланган эдилар. Яна бошқалар ҳақоратлару калтакларга, зиндонлару кишанларга чидар эдилар, тошбўрон қилинган, арраланган, қийноқларга солинган, қиличдан ўтказилган эдилар. Қўй ва эчки терисига ўраниб, сарсон-саргардон кезар, муҳтожликда ва қувғинда юрар, азоб-уқубат чекар эдилар. Дунё муносиб бўлмаган бу одамлар саҳроларда, тоғларда, ғорларда, ернинг дараларида дарбадар юрар эдилар (11:35-38).

Ушбу одамлар ҳоқимият томонида ўзларига нисбатан қўпол ва ноҳақ муносабатни бошдан кечиришди.

Илк жамоатнинг собиқ ўқитувчиси Тертуллиан (милоднинг 140-230-йиллар) римлик етакчилар ва фуқароларга уларнинг таъқиблари фақат масиҳийликнинг ёйилишига хизмат қилишини эслатган. У шундай деб ёзган: “Сизлар бизни қанча кўп ўлдирсангиз, биз шунчалик кўпайиб борамиз. Масиҳийларнинг қони – бу уруғдир” (Апологея, 50-боб).

Қувғин қилинаётган имонлиларнинг ҳаётини тасвирлаган номаълум римликнинг сўзларидан иқтибос келтираман:

Улар ўз мамлакатларида, лекин фақат вақтинчалик фуқаролар сифатида яшайдилар. Улар танададирлар, лекин тана изми бўйича яшамайдилар. Улар ўзларининг яшаш кунларини ерда ўтказадилар, лекин уларнинг яшаш жойи самодадир. Ўрнатилган қонунларга бўйсунадилар, лекин ўз ҳаётларида қонунлардан ўзиб кетадилар. Улардан нафратланганлар, ўзларининг душманликларини ҳеч қандай йўл билан асослаб беролмайдилар (Диогнетга мактуб, 5-боб).

Улар бўйсуниб, итоаткор бўлдилар, бироқ ўзларининг ҳурматли ва итоатли хатти-ҳаракатлари билан оддий қулоқ солишдан ўзиб кетдилар. Биз Петруснинг насиҳатларида яна кўриб турганимиздек, имонлиларнинг нопок ҳукмдорларига нисбатан бўлган хатти-ҳаракатлари ҳукмдорларнинг ўзларининг миясини гангитиб қўйди ва улардан баъзилари Раббийга имон келтиришди.

### УМУМАН НОЛИМАСДАН

Бу қандай ҳокимият бўлишидан қатъий назар – фуқаролик, оилавий, жамоат ёки ижтимоийми – Худо биз унга итоат билан муносабатда бўлишимизни ва у Ёзув *аниқ* гуноҳ деб атайдиган нарсага мажбурламагунича, унга бўйсунимизни айтади. “*Аниқ*” сўзини ажратиб кўрсатамиз. Юқорида кўриб чиққан ҳолатларда имонлиларга Масихдан воз кечиш, қотиллик қилиш, бошқа худоларга сажда қилиш ёки Масихнинг амларидан бирор бирини тўғридан-тўғри рад этишни буюришганда, улар бўйсунмадилар. Улар ҳеч қандай нолиш ёки ҳукм қилишга йўл қўймадилар.

Мана мен офис хизматида жалб қилинган одамлардан эшитган бундай нолишнинг мисоли: “Чўпон менга иш куни вақтида одамларга маслаҳатчилик қилмасликни ва улар учун ибодат қилмасликни айтди, лекин бу Худонинг севгиси эмас, севгида юрмаслик эса гуноҳдир, шунинг учун мен буни қилишни давом этишим керак” дейдилар. Бу ҳокимият остида бўлган одамларнинг фикрлари ҳисобланади. Бу уларнинг содир бўлаётган нарсага бўлган нигоҳи. Чўпон улардан Худонинг Сўзини бузишни сўрамаяпти, боз устига, у уларга ибодат учун эмас, балки ҳужжатлар билан ишлаш, маълумотларни қайта ишлаш ёки қандайдир бир иш учун пул тўлашади.

Аслини олганда, бу одамлар ўзларининг итоатсизликлари тўғрисида ўғирлик билан шуғулланадилар. Агар ҳақиқатан

ҳам бошқалар учун ибодат қилиш уларнинг юрагида бўлса, улар иш вақтидан ташқари, ибодатга муҳтож бўлганларни йўқлаб келиш учун чўпондан рухсат олишлари зарур. Лекин чўпон бу ғояга нисбатан барибир ноқулайлик ҳис қилса, эҳтимол, у ишчилар муҳтожларга маслаҳат бериш учун етарли даражада тайёр эмаслигини ҳис қилиш мумкин. Агар чўпон бу хизмат бўйича нотўғри қарор қабул қилган бўлса, бу учун Худога жавоб беради, лекин бу унинг ҳокимияти остида бўлганлар учун ҳукм қилиш белгиси бўла олмайди. Мен юзлаб мисоллардан фақат биттасини келтирдим: биз фақат Сўзга аниқ қаршилиқ мавжуд бўлгандагина, ҳокимиятга бўйсунмаслик ҳуқуқига эга бўламиз.

Шундай бўлсада, сиз: “Менинг етакчим мен норози бўлган нарсани қилишни буюрганда, нима қилишим керак? Ёки етакчи ғирт бемаъни нарсани қилишни буюрганда-чи? Ёки мен ибодатда кўрган нарсага қарши бўлган ишни қилишни буюрганда-чи?” – деб сўрашингиз мумкин. Ушбу саволларга кейинги бобда жавоб бераман ва уларни Ёзув оятлари билан тасдиқлайман.



## ЕТАКЧИ МЕНГА БУНДАЙ ДЕДИ

*Биз интилаётган нарса – бу ҳокимият  
ҳақидаги ваҳий бўлиб, бу ўз-ўзидан Худо  
ҳақидаги ваҳий ҳисобланади, зеро Худо ва  
Унинг ҳокимияти ажралмасдир.*

Биз ўз етакчиларидан норози одамларга дуч келамиз. Улар самарасиз усуллар, нотўғри қарорлар ёки булар уларнинг ҳаётига қандай салбий таъсир кўрсатишидан шикоят қиладилар. Етакчилар уларга маълум нарсаларни ваъда қилишгани ва улар ҳалигача бажарилмаганидан зорланадилар. Баъзан уларга, орқага қараб ривожланаётгандек туюлади. Чўпон буни кўрмаётганига уларнинг ишончлари комил ва энди унинг ҳокимияти Худодан алоҳида мавжуд деб ҳисоблайди. Бундай мулоҳазалар шикоятлар учун эшик очади, бу охиросқибат, итоатсизликка олиб келади. Вақт ўтиб, улар йўлдан озадилар ҳамда уларнинг ўсиши ва ҳимояси учун уларга Худо томондан топширилган ҳокимиятни йўқотадилар.

### СЕНСИЗ ҲАММАСИ ЯХШИ ЭДИ!

Исроил ўғиллари ҳам худди шундай фикрда эдилар. Улар Мусонинг етакчилигини самарасиз ва ҳатто ҳалокатли

деб ҳисоблаган вақтлар бўлган. Гарчи ҳаммаси бошқача бошланган бўлсада. Мусо саҳродаги ҳаётдан сўнг воқеалар марказига тушиб қолганда, фиръавннинг олдида боришдан аввал, Исроилнинг оқсоқоллари билан учрашди ва Раббий уларни озод қилиб, уларни “ушбу ерда яхши ҳамда кенг ерга, сут ва асал оқаётган ерга олиб чиқиш” (Чиқиш 3:8) учун уни юборганини айтди. Бундай ажойиб янгиликни эшитиб, улар унга ишондилар ва Худога сажда қилдилар. Улар шодликка тўлиб-тошдилар – энди уларнинг қулликдан олиб чиқадиган, Худо ваъда қилган етакчиси бор эди.

Улар билан учрашгандан сўнг, Мусо фиръавннинг олдида бориб, унга Раббий унинг оғзига солган гапларни аниқ етказди: “Халқимни қўйиб юбор, улар саҳрога бориб, Менга байрам қилсинлар” (Чиқиш 5:1).

Фиръавн эса жавоб бериб: “Раббий ким ўзи?! Нима учун Унинг сўзига кириб, Исроилни қўйиб юборишим керак? Раббийни танимайман, Исроилни ҳам қўйиб юбормайман. Нима учун халқни ишдан қолдирыасизлар?! Ўша куннинг ўзида фиръавн уларнинг меҳнатини кўпайтирди. У ғазабланиб, ўз ишбошиларига шундай фармон берди: “Уларга кўпроқ иш беринглар. Улар тер тўкишсин” – деди (2-9-оятлар, қисман айтилган).

Уларга бошқа сомон бермадилар ва улар ҳар куни бир хил белгиланган миқдорда ғишт ясашлари керак эди. Шундай қилиб, улар кундуз куни ғишт қилишлари, тунлари эса сомон қидиришларига тўғри келарди.

Халқ бутун Миср ери бўйлаб сомон йиғиш учун тарқалиб кетди. Ишбошилар шафқатсиз эдилар. Улар қамчилар билан қуролланиб, қўполлик билан: “Сизга сомон берилган кунлардагидек, ҳар куни ўз ишингизни бажаринг!” – деб буюрардилар.

Фиръавннинг ишбошилари уларнинг устидан қўйган Исроил ўғилларидан бўлган назоратчиларни: “Нима учун шу кунгача қилганингиздек, кеча ва бугун белгиланган миқдордаги

ғиштни қуймаяпсизлар?” – дея катаклашарди.

Шунда Исроил ўйилларидан бўлган назоратчилар фиръавн ҳузурига бориб: “Нима учун сиз қулларингизга бундай муомала қилияпсиз? Қулларингизга сомон беришмаяпти, ғиштни эса қуйинглар дейишяпти. Бизни бекорга калтаклашяпти! Айб сизнинг ишчиларингизда, биздан имконсиз нарсани талаб қилишмоқда” – дея фарёд қилдилар.

Аммо Фиръавн бунга жавобан деди: “Сизлар бекорчисизлар, бекорчи, шунинг учун: «Бориб, Раббийга қурбонлик келтирайлик» – деяпсизлар. Боринглар, ишланглар. Сизларга сомон берилмайди, лекин белгиланган миқдордаги ғишларни беринглар”. Исроил оқсоқоллари фиръавн ўз талабларини юмшатмаганини кўриб, жиддий муаммоларда қолганини тушундилар. Шунда улар фиръавн ҳузуридан чиққанларида, уларни кутиб турган Мусо ва Аҳарон билан учрашишди. “Сизлар бизни фиръавннинг, унинг хизматкорларининг нигоҳида жирканч қилдинглар ва бизни ўлдиришлари учун қўлларига қилич тутқаздинглар. Раббий қилмишларингизни кўриб, бу учун ҳукм қилсин!” – дедилар. (Чиқиш 5:13-21, муаллифлик баёни).

Энди Мусонинг етакчилигидан исроилликларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Унинг воизлиги ва бошқаруви уларга кулфат ва бахтсизликдан бошқа ҳеч нарса келтирмади. Улар Худонинг ҳукмини унинг устига чақиришларидан кўриниб турибдики, улар Мусонинг ҳокимиятини Худонинг ҳокимиятидан ажрата бошладилар.

Энди ҳамма нарсада Мусо айбдор эди. Агар у уларни тинч қўйганида эди, фиръавн уларга бунчалик шафқатсизларча муносабатда бўлмас эди. Улар бутун воқеалар ривожини шайтон ёки қандайдир адашиб қолган етакчи эмас, айнан Худо бошқарганини тушунмадилар. Унинг бош режасидан ташқари ҳеч нарса содир бўлиши мумкин эмас эди. Худо

Мусога фиръавннинг олдига боришни буюрди. Шайтон ва ҳатто Мусо ҳам эмас, балки айнан Худо фиръавннинг юрагини қаттиқлаштирди! Биз буни бир нечта оятларни ўқиб, билишимиз мумкин: “Лекин Раббий фиръавннинг юрагини қаттиқлаштирди ва фиръавн Исроил ўғилларини ўз еридан қўйиб юбормади” (Чиқиш 11:10; шунингдек, Чиқиш 9:12; 10:1, 20, 27-оятларга қаранг). Фиръавннинг юраги қаттиқлашиб боргани сари, Иброҳимнинг авлодларига яшаш тобора қийинлашиб бораверди.

Катта жабр-зулмлардан сўнг исроилликлар Мисрдан қўйиб юборилдилар ва улкан саҳрога келиб қолдилар. Улар сувсиз ва тугаётган озиқ-овқат заҳиралари билан саволлар бера бошладилар: *“Мусо бизга озодлик ва фаровонликни ваъда қилмаганмиди? Сут ва асал оқадиган яхши ва кенг ерларни ваъда қилмаганмиди?”*. Ҳақиқат шундаки, ер чиндан ҳам катта эди, лекин мўл-кўлчилик қандайдир мос келмас эди – ваъда қилинган сут ва асал қани?! У ўзича озодлик ва таъминот деб тасаввур қилган нарса шуми? Ўшанда уни Худо юборганмиди?

Йўқчиликдаги уч кунлик йўлдан сўнг, Мусо уларни Мараҳ деган жойга олиб келди, улар у жойда сув топдилар. Эҳтимол улар: *“Яхши, эҳтимол ҳаммаси йўлга туша бошлагандир”* – деб ўйлашгандир. Аммо тез орада ўша ердаги сув ичишга яроқсиз эканини аниқладилар. Улар кўзларига ишонмасди ва яна ишонмаслик нолиши кўтарилди. Улар шивирлай бошладилар, Мусодан норозичилик билдирдилар, уларнинг танқиди кескинлашди. Норозилик саратон хужайралари каби бутун қароргоҳ бўйлаб сезилмас тарзда тарқала бошлади. Балки Мусо уларни фақат қулликдан олиб чиқишни етарлича билгандир, лекин энди уларни бошқа ерга қандай олиб киришни билмас?

Халқ Мусо ва Аҳаронга шикоят қилдилар: *“Қанийди, бизлар Миср ерида гўшт солинган қозон бошида ўтирганимизда*

тўйгунимизча нон еяётган вақтимизда Раббийнинг қўлидан ўлганимизда эди! Сизлар бутун жамоани очликдан ўлдириш учун бизни бу саҳрога олиб келдинглар” (Чиқиш 16:3).

Бўлди, уларнинг тоқати тоқ бўлди. Мусонинг етакчилик қобилиятлари кўп жиҳатдан яроқсиз бўлиб чиқди. У пайдо бўлишидан олдин улар яхши яшаётган эмасмиди? Улар унинг борлигида кўрган барча нарса, унинг Мисрдаги воизлиги туфайли чидаб бўлмас босим ва қийинчиликлар эди. Бу тугайдими ёки йўқми?! Улар бир қийинчиликка тушиш учун бошқасидан қочар эдилар. Уларнинг етакчиси сут ва асал оқадиган ерни ваъда қилган эди, лекин бунинг ўрнига улар қуриган ерни, саҳрода илон ва чаёнларни топди. Афтидан, уларнинг етакчиси керакли буримни ўтказиб юборгандир ёки умуман бирорта ёмон нарсани ўйлаб қўйгандир. Фиръавн даврида ҳеч бўлмаганда уларнинг егулиги бор эди, Мусо эса, уларни очликдан ўлдиришни режалаштирганга ўхшайди. Мисрда яхшироқ эди, тамом! Уларнинг шикоятлари шу даражагача бордики, улар бир-бирларига: “Ўзимизга бошлиқ тайинлаб, Мисрга қайтамыз!” – дедилар (Сонлар 14:4).

Лекин Мусо Худо қўйган одамдан бутунлай тўйиб кетган кишиларга нима деганига қаранг: “Раббий сизларнинг Ундан нолиганингизни эшитди. Бизлар ким бўлибмиз? Сизлар биздан эмас, Раббидан нолидингизлар” (Чиқиш 16:8).

Бу одамлар уларнинг нолишлари асло Худога қарши эмас, балки фақат Мусога қарши қаратилган деб ўйладилар. Улар бирини бошқасидан муваффақиятли ажратдик деган хулосага келдилар. Итоаткорлик тамойилларига кўра яшашнинг ўрнига улар ўз мулоҳазалари билан ҳаракат қилдилар. Шахсий ваҳийига ёки вазиятларга асосланувчи чекланган мулоҳазалар билан бошқариладиган одамлар ўйламай иш қилиш йўлига кириб қоладилар. Ҳокимиятни тан олиб, бўйсунадиган ва шу сабабли, Йешуа Нун ўғли ҳамда Калев сингари улар учун

тайёрланган ваъдаларга кирадиганлардан фарқли равишда улар ўз бурчини бажармайдилар.

### АГАР МЕНДА ФАРҚЛАШ ИНЪОМИ БЎЛСАЧИ?..

Сиз ўзингизни етакчи қарорларининг аниқ ва кечиктирилмас натижалари билан бошқарилган Исроил ўғилларидан донороқ ҳисоблашингиз мумкин. Ўзингиз ҳақингизда Йешуа Нун ўғлига ўхшаш? янада руҳийроқ одам деб ўйлашингиз мумкин. Ким-ким, лекин сиз аниқ Мусо ҳақ бўлган деб хулоса чиқарардингиз ва ҳеч қачон Исроил ўғиллари каби иш тутмаган бўлар эдингиз. Сиз ҳар доим Йешуа Нун ўғлининг ёнида бўлар эдингиз.

Албатта, бўлиши мумкин, лекин бундай тахминларни қилишдан, барибир эҳтиёт бўлиш керак. Фарзийлар ўз фикрларида қатъий туришарди: “Агар биз оталаримизнинг кунларида бўлганимизда эди, пайғамбарларнинг қони тўкилишида уларга шерик бўлмас эдик” (Матто 23:30), лекин Исо улар ҳам ота-боболарида бўлган ўша руҳга эга эканини айтди. Барча воқеалар, аллақачон сизнинг кўз ўнгингизда ўйналганда ва уларга бутун китоблар бағишланганда, яхшини ёмондан ажратиш жуда оддий. Йешуа Нун ўғлини ватандошларидан ажратиб турган нарса руҳларни фарқлашдан эмас, балки унинг ҳақиқий ҳокимиятни тан олиб, бўйсунуш қобилиятидан иборат эди. Бундан тўғри ва нотўғрини фарқлашнинг ҳақиқий қобилияти келиб чиқди.

Мен ўзини бу инъомга эга деб ҳисоблайдиган ва шу билан бирга, итоатсиз юракка эга бўлган, кўпчилик одамлар томонидан билдирилган норозиликни ўзимда ҳис қиламан. Ҳатто ҳозир ҳам, ушбу китобни ёзаётганимда, кечагина хат олдим, унинг муаллифи “фарқлаш қобилияти”га эгадир, лекин бу қобилият “мен нечоғлик рози бўлсам, шунчалик бўйсунаман” муносабати билан қоришиб кетган. Бундай ўйлайдиганлар ўзларини тўғри йўлда эканлигига янглиш ишонадилар.

## КИМ УНИ БИЗНИНГ УСТИМИЗДАН ҚҶЙДИ?

Балки сиз: “Агар мен етакчим унчалик ҳам тўғри бўлмаган қарор қилаётганини кўрсам-чи? Мени кўнгилсизликлар кутиб турганини била туриб, унга бўйсуним керакми?” – деб сўрарсиз. Ортдаги хизмат йилларимга назар ташлаб, мени бу қониқмаслик ҳисси қандай енганини эслайман: “Улар ёмон қарор қабул қилишмоқда! Улар Худони эътибордан четда қолдиришмоқда! Улар салбий таъсирга тушиб қолишган. Мен бунга бўйсун олмайман!” Кўпинча менинг итоатсиз юрагим бўйсунмасликни танлар эди.

Мен бир йил давомида чўпоннинг маъмурий ишлар бўйича ёрдамчиси бўлиб хизмат қилдим ва шу вақт ичида кўплаб қарорларга эътироз билдиришга муваффақ бўлганимни пайқадим. Унинг буйруқлари хизмат етакчиларига етиб боришдан аввал, менинг иш столимдан ўтган. Мен жуда кўп маротаба унинг буйруқлари оқилона эмас деб ўйлаганман ва юрагимда улардан жаҳлим чиқарди. Бир куни Рух менга гапирди: “*Сенга бир саволим бор*”.

Тажриба менга шуни ўргатганки, Худо менга савол берганда, У менинг сохта донолигимни фош қилмоқчи бўлади, мен: “Ҳа, Раббий?” – деб жавоб бердим.

“Мен кимни чўпон қилиб қўйганман – сеними ёки уними?”

Мен жавоб бериб: “Албатта, уни” – дедим.

Шунда У тезда: “*Тўғри. Шунинг учун Мен сенга кўрсатишим шарт бўлмаган нарсаларни унга кўрсатаман ва Менинг ортимдан эргашганинг каби, унинг ортидан ҳам шундай эргашии ёки эргашмаслигини кўриш мақсадида, сендан унинг қарорларининг донолигини кўп маротаба яшираман*” – деди.

Фақат бир неча ой ўтгач, чўпоннинг қарорларининг донолиги қолганларга кўринар эди. Мен буни куннинг ёруғида кўргандек бўлдим ва далилларимни итоаткорлик тамойилидан устун қўйиб, улардан миям гангиб қолганини билдим. Айнан шулар

жамоатлар, оилалар ва бизнесда бўлинишларнинг сабабчисига айланди. Худо бизнинг етакчиларга бўлган бўйсунимизни фақат биз уларнинг донолигини кўрганимизда, улар билан рози бўлганимизда ёки улар айтган нарсалар бизга ёққанда бўлган вақт билан чеклаб қўйган эмас. У шунчаки: “Бўйсунинглар!” – деди.

Кейинроқ Раббий юрагимга сўзлади: *“Жон, агар Мен ҳар бир имонли фақат ибодатдан ва Мен билан мулоқотдан барча маълумотларни, донолик ва йўналишни олишини ўйлаб қўйганимда эди, Мен ҳеч қачон жамоатда ҳокимият ўрната олмаган бўлардим. Мен жамоатда етакчиларни, Менинг болаларим барча зарур нарсаларни фақат ибодатли ҳаётдан ола олмаганлари сабабли қўйганман. Улар ўз етакчилари орқали ҳам Менинг овозимни танишни ва эшитишни ўрганишлари керак”*.

Ҳар бир етакчининг қарори хусусида Худога фарёд қилиш учун ёки ҳатто содир бўлган воқеадан сўнг натижаларни ҳукм қилиш учун биз жавобгар эмасмиз. Бу билан ўша одамни қўйган Зот шуғулланади. Агар исроилликлар Мусонинг қарорини муҳокама қилиш ҳуқуқига эга бўлишганда, улар аниқ узоққа боролмаган, эҳтимол, Мисрга қайтиб кетган бўларди.

Етакчилар ҳам, биз ҳам охирида ҳисоб берамиз. Етакчилар ўз қарорлари учун ҳисоб берадилар ва уларни биздан кўра қаттиқроқ ҳукм қилишади. Мана нима учун Исо: “Кимга кўп берилган бўлса, ундан кўп талаб қилинади. Кимга кўп ишониб топширилган бўлса, ундан кўпроқ талаб қилинади” – дея огоҳлантирган (Луқо 12:48). Ёқуб ҳам шундай деган: “Биродарларим, ўқитувчилар кўпроқ ҳукмга дучор бўлишларини билиб, кўпларингиз ўқитувчи бўлаверманглар” (Ёқуб 3:1).

Бошқа томондан, биз итоатда қандай яшаганимиз ҳақида ҳисоб берамиз, зеро ҳокимият Худодан берилади. топширилган ҳокимиятга қарши туриш – бу Худонинг ҳокимиятига қарши туриш билан бир хилдир. Етакчи ҳақ ёки

ноҳақ бўладими, унинг хатти-ҳаракатини тезда баҳолашга журъат этмаслигимиз керак. Содир бўлган воқеадан сўнг ҳам ҳукм қилмаслигимиз шарт. Бу бизнинг эмас, балки Худонинг ташвишидир. Фақатгина У ҳамма нарсани, юракни қандай ўзгартириш мумкинлигини билади, чунки У буни истайди.

### ЕТАКЧИНИНГ ЮРАГИ ХУДОНИНГ ҚЎЛЛАРИДА

Иккинчи бобда мен айтиб берган воқеани эсга оламиз. Чўпоним жамоатга уй гуруҳларини бекор қилиш тўғрисида эълон қилганида, мен уни нафақат ноҳақ деб ўйлаганман, балки қарорнинг оқибатлари менга таъсир қилиши учун унга кимдир таъсир кўрсатган деб ҳам қарор қилганман. Менинг бошлиғимга тегишли бўлган ва мен айтмаган яна бир нарса бор эди, бу офисдаги котиб. У мени хуш кўрмасди ва ҳар қандай йўллар билан мени офисдан сиқиб чиқаришга ҳаракат қиларди.

Бунинг учун у иккаламизга ҳам бир-биримиз ҳақидаги турли салбий маълумотларни етказиб, мен билан катта чўпон орасида бўлиниш деворини кўтарди. Уларнинг аксарияти очиқ-ойдин ёлғон эди. Устига-устак, у офисда менга қарши бутун бир ифволи ҳаракатни бошлади. Ходимлар ўша офисда ишлайдиган хотинимга: “Нима учун у қоғозларига сизнинг эрингизнинг исмини ёзмайди?” – деб айтишган. Мен унинг қилмишларидан хабардор эдим, лекин қўлларим боғланган эди.

Катта чўпон уй гуруҳларини бекор қилганда, бу ўша одам тарқатган сохта гумонлар сабаб бўлган менга қарши янги ҳужумдан бошқа нарса эмаслигини тушундим. Мен вазиятни тўғри “баҳолаётганимга” амин эдим. Ўзимни айбсиз қурбондек ҳис қилдим, шу сабабли чўпоннинг ҳокимиятига бўйсунисни ортиқ истамас эдим. Охир-оқибат, айнан унинг ўзи йўлдан озиб, нотўғри қарор қабул қилди. Ҳеч бўлмаганда мен шундай деб ўйладим. Наҳотки Раббий кўпчиликнинг ҳаётини қутқариб қолиши мумкин бўлган саккиз ойлик қизғин ишни йўққа

чиқарса?! Мен айнан шунинг учун етакчилар йиғинида чўпонга қарши йигирма дақиқа қатъий турдим. Мен у ердан ўзимнинг тўғрилигим ва ҳақлигимни ҳис қилиб, кейин эса, уйда Муқаддас Руҳнинг танбеҳига дуч келиш учун кетдим. Ўшанда мен инсоний ҳокимият билан эмас, балки Худонинг ҳокимияти билан муносабатда бўлганим ҳақидаги чуқур ваҳий келди.

Бироз кейинроқ Раббий юрагимда Ёзувдан бир оятни ёндирди. Бу шунга ўхшаш бошқа вазиятларга ҳам ойдинлик киритди ва қийинчиликлар ўртасида йўл кўрсатди:

Подшоҳнинг юраги Раббийнинг қўлида дарё сувларидек, қаерга хоҳласа, уни ўша томонга йўналтиради (Ҳикматлар 21:1).

Подшоҳ – бу сизнинг устингиздан ҳокимият мавқеига қўйилган шахсдир. У диёнатли ёки золим бўладими, барибир унинг юраги Раббийнинг қўлидадир. Оятда: “Яхши подшоҳнинг юраги Раббийнинг қўлида” – деб айтилмаяпти. Унга қандай таъсир ўтказилгани муҳим эмас; унинг юраги Раббийнинг қўлида қолаверади, шу сабабли биз бу ерда: “Подшоҳ ёмон таъсирнинг остига тушиб қолмагунича, унинг юраги Раббий томонидан бошқарилади” – деган сўзларни топмаймиз.

## АГАР БИЗ БУ НОТЎҒРИ ҚАРОР ЭКАНИГА АМИН БЎЛСАК-ЧИ?

Агар биз етакчи нотўғри қарор қабул қилаётганини тахмин қилмасдан, балки аниқ билсак-чи? Етакчига атайлаб ёлғон маълумотлар таъсир қилгани ҳақидаги аниқ гувоҳликка эга бўлсак-чи? Наҳотки ёрдам сўраш мумкин бўлмаса? Наҳотки биз етакчимизга ёрдам бериш учун нимадир қилишимиз лозим бўлмаса? Албатта, мумкин.

Эстер бунга яхши мисолдир. Иброҳимнинг авлодлари форсларнинг бўйинтуруғи остига тушдилар. Қўмондон Ҳаман

уларга қарши айёрона режа тузди ва форс подшоҳи Ахашверошни барча яҳудийларни қириб ташлаш тўғрисидаги фармонни имзолашга мажбур қилди. Подшоҳнинг ўзи кунни тайинлади.

Малика Эстер Иброҳим авлодидан келиб чиққан эди, бироқ амакиси Мордехайнинг маслаҳатига кўра бунни подшоҳдан яширди. Аммо ҳал қилувчи пайт келганда, Мордехай маликанинг олдига келиб, ундан подшоҳ олдида ўз халқи учун ҳимояда туришни сўради. Мордехай бу малика учун ўлим жазосига тенг бўлиши мумкинлигини тушунар эди. Эстер ҳеч нарсага эришмасдан, ҳамма нарсани йўқотди; у малика бўлиб, унинг сири ҳеч кимга маълум эмас эди.

Эстер халқни ҳимоя қилишга қарор қилди. У уч кунлик рўзадан сўнг, подшоҳнинг ички ҳовлисига келди ва Худо подшоҳнинг юрагини мойил қилди. У ундан қандай илтимоси борлигини сўради ва у подшоҳ ва Ҳаман учун уюштирган зиёфатга келишни илтимос қилди. Подшоҳ рози бўлди ва ўз қўмондони билан бирга маликанинг олдига келди.

Ўша куни кечқурун подшоҳ ухлай олмади. У хизматкорларга кундалик ёзувлар китобини олиб келишни буюрди ва уни подшоҳга ўқиб бера бошлашди. У яҳудий Мордехай унинг ҳаётини сақлаб қолганини ва бунинг учун мукофот олмаганини эслади. Уни қандай мукофотлашни билмай, Ҳаман билан маслаҳатлашди. Ҳаман подшоҳ уни мукофотламоқчи деб ўйлади ва шунинг учун “номаълум” одамни мукофотлаш масаласига мисли кўрилмаган сахийлик билан ёндошди. Шунда подшоҳ Ҳаманнинг дилини қаттиқ сиёҳ қилиб, бу Мордехай эканини айтди. Худо аллақачон подшоҳнинг юрагини, Эстер зиёфат чоғида айтмоқчи бўлган сўзларни қабул қилишга тайёрлаган эди.

Навбатдаги зиёфат пайтида, подшоҳ ва Ҳаман яна Эстернинг олдида бўлганларида, подшоҳ ундан қандай илтимоси борлигини сўради.

Агарда, подшоҳим, мен сизнинг кўзларингизда илтифот топган бўлсам, агарда подшоҳимга маъқул бўлса, унда хоҳишим бўйича менинг ҳаётим ўзимга қайтариб берилсин ва илтимосим бўйича менинг халқимга ҳаёт ато қилинсин! Чунки мен ва менинг халқим қириб ташланишга, ўлдирилишга ва ҳалок бўлишга сотиб юборилганмиз. Агарда биз қул ва чўри қилиб сотиб юборилганимизда эди, гарчи душман подшоҳимнинг зарарини қоплай олмаса ҳам мен жим турган бўлар эдим (Эстер 7:3, 4).

Ушбу воқеада эътибор қаратиш керак бўлган бир нечта жиҳатлар мавжуд. Биринчидан, подшоҳ даҳшатли тарзда ва ўйламасдан қарор қабул қилди. Эстер барибир юрагида камтарликни сақлаган ҳолда, унга иззат-икром билан мурожаат қилишда давом этди. Иккинчидан, у ўз донолигини буюк камтарлик билан бўлишди ва ўзининг эмас, балки унинг ҳимматини таъкидлади. У унга илтимос билан мурожаат қилди, лекин унга якуний қарорни ўзи қабул қилиш имкониятини қолдирди. У: “Сен, аҳмоқ эр, қотилнинг олдида анграйиб қулоқ соляпсан. Сен бундай бўйруқ бериб, нимани йўқотишинг мумкинлигини тушунмаяпсанми?” – деб айтмади. У фақат бир нарсага: Худо унинг юрагини ўгиришига умид боғлаган эди. Раббий унинг ниятларини ўзгартирди ва подшоҳ маккор Ҳаманни осиб ўлдиришни буюрди. Шундай қилиб, исроилликлар қирғиндан омон қолдилар.

Эстерда унинг етакчиси ишончли далилларга эга бўлмагани ҳақида шунчаки тахминлар эмас, балки аниқ гувоҳлик бор эди. У унинг олдида камтарликда келди ва муаммони подшоҳга, унинг ўзи қарор қабул қилишига имкон берди. У уни камситмади, мажбурламади ва назорат қилмади. У шунчаки хўжайинининг юрагини йўналтирган Муқаддас Рухнинг кучига ишонди.

## ДАЛИЛЛАР ЕТАРЛИ ЭМАС

Биз Ёзувда кўрамизки, етакчи нафақат ёвуз ниятли одамларнинг таъсири остида, балки етарли бўлмаган далилларга эга бўлиб ҳам, хато қарорлар қабул қилиши мумкин. Мисол тариқасида Довуд ва шоҳ Шоул ўртасидаги муносабатни келтирамиз. Қирқ кун давомида филистинликлар қароргоҳидан бир улкан паҳлавон Худонинг қўшинини ҳақорат қилди. У исроилликларга ўзларининг энг кучли жангчисини унга қарши қўйишга чақирди ва жангнинг натижаси фақат битта беллашув билан ҳал бўлишини айтди. Довуд ҳамма жангчилар қўрқиб қолганини ва девқомат одамнинг таҳдидларига жавоб бера олмаётганини кўрди. Худо эса унинг юрагига беллашувга киришиш қарорини солди. Аммо подшоҳ Шоул унга қараб деди: “Йўқ. Сен ҳали ёш йигитсан ва агар сен мағлуб бўлсанг, унда биз уларга таслим бўлишимиз керак бўлади” (муаллиф талқини).

Довуд буни эшитганида, баҳслашмади, лекин илтижо қилди:

Қулингиз ўз отасининг қўйларини боқар эди. Борди-ю, шер ёки айиқ келиб, подадан бирорта қўзини олиб қочса, унда мен унинг орқасидан қувиб, унга ҳужум қилар эдим ва қўзини ҳайвоннинг оғзидан тортиб олар эдим. Агарда ҳайвон менга ташланса, ёлидан ушлардим-у, уриб ўлдирар эдим. Қулингиз шерни ҳам, айиқни ҳам ўлдирган. Бу хатнасиз филистинликнинг тақдири ҳам худди шундай бўлади, чунки у Барҳаёт Худонинг қўшинини ҳақорат қилмоқда... Мени шер ва айиқдан халос қилган Раббий бу филистинликнинг қўлидан ҳам халос қилади (1-Шоҳликлар 17:34-37).

У подшоҳга ўзи ҳақда гапирганида, унинг сўзларида ҳурмат сезилиб турарди. У подшоҳ билмаган нарсалар ҳақида гапирди ва шунинг учун ўзининг илк қарорини қабул қилди. Шундан сўнг

Довуд ўз етакчисининг юрагини ўзгартиришга Худо қодирлигига ишонди. Худо унинг юрагига нима солган бўлса, бунинг барчаси подшоҳнинг юрагига ўтишига ишонди. У камтарликда ва итоатда бўлиб, Худонинг ҳаракат қилишига рухсат берди. Раббий Шоулнинг юрагини мойил қилди ва у: “Майли бор, Раббий сен билан бўлсин” – деди (1-Шоҳликлар 17:37).

### ҲАҚИҚИЙ ШАФОАТ

Абигал, аллақачон етакчи қарор қабул қилганидан сўнг, унинг қаршисига шафоат билан қандай чиқиш мумкинлигининг, Муқаддас Китобдаги намунаси бўлиб хизмат қилади. Бу аёл шафқатсиз ва ёвуз бой киши Набалга турмушга чиққан эди. Шоул Довуднинг ҳаётига таҳдид солишда давом этар ва Довуднинг ҳарбий гуруҳи егуликка муҳтож эди. У Набалнинг олдида ёрдам сўраб одам юборди; байрам вақти бўлгани учун бу одамда егулик топилишини билар эди. Бунга қадар Довуд Набалнинг хизматкорини ҳимоя қилиб, эвазига ҳеч нарса сўрамаган эди.

Набал Довуднинг илтимосини рад этибгина қолмай, балки уни ҳақорат ҳам қилди. Довуд унинг хатти-ҳаракати ҳақида билиб, ғазабга тўлди ва тўрт юз кишини ундан қасос олишга юборди. У Набални ҳам, унинг одамларини ҳам йўқ қилмоқчи эди.

Абигал хизматкаорларидан бу ҳақида эшитиб, шоша-пиша нон, шароб, гўшт, дон, майиз ва анжир йиғди. Сўнгра у эри ва унинг одамлари учун шафоат қилиш учун Довудни кутиб олишга отланди. Довудни кўриб, эшакдан тушди ва Довуднинг қаршисига йиқилди. Сўнг илтижо қилиб:

Тўрам менинг, гуноҳ менда. Ижозат беринг, бу чўрингиз қулоғингизга бир гап айтсин, сиз эса чўрингизнинг сўзларини эшитинг. Менинг эгам ўша Белиал ўғли – Набалга эътибор бермасин. Унинг исми қандай бўлса, ўзи ҳам худди шундай. Унинг исми – Набал ва унинг ақлсизлиги ўзи биландир.

Мен чўрингиз эса сиз юборган тўрамнинг хизматкорларини кўрмадим. Энди тўрам менинг, Раббий тирик, жонингиз ҳам тирик! Раббий сизни қон тўкиш учун боришдан қайтарсин ва қўлингизни қасосдан тўхтатиб қолсин. Мана, бугун душманларингиз ва эгамга қарши ёвуз ният қилаётганлар Набал каби бўлсинлар. Мана бу инъомларни чўрингиз сизга хизмат қилаётган йигитларингизга бериш учун эгамга келтирди. Бу чўрингизнинг айбини кечиринг. Раббий албатта, эгамнинг хонадонини мустаҳкам қилади, чунки менинг эгам Раббийнинг жанглари олиб бораяпти ва умрингиз бўйи сиздан ёвузлик топилмаган. Агар кимдир сизни таъқиб қилиш учун сизга қарши кўтарилса ва жонингизга қасд қилса, унда тўрамнинг жони Раббий Худойингизнинг ҳаёт тугунида тугилган бўлади, душманларингизнинг жонини эса У палахмондан отилган тошдай улоқтириб юборади. Раббий тўрам ҳақида айтган барча эзгуликларни бажо келтирганида ва сизни Исроилнинг ҳукмдори қилиб қўйганида, шунда ўзингизни ўч олишдан сақлаганингиз учун ва беҳудага қон тўкмаганингиз учун тўрамнинг юрагида хафалик ва хавотир бўлмайди. Раббий тўрамга барака беради ва сиз ўз чўрингизни эслайсиз (1-Шоҳликлар 25:24-31).

Бу аёл эри, бутун хонадони ва Довуд учун қилган барча нарсаларни бандма-банд санаб ўтаман:

У ўзини Довуднинг қули деб қайт-қайта таништириб, унга катта ҳурмат билан мурожаат қилди.

У Довудга ва унинг жангчиларига уларнинг эсон-омонлиги учун унинг қайғураётганини акс эттирувчи сахий инъомлар олиб келди.

У бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, ўз хонадони учун шафоат қилди. У аслида бунининг “айби” деб атади.

У қўрқувдан титраб, қон тўкиш гуноҳ эканини Довудга кўрсатди.

У Довудга Худо қасос олишини ва Ўз ваъдаларини амалга оширини эслатди.

Довуд Исроилнинг ҳукмдори бўлганида, у ҳақида эслашини ундан илтимос қилди.

Сиз: “Бу аёл ўз эрини қандай ҳурмат қилди?” – деб сўрарсиз. У унинг ҳаётини қутқариб қолди. Унинг эри ўша одамлар ва Худонинг мойланганига қарши гуноҳ қилди. Агар аёл унинг ҳаракатини оқлай бошлаганида эди, унда у Довудга қасос олиш учун кўпроқ сабаблар берган бўларди. Бусиз ҳам авжига чиққан алангага шунчаки мой қуйган бўлар эди. Эрининг ўлими билан тугайдиган юзаки ҳурматдан нима наф?

Унинг эрига бўлган ҳақиқий ҳурматсизлиги шундай кўринишга эга бўларди: “Мен бу ердан кетаман, у эса қолаверсин, у бунга лойиқ, чунки у нотавон”. Ёки у Довуднинг олдига келиб: “Қулоқ солинг, бунга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен сизга керакли ҳамма нарсани бераман. БемULOҳаза эржонимнинг нима қилганини эшитганимда, егулик йиғиб, сенинг ва одамларингнинг олдига келдим, лекин сенга халақит бермоқчи эмасман, бориб, уни ўлдир, чунки у нотавон ва аблаҳ. Қилмишига яраша бўлади” – деган бўлар эди. Бу хатти-ҳаракатлар эрини шарманда қилган бўларди.

Бошқа одам учун шафоат қилиш унинг ҳаракатларига эътибор бермаслигингизни англатмайди; аксинча, сиз уларни тан оласиз. Сўнгра сиз у ва ҳукмнинг ўртасида туриб: “Мен унинг ҳукмга лойиқлигини биламан, лекин раҳм-шафқат сўрайман. Мен буни ўз елкамга оламан ва унинг ўрнида тураман” – дейсиз.

Абигал айнан шундай йўл тутди. Довуд ҳукм чиқармоқчи эди, Абигал эса шафқат сўраб чиқди. Унинг сўзларини такрорлайман: “Чўрингизнинг айбини кечиринг”.

У Довудни қасос олиш гуноҳини содир этишдан ҳимоя қилиш учун шундай гапирди. Худонинг Сўзи шундай буюради:

“Қасос олмагин ва юрагингда халқингинг ўғилларига нисбатан ҳеч бир ёвузликни кўтариб юрмагин” (Левит 19:18). У ҳимояда туриб, ўз хонадонигагилар учун раҳм-шафқат, шунингдек Довуд учун ҳақлик излади.

Абигал қўшнилари ва дугоналари билан ғийбатлашиб: “Биласанми, мен шундай нотавон одамга турмушга чиққанман. У мен кўрган энг катта омадсиз киши” –демади. У Довудга ўз эрига бўлган нафрат, ғазаб, жирканиш, ҳурматсизликдан ёки қасос туфайли мурожаат қилмади. У фақатгина ҳаётларни сақлаб қолиш учун гапирди.

Унинг шафоати нимага олиб келганига назар солинг:

Довуд Абигалга деди: — Бугун сени мен билан учраштирган Раббий Исроилнинг Худоси муборақдир! Бугун мени қон тўкишдан ва ўзим учун ўч олишдан сақлаб қолганинг учун ақлинг ҳам, сенинг ўзинг ҳам барака топгин! Лекин сенга ёмонлик қилишдан мени сақлаб қолган Раббий Исроилнинг Худоси тирикдир! Агар сен шошилмаганингда ва менинг қаршимдан чиқмаганингда, унда тонг отгунича Набалда деворга пешоб қиладиган бирортани тирик қолдирмас эдим! Довуд Абигал олиб келган нарсаларни унинг қўлидан олиб, унга: — Тинчлик билан ўз уйингга бор, мана, мен гапларингга қулоқ солиб, юзингни ҳурмат қилдим, — деди (1-Шоҳликлар 25:32-35).

Абигал уйига қайтиб, эри ўзи учун байрам уюштирганини кўрди. Эри ҳозиргина у билан нима содир бўлиши мумкинлигидан ҳаёлига ҳам келтирмаган. Абигал ўша кечаси унга ҳеч нима айтмасликка қарор қилди. Эртаси куни эрталаб унинг ҳаётини қандай сақлаб қолганини сўзлаб берди. Унинг юраги ёрилиб, у тошдек бўлиб қолди. Ўн кунлардан кейин Набални Раббий ўлдирди. Довуд ёки Абигалнинг қўли эмас, балки Худонинг қўли ушбу ёвуз одамга қасосни келтирди.

## БУТУН ҲОКИМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЗОТ УЧУН

Мусо Худонинг қарори билан баҳслашишига мажбур бўлган вазиятлар тушиб қолган пайтлар бўлган! Бу кўп маротаба содир бўлган. Келинг, мана шундай биринчи ҳолатни кўриб чиқамиз. Исроил олтин бузоқни қўйиб ва унга сажда қилиб, гуноҳ қилди. Худо уларга шу қадар ғазабландики, Мусога уларнинг барчасини йўқ қилишини ва Мусодан халқ яратишини айтди. Мусонинг нима деганига қулоқ солинг:

Лекин Мусо Раббий, ўз Худосига ёлвориб деди: “Ё, Раббий! Сен Миср еридан буюк қудратинг ва кучли қўлинг билан олиб чиққан Ўз халқингга қаҳринг ёнмасин, токи мисрликлар: “Раббий уларни ҳалокатга: тоғларда ўлдириш учун ва ер юзидан қириб ташлаш учун олиб чиқди”, – дейишмасин. Алангали ғазабингдан қайтгин ва Ўз халқингни қириб ташлаш ниятини бекор қилгин. Ўз қулларинг Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубни ёдга олгин. Сен уларга Ўзинг билан онт ичиб: “Сизларнинг уруғингизни осмондаги юлдузлар каби кўпайтираман ва Мен сизларга айтган мана шу ҳамма ерни уруғингизга бераман, улар унга абадий эгалик қиладилар”, – деган эдинг (Чиқиш 32:11-13).

Бу ерда бир нечта нарсага эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, Мусо қўрқув ва титроқ билан итоаткорлик руҳида гапирди. Иккинчидан, Мусо қайноқ илтижо қилди ёки Худодан ёлворди; у ҳеч қачон талаб қилиб туриб олмади. Учинчидан, у буларнинг барчасини ўша одамлар учун эмас, Худонинг Ўзи учун гапирди. Аслини олганда, Мусо: “Сен юз йиллар давомида қўлга киритган обрў-эътиборинг нима бўлади? Энди Сенинг исминг бутун ер юзи бўйлаб маълум, Сен эса бошлаганингни якунламасдан, номингга доғ туширмоқчисан” – деди. Мусо буни биринчи навбатда Раббий учун қилгани сабабли, Унинг қарори

билан баҳслашишга ҳақли эди. У ўзи учун эмас, балки унинг атрофидаги одамлар учун ғамхўрлик қилиш ҳаракатида эди.

Етакчидан бирор нарса сўрашдан аввал, биз ўзимиздан: “Бу биринчи навбатда кимга керак?” – деб сўрашимиз лозим. Мусо Худога Унинг Иброҳимга берган ваъдаларини эслатганида ҳам, барибир унинг мақсади Раббийнинг манфаатларини кўзлашдан иборат эди. У Худога Унинг сўзининг муҳимлигини эслатди. Мусо тўғри мақсадларга эга эди, чунки унинг юраги тўғри йўналтирилган эди. У Худонинг хизматкори эди, шунинг учун у ўзини ва Исроил ўғилларини ўйлашдан олдин, Уни ўйлади. Худо мана шундай муносабат билдирди: “Шунда Раббий Ўз халқига келтирмоқчи бўлган кулфатни бекор қилди” (Чиқиш 32:14).

Худо Ўз қарорини ўзгартирди! Мен эътиборингизни муҳим бир жиҳатга қаратмоқчиман. Мусо Худо билан мана шу йўсинда гаплаша олган, чунки бунгача у бир неча маротаба Унга ўз итоатини исботлаган эди. Ушбу тамойилнинг бугунги кундаги амал қилишига келсак, шуни айтишим мумкинки, бизнинг Лиза билан ҳаётимизда хизматимиз ходимлари орасида ҳам узоқ йиллар биргаликдаги иш орқали ўз содиқликларини исботлаган шундай одамлар мавжуд. Бизда эндигина иш бошлаган одамларга қараганда, улар биздан нимадир сўраш имкониятлари ва йўлларига эгадир. Етакчининг ишлари ҳақида гапириш ҳуқуқига эга бўлиш зарур. Бунга эса садоқат, ҳалоллик ва фидойилик орқали эришилади. Ҳар ким ҳам етакчининг ишлари тўғрисида, шу йўсинда гапира олмайди.

Диққатга сазовор жиҳат шундан иборатки, Мусо бошқа одамларга Худонинг қарори тўғрисида айтиб бермади, бу қарорни у фақат Худо билан муҳокама қилди. Раббий Исроил ўғилларининг У билан доимий зиддиятлари ва бир-бири билан шивирлашгани учун кўп маротаба улардан ғазабланди. Бу норозичилик деб ҳам аталади, Худо эса бундан нафратланади! Бундай хулқ-атвор жуда хавfli ва бундан ҳар

қандай йўл билан қочиш керак. Биз шивирлашганимизда ёки етакчиларимиз қабул қилган қарордан шикоят қилганимизда, биз нифоқ ва исён экамиз. Биз бошқа бобда бу қандай ҳукмга олиб келишини кўрамиз.

Мен ўз ходимларим билан тўлиқ ҳамжиҳатликдаман. Агар мен қарор қабул қилсам ва улар менда етарлича маълумотлар бўлмагани сабабли уни нотўғри деб билсалар, улар келиб бу ҳақида менга айтишлари мумкин. Агар менинг қарор қабул қилишимда ёрдам бериши мумкин бўлган янги далиллар пайдо бўлса, улар яна келиб, менга улар тўғрисида хабар беришади. Улар нимадир сўраганларида, унда бу улар менга айнан нимани етказмоқчи эканини осонроқ кўра олишим учун, маълум бир кўринишда шакллантирилиши ва тақдим этилиши ниҳоятда муҳимдир. Мен янги маълумот билан танишиб чиққач, бир неча бор ўз қарорларимни ўзгартирганман. Шунга қарамасдан, улар мендан ниманидир сўрашсалар, мен эса қароримни ўзгартирмасам, унда биз ҳамжиҳатликда давом этамиз. Агар биз бирликда бўлсак, гарчи мен бирор нарсада ноҳақ бўлсамда, Худо бирибир бизни ҳимоя қилади. Агар бизни пок ниятлар бошқарса, У мени ҳам, менинг қарамоғимда бўлганларнинг барчасини ҳам ҳимоя қилади. Довуд: “Бенуқсонлик ва ростгўйлик мени асрасин, чунки мен Сени кутаман” – деб айтган (Сано 24:21).

## БУ НАРСА ХУДО МЕНГА КЎРСАТГАН НАРСАГА ҚАРШИ БЎЛСАЧИ?

Сизда яна бир савол юзага келиши мумкин: “Агар етакчи менга ибодатда кўрганларимга зид бўлган нарсани айтсачи?” Бу яхши савол ва уни кўриб чиқиш зарур. Унга жавоб бериш учун мен иккинчи бобда келтирган мисолга қайтаман. Зиёфатлар дастурини ишлаб чиқишга қадар, мен Раббийни ибодатда астойдил изладим ва бу Унинг ғояси эканига ишончим комил

эди. Шу кунгача ҳам, айнан У бундай уй гуруҳларини бошлашни менга айтганига ишончим комил, чунки ушбу бутун воқеа мен учун, У менинг устимдан қўйган ҳокимиятга бўйсунна олиш, олмаслигимнинг ҳақиқий синови бўлган.

Муқаддас Китобда Худо Ўз халқини қандай синовдан ўтказганининг кўплаб мисоллари мавжуд. Раббий Иброҳимга Исҳоқни қурбонликка олиб келишни айтганида, Ёзув “Худо Иброҳимни синагани”ни алоҳида таъкидлайди (Ибтидо 22:1). Раббий Исҳоқни ўлдиришни режалаштирмади, У Иброҳимга тоққа кўтарилишга, у ерда уч кун қолишга рухсат берди ва у фақат пичоқ билан қўлини кўтарганидан сўнггина уни тўхтатди. Худо Иброҳимда унинг барча қадамларида тебранмас садоқатни ва мутлақ итоаткорликни кўрди. У бугун бизда ҳам худди шундай нарсани топа оладими?

Ҳаворий Павлус Коринфликларга биринчи мактубида, Коринфдаги жамоатга кейинги мактубида ўз фикрини ўзгартирадиган баъзи бир ишларни амалга оширишларини буюрди. У жамоат учун ўз кўрсатмаларини ўзгартириши биланоқ, бир эътиборга лойиқ баёнот берди:

Мен бун сизларга ҳамма нарсада итоатли эканингизни синаб кўриш учун ёздим (2-Коринфликларга 2:9).

Павлус уларга фақат бир мақсадда: улар унинг ҳокимиятига бўйсундиларми, йўқми синаб кўриш учун кўрсатма берди. Менинг кўп йиллар давомида чўпон бўлиб хизмат қилган жуда доно бир дўстим бор. У менга ўз ходимлари ўртасида бўйсунмасликни қандай аниқлаганини сўзлаб берди – у уларга ҳеч бир маънога эга бўлмаган қандайдир кўрсатма берди. У менга: “Жон, тез орада мен қўзғолончиларнинг минғир-минғирлари ва шикоятларини эшита бошладим. Мен бун ҳал қилдим, сўнгра олдинги кўрсатманинг ўрнига яхши кўрсатма бердим” – деди.

Павлус коринфликларга унинг талабларини бажаришда ҳамма нарсада итоаткор бўлиш ёки бўлмасликларини синаб кўриш учун уларга буйруқ берди. Бу жойда асосий сўз ҳамма сўзидир. Унинг буйруғини бажариш қийин бўлиб, эндиликда маълум бир мақсадни кўзлаган, яъни, агар унинг уларга буюрганини бажаришса, унда улар бошқа ҳар қандай топшириқларни ҳам бажарадилар.

Худо Иброҳим билан ҳам худди шу нарсани қилди. У Иброҳим учун энг қийин топшириқни топди: Иброҳим энг муҳим ва қимматбаҳо нарса – йигирма беш йил давомида кутган ваъдани бериши керак эди. Бу Иброҳимнинг ўзи эришган нарса эмас эди; бу Худо унга ибодатда ваъда қилган нарса эди. Унинг ўзи қурбонгоҳга ётиши у учун энг осони бўларди, лекин Худо энг қимматли нарсани истади. Агар Иброҳим мана шу нарсада итоаткор бўлган бўлса, у шубҳасиз қолган ҳамма нарсада итоаткор бўлган!

Катта чўпоним мендан ўша пайтда мен учун энг қадрли бўлган нарсани қолдиришимни сўради. Мен ёшлар лойиҳаси устидан кўп ойлар ишладим ва буни ҳамма билар эди. Бу менинг назаримда Худонинг Шоҳлиги учун йўқолган жонларни қўлга киритишни англатарди. Мен учун муваффақиятли ёшлар хизматининг калити мана шундан иборат эди. Менинг обрў-эътиборим гаровга қўйилган эди, чунки мен буни Худонинг иродаси деб таъкидлар эдим. Мен ибодатда ушбу дастур устидан ишлашни давом эттиришим кераклигини эшитдим. Бу мен учун синов бўлишини билмасдим. Баъзан биз бу Худонинг синови эканини тушунмаймиз, зеро Худо бизнинг юрагимизни фош қилади.

Менинг зиёфатларим кўп жонларни нажотга олиб келиши мумкин эди, бироқ Худо бизнинг шахсий услубларимиз Унинг ишини амалга ошириши учун эмас, балки Унинг обрў-эътибори бизнинг юракларимизда намоён бўлиши учун кўпроқ

қайғуради. У Раббий; Унинг йўқолган жонларни қандай қўлга киритиш учун бошқа кўплаб янги ғоялари бор. Ўзгартириш мумкин бўлмаган нарса бу инсон юрагидаги итоаткорлик тамойилидир, чунки инсон бусиз Шоҳликка кира олмайди ва итоатсиз юрак учун бошқа танлов йўқ.

Биз юракларимизда бир мурасасиз ва мураккаб тамойилни ўрнатишимиз керак. Худо ўз ҳокимиятини инсонга топширгани заҳоти, У энди уни қайтариб олмайди. Бу ерда ягона истисно, етакчи ёзилган Сўзни ёки Худонинг қонунини тўғридан-тўғри бузган ҳолат бўлиши мумкин. Худо эса Ўзи қўйган етакчини ҳеч қачон рад этмайди. Биз топширилган ҳокимиятни эътиборсиз қолдира олмаймиз ва ўзимизни фақат Худо олдида жавобгармиз деб эълон қилолмаймиз. Мусо ушбу тамойил ҳақида Исроил қабилаларининг етакчиларига айтган:

Мана, Раббий нимани буюрди: "...агар аёл киши Раббийга ваъда берса ва ёшлигида, ўз отасининг уйида ўзи ҳақи онт ичса, отаси унинг ваъдасини ва ўз жони ҳақи ичган онтини эшитса ва унинг отаси бу ҳақида гапирмаса, унда унинг барча ваъдалари амалга ошади ва ўз жони ҳақи ичган ҳар қандай онти амалга ошади. *Бироқ агар унинг отаси эшитиб, унга тақиқласа, унда унинг барча ваъдалари ва ўз жони ҳақи ичган онтлари амалга ошмайди ҳамда Раббий уни кечиради, чунки отаси унга тақиқлади* (Сонлар 30:2-6, муаллиф курсиви).

Мусо ушбу тамойилни хотин ва эр ўртасидаги муносабатларга қўллаб, уни мустаҳкамлади. Олий ёки бевосита ҳокимият ҳисобланган Худо, вакил қилиб топширилган ҳокимият руҳсат берган нарсага амал қилади. У томондан бекор қилинган нарсани кучини бекор қилади. Раббий Ўзи вакил қилиб топширилган ҳокимиятини ҳурмат қилади. Ёш аёл отасининг ҳокимияти остида бўлгани, хотин эса – эрининг

ҳокимияти остида бўлгани учун Худо аёл билан эмас, балки ота ёки эр билан иш кўради.

Ёзув бу тамойилни нафақат оилага, балки топширилган ҳокимиятнинг қолган барча соҳаларига татбиқ этади. Мен яна қўйидагиларни таъкидламоқчиман: истисно фақат ҳокимиятлар, бизга Худонинг амрларига зид бўлган нарсани қилишни буюрган пайтдагина бўлади. Хизматчиларнинг қўйидаги мулоҳазаларини эшитиш мен учун ўта ачинарли: “Чўпоним менга бунни қилишни ман этди. У Худони эшитмайди, шунинг учун мен бунни қилишда давом этаман, лекин эгри йўл билан боришга тўғри келади”. Ибодатда нима эшитганинг муҳим эмас; агар сенинг ҳаракатларинг ҳаётингдаги етакчиларнинг буйруқларига зид бўлса, сен Худонинг ҳокимиятига қарши қўзғолон қилмоқдасан!

Беҳисоб мисоллар келтириш мумкин. Юракларимизда ваҳий билими чақнаб турганида, кўплаб саволларга жавоб келишини ва кўпгина муаммолар ечим топишини билдим. Шубҳасиз, ушбу китоб барча мисоллар ва тушунтиришларни ўзига сиғдира олмайди. Биз бу ерда ҳокимият тўғрисидаги ваҳийни, яъни Худонинг Ўзи ҳақидаги ваҳийни олишга интиламиз, зеро У ва Унинг ҳокимияти ажралмасдир. Муқаддимада сизларга мурожаат қилган эдим: ушбу китобни ўқиш давомида имкони борича Худога илтижо қилишни бошланг ва Ундан юрагингизда диёнатли итоаткорлик тамойилини ёқишини сўранг. Акс ҳолда, китобни ўқиб тугатганингизда, сизда янада кўпроқ саволлар пайдо бўлади.

Кейинги бобда адолатсиз муносабатга қандай фикр билдиришни ва сизга нисбатан ўзини қўпол тутаяётган етакчига қандай жавоб беришни кўриб чиқамиз. Худонинг ушбу вазиятларда биз учун улкан режаси борлигини кўрамиз.

## АДОЛАТСИЗ МУНОСАБАТ

*Синиқ бўлиш заиф бўлишни англатмайди.  
Бу бизнинг ҳокимиятга бўйсунганимиз  
масаласига тааллуқлидир.*

**Б**изнинг Отамиз Худода, ҳаётимизда амалга оширмақчи бўлган маълум бир режа бор. Лекин бошидан огоҳлантирмақчиман: мен айтмақчи бўлган нарса у қадар машҳур, ёқимли ёки оғриқсиз бўлмаслиги мумкин, лекин биз учун айнан шу нарса қадрлидир. Худо бизни синдиришни истайди. Ёзув бу тўғрисида шундай дейди:

Зеро Сен қурбонликни истамайсан, мен уни берган бўлар эдим; тамоман ёндириш қурбонлигини хуш кўрмайсан. Худога қурбонлик – синиқ руҳдир. Ё, Худо, синиқ ва эзилган юракни Сен рад қилмайсан (Сано 50:18, 19).

Раббий – қалби синиқларга яқиндир ва руҳи эзилганларни қутқаради (Сано 33:19).

Раббий билан яқин муносабатлар қуриш учун зарур бўлган шарт, синган юрак ҳисобланади. Гарчи бу жараён ёқимли

жараёнлардан бири бўлмасада, Унинг ҳузурининг яқинлиги барча мумкин бўлган қийинчиликларга арзийди. Довуд буни ҳали ёшлигидаёқ ўзлаштирган. Унинг юрагининг ҳолатини Саноларда айтган сўзлари орқали кузатиш мумкин. Сениқ юрак қурбонлик ҳаёти ёки қурбонлик келтириш орқали эмас, балки итоаткорлик орқали келади.

### СИНИҚЛИК ҲОКИМИЯТГА АЛОҚАДОРДИР

Мисол келтираман. Жанговар от минилмагунча ёки синмагунча хизматга ярамайди. У кучли, чопқир, отхонада турган бошқа отлардан ақллироқ бўлиши мумкин, бироқ у синмагунча, ундан жангда фойдаланиш мумкин эмас. Унчалик қобилятли бўлмаган бошқа барча отлар жангга борадилар, у эса отхона бўлмасида туради. Синган бўлиш заифроқ бўлишни англамайди, балки ҳоқимиятга бўйсунган бўлишни англайди.

От билан боғлиқ ҳолатда – бу чавандоздир. Агар от муваффақиятли минилиб, ўргатилса, унга ҳар қандай шароитда ҳам ишониш мумкин. Атрофдан ўқлар ёки отишмалар ғиз-ғиз ўтиб турганда, жанг қизиган пайтда у қалтираб қолмайди. Қилич ва болталарнинг жаранглашидан ортга чекинмайди. Ўқ ва тўплар бараварига отилиши эшитилганда, у чавандознинг буйруқларига бўйсунушдан тўхтамайди. У хўжайини ким бўлишидан қатъий назар, унга қатъий бўйсунди. У ўзини ҳимоя қилиш ёки чавандозлар жамоасида ўзи учун фойда топиш фикрини ҳам ҳаёлига келтирмайди.

Бундай синиш жараёни Раббийнинг режаларига бўйича ҳар бир киши учун ўзига хос ва ноёбдир. Бу жараён қачон тугагани ва У сизни қўйишни хоҳлаган хизматга қачон тайёр эканлигини ёлғиз У билади. Ҳар бир янги поғона янги “чиниқиш”ни олиб келади.

Охирги марта мени қандай бўйсундиришганини яхши эслайман. Менинг хизмат қилиш вақтим келишидан анча

олдин, хизматнинг янги поғонасига чиқишга тайёр эканимга чин дилдан ишонар эдим. Мен ишонч билан: “Мен Сенинг ҳокимиятингга тўлиқ бўйсундим. Мени даъват этган хизматга тайёр эканимни биламан” – деб айтдим. Лекин атрофимдаги янада етукроқ етакчилар мен ҳали керакли ҳолатдан узоқда эканимни билишарди. Эҳтимол, мен янги поғонага тепиниб, итарилиб, эгилиб-бўкилиб ва ўз ҳуқуқларимни ҳар қанақасига ҳимоя қилиб кирган бўлардим.

### АДОЛАТСИЗ ЕТАКЧИЛАР ХУСУСИДА НИМА ДЕЙИШ МУМКИН?

Отлар билан бўлганидек, бизнинг синиш жараёнимиз ҳокимиятга нисбатан муносабатимиз билан боғлиқ. Худо бу жараёни ҳар биримиз учун мослаштиради, лекин у ҳар доим етакчиликнинг шакллари билан бирини ўз ичига олади. Шу сабабли, Петрус қуйидагича ёзган:

Шундай қилиб, Раббий ҳақи ҳар қандай инсоний ҳокимиятга бўйсунинглар: ... қуллар, сизлар фақатгина яхши ва мулоим хўжайинларга эмас, балки қаттиққўл хўжайинларга ҳам ҳар қандай қўрқув билан бўйсунинглар (1-Петрус 2:13, 18).

Замонавийроқ тил билан айтганда, қуллар деб ёлланма ишчилар, талабалар, жамоат аъзолари ёки оддий фуқароларни аташ мумкин. Хўжайинлар иш берувчилар, ўқитувчилар, жамоат етакчилари ёки давлат ҳокимияти идоралари бўлиши мумкин. Кўп ҳолатларда бизнинг етакчиларимиз меҳрибон ва илтифотлидир ва биз уларни яхши кўраемиз. Уларга бўйсунинглар осон. Шунга қарамай, Худо бизга нафақат меҳрибон ва илтифотлиларга, балки қаттиққўл одамларга ҳам бўйсунинишимизни буюради!

Юнон тилида “қаттиққўл” сўзининг ўрнида *сколиос* сўзи турибди. Тайернинг юнонча луғати бу сўзга қўйидаги таърифни беради: “ноинсоф, бузуқ, ёвуз, адолатсиз ва сурбет”. Вайннинг луғати бу сўз золим ёки адолатсиз хўжайинларга тааллуқли эканини таърифлайди. Раббий бизга бундай етакчиларга бўйсунимиз кераклигини айтадимиз?

Бошқа таржималарга мурожаат қиламиз. Мана Янги Асрнинг талқини: “Фақатгина меҳрибон ва кўнгилчанларга эмас, шунингдек, виждонсизларга ҳам”. Замонавий Инглизча Талқин: “Фақатгина меҳрибон ва ғамхўрлар учун эмас, лекин, шунингдек, шафқатсизлар учун ҳам шундай йўл тутинг”. Муқаддас Китобнинг Янги Америка Стандарти: “Нафақат меҳрибон ва камтар бўлганларга, балки, шунингдек, ўйламасдан иш қиладиганларга ҳам бўйсунинглар” – деб айтади. Биз ушбу амрни ўтказиб юбора олмаймиз, шу сабабли, келинг, унда Худонинг донолигини қидирамиз.

Давомида Петруснинг сўзларини тушуниш янада қийинлашиб бораверади. У давом этади: “Агарда ким *ноҳақ азоб чекса*, лекин ўз онгида Худога тегишли бўлиб, ғам-ғуссага чидаб турса – бу Худога маъқулдир” (1-Петрус 2:19, муаллиф курсиви).

Мен хотиним ва катта ўғилларимнинг бири билан содир бўлган воқеани эслайман. Унга акаси ундан кўра кўпроқ эътибор олаётгандек туюлган ва буни адолатсизлик деб ҳисоблаган. У эътироз билдириб: “Она, бу адолатсизлик!” – деди.

Хотиним унга хотиржам жавоб берди: “Ўғлим, бутун ҳаёт адолатсиз!”

Ўғлим худди: “Қандай қилиб сиз бундай дейишингиз мумкин? Сиз менинг онамсизку” – демоқчи бўлгандек унга қаради.

Лиза ундан: “Исо ҳеч қандай ёмон нарса қилмаган бўлсада, бизнинг жазомизни Ўзига олиб, хочда ўлгани адолатдан бўлдимиз?” – деб сўради.

Ўғлимнинг кўзларидан у бу доноликни ўзлаштиргани кўриниб турарди. У жим бўлиб қолди.

## ИСОНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

Петрус сўзлашда давом этди: “Зеро сизлар ана шунга даъват этилгансизлар”. Мен ушбу оятдан воизлик қилганимда, одатда одамлардан Муқаддас Китобдан кўз узишларини сўрайман ва уларни: “Ҳар бирингиз ушбу: “Мен ана шунга даъват этилганман!” – деган сўзларни айтинг” – деб руҳлантираман. Биз доимо ҳаётдаги даъватимиз ҳақида гапирамыз. Мана, энди улардан бирини қабул қилинг. Петрус нима деганига қаранг: “Сизлар ана шунга даъват этилгансизлар [бу сизларнинг даъватингиздан ажралмасдир]. Чунки Масих ҳам биз учун азоб чекиб, бизга [Ўзининг шахсий] намуна қолдирди, токи биз Унинг изидан юрайлик” (1-Петрус 2:21).

У қандай азоб чекди? Петрус олдинги оятда тушунтиради: вакил қилиб топширилган ҳокимият томонидан бўлган адолатсиз муносабат. Баъзида Худо бизни Довуд, Юсуф, Дониэл, ҳаворий Павлус ва бошқалар билан йўл тутгани сингари ҳокимиятларнинг адолатсиз муносабатига чидайдиган шундай вазиятларга қўяди. Бизнинг даъватимиз биз ҳамма нарсани тўғри енгизишимиздадир ва Исо бизга буни қандай уддалаш кераклиги ҳақида Ўзининг шахсий мисолини қолдирди.

Балки сиз: “Биз етакчиларнинг адолатсиз муносабатларидан азоб чекишимизнинг қандай яхши томони бор?” – деб сўрамоқчидирсиз. Ушбу ғоянинг маъноси бизнинг табиий фикрлашимизга зид келади, чунки мантиқ нуқтаи назаридан бу бемаъни кўринади. Шунга қарамасдан, Худонинг донолиги учта йўл билан бундай муносабат орқали итоаткор юракни яратади. Биринчидан, бу Худонинг адолатли ҳукми учун жой бўшатиб беради. Иккинчидан, бу бизда Масихнинг феъл-авторини тарбиялайди. Учунчидан, бизнинг бундай бошқарувга бўйсунушимиз Раббийни улуғлайди.

Павлус ҳукмрон ҳокимиятларга бўйсунуш ҳақидаги таҳлилини қуйидаги сўзлар билан маълум қилди: “Эй,

севганларим, ўзларингиз учун қасос олманглар, аммо Худонинг ғазабига ўрин беринглар. Чунки ёзилган: «Қасос Меникидир, Мен ҳақини бераман», – дейди Раббий” (Римликларга 12:19). Ҳимоя, тузатиш, оқлаш ёки бошқа муносиб жавоб инсоннинг эмас, балки Худонинг қўлидан келиб чиқиши керак. Ўз-ўзини оқловчи одам Масихнинг камтарлигидан маҳрум бўлади. Ҳеч ким Исодан кўра кўпроқ ҳокимиятга эга эмас, бироқ У ҳеч қачон ҳокимият олдида Ўзини оқламаган.

Петрус кўрсатган аниқ вазиятга – Исо устидан ҳукмга эътибор қаратамиз: “Олий руҳонийлар эса Исони кўп нарсада айблар эдилар, У эса ҳеч қандай жавоб бермади” (Марк 15:3). Суд залини тасаввур қилинг, у ерда гувоҳ айтадиган ҳамма нарса расман Исога қарши ишлатилади. У жойда гувоҳлик берганлар Унинг ҳалқининг диний ва сиёсий етакчилари бўлган. Улар обрў-эътиборли одамлар бўлиб, сўзлари катта аҳамиятга эга эди, лекин уларда ҳатто ҳақиқатга ишора ҳам сезилмади. Улар мутлақо ёлғон гапиришди, аммо Исо Ўз айбловчиларининг қаршисида жим турди ва ўзини ҳимоя қилмади! “Пилат Ундан яна: – Сен ҳеч нима деб жавоб бермайсанми? Қара, Сенга қарши нақадар кўп гувоҳликлар бор, – деб сўради. Бироқ Исо бунга ҳам ҳеч нима демади, шунинг учун Пилат ҳайрон бўлди” (Марк 15:4, 5).

Пилат судья сифатида ўша ердаги энг юқори жойида ўтирар эди. У кўп марта айбланувчилар жазодан қутулиш учун жазовага тушиб, ўзларини ҳимоя қилганини кўрган. Агар уларга ҳукм чиқарилса, улар қамоққа ташланган ёки сургун қилинган ёки қатл этилганлар. Бундан ёқорида бошқа ҳеч қандай шикоят суди бўлмаган. Пилат бирор марта ҳам айбланувчининг жим турганини кўрмаган. У етакчилар Уни ҳасад туфайли судга олиб келишганини ва У учун энг қаттиқ жазо – хочга михлаш орқали қатл этишни хоҳлашларини билар эди. Шунингдек, Исо бу одамлар тасвирлаган киши эмаслигини ҳам билар эди. Шундай

бўлсада, Исо Ўзини ҳимоя қилишдан бош тортди. Унинг хотиржамлиги прокураторни ҳайрон қолдирди.

Нима учун Исо Ўзини ҳимоя қилмади? Сабаб қуйидагича: Ўз Отасининг ҳукми остида қолиш ва шу тарзда, Унинг ҳимояси остида бўлиш эди. Петрус деди: “У ҳақорат қилинганида, ҳақорат билан жавоб қайтармади. У азоб чекканида, дўқ-пўписа қилмади, лекин Ўзини Ҳақ Ҳукмдорга топширди” (1-Петрус 2:23).

Биз ўзимизни ҳимоя қилишдан бош тортганимизда, Худонинг иноят ва ҳукм қўли остида қоламиз. Хавфсизроқ жой топилмайди: “Ким Худонинг танланганларини айблар экан? Худо уларни оқлаяпти” (Римликларга 8:33).

Аксинча, ўзини ҳимоя қилганлар айбловчиларнинг суд қилиш ҳуқуқи остига, яъни маҳкумликка тушиб қоладилар ва шу тарзда, илоҳий аралашувдан маҳрум бўлишади. Менинг устимдан қўйилган бир етакчининг олдида ўзимни оқлашимга тўғри келган бир вазиятни эслайман. Шундан сўнг Худо менга кичик ваҳий берди. Мен Раббийни қўлларини орқасига қовуштириб, ёнимда турганини кўрдим. У менга зарур ёрдамни кўрсатишдан чекланган эди. Мен ўзимни оқлашни бас қилганим заҳоти, У менга ёрдам бера бошлади.

Исо ҳатто вакил қилиб топширилган ҳокимиятнинг қаршисида турганида ҳам, Ўзининг Олий Судьяси ҳақида ҳеч қачон унутмади. Подшоҳнинг юраги Раббийнинг қўлида эканини унутманг. Исо Ўзини ҳимоя қилишдан бош тортиб, бутун ишни кўриш жараёнида Худонинг ҳимояси остида қолди. Сиз ўзингизни оқлашни ёки ҳимоя қилишни бошлаган лаҳзада, сиз судьянгиз сифатида айбловчининг ҳокимияти остида бўласиз. Ўзингизнинг руҳий ҳимоя ҳуқуқингиздан маҳрум бўласиз, чунки унинг танқидига жавоб берганингизда, у руҳий соҳада сиздан юқори кўтарилади. Сиз ўзингизни ҳимоя қилганингиз туфайли унинг таъсири ўсади. Айбсизлигингизни

исботлашга уриниб, ўз айбловчингизнинг шафқатига таслим бўласиз. Шу сабабдан, Исо бизга насиҳат қилди:

Сен рақибинг билан ҳали йўлда кетаётганингда, тезда ярашиб олгин, токи рақибинг сени судьяга, судья эса сени миршабга топшириб, сени зиндонга ташламасин. Сенга ростини айтаман, охирги тийинингни бермагунингча, у ердан чиқа олмайсан (Матто 5:25, 26).

Ушбу масалга мувофиқ айбловчингиз товон сифатида талаб қилганини тўлашга сизни мажбур қилади. Сизга қарши айблов қанчалик жиддий бўлса, у сизга шунчалик кам шафқат кўрсатади. Адолатли бўладими ёки йўқми, у унга бўлган қарзингиздан охирги тийинингизгача, ҳаммасини қоқиб олади.

### БОЛАНИНГ ИМОНИ

Бу вақеа бизнинг катта ўғлимиз Эддисон учинчи синфда ўқиётганда содир бўлди. Бир куни тушлик чоғида у мактабда дуч келган муаммосини Лиза ва мен билан бўлишди. Унинг устозларидан бири унга нисбатан ниҳоятда ноҳолис муносабатда бўлаётганини пайқаган. Эддисон ўқитувчи уни ёқтирмаслигини ҳис қилган ва шунинг учун ҳар доим синфда бирор-бир тартибсизлик ёки гап бўлганида, бутун айб унга тушган. Бу нарса кундан-кунга давом этган. Ўша ўқитувчи бизга, мактабда бизни алоҳида қайд этилишга қўйишлари мумкинлиги ҳақидаги хабарни етказди. Эддисон – жуда ҳам ақлли одам, шунинг учун ҳатто салбий шарҳ ҳақидаги фикр ҳам у учун чидаб бўлмас даражада эди. Ўз қўрқувлари ва ҳалокатлари ҳақида бизга айтиб бериб, бирдан йиғлаб юборди.

Биз унга ишонишимизга уни ишонтирдик ва ҳаммаси ҳақида батафсил айтиб беришини сўрадик. У шикоят қила бошлади: “Ҳамма нарсада мени айблашади. Ҳатто бир нечта болалар айбдор бўлсаларда, барибир мен бошқалардан

кўпроқ гап эшитаман. Мана бугун иккита бола мени ёнимда кулиб, ҳиринглашди, мен эса тинч ўтирган эдим. Ўқитувчи бизга ўгирилиб, менга бақирди”. Бундай адолатсизликдан унинг лаблари титрарди. Тўққиз ёшли бола учун бу умидсиз инқироз эди.

Эддисоннинг бошқа ўқитувчилари унинг хулқи бенуқсон эканини айтишди, шунинг учун бу ягона ҳодисалигига ишончимиз комил эди. Лиза уни тинчлантиришга ҳаракат қиларкан, мен вазиятни ўргана бошладим: “Сен бугун у сени койиганида нима дединг?”

Эддисон: “Мен эмас, ўша иккита бола гаплашганини унга айтдим!” – деб жавоб берди.

Мен: “Сен одатда, у сени койиганида, шундай жавоб берасанми?” – дея сўрадим.

Ўғлим жавоб бериб: “Ҳа, агар мен айбдор эмаслигимни билсам” – деди.

Мен унга қараб: “Хўш, ўғлим, муаммо мана қаерда ётибди. Сен ўзингни устозинг олдида оқлайсан, ўзингни ҳимоя қила бошлаганингда, Худо энди, ёнингни ололмай қолади” – дедим.

Мен аввалроқ, ушбу бобда айтиб ўтган Ёзув оятларини у билан бўлишдим. У айтилган гапнинг маъносини яхшироқ тушуниши учун мен олдинги бобда тилга олган офис котиби билан бўлган муносабатларда бошдан кечирганларим ҳақида унга гапириб бердим.

## ЗИЁН ЕТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛГАН РАҲБАР

Бир кишининг ўғли бўлиб, у бизнинг ёшлар гуруҳимизга қатнар эди. Мен муқаддаслик, ибодат ва ҳокимият мавзусида кучли сўзни воизлик қилдим. Кўп ёшлар ўзгара бошладилар. Бир куни бу ёш йигит кўзида тўла ёш билан хотинимнинг олдига келиб, уйда шунча кўп нопок нарсалар содир бўлаётганда, қандай қилиб пок ва муқаддас ҳаёт кечириш

мумкинлигини сўради. Сўнгра у батафсилроқ сўзлаб берди, бу унинг отаси, менга қарши деган хулосага келишимга мени мажбур қилди.

Бир неча ой ўтгач, тўрт нафар ёшлар мени ҳайдаши мумкинлигини айтишди. Мен маълумот қаердан чиққанини кузатдим ва бу мени тўғридан-тўғри ўша эркакнинг ўғлининг олдига олиб борди. Менга у буни отасидан эшитганини айтди.

Мен отасининг олдига бордим ва у тан олди, лекин айнан катта чўпон мени ҳайдамоқчи бўлганини айтиб, ҳамма нарсада катта чўпонни айблади. Ҳафталар ўтар ва вазият янада мураккаблашиб борар эди. Менинг оилам доимий кескинликда яшар эди, биз бу ерда қоламизми ёки бизга эшикни кўрсатиб қўядиларми билмасдик. Биз аллақачон, ўй сотиб олган, хотиним фарзанд кўтаётган эди ва бизда на пул, на кўчиб боришимиз мумкин бўлган бошқа жойимиз ҳам йўқ эди. Мен ўзим ҳақимдаги маълумотномани турли идораларга юборишни хоҳламадим. Худо мени бу ерга олиб келганига ишонар ва шунинг учун ҳеч қандай бошқа режалар тузмаган эдим. Хотиним асабийлашиб, хавотирга тушди ва мени бирор нима қилишга ундади: “Азизим, улар сени ҳайдамоқчи эканини биламан. Ҳамма менга шундай деяпти”.

У ҳақ эди. Катта чўпон ниҳоят, мени ҳайдашга қарор қилди. Якшанба тонгларининг бирида у ёшлар хизматида жиддий ўзгаришлар тайёрланаётганини эълон қилди. Мен у билан шу вақтгача гаплашмаган эдим. Эртаси куни у ва унинг котиби билан учрашишим белгиланган эди. Худо менга ўзимни оқламаслигимни айтди.

Эртаси куни чўпоннинг хонасига кирганимда, у ёлғиз ўтирарди. У: Жон, Худо сени шу ерга қўйган. Мен сени ҳайдамайман” – деди. У ўз қарорини ўзгартирди. Мен улкан енгилликни ҳис қилдим, Худо энг сўнги сонияда менинг ёнимни олди. Сўнгра чўпон: “Нима учун котиб сени

ҳайдашларини истаяпти? – деб сўради. Мен билмаслигимни айтдим ва унинг илтимосига биноан тинчлик ўрнатиш учун жоиз бўлган ҳамма нарсани қилишга рози бўлдим.

Орадан кўп ўтмай, бу одам томонидан қабул қилинган, унинг ниятларини очиб берган бир қарорининг ёзма далили менда пайдо бўлди. Мен буни аллақачон чўпонга олиб боришга тайёр эдим. Мен унинг орқасида нималар содир бўлаётганини кўришини хоҳлардим. Қирқ беш дақиқа давомида ибодат қилиб ва мени тўлдирган ёқимсиз ҳисларни енгишга ҳаракат қилиб, хонада айланиб юрдим. Мен шундай мулоҳаза юритардим: “Худо, бу одам инсофсиз. Уни фош қилиш керак. У бу хизматга ҳалокат келтиради. У ўзидан кимни ясаб олганини, албатта чўпонга айтишим шарт!” Мен уни фош қилиш ниятларимни оқлашни давом эттира бошладим: “Мен хабар бермоқчи бўлган ҳамма нарса ҳужжатларда тасдиқланган далиллардир. Бу ҳиссиётлар эмас. Агар у тўхтамаса, унинг нопок хатти-ҳаракати бутун жамоатга тарқалади”.

Ҳафсаласи пирлик оловида ўринсиз гапириб қўйдим: “Раббий, мен уни фош қилишимни хоҳламайсанми?” Мен буни айтган пайтда, Худонинг тинчлиги юрагимни тўлдирди. Мен ҳайратда чўчиб тушдим. Худо мен бирор-бир чора кўришимни истамаётганини тушундим, шунинг учун барча далилларни ташлаб юбордим. Кейинчалик, вазиятни холисроқ баҳолай олганимдан сўнг, бошқа бир кишини ҳимоя қилишни эмас, балки ўзимни ҳимоя қилиб, қасд олишни хоҳлаганимни тушундим. Мен ўзимни ниятларим беғараз эканига ишонтирдим. Мен ишончли далилларга эга эдим, лекин ниятларим нопок эди.

Орадан қанчадир вақт ўтди ва бир куни мен, иш куни бошлангунча жамоат биносидан узоқ бўлмаган жойда тоза ҳавода ибодат қилаётганимда, ўша одамни кўриб қолдим. Худо менга ўзимни камтар тутиб, унинг олдига боришимни

айтди. Мен дарҳол оёқ тираб туриб олдим: “Йўқ, Раббий, унинг ўзи келсин. У барча қулфатларимизга сабабчи бўлди”. Мен ибодат қилишда давом этдим, лекин Худо жим бўлди. Йигирма дақиқадан сўнг яна Раббий мен зудлик билан унинг олдига бориб, ўзимни камтар тутишимни талаб қилди. Мен бу Худо эканини билар эдим. Ўша одамга қўнғироқ қилиб, унинг хонасига келдим. Лекин менинг айтганларим ва қандай айтганим, Худо мен билан ишлагунга қадар айтишим мумкин бўлганидан жуда фарқ қиларди. Бутун самимият билан ундан кечирим сўрадим. Уни танқид ва ҳукм қилганимни айтдим. У юмшади ва биз яхши сўхбатлашдик. Ўша кундан бошлаб, унинг менга бўлган барча ҳужумлари тўхтади.

Олти ой ўтгандан сўнг, мен шаҳарда бўлмаган пайтда, бу одамнинг қилган ишлари тўғрисидаги маълумот катта чўпонга етиб борди. Маълум бўлишича, унинг ишлари мен билганлардан ҳам ёмонроқ экан. Уни зудлик билан ҳайдашди. Ҳукм келди, лекин менинг қўлим билан эмас. У менга қилишни режалаштирган нарса унинг ўзига келди. Шунга қарамасдан, бу содир бўлганда, мен умуман хурсанд бўлмадим, унга ва унинг оиласига ачиндим. Унга раҳмим келди, чунки мен ҳам худди шу нарсадан ўтишимга тўғри келган эди. Бу воқеа содир бўлишидан олти ой олдин уни ҳукм қилмасликка қарор қилганим туфайли унга нисбатан севгини ҳис қилдим ва ушбу ҳолатда барча вазиятлар унга қарши чиқишини умуман хоҳламадим.

Бу жамоатда мен яна ўн бир йил қолдим ва мендан тез-тез хизмат ўзказишимни сўрашарди. У менинг номимга келтирган шармандалик кетди ва унинг ўрнига шон-шараф келди. Ортага назар солиб, қийинчиликлар вақтида жуда ўсганимни ва кейинчалик, Худо мен ҳақимда жуда кўп ёлғонларни эшитган одамларнинг нигоҳи олдида мени кўтарганини тушунаман. Ота Исонинг итоаткорлиги ва судьялар қаршисида ўзини ҳимоя қилишни истамагани учун Уни қанчалар юксак кўргани каби, У

Исонинг намунасидан ўрнак оладиган Ўз фарзандларини ҳам худди шундай иззат-ҳурмат қилади.

## Йил ўқувчиси

Эддисон билан Инжил намунаси ва ҳаётимдаги воқеани бўлишиб: “Ўғлим, сенда танлов бор. Сен ўзингни оқлашда ва ўқитувчининг ҳукми остида қолишда давом этишинг мумкин ёки барча айбловларга диёнат юзасидан, жавоб бермаслигинг мумкин. Боз устига, ўқитувчининг олдига бориб, ўзингни камтар тутишинг ҳамда беҳурмат муносабат ва унинг ҳокимиятига қаршилик кўрсатганинг учун кечирим сўрашинг мумкин, шунда Худо қандай ҳаракат қила бошлашини кўрасан” – дедим.

Эддисон: “Мени бирор нарсада ноҳақ айблашса, нима қилишим керак?” – дея сўради.

“Худога сени ҳимоя қилишига рухсат бер. Менга айтчи, ўзингни ҳимоя қилиш қўлингдан келдими?”

У жавоб бериб: “Йўқ, Худо мени ҳимоя қилишини истайман” – деди.

Эртаси куни у ўқитувчисининг олдига бориб, ўзини камтарин тутди. Унга танбеҳ беришганда, у уюштирган ўша гап талашишлар учун ундан кечирим сўради.

Ўқитувчи уни кечирди, кейинги кун эса Эддисон ўша синфдаги ҳафтанинг энг яхши ўқувчиси деб топилди. Ўқув йилининг якунида, ўқувчиларни тақдирлаш маросимида ўша ўқитувчи унга энг олий мактаб мукофотини топширди.

Агар тўққиз ёшли бола камтарин бўлиб, ўз инқирози пайтида Худонинг Сўзининг ҳақиқатини исботлаган бўлса, биз катталар бунга қанчалик кўпроқ интилишимиз керак? Ўйлайманки, бу Исонинг қўйидаги сўзларини тушунтиради: “Шундай қилиб, ким бу бола каби ўзини паст олса, Осмон Шоҳлигида буюк бўлади” (Матто 18:4).

## ДОВУДНИНГ НОҲАҚ ҲОКИМИЯТ БИЛАН ТЎҚНАШУВИ

Эддисон бир вақтлар Йешайнинг ўғли Довуд хулосага келган нарсани ўзлаштириб олди. Худо – ҳақ Судьядир ва агар биз етакчи томондан бўлган адолатсиз муносабатни Унинг қўлларига ишониб топширсак, У доимо тўғри ўйлаб кўриб, ҳукм чиқаради. Биз Довуд ҳақида гапирганимизда, уни шайтон эмас, балки Худо инсофсиз одамнинг, шафқатсиз ҳукмдор бўлиб чиққан Шоулнинг ҳоқимияти остига қўйганини ёдимизда сақлашимиз керак.

Бу улар учрашишидан олдин содир бўлди. Исроилнинг бош пайғамбари Шомуил, Довудни Худонинг халқи устидан кейинги подшоҳ қилиб мойлади. Довуд: *“Бу одам ҳозирги подшоҳни мойлаган ва мен ҳам подшоҳ бўламан!”* – деб ўйлаб, шодликдан сакраган бўлса керак.

Шоул Худога бўйсунушидан бош тортди ва ёвуз руҳ томонидан азобланди. Енгиллик фақат бирор киши арфа чалишни бошлаганидагина келарди. Сарой аъёнлари унинг ҳузурда ўтириб, унга хизмат қиладиган ўспиринни қидира бошладилар. Подшоҳ хизматкорларидан бири Йешай ўғли Довудни тавсия қилди. Шоул Довуд саройга келиб, унга хизмат қилиши учун унинг олдига одам юборди. Эҳтимол, Довуд шундай мулоҳаза қилгандир: *“Худо пайғамбар орқали берган Ўз ваъдасини амалга оширишни бошлаган кўринади”*. У ўзига: *“Бу кўтарилиш учун менинг биринчи поғонам бўлади”* – деган.

Орадан вақтлар ўтди ва ундан филистинликлар билан жанг қилаётган катта акалари учун егулик олиб келишни сўрадилар. Жанг майдонига келиб, Филистин паҳлавони Голиёт Худонинг қўшини устидан масҳара қилаётганини кўрди ва бу бемазагарчилик қирқ кундан буён давом этаётганини билиб олди. Шунингдек, подшоҳ ким девқоматни мағлуб қила олса, унга ўз қизининг қўлини ваъда қилганини ҳам билди. У Голиётни ўлдирди ва Шоулнинг ваъдасига мувофиқ унинг

қизига уйланди. У подшоҳнинг нигоҳида илтифот топиб, энди унинг кўёвига айланди.

Шоулнинг катта ўғли Йонатан Довуд билан абадий дўстлик аҳдини тузди. Шоул Довудга буюрган барча нарсани, Довуд Худонинг ёрдамида қилди ва муваффақият қозонди. Подшоҳ ҳатто унга унинг ўғиллари билан дастурхон атрофида ўтиришига изн берди. Ҳаммаси яхши кетаётган эди, Довуд ҳаётдан хурсанд эди. У саройда яшади, подшоҳ дастурхонидан овқатланди, подшоҳнинг қизига уйланган эди, Йонатан билан дўстлашди ва барча ҳарбий юришларда ғалаба қозонди. У ҳатто халқ орасида секин-аста машҳур бўлди. Башорат унинг кўз ўнгида қандай амалга ошаётганини кўрди. Шоул Довудга ўзининг барча хизматкорларидан кўпроқ илтифот кўрсатди ва ҳатто уни ўзининг қуролбардори қилиб қўйди. У унинг иккинчи отасига айланди. Довуднинг Шоул унинг устози бўлишига ва унга ҳамма нарсани ўргатишига, кун келиб эса, уни иззат-ҳурмат қилиб, ўзининг ўрнига тахтга ўтқазishiга ишончи комил эди. Довуд Худонинг раҳм-шафқати ва садоқатидан хурсанд эди.

## КЕСКИН ЎЗГАРИШЛАР

Лекин бир куни ҳаммаси ўзгарди. Шоул ва Довуд ёнма-ён жангдан қайтаётганларида, Исроилнинг барча шаҳарларидан аёллар қўшиқ айтиб ва рақсга тушиб, уларни кутиб олишга чиқдилар. Улар: “Шоул мингларни мағлуб қилди, Довуд эса, ўнг мингларни!” – деб куйлашарди. Бу подшоҳнинг ғазабини келтирди ва ўша кундан бошлаб, Довудга шубҳа билан қарай бошлади. Ҳатто бир куни Шоул Довудни ўлдирмоқчи бўлиб, унга найза отди. Муқаддас Китоб Шоул Довуддан нафратланганини айтади, чунки Худо Довуд билан эканини билар эди. Подшоҳ Худо ундан узоқлашганини тушунди. Довуд ҳаётини қутқариб қолиш учун, қочиб мажбур бўлди. Қаердан бошпана топишни билмай, саҳрога жўнаб кетди.

“Нима содир бўляпти? – деб ўйлади Довуд. – Ваъда амалга оша бошлаган эдику, энди эса, ҳаммаси чил-парчин бўлди. Менинг устозим ва етакчим бўлган одам мени ўлдиришга уринмоқда. Нима қилай? Шоул – Худонинг мойланган одами бўлса. Агар у менга қарши бўлса, менда қандай имконият бўлиши мумкин? У Худонинг халқи устидан қўйилган подшоҳ, Худонинг одамидир. Нима учун Раббий бунга йўл қўймоқда?”

Энди Шоул уч мингта яхши тайёрланган исроиллик жангчилари ҳамроҳлигида Довудни саҳродан саҳрога, ғордан ғорга, фақат бир мақсад – уни йўқ қилиш учун қувиб юрибди. Ўша лаҳзада ваъда аллақандай хира шуъла бўлиб кўринарди, холос, ахир Довуд энди омон қолишга ҳаракат қилаётган қочоққа айланган эдида. У энди подшоҳ саройларида яшамас ва подшоҳ дастурхони атрофида ўтирмас эди. Зах ғорлар унинг маконига айланди, у ҳайвонлардан қолган сарқитларни ер эди. У энди подшоҳнинг ёнида юрмас, бироқ яқиндагина жанг майдонида у билан бирга жанг қилган одамларнинг ов нишонига айланди. Юмшоқ тўшак йўқ эди, унга ғамхўрлик қиладиган хизматкорлар ҳам, қачонлардир саройда бўлгани каби таҳсинлар овози ҳам йўқ эди. Унинг қайлиғини бошқага беришди.

Худо Довудни бўйсуниси учун қўйган ҳукмдор, қандай қилиб бундай нарсаларни қилиши мумкин? Довудни ғазаб, алам ва тушкунлик билан тўла фикрлар енгани эҳтимолдан ҳоли эмас. *“Нимага Худо аралашмайди? Уни Мен билан иши борми ўзи? Унинг ваъдалари нима бўлади? Нима учун У бундай шафқатсиз одамни Ўзининг аҳддаги халқини бошқаришга қўйди?”*

Шоул бу йигитни ҳар қандай ҳолатда ҳам, ўлдиришга шунчалик қарор қилганидан, бу фикрга муккасидан кетди. Ноб шаҳрида руҳонийлар бўлиб, улар Довудга бошпана ва овқат тақдим этиб, унга Голиётнинг қиличини бердилар. Улар Довуднинг Шоулдан қочгани ҳақида ҳеч нима билмас эдилар ва у Шоулнинг амрларидан бирини бажаряпти деб ўйладилар.

Улар у учун Раббийга илтижо қилдилар ва йўл учун керак нарсалар билан таъминладилар.

Шоул бу ҳақида билиб, қутуриб кетди. У аввал Раббийнинг саксон беш нафар мутлақо бегуноҳ руҳонийларини, кейин эса бутун шаҳарни – эркаклар, аёллар, болалар, чақалоқлар ва чорвани ҳам ўлдирди. У ўз юртининг душманлари бўлган амалеқликлар устидан қилганидек, бегуноҳларнинг устидан ҳукм чиқарди. Энди бу инсон – Худонинг танлангани деб ўйлашнинг умуман имкони йўқ эди. Шоул қотилга айланди. Раббий қандай қилиб, уни Ўз Руҳи билан мойлаши мумкин эди?

Кўпчилик Шоул одамлар томонидан қўйилганини, Довуд эса Худо томонидан қўйилганини айтишади. Бундай таълимот нотўғри ва бу Худо шафқатсиз одамни етакчиликка қўйишга қодир эмас деган фикрга қўшила олмайдиган одамлардан келиб чиқади. Ҳа, халқ подшоҳга эга бўлишни истагани ҳақиқат; шунга қарамасдан, айнан Худо Шоулни қандай танлаган бўлса, Довудни ҳам шундай танлади. Худо: “Мен Шоулни подшоҳ қилиб тайинладим” – деган (1-Шоҳликлар 15:11).

Бир куни Шоул Довуднинг Эн-Геди саҳросида бўлганини билиб қолди ва у ерга уч мингта жангчи билан жўнади. Улар йўлдан чарчаб, Довуд яширинган ғорда тўхташди. Шоул ва унинг жангчилари чўмилиш учун ечиндилар. Ёзув бизга Довуднинг одамлари унга: “Раббий сенга: “Мана, Мен сенинг душманингни қўлингга топшираман, унга хоҳлаганингни қиласан”, деган кун келди!” — деб маслаҳат беришганини айтди.

Сўнгра Довуд сездирмасдан Шоулга яқинлашиб, унинг кийимининг этагидан бир парча кесиб олди. Шундан сўнг Довуднинг юраги бундай қилгани учун оғриди: “У ўз одамларига: “Раббийнинг мойланганига, менинг эгамга қарши бундай қилишдан — унга қўл кўтаришдан Худо мени сақласин, чунки у Раббийнинг мойланганидир”, — деди. Довуд шундай сўзлар билан одамларини тўхтатди ва Шоулга

қарши кўтарилишларига ижозат бермади. Шоул эса ғордан чиқиб, ўз йўлидан кетди” (1-Шоҳликлар 24:5-8). Биз Довуднинг юраги оғриганини кўрамиз. У ҳали ҳам унинг бошига бундай кулфатларни солган етакчига нисбатан юраги юмшоқ эди. У ғазаб, қўрқув ва тушкунлик ҳақидаги фикрларга қаршилиқ кўрсатгани ва ҳатто уларни муваффақиятли тарзда енгани мутлақо кўриниб турибди.

Довуд подшоҳнинг этагидан бир парча кесиб олган экан, у буни Шоул олдида ўзининг айбсиз эканининг исботи сифатида ишлатишга қарор қилди. Довуд узоқда турди ва унинг қаршисида ергача таъзим қилиб: “Эй, *отам менинг!* Қўлимдаги ридонгизнинг парчасига қаранг; ...*менинг қўлимда ёмонлик ёки маккорлик йўқлигини* ва мен сизга қарши гуноҳ қилмаганимни билиб олинг ва бунга ишонч ҳосил қилинг. Сиз эса менинг жонимни олиш учун мени излаяпсиз” – дея бақирди (1-Шоҳликлар 24:12, муаллиф курсиви).

Довуд Шоул уни маккор исёнчи эканига ишонади деб ўйлади. Эҳтимол, Довуд ўз юрагини текширгандир: “Мен қаерда нотўғри ҳаракат қилдим? Қандай қилиб Шоулнинг юраги менга қарши бунчалик кескин ўзгариши мумкин?” Шунинг учун у: “Менга сизни ўлдиришни айтишди... кийимингизнинг бир четини кесиб олдим, сизни эса ўлдирмадим: менинг қўлимда ёмонлик ва маккорлик йўқлигини билиб олинг ва ишонч ҳосил қилинг” – дея бақирди. У Шоулнинг ўзи буларнинг барчасини режалаштирганига ишона олмас эди. Кимдир Шоулнинг юрагига, Довудга нисбатан нафратни эккан бўлиши керак, шунинг учун у подшоҳга садоқатини исботламоқчи бўлди. У агар буни ўлдасидан чиқса, унда Шоул уни ўз шафқати билан қайта тиклайди ва шунда башорат амалга ошади деб умид қилган эди.

Отаси ёки етакчиси томонидан рад этилган одамлар биринчи навбатда, бунда ўзини айблашга интилишади. Улар азобли фикрларнинг асири бўлиб қоладилар: “*Ахир, мен нима қилдим?*”

ва “*Демак, юрагим нопок бўлган эканда?*” Улар доимий равишда етакчиларининг олдида ўз айбсизлигини исботлашга уриниш юкини ўз зиммаларига оладилар. Агар улар ўз садоқати ва қадриятини кўрсата олсаларгина, уларни қайта қабул қилишадигандек туюлади. Лекин улар қанчалик кўп ҳаракат қилсалар, шунчалик кўп рад этилишни ҳис қиладилар.

Шоул Довуд уни чиндан ҳам ўлдириши мумкинлигини, лекин буни қилмаганини тушунганида, Довуддаги яхши ниятларни тан олди, шунинг учун подшоҳ ўз одамлари билан Довудни тинч қўйди. Аниқроғи, Довуд: *“Подшоҳ мени қайта тиклайди. Энди башорат амалга ошади. Энди у менинг юрагимни кўради ва менга яхши муносабатда бўлади. У меҳрибон ва камтар етакчи бўлади”* – деб ўйлаган. Бироқ у қанчалик ҳақиқатан узоқда эди.

### У МЕНИ ЎЛДИРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

Орадан кўп вақт ўтмасдан, Шоулга Довуднинг Хахила тепалигида эканини етказишди. Подшоҳ яна ўша уч минг кишини йиғиб, уни излаб кетди. У яна бир бор Довудни ўлдиришга қарор қилди. Шоул томонидан бўлган тинимсиз таъқиблар Довудни ҳолдан тойдирганига аминман. У бу ерда ҳеч қандай хатолик йўқлигини ва Шоул атайин ҳеч кимнинг иғвосисиз унинг ўлимини излаётганини тушуниб етди.

Подшоҳ Довуднинг феъл-атворини билар эди, лекин барибир унга қарши чиқди. Довуд барча умидлари беҳуда эканини ва у маккор етакчи билан муомала қилаётганини тушунди. Раббий бундай одамга қандай мойланиш қўйган бўлиши мумкин? Қонхўр йигит Йоабнинг кичкина укаси Абишай билан бирга Шоулнинг қароргоҳига яширинча кирдилар. Худо ҳаммани қаттиқ уйқуга солди. Довуд Абишай билан бутун қўшин орасидан ўтиб, Шоул ухлаётган чодирга келди. Абишай Довуддан: “Бугун Худо сенинг душманингни сенинг қўлингга

топширди. Энди ижозат бер, уни найза билан бир уриб ерга михлаб қўяйин; бир уриб, *зарбани* такрорламайман” – деди (1-Шоҳликлар 26:8). Абишай Довуд нима учун унга Шоулни шикастлашига рухсат бериши кераклиги ҳақида кўплаб ажойиб далилларни келтирди. Биринчи ва энг муҳим нарса: Шоул саксон беш нафар беайб руҳонийларни, уларнинг хотинлари ва болаларини ўлдирди ҳамда буни совуққонлик билан қилди! Халқ учун бундай одамнинг етакчилиги остида қолиш хавфли эди. Бугун аниқ кўпчилик, асосан жамоат етакчилари хусусида худди шундай ўйлайдилар. Етакчилар, балки Шоулнинг жиноятларини такрорламаслар.

Иккинчи далил: Худо Шомуилнинг сўзларига кўра, Довудни Исроилнинг кейинги подшоҳи бўлишга мойлаган. Довуд тахтга нисбатан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини даъво қилиш вақти келди! У наҳотки башоратни амалга оширмасдан, ўлишни истаган бўлса? Жамоатнинг бировга ишонмайдиган офис ишчиларидан бундай сўзларни кўп маротаба эшитганман.

Учинчи далил: Шоул Довудни ва унинг одамларини ўлдириш учун уч минг нафар жангчилари билан бораётган эмасмиди? Энди танлаш вақти келди: ўлдириш ва ўлдирилган бўлиш. Шубҳасиз, бу ўз-ўзини ҳимоя қилиш бўларди. Абишай ҳар қандай суд уларни оқлашини билар эди. Бизнинг кунларимизда бундай хулоса ҳатто изоҳга муҳтож эмас. Биз ўйлаб ҳам ўтирмасдан, бунга таянамиз.

Тўртинчи далил: Довуд ва Абишай Шоулнинг чодирига кириб бориб ва халқни ёвуз ҳукмдордан озод этиб, Худонинг иродасини амалга оширишлари учун У бутун қўшинни қаттиқ уйқуга солмаганмиди? Уларда балки бундай имкон энди бўлмаслиги мумкин эди. Башоратни амалга ошириш вақти келди! Кўпгина жамоат етакчилик кенгашлари уларнинг етакчилари гуноҳга йиқилганларида, бу ҳақида ўйлайдилар. Улар: “Худо уни бизнинг раҳбарлигимиздан четлаштиришимиз мумкин бўлган жойга

қўйди” – деб ўйлашади. Бундай мулоҳазалар ушбу одамларнинг итоатсиз юракларини ошкор қилади.

Ушбу барча далиллар ишончли эди. Улар мазмун-моҳиятга эга эди, чунки Довудни унинг содиқ дўстларидан бири руҳлантирди. Агар унинг юрагида заррача қўзғолон бўлганида эди, у ёрдамчисига Шоулни қилич билан ўлдиришига рухсат берган ва шу билан бирга, ҳеч қандай ҳукмни ҳис қилмаган бўлар эди. Шунга қарамасдан Довуд: “Уни ўлдирма. Ахир ким Раббийнинг мойланганига қўл кўтариб жазосиз қолади?” – деди (1-Шоҳликлар 26:9). Агар бунинг бизнинг ҳаётимизга ўғирсак, бу шундай жаранглайди: “Унга сўз билан ҳам, иш билан ҳам тегма, зеро ким ўз етакчисига ташлаиб жазосиз қолади?”

Довуд ҳатто Шоул бегуноҳ одамларни ўлдириб, энди унинг ўлимини излаётганига ҳам қарамасдан, уни ўлдирмади. Довуд ўзи учун қасос олмади; у бунинг Худонинг қўлларига ишониб топширди. Довуд учун ҳам, Исроил халқи учун ҳам жойида ҳаммасига нуқта қўйиш осонроқ бўларди. У халқ ҳақиқий чўпонсиз қўйларга ўхшабини билар эди. У нопок одам ўзининг худбин истакларини қондириш учун уларнинг ишончини суиистеъмол қилганини билар эди. Ўзини ҳимоя қилмаслик қийин эди, лекин ўзи севган халқни аҳмоқ подшоҳдан озод қилиш мумкинлигини англаш, янада қийинроқ бўлгандир!

Довуд гарчи Шоул унинг ўлимини хоҳлаётганини билса ҳам, қарор қабул қилди. Довуд Шоулнинг ҳаётини биринчи марта сақлаб қолганида, ниятларининг поклигини исботлади. Унга тегмади. Шоул Раббийнинг мойлангани эди. У Худонинг хизматкори бўлиб, Довуд Шоулни Худонинг қўлларига Унинг ҳукмига топширди.

Шоулни Худонинг ҳукмига ишониб топшириб, доно йўл тутди. Сизлар: “Унда Худо ўзининг қули Шоулни ҳукм қилиш учун кимдан фойдаланди?” – деб сўрасиз. Жавоб: Худо филистинликлардан фойдаланди. Раббий ўзининг жамоат

етакчиларига ҳукм чиқариш учун кўп мартаба нажот топмаган одамлардан ёки дунёвий ташкилотлардан фойдаланади. Шоул жангда ўз ўғиллари билан бирга ҳалок бўлди. Бу хабар Довудга етиб борганда, у базм уюштиради. У қаттиқ қайғурди!

Довуд ҳатто Шоулни ўлдирмаган бўлсада, уни ўлдирдим деб айтган одамни қатл этди. Бу одам ушбу хабар Довуднинг нигоҳида унга илтифот бағишлайди деб умид қилди, аммо натижа мутлақо бунинг акси бўлиб чиқди. Довуд жавоб бериб: “Сен қандай қилиб Раббийнинг мойланганини ўлдириш учун қўл кўтаришга қўрқмадинг?” – деди. Уни қатл этгач, Довуд: “Сенинг қонинг ўзининг бошингдадир, зеро сен: “Мен Раббийнинг мойланганини ўлдирдим”, – деб айтганингда, сенинг оғзинг ўзинга қарши гувоҳлик берди” – деди (2-Шоҳликлар 1:16).

Сўнгра Довуд Яҳудо аҳолиси, Шоул ва унинг ўғилларига бағишлаб куйлаши учун марсия ёзди. Душман қувонмаслиги учун бу қўшиқни филистимликларнинг шаҳарларида куйлашни ман этди. У Шоул ўлдирилган жойда ёмғир ҳам, ҳосил ҳам бўлмаслигини эълон қилди. У бутун Исроилни, ўлдирилган подшоҳ учун мотам тутишга чақирди. Бу қасосга ташна одамнинг, яъни ўз етакчисини ортиқ иззат-ҳурмат қилмайдиган одамнинг иши эмас эди. Йўқ, бундай одам: “У қилмишига яраша олди!” – деган бўлар эди.

Довуд давом этди. У Шоулнинг хонадонида омон қолган аъзоларини ўлдирмади; аксинча, у уларга катта илтифот кўрсатди. Довуд уларга ер ва егулик бериб, авлодларидан бири подшоҳ дастурхони атрофида ўтиришига изн берди. Ўз етакчисининг адолатни ҳукмдан қулашига қувонган одамнинг хатти-ҳаракати наҳот шундай бўлса? Кимнинг юрагида қўзғолон бўлса, улар руҳий етакчиси қулаганида шодландилар. Улар: У ўзига муносиб нарсани олди! – дея ўйлашади. Бундай одамлар ўз етакчиларини ёки

ёмонлайдилар, ёки аччиқ изоҳлари билан жароҳатлайдилар ва шу билан улар учун тайёрланган жазога янада ундайдилар. Уларда Довуд эга бўлган юрак йўқ. Уларда Худонинг юраги йўқ.

### ДУО-БАРАКАЛИ БЎЛИШ УЧУН ҚЎЙИЛГАН!

Биз Худо охир-оқибат бизни яхшироқ нарсага олиб келиш учун бизга нисбатан ҳокимиятларнинг адолатсизлигига йўл қўйишини доимо ёдимизда тутишимиз керак. У буни Ўзининг илтифотини қўйиш учун ишлатади. Петрус ўз насиҳатини давом этади: “Ёвүзликка ёвүзлик, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтарманглар. Аксинча, *сизлар дуойи-баракатнинг меросини олишга даъват этилганлигингизни* билиб, бошқаларни дуо қилинглар” (1-Петрус 3:9, курсив муаллифники).

Гарчи моддий нарсалар муҳим бўлсада, дуо-баракат фақат улардан иборат бўлиши мумкин эмас; аксинча, у Масиҳнинг феъл-атвори, Осмон Шоҳлигини ёйиш ёки абадийликдаги мукофот каби бошқа, янада муҳимроқ соҳаларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Биз Худонинг ҳокимиятига бўйсунганимизда, ҳеч нарса бизнинг руҳий фаровонлигимизга зарар етказа олмайди. Петрус бунга савол билан ойдинлик киритди: “Агарда сизлар яхшилик қилишга серғайрат бўлсангиз, унда ким сизларга зарар етказа олади?” (1-Петрус 3:13). Ушбу оятнинг умумий маъноси биз Исонинг шахсий намунасидан ўрнат олишимиздан иборатдир.

Масиҳнинг феъл-атвори хусусида Петрус қўйидагича насиҳат берди: “Чунки Масиҳ ҳам... бир марта бизнинг гуноҳларимиз учун азоб чекди. ...Шундай қилиб, Масиҳ биз учун Ўз танаси билан азоб чекканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан қуролландинглар. Чунки танаси билан азоб чекаётган одам гуноҳ қилишдан тўхтади” (1-Петрус 3:18; 4:1).

Петрус имонлиларни Масиҳ бошидан кечирганларга ўхшаш азоб-уқубатларга тайёр туришга ўргатмоқда,

бу унинг мактубининг умумий маъносида ҳоқимият томонидан қилинган адолатсиз муносабат ҳисобланади. Сиз аскарларнинг жангга қуролсиз бораётганларини тасаввур қила оласизми? Бемаъ依лик, тўғрими? Лекин кўплаб имонлилар ҳоқимиятларнинг адолатсизлигидан келадиغان азоб-уқубатлар қаршисида қуролсиз турадилар. Улар ҳужумга дуч келишганда, шок, саросималик ёки ҳайратда қолиш ҳолатига тушиб қоладилар. Улар ҳоқимиятга бўйсунуш тамойилига кўра ҳаракат қилишнинг ўрнига, бунга ҳулоса ва далилларнинг бутун бир тизимини қуриш билан муносабат билдирадилар.

Қуролланган ва тайёрланган одамнинг мисолини келтираман. Учувчилар тайёрлаш курсларининг муҳим қисми парвоз машқ қилиш мосламаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай машқ қилиш мосламаларида учувчи ҳавода деярли барча мумкин бўлган вазиятларга дуч келади. Учувчилар бундай хавфсиз шароитларда ҳар қандай вазиятдан тўғри чиқиб кетишни ўрганмагунларича, қандай муносабат билдиришларини аниқлайдилар. Шу тарзда улар ўзларини ҳақиқий вазиятларга тайёрлашади. Агар парвоз чоғида нимадир содир бўлса, учувчилар ваҳима қилмайдилар – улар ўргатилгандек ҳаракат қилишади. Ҳатто йўловчилар ваҳима солиб, шок ва жазава ҳолатига тушиб қолсаларда, учувчилар ўзларини хотиржам тутиб, ўзларини назорат қилишни йўқотмайди. Авиа ҳалокатларни текшириш ва бортдаги ўзиёзар асбобнинг маълумотларини ўрганиш билан шуғулланувчи одамлар учувчиларнинг хотиржамлигидан ҳайратда қоладилар. Ҳатто қулашдан бир лаҳза олдин ҳам, уларнинг овозида ҳеч қандай ваҳима бўлмайди. Улар қуролланган!

Ушбу китоб учувчиларнинг ўқув қўлланмаси каби хизмат қилиши мумкин. Ушбу хабардаги Худонинг Сўзи, ҳаёт сизга ҳоқимият билан муносабатларда тақдим этадиган кескин бурилишлар учун сизни қуроллантириши ёки тайёрлаши

мумкин. Агар сиз тўғри муносабат билдирсангиз, дуо-баракани бошдан кечирасиз. Петрус Масих азобларининг намунасига эргашганлар гуноҳ қилишдан тўхташни айтган. Ажойиб фикр! Бошқача сўз билан айтганда, етакчиларнинг адолатсиз муносабатларига тўғри муносабат билдирадиган одамлар руҳий етукликка эришадилар.

Яна бир ажойиб ваъда мавжуд. Павлус шундай тасдиқлаган:

Бу сўз тўғри: Агар У билан бирга ўлган бўлсак, У билан бирга яшаймиз ҳам. Агар биз чидасак, У билан бирга подшоҳлик ҳам қиламиз. Агар Ундан воз кечсак, У ҳам биздан воз кечади (2-Тимотийга 2:11, 12).

Руҳий ҳокимият Масихга ўхшаб азоб чекадиганларга ваъда қилинган. Қанчалик катта қийинчиликларни бошдан кечирсангиз, шунчалик катта ҳокимиятни Худо сизга ишонади. Ҳокимиятнинг адолатсизлигига учраганингизда, Худо сизни дуо-баракага тайёрлашни яна бир бор кўриб турибсиз. Лекин сиз тўғри жавоб бериб, дуо-баракани қабул қиласизми ёки хафагарчилик ва аламга тўласизми? Бунинг ўзини танлайсиз. Ғолибнинг йўлини, яъни – ҳаётни танланг!



## СУДСИЗ ЖАЗОЛАШ

*Етакчиларни иззат-икром қилувчилар  
буюк ҳокимиятни қўлга киритадилар ва  
ҳурмат уларнинг ортидан эргашади.*

**Х**амма ҳам етакчиликка Довуд сингари ёндашмайди. Кўпинча етакчиларимизда камчиликни кўриб хурсанд бўламиз, сўнгра қўйилган чекловларни осонгина улоқтириб, ўзимизни оқлаймиз. Лекин бошқаларнинг, айниқса, етакчиларнинг гуноҳларига муносабатимиз – бу руҳий етуклигимизнинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Айнан шунинг учун ҳам Худо юракларимизнинг ҳақиқий ҳолатини очиб бериш учун бизнинг ҳаётимиздаги етакчиларнинг камчилик ва хатоларидан кўпинча фойдаланади. Нуҳнинг ўғилларидан бири билан ҳам шу нарса содир бўлди.

### ТЎҒРИ, ЛЕКИН НОТЎҒРИ

Нуҳ сув тошқинидан сўнг, ерга ишлов бера бошлади ва узумзор экиб барпо қилди. Бир куни у жуда кўп шароб ичиб, ўз чодирига қайтиб келди ва маст ҳолда барча кийимларини ечиб, ухлаб қолди.

Кичик ўғилларидан бири Ҳам отасининг чодирига кирди ва отасини яланғоч ҳолда кўриб, ташқарига чиқди ва бу ҳақида биродарлари Шем ва Йафетга айтди. У бу ҳақида “фақат оиласига” хабар берди. Балки у: “Йигитлар, отажонимиз маст ва онадан янги туғилгандек ётибди!” – дегандир ёки бундан ҳам ёмони, эҳтимол, у биродарларини, яланғоч ётган руҳий етакчисини томоша қилишга таклиф қилгандир.

Унинг сўзларини эшитиб, Шем ва Йафет кийимни олдилар ва елкаларига ташлаб, чодирга кетишди ва яланғоч отасини ёпиб қўйдилар. Ҳеч нарсани кўрмаслик учун уларнинг юзлари бошқа томонган ўгирилган эди. Нуҳ мастлигидан ўйғонганида, Ҳамнинг нима қилганини билди. Унинг нима деб айтганига қулоқ солинг:

Канъон лаънати бўлсин, акаларига қулларнинг қули бўлсин”, — деди. Кейин яна деди: “Шемнинг Раббий Худоси муборак бўлсин. Канъон эса Шемга қул бўлсин. Худо Йафетни кенгайтирсин, у Шемнинг чодирларида яшасин. Канъон эса унга қул бўлсин (Ибтидо 9:25-27).

Ушбу китобнинг бошида Худонинг ҳокимиятига бўйсунмасликнинг оқибатларини муҳокама қилган эдик. Ўзи англаган ҳолда қўзғолон қилишни бошлаганлар лаънат остида қоладилар. Ҳам бу ҳақиқатни мушкул йўл билан англаб етди. У Нуҳга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлди ва бу билан отасининг Худо топширган ҳокимиятига нисбатан беҳурмат муносабатини кўрсатди. Бу Ҳамнинг авлодига лаънат олиб келди. Қизиғи шундаки, Ҳамнинг иши у учун оғир оқибатларга олиб келди, бу вақтда эса Нуҳнинг мастлиги унутилди.

Нуҳнинг ахлоқсиз ҳаракати учала ўғиллари учун синов бўлди ва уларнинг ички моҳиятини очиб берди. Бири аҳмоқ ва бўйсунмас, қолган иккитаси – ҳурмат қилувчи ва раҳмдил бўлиб чиқди. Нуҳ ичиб маст бўлиб, яхши намуна кўрсатмади,

бирок унинг хатти-ҳаракати билан, унга бўйсунадиганлар эмас, балки Раббий шуғулланиши керак эди. Икки ўғли бунга тушунди ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлишда давом этдилар. Учинчиси эса отасига иснод келтирди ва шунинг учун Нуҳнинг бошига тушиши керак деб ўйлаган лаънат унинг бошига тушди.

Шем ва Йафет ҳатто отасининг гуноҳига қарамадилар ҳам, бошқалар (хотинлари ва болалари) ҳам уни бу ҳолатда кўришларини истамадилар, шунинг учун отасининг устига кийим ёпишди. Улар отасининг мавқеига ҳурматни сақлаб қолганлари туфайли унинг мавқеини ҳам, ўзларининг юракларини ҳам ҳимоя қилдилар. Эҳтимол, Хам Нуҳнинг етакчи бўлиш қобилиятини қоралашга уриниб, унинг устидан кулгандир. Бу Хамга отаси ўз ҳокимиятини қўллаганда, унга бўйсунмаган тақдирда ўзини оқлашига имкон бериши мумкин бўлган. Бу юрагида бўйсунмаслик яшириниб ётган ҳар қандай одамга тааллуқлидир. У ҳокимиятни обрўсизлантириб, ўзини бўйсунушдан озод ҳис қилади. Ўз юрагида барча чекловларни олиб ташлайди.

Худо Ўзининг “шараф қаторида” (Ибронийларга 11) Нуҳнинг имони ва итоаткорлиги билан мақтанади, бирок у жойда Хамни топмаймиз. Хам ҳақ эдимми? Нуҳ маст ва яланғоч эмасмиди? Ҳа, Хам юз фоиз тўғри эди, аммо у тамойил жиҳатдан ноҳақ эди. Инсоний далиллар уни оқлаган бўлар эди; у бор-йўғи кўрганни қайтариб айтди; у фақатгина “ҳалол бўлишга” ҳаракат қилди. Аммо итоаткорлик ва ҳурмат тамойиллари бунинг акси ҳақида гувоҳлик бермоқда. Шем ва Йафет оталарини иззат-ҳурмат қилиб, дуойи-баракатли бўлишди.

Кўпчилик Хамга ўхшаб, ўз етакчилари тўғрисида ишончли маълумотларни берадилар, лекин барибир улар Худонинг нигоҳларида ноҳақдирлар: улар ўз яқинининг номини булғаб, дуо-баракани йўқотадилар. Улар аҳмоқона йўл тутадилар, чунки ўзларининг шахсий тушунчалари ва мулоҳазаларига амал қиладилар. Уларга Довуд, Шем ва

Йафетнинг юраклари етишмайди. Шоул тўлиқ қулаганда, Довуд қайғуга тушиб, шундай деди:

*Бу ҳақида Гафада айтманглар ва Ашкалон кўчаларида эълон қилманглар, токи филистинликларнинг қизлари хурсанд бўлмасинлар ва хатна қилинмаганларнинг қизлари тантана қилмасинлар. Шоул ва Йонафан, ҳаётликларида бир-бирларига севимли ва илтифотли эдилар, ўлимларида ҳам айрилмадилар. Улар бургутлардан жадалроқ ва шерлардан кучлироқ эдилар. Эй, Исроил қизлари, сизларга безаклар-у, қирмизи кийимлар кийдирган ва кийимларингизга олтин зеб-зийнатлар олиб берган Шоул учун йиғланглар!* (2-Шоҳликлар 1:20, 23-24, курсив муаллифники).

Довуд ушбу ҳукмдор томонидан қаттиқ қувғинларни бошдан кечирди. Унинг фойдасига ҳал бўлган шароитлар ва танавий фикрлаш, уни хурсанд бўлиб, ғалабани эълон қилишга мажбур қилиши мумкин эди, бироқ Довуд ҳокимиятни ҳурмат қилиш тамойилига асосан яшаётганини яна бир бор исботлади. Унинг ҳаёти унинг ҳокимияти остида турган одамлар учун намуна бўлди. Натижада, у буюк подшоҳга айланди. Етакчиларни иззат-икром қилувчилар буюк ҳокимиятни қўлга киритадилар ва ҳурмат уларнинг ортидан эргашади. Улар ўзларига Раббийнинг дуо-баракасини жалб этадилар. Ҳокимиятни ёмонлайдиганлар ёки унга енгил-елпи қарайдиганлар атрофида ҳурматсизлик экиб, ўзларига ҳукм чиқарадилар.

### СУДСИЗ ЖАЗОЛАШ

Вакил қилиб топширилган ҳокимиятга бағишланган асосий оятимизга яна бир бор назар ташласак:

Ҳар бир жон юқори ҳокимиятларга бўйсунсин. Чунки Худодан бўлмаган ҳокимият йўқ, мавжуд бўлган

ҳоқимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган. Шунинг учун ҳоқимиятга қаршилик қилаётган Худонинг қарорига қарши чиққан бўлади. Қаршилик қилувчилар эса ўз-ўзларини маҳқумликка дучор қиладилар (Римликларга 13:1, 2).

Маҳқумлик ҳоқимиятга қарши чиқадиганларга келади. Ҳоқимиятга тегиниб – Худога тегинган бўласиз. Мен хизматимни бошлашимдан олдин иккита халқаро топшириқларда иштирок этганман. Одамлар етакчиликка қарши чиқишлари натижасида олий судга топширилганининг гувоҳи бўлганман. У ҳар хил кўринишларда келар эди, лекин ҳеч ким ундан қочиб қутула олмаган. Бу, айниқса, ишчилар ўз жойларини тарк этганларида сезиларди. Етакчи нечоғлик ноҳақ бўлмасин ёки шароитлар қандай бўлмасин, агар улар уни танқид қилсалар ёки обрўсини тўксалар, агар улар аччиқ манбадан ичган бўлсалар, охи-роқибат, ўзларини катта кўнгилсизликларга дучор қилишар эди. Айримлар учун бу молия эди; бошқалар учун – иш; учинчи одамлар учун – соғлиқ муаммолари; тўртинчи одамлар учун – болалари билан муаммолар; бешинчи одамларда оилавий муаммолар юзага келарди. Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин, лекин ўзларининг руҳий мураббийларини ҳурмат қилмаганларнинг ҳаётида қўтилмаган кўнгилсизликларнинг мавжудлиги яққол намоён бўларди.

Кўп одамлар уларга нисбатан нотўғри муносабат туфайли кетганларининг, лекин камтарлик руҳини сақлаб қолганларининг гувоҳи бўлганман. Улар собиқ иш берувчиларига қарши гапиришдан ёки бошқа шундай қилган одамларга қулоқ солишдан бош тортишган; бунинг ўрнига ҳар сафар улар ҳақида гап кетганда уларни дуо қилишган ва улар ҳақида ҳурмат билан гапиришган. Бу одамлар Худо уларнинг манбаи эканини билар эдилар. У улар учун ғамхўрлик қилади ва Унга маъқул вақтда уларни юксалтиради. Улар бизда эга бўлган мавқега қараганда, бошқа жойда яхшироқ мавқеини эгаллаганларини кўрдим. Уларнинг айримлари билан

ҳатто ўн икки йилдан кейин ҳам яна йўлим кесишди ва уларнинг ҳаёти дуо-баракали эканига амин бўлдим.

Қандай қилиб камтарин руҳни ўзимизда сақлаб қолишимиз керак? Исо бизга бу сирни очди: “Аммо Мен сизларга айтаман, душманларингни севинглар, сизларни лаънатлаётганларни дуо қилинглар, сизлардан нафратланаётганларга яхшилик қилинглар, сизларни ҳақоратлаб қувғин қилаётганлар учун ибодат қилинглар” (Матто 5:44). У бизни ҳақоратлаётган ёки эзаётганлар учун ибодат қилишимиз кераклигини айтган. Шундай йўл тутиб, юрагимиз шифоланишига руҳсат берамиз ҳамда унга танқид ва алам киришига йўл қўймаймиз.

### ҲОКИМИЯТГА ҚАРШИ ИНЪОМ

Мен Ёзув ва ҳаётини тажрибам орқали ҳокимиятга қарши гапирувчи одамлар, ўз бошларига маҳкумлиқни солишларининг тасдиғини олганман. Мириам ва Аҳаронни ёдга оламиз: “Мусо хотинликка олган эфиопиялик хотини учун Аҳарон ва Мириам унга қарши гапирдилар” (Сонлар 12:1).

Авваламбор, Мириам ва Аҳароннинг ким бўлганини кўриб чиқамиз. Мириам Мусонинг опаси эди. У унинг катта опаси бўлганини белгилаб қўямиз. Худо уни пайғамбар деб атар эди (Чиқиш 15:20га қаранг). Аҳарон Мусонинг катта акаси, шунингдек, олий руҳоний ҳам эди. Демак, биз ҳокимиятда маълум бир ўринни эгаллаган ва машҳур бўлган икки шахс ҳақида гапирмоқдамиз.

Улар Мусони Иброҳимнинг авлодидан келиб чиқмаган эфиопиялик аёлга уйлангани учун танқид қилдилар; бу аёл унинг аҳдининг иштирокчиси эмас эди.

Мириам ва Аҳарон Мусо африкалик аёлга уйланиб, гуноҳ қилган ёки энг яхши ҳолатда нотўғри қарор қабул қилганига ишонардилар. Бу уларни ҳаммасидан ҳам кўпроқ, у етакчи бўлгани учун безовта қиларди. Улар ўз фикрларида ҳақ

эдиларми? Агар қонун ҳарфига кўра ҳукм қилинса, тўғри бўлиб кўринади. Худо Исроил ўғиллари учун улар фақат ўз қабиласидан бўлган қизларни хотинликка олишлари ҳақидаги Ўз иродасини аниқ баён этган. У ўзга ерлик хотинлар уларнинг юрагини бегона худоларга қаратишларидан огоҳлантирган эди. Ушбу амр Қонуннинг такрорланиши китобида берилган эди. Шунинг учун Мусонинг ўзга ерлик қизга уйланиши баъзи бир зиддиятларни келтириб чиқарди. Эҳтимол, улар у одамларга кучли таъсирга эга ва ўзини бундай тарзда тутишга ҳақли эмас деб ҳисоблашгандир. (Эътибор беринг, бугун бизда фақат битта амр қолмоқда: имонсизлар билан оила қурмаслик. Энди бу қонуннинг тозалиги эмас, балки руҳий тегишлилик масаласидир (Галатияликларга 3:28). Янги Аҳдга биноан турли миллатдан бўлган икки киши тўсиқларсиз турмуш қуришлари мумкин).

Шундай қилиб, Мириам ва Аҳарон ўз баҳоларида ҳақ эдилар, бироқ, шу билан бирга Хамга ўхшаб ноҳақ эдилар. Мусо уларнинг етакчиси бўлиб, унга қилинган ҳар қандай танқид қоида бузиш эди. Ака ва опа сифатида улар буни оила доирасида муҳокама қилишлари мумкин эди, аммо халқ орасида ғийбат тарқатиш ёки йиғинда унинг ҳаракатини муҳокама қилиш, шубҳасиз, гуноҳ эди.

Ўз етакчисига қарши чиқишга уларга нима сабаб бўлди? Биз жавобни кейинги оятда топамиз: “Улар: “Раббий фақат Мусога гапирдимми? У бизларга ҳам гапирган эмасми?” — дедилар. Раббий бунга эшитди” (Сонлар 12:2).

Худо улар орқали гапирган эмасмиди? Шубҳасиз. Худо Аҳарон тўғрисида нотик ва пайғамбар сифатида гапирди. Аҳарон Худонинг хабарини фиръавнга етказди. Худо Мириамни ҳам Ёзувда бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган пайғамбарчилик саносини куйлаши учун ишлатди. Уларда албатта, руҳий инъомлар бор эди. Лекин уларнинг хатоси руҳий инъомларни ҳокимият тамойилларидан

юқори кўтарганидан иборат эди. Мусо гуноҳ қилиб, улар эса гуноҳ қилмагани ва уларнинг ҳаммасини Худо деярли бир хил даражада ишлатгани учун Мусо ортиқ уларнинг руҳий етакчиси эмас деб қарор қилдилар. Улар ўзларининг руҳий инъомларини, Раббий уларнинг устидан қўйган ҳоқимиятдан, ўзини юқори қўйишга рухсат бердилар.

Янги Аҳднинг умумий маъносида Павлус шундай деб ёзган: “Инъомлар ҳар хил, лекин Рух ўша-ўшадир (1-Коринфликларга 12:4). Бу ва бошқа оятлар Муқаддас Рухни инъомлар назоратчиси сифатида белгилайди. Инъомларнинг баъзилари бошқариш қобилиятини, ўргатиш қобилиятини, берувчи ва пайғамбар бўлиш иноятини беради. Шифолаш, руҳларни фарқлаш, мўъжиза яратиш иномлари мавжуд (1-Коринфликларга 12:7-10; Римликларга 12:6-8).

Павлус давом этди: “Хизматлар ҳам ҳар хил, лекин Раббий ўша-ўшадир” (1-Коринфликларга 12:5). Асл юнончада “хизматлар” сўзи *диакония* сўзи билан белгиланади. Тайернинг луғатига кўра, бу сўз “ҳаворийларнинг бошқарув муассасаси ва унинг маъмурияти, шунингдек пайғамбарлар, хушxabарчилар, оқсоқоллар ва бошқалар”ни англатиш учун ишлатилади. Оддий сўз билан айтганда, бу сўз билан Жамоат ичидаги руҳий ҳоқимиятнинг бешта муассасаси таърифланади. Биз худди шу оятдан Раббий Исо ушбу барча муассасалар устидан туришини билиб оламиз. Буни бошқа оят ҳам тасдиқлайди. Масиҳ қайта тирилганидан сўнг, Павлус шундай деб ёзган: “У баъзиларни ҳаворийлар, баъзиларни пайғамбарлар, баъзиларни хушxabарчилар, баъзиларни чўпонлар ва муаллимлар қилиб тайинлади, токи Масиҳнинг танасини барпо этишга хизмат қилишлари учун муқаддасларни камолотга эриштирсинлар” (Эфесликларга 4:11, 12).

Шоҳликнинг ҳоқимияти инъомлар орқали эмас, балки ушбу хизматлар орқали ёйилади, чунки бутун ҳоқимият Исо қайта тирилгандан сўнг, Ота томонидан Унга берилган (Матто 28:18). Исо ўз навбатида, юқорида Эфесликларга мактубдан

келтирилган оятда ёзилганидек, ушбу беш хизматни бизга берган. Шунинг учун Унинг ҳоқимияти тайинланган муассасалар орқали амалга оширилади. Биз ҳар қандай одам чўпондан кўра кўпроқ руҳий қобилиятга эга бўлиши мумкинлигини, лекин ушбу хизматлар устидан руҳий мавқени эгалловчи чўпон бу инсон устидан туришини ёдда сақлашимиз керак.

Бир чўпоннинг ёрдамчиси воизлик ва башорат қилиш инъомига эга эди. Худонинг инъоми унинг ҳаётида шу қадар равшан эдики, у қаерда воизлик қилмасин, заллар доим тўла бўларди. У ҳафтада бир марта ибодат йиғинини олиб борар ва у ерга ҳам кўп одамлар келар эди.

У қанчалик машҳур бўлиб боргани сари, шунчалик жамоат сиёсатини ва ўзининг бош чўпонини янада эркинроқ танқид қилар эди. У чўпоннинг сиёсати Муқаддас Рухнинг ҳаракатини чеклаб қуйганини айтди ва бу фикрларни атрофдагилар билан бўлишди. Унинг танқидий муносабати чўпоннинг бошқа ёрдамчисига ўтди. Орадан бироз вақт ўтгач, улар биргаликда ибодат хизматини олиб бора бошладилар. Бир куни шундай хизматларнинг бирида чўпон аудиториянинг охирги қаторига сездирмасдан кириб ўтирди ва унинг икки ёрдамчиси йиғинни айнан, у улардан қилмасликни сўраган тарзда олиб боришаётганини кўрди. Улар жамоат, шаҳар, нажот топмаганлар учун шафоат қилишнинг ўрнига одамларни ибодатнинг бошқа шакллариغا йўналтирар эдилар, агар одамлар уларнинг ҳаракатларининг тўғрилигига ишонмасликларини билдира бошласалар, бу ёрдамчилар уларни қоралардилар. Одамлар саросимага тушиб қолган эди.

Ушбу иккала одам ҳам қобилиятли хизматчилар эди, бироқ улар жамоат етакчисига бўйсунмас эдилар. Уларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларининг жиддийлиги, Раббий улардан башорат қилиш ва одамларга хизмат қилиш учун фойдаланаётгани билан яширинган эди. Агар бирор кишининг ҳақлигини баҳолашда бу бизнинг

мезонимиз бўлса, унда биз Мириам ва Аҳарон каби осонликча қўзғолон ҳолатига тушиб қоламиз. Худонинг мойланиши Худонинг халқи учун берилади, бироқ бу ҳеч қачон хизматчиларнинг сўзлари ва ҳаёт тарзини баҳолаш учун берилмайди.

## ҲУКМ ОРҚАЛИ ИТОАТКОРЛИКНИ ЎРГАТИШ

Мусо ер юзидаги барча одамлар орасида энг камтарини эди. Раббий қўққисдан Мусо, Аҳарон ва Мириамга: “Сиз учалангиз йиғин чодирига чиқинглар!” — деди. Уларнинг учаласи чиқдилар (Сонлар 12:3, 4).

Ушбу оятдан биз Худога феъл-атвори маъқул етакчилар учун Худонинг талабларидан бири камтарлик эканини билиб оламиз. Мусо ер юзидаги энг камтарин одам эди. Лекин Мириам ва Аҳарон у ҳақида бундай ўйламас эдилар. Улар: “*У лойиқ бўлганидан биров кўпроғини олди*” — дея Мусонинг феъл-атворини бошқача таърифлаган бўларди.

Раббий тўсатдан учалаласи ҳам йиғин чодирига чиқишларини сўради. Ҳукм кўпинча кутилмаганда келади. Улар чиққанларида, эҳтимол, Мириам Аҳаронга бош ирғаб: “Тайёр тур. Мусо ўзга ерликка ўйланиб, бахтини қўлдан чиқарди. Худо сени етакчи қилиб қўймоқчи, чунки сен ўз хатти-ҳаракатингда ҳақ бўлиб қолдинг” — дегандир. Бундай хулосалар биз ҳоқимиятга қаршилик кўрсатиш орқали, йўлдан озишнинг ҳужумлари учун ўзимизни очган вақтда тўғилади.

Албатта, кейинги содир бўлган нарсалар уларнинг кутганларига мос келмади. Худо Мириам ва Аҳаронни олдинга чиқишга чақирди. У уларга Ўзининг бутун хонадонини Мусога ишониб топширганини эслатди ва улар билан жумбоқлар билан эмас, балки тўғридан-тўғри, юзма-юз гаплашди. Сўнгра Раббий уларга савол берди: “Сизлар қандай қилиб, Менинг хизматчим Мусога қарши гапиришга қўрқмадинглар?” (8-оят). Биз етакчига

қарши гапирганимизда ёки уни танқид қилганимизда, бу билан бизда Раббийнинг қўрқуви йўқлигини кўрсатамиз. Ўшанда нима содир бўлишига қаранг: “Раббийнинг ғазаби уларга алангаланди ва У узоқлашди. Булут муқаддас чодирдан кўтарилганида, мана, Мириамни қор каби мохов қоплади. Аҳарон Мириамга қараганида, мана, у мохов эди” (Сонлар 12:9, 10).

Биз ҳокимиятга қаршилик кўрсатиб, ўзимиз ҳукм остида қоламиз, бу эса Худонинг ҳузури йўқолиб, бунинг ортидан қандайдир касаллик келишидан иборат бўлиши мумкин. Юқорида тилга олинган чўпонларга қайтиб, шуни айтаманки, бироз вақт ўтгач, улар ҳам жамоатни тарк этишди. Бирини хизматдан четлаштиришди, иккинчиси ўзи бўшаб кетди. Бири биз билан ёнма-ён жамоат очди, бу жамоат сони юз кишилик бўлган кичик йиғин бўлиб қолиб кетди. У чўпон ёрдамчиси бўлган пайтда, унинг қўл остида олти юздан ортиқ одам бор эди. У кетганидан сўнг деярли тез орада оилавий фожеани бошдан кечирди. Бошқа ёрдамчи шаҳардан кетиб, янги жойдаги хизматда унча-мунча муваффақиятларга эришди, лекин уни ёлғизлик ҳисси ва атрофдагиларнинг ишонмаслиги тарк этмади.

Ҳукм келиши биланоқ, Аҳарон тезда ўзи ва Мириам учун тавба қилиб, Худога илтижо қилди. Худо уларни кечирди, лекин барибир Мириам етти кун давомида йиғиндан ажратилган ҳолда қолишини айтди. Кўп саволлар туғилади: мисол учун, нега фақат Мириам жазоланди, Аҳарон эса зарар кўрмади. Сабаблардан бири Мириам Аҳаронга қараганда оғзаки ҳужумларида анча шиддатли бўлганлиги бўлиши мумкин. Бошқа бир тахмин шундан иборатки, Мириам аёл сифатида бундай оҳангда гапиришга номуносиб бўлган; бунинг устига, у ҳеч қандай муҳим мавқега эга эмас эди. Яна бир сабаб олий руҳоний Аҳарон мойланишга эга бўлиб, у ўз жойида керак экани бўлиши мумкин. Қандай сабаб бўлишидан қатъий назар, бу воқеа Худо итоатсизликка нақадар жиддий қарашини кўрсатади.

Руҳий ҳокимиятга қаршилик оқибатида келадиган ҳукм, кўпинча биз учун ўрганиш ва ўсиш имконияти ҳисобланади. Бундай ҳолатларда тавба қиладиган одамлар жамоатдаги энг содиқ инсонларга айланишади. Ҳар доим ҳам қаршилик ёвуз юракдан чиқмайди; кўпинча у билимсизликдан юзага келади. Тушуниш келганда, дарҳол унга тавба эргашади. Баъзан бу бироз вақт талаб этади, чунки айрим одамлар Худога қарши чиқишларидан келиб чиқадиган оғриққа кучли бардош бериш қобилиятига эгадирлар.

Ишончим комилки, Мириам ўша етти кунлик камситилишни умрининг охиригача эслаб қолган. Унда бунга ўхшаш хатти-ҳаракатларни бошқа кўрмаймиз, унинг итоатсизлиги ортиқ такрорланмади. Шунга қарамасдан, ҳамма ҳам тўғриланмайди ҳамда Мириам ва Аҳарон қилганидек, ўз хатоларидан сабоқ олишмайди. Худди ўша йиғиндаги баъзи бир кишилар кейинчалик Худо томонидан ўрнатилган ҳокимиятга барибир қарши кўтарилишди. Тавба қилмаган юраклари туфайли улар абадий маҳкумликка дучор бўлишди.

## НИМА УЧУН СИЗ ЎЗИНГИЗНИ БОШҚАЛАРДАН ЮҚОРИ ҚўЯСИЗ?

Йиғиндан уч киши – Левийнинг ўғли Корах, Рубеннинг ўғиллари Датан ва Абирам – атрофига таниқли одамлар бўлган жамоа бошлиқларини, икки юз эллик нафар кишини Мусо ва Аҳаронга қарши тўплаб, шундай дедилар: “Сизларга бас, етарли! Бутун жамоа, ҳамма муқаддас ва Раббий уларнинг орасидадир! Нима учун сизлар ўзларингизни Раббийнинг халқидан юқори қўймоқдасизлар?” (Сонлар 16:3).

Оддий қилиб айтганда, Мусо ва Аҳарон олдида етакчилик мавқеини эгаллаган ушбу одамлар: “Ҳой, йигитлар, сизлар ўзингизни ким деб ўйлаяпсизлар? Ўзингизни етакчилар деб атамоқдасизлар. Бизларнинг ҳаммамиз Худонинг халқимиз ва

Унга сизларнинг кўрсатмаларингизсиз ҳам бўйсунга оламиз” – дедилар. Биз илгари қаердадир шунга ўхшаш гапни эшитганмиз, тўғрими? Айнан шундай деб айтилмаган бўлсада, аниқ шунга ўхшаш хабар, кўпинча хатти-ҳаракатда ёки янада айёрроқ ибораларда акс этади, лекин руҳ ўша-ўша қолади. Уларнинг қандай гапирганини тасаввур қилиш мумкин: “Ҳаммамиз тенгмиз” ёки “Биз биродар ва опа-сингил бўлсак” ёки “Биз ҳаммамиз Муқаддас Рухга эгамиз; нима учун биз уларнинг етакчилигига бўйсунушимиз керак?” Ушбу одамлар исталган бошқа одам сингари Раббийни эшита олиши мумкинлигига амин бўладилар.

Жамоатда шогирдчилик деб аталган ҳаракат 1970-йилларда назоратдан чиқиб кетди ҳамда бундан ташқари, етакчиларга бўйсунуш соғлом маъно-мазмунини йўқотди. Одамлар чўпонлардан байрамда қолишини ёки ундан кетишини, машина сотиб олишни ёки бошқа нарса сотиб олишни, у ёки бу одамга ўйланишини ёки ўйланмаслигини сўрашарди. Ушбу воқеаларда иштирок этишга муваффақ бўлмаганман, шунинг учун буларнинг барчаси аслида қанчалик чуқурлашганини аниқ айта олмайман, лекин бунда иштирок этган одамларнинг ҳаммаси, охир-оқибат, Ёзувдан четга чиқиб кетганини айтишган.

Ушбу ҳаракат ва етакчиликдан ўз манфаатида фойдаланишлар, бошқа зид ҳолатга тушиб қолишга сабаб бўлди. Рухий ҳокимият белгиланган мақсадда фойдаланилмагани туфайли одамлар унга эътибор бермасликка қарор қилишди. Бу баъзи эркин рассомлар ва руҳий ўйсизларнинг пайдо бўлишига олиб келди, улар кўпинча ўзлари учун муқаммал чўпонни топа олишмагани учун, ўзларининг ибодат йиғинларини ўтказиб ва жамоатлар очиб, жамоатдан жамоатга, у юналишдан бу юналишга югуриб юрар эдилар.

Бундай фикрлаш Павлус бизни огоҳлантирган, қонунбузарликнинг яширин ҳокимиятининг кенгайишига ўз ҳиссасини қўшди.

Мусога қарши кўтарилган одамлар бундан бироз аввал

фиръавннинг шафқатсиз ҳукмронлиги остида бўлганлар. Сўнгра Мусо пайдо бўлди, унинг ҳокимияти ҳам бошқа маънода ҳаддан ташқари бўлиб кўринарди. Гоҳ-гоҳида у туфайли фиръавн даврида бўлганидан кўра янада жиддийроқ қийинчиликлар юзага келди. Эҳтимол, улар Мисрни тарк этиб, фиръавн билан хайрлашганларидан сўнг, энди уларга Мусо керакмас деб ўйлагандирлар. Улар ҳокимиятга бўйсунибдан чарчаган эди. Энди ҳар ким истаган жойига бориши мумкин. Нима бўлганда ҳам, улар Худога тегишли, етакчилар эса фақат ортиқча қийинчиликлар туғдирди, шунинг учун бир неча киши бирга тўпланиб, Мусога қарши кўтарилдилар.

Мен сафарлар чоғида шунга ўхшаш спектаклларнинг тез-тез гувоҳи бўлардим. Бизнесменлар, шафоат ибодати гуруҳлари, маслаҳат кенгашлари, жамоат ичидаги бошқа гуруҳлар чўпонга қарши бирлашишган. Уларнинг фикрича, улар Худодан эшитишлари мумкин-у, чўпон эса кар эди. Улар аслида, уларнинг ичида қандай руҳ яширинганини билсалар эди.

### РУҲИЙ ҲОКИМИЯТ ТАЙИНЛАНАДИ

Юқорида айтиб ўтганимдек, кўпинча биз ривожланган ғарб маданияти фуқаролари сифатида Шоҳликнинг тамойилларини ўзлаштиришимиз қийин бўлади. Биз шоҳликдан тўздан фарқ қиладиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик жамиятда яшаймиз. Шоҳликда туғилиш ҳуқуқи бўйича тайинланадиган подшоҳ бор. Демократик мамлакатларда ҳукумат халқ томонидан сайланади. Эркин эгалик тизимида етакчилик ҳокимиятга интилишдан ташқари, пул, қобилиятлар, таъсир ёки истеъдодга эга бўлганларга насиб этади. Лекин етакчилар тайинланадиган Худонинг Шоҳлиги бундай қурилмаган.

Исонинг Ўзи хизматлар бўлимидагиларни тайинлайди. Раббийдан бошқа ҳеч ким бирор кишини ҳокимиятнинг қандайдир мавқеига қўя олмайди, У эса бунини Худонинг

Руҳи билан қилади. Биз Худонинг тайинловисиз ҳоқимиятни ўзимизга олганимизда, биз ўзимизни юксалтирамиз. Бу даъват этилган, лекин ҳали тайинланмаганларни ҳам ўз ичига олади. Павлус қўйидагича огоҳлантирган: “Менга берилган иноят бўйича сизларнинг ҳар бирингизга шунни айтяпман: *ўзингиз ҳақингизда* керагидан ортиқ ўйламанглар” (Римликларга 12:3).

Ибронийларга мактубининг муаллифи одамнинг ўзи етакчининг ўрнини эгаллай олмаслигини таъкидлаган: “Бу шарафни эса ҳеч ким ўз-ўзича қабул қилмайди”. Олдинги оятлар у тайинланган бўлиши кераклиги ҳақида аниқ айтади. Мактуб муаллифи давом этади: “Шунга ўхшаб, Масих ҳам Олий Руҳоний бўлиш шарафини Ўзига Ўзи ўзлаштиради” (Ибронийларга 5:4, 5). Ҳатто Исо ҳам ўзбошимчалик билан етакчилик мавқеини эгалламаган, Ота Уни тайинлаган.

Павлус ўзи ҳақида нима деяётганига қулоқ тутинг: “Худонинг Хушхабари учун ажратилган ва даъват этилган ҳаворий ҳамда Исо Масихнинг қули бўлган Павлус” (Римликларга 1:1). У *даъват этилган*, кейин эса *ажратилган* деб айтди. Гарчи Павлус нажот топганида ҳаворий қилиб қўйилмаган бўлсада, дунёнинг яратилишидан бошлаб ҳаворийликка даъват этилган бўлган. Бундан олдин у Антиохиядаги жамоатнинг етакчиларига бўйсунганида, синов даврдан ўтган эди. Бир неча йил шундай давом этди. У ўзининг шахсий тажрибасидан келиб чиқиб, етакчиларга қўйидаги насиҳатларни ёзган: “Бундайларни эса аввал синаб кўриш керак, агар бенуқсон бўлсалар, шундагина хизматга *тайин қилиш* керак” (1-Тимотийга 3:10).

Павлуснинг ҳаёти биз учун Инжил намунасига айланди. У ёрдам бериш хизматида садоқати синовдан ўтиб, кейинги даража, муаллимлик даражасига кўтарилди (2-Тимотийга 1:11; Ҳаворийлар 13:1). Хизматкорларнинг хизматлари ва мавқеи бўйича Худонинг тартиби кейинги оятда намоён бўлади: “Худо эса баъзиларни жамоатда биринчидан ҳаворийлар,

иккинчидан пайғамбарлар, учинчидан муаллимлар қилиб қўйди. Яна баъзиларга... ёрдам бериш... инъомларини берди” (1-Коринфликларга 12:28).

Павлус нафақат ёрдам бериш хизматида, балки муаллим сифатида ҳам синовдан ўтказилди. Биз яна бир бор, муаллим Павлус ҳаворий бўлганида, Худонинг Ўз хизматкорларини янада юқорироқ даража учун танлаш тартибини кўрамиз: “Антиохия шаҳридаги жамоатда баъзи пайғамбарлар ва муаллимлар: Барнабо, Нигер деб аталган Симеон, киринялик Луций, вилоят ҳокими Ҳирод билан бирга тарбияланган Манаен ва Шоул бор эдилар (Ҳаворийлар 13:1). Кейинчалик Павлус деб аталган Шоул бу ерда Антиохия жамоатининг муаллимлари ва пайғамбарлари орасида санаб ўтилган. Биз Тимотийга биринчи мактубдан (2:11) у пайғамбарлардан бири эмас, балки муаллимлардан бири бўлганини билиб оламиз. Ўқишда давом этиб, қўйидагини билиб оламиз: “Улар Худога хизмат қилиб, рўза тутаяётганларида, Муқаддас Рух уларга: “Менга Барнабо билан Шоулни Мен уларни даъват этган иш учун ажратиб беринглар!” — деди” (Ҳаворийлар 13:2).

Муқаддас Рух: “Энди Менга ажратиб беринглар” – деди. Вақт келди. Ҳаммаси бир ҳафта олдин ёки кейин эмас, балки ҳозир айтилган эди! Раббий муддат ва ажратилиши керак бўлган одамларни белгилади. Павлус кўп йиллар давомида унинг ҳаётида ҳаворийлик даъвати борлигига амин эди. Бу Дамашқ йўлидаги учрашувидан сўнг, уч кун ўтиб очилган эди (Ҳаворийлар 9:15). Энди Исо бундан кўп йиллар олдин даъват этган одамни ажратди. Бу орада Павлус мустақил равишда юқорига кўтарилишга уринмасдан, садоқат билан хизмат қилди.

Раббий Павлус садоқат билан меҳнат қилган жамоатдаги тайинланган етакчиларидан фойдаланди. Оқсоқоллар ҳам шу йўсинда тайинланди. Давомида қуйиғича ўқиймиз: “Шунда улар рўза тутиб, ибодат қилдилар ва уларга қўлларини қўйиб,

уларни жўнатиб юбордилар. Улар эса Муқаддас Рух томонидан юборилиб, ...келдилар...” (Ҳаворийлар 13:3, 4).

“Уларни жўнатиб юбордилар” дейилганига эътибор қаратинг. Барнабо ва Павлус қўйилган етакчилар томонидан хизматга юборилдилар. Энди кейинги оятга назар ташланг: “Улар эса Муқаддас Рух томонидан юборилиб”. Павлус ва Барнабо Исо томонидан Муқаддас Рух ёрдамида, жамоатнинг тайинланган етакчилари орқали тайинланиб, ажратилган эдилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Исо буни ҳокимиятнинг тегишли занжири орқали амалга оширди.

Исо бунинг учун Антиохиядаги пайғамбарчиликда фаолият юратадиган шафоат ибодати гуруҳини ишлатмади, Павлус билан Барнабони бошқа шаҳарга пайғамбарчилик йиғинига ёки улар тегишли бўлмаган ўша шаҳардаги бошқа жамоатга юбормади. У бунинг учун жамоатдаги ўзига хос руҳий инъомга эга бўлган кимнидир ишлатмади.

Раббий Антиохиядаги жамоат орқали Ўзи ўрнатган ҳокимиятдан фойдаланди. Мана нима учун Худо: “Ҳеч кимга қўлингни шошилинч қўймагин” – деб огоҳлантирган (1-Тимотийга 5:22). Етакчилар жамоатда хизмат қилаётганларнинг садоқатини кузатадилар, шунинг учун Раббий уларнинг юракларига маълум бир одамни тайинлашни айтганда, улар бу кўрсатма Раббийдан чиқаётганига ишонч ҳосил қиладилар. Худонинг Янги Аҳддаги жамоатда етакчилик мавқеига имонлиларни тайинлаш услуби шу тарзда белгиланган.

## МУДДАТДАН ОЛДИНГИ ЧОРЛОВ

Мусо даъват этилган бўлиб, бу ҳақида ёшлигидан билар эди.

У қирқ ёшга тўлганида, унинг юрагига ўз биродарларини, яъни Исроил ўғилларини кўргани бориш нияти келди. Улардан бирининг ноҳақ азобланаётганини кўриб, уни

ҳимоя қилди ва мисрликни ўлдириб, у учун қасос олди. У: “Худо менинг қўлим билан уларга нажот бераётганини биродарларим тушунадилар”, – деб ўйлаган эди. Аммо улар тушунмадилар. Эртаси куни, улардан баъзилари уришаётганларида, у келди ва уларни тинчликка чақириб: “Сизлар – биродарсизлар, нима учун бир-бирингизга озор беряпсизлар?” – деди. Бироқ ўз яқинига озор бераётган одам Мусони итариб ташлаб, унга: “Ким сени бизнинг устимиздан бошлиқ ва судья қилиб қўйди?” – деди (Ҳаворийлар 7:23-27).

Мусо етаклаши керак бўлган одамлар, унинг ҳоқимиятини тан олмадилар. Кейинчалик Корах, Датан ва Абирам: “Бизнинг устимиздан ким сени бошлиқ ёки судья қилиб қўйди?” – деб айтган худди шу сўзларни кимдир айтган эди. Бироқ нима учундир ўша одам ҳеч қандай оқибатларни бошидан кечирмади. Гап шундаки, Мусо ўшанда ҳали етакчи этиб тайинланмаган эди. Гарчи чорлов унинг юрагига кирган бўлсада, унда Худонинг ҳоқимияти йўқ эди.

Ўйлайманки, нима учун бу одамлар саҳрода Мусога қарши бунчалик қаттиқ бош кўтарганларининг сабабларидан бири шундан иборатки, улар унда Худонинг ҳоқимиятини кўрдилар, лекин бу уларга ёқмади. Буни одамлар, аслида Мусога қарши эмас, балки Худого қарши курашганлари ҳақидаги Худонинг сўзлари тушунтириб беради. Биз бугун бундай ҳолатларга қанчалик тез-тез дуч келамиз! Ҳақиқатан ҳам Худонинг ҳоқимиятига эга одамлар кўпинча атрофдагиларнинг қаршилигига учрайдилар, чунки одамлар, аслида юқори ҳоқимиятга қаршилиқ қиладилар.

### ЎЗ-ЎЗИНИ ТАЙИНЛАШ АЛДАМЧИ ВА ХАВФЛИДИР

Корах, Датан ва Абирам Мусога қарши чиққанларида, у аллақачон етакчи этиб қўйилган ҳамда унинг ҳоқимиятининг исботи ҳамма учун аён эди. Ушбу одамлар эса қаллоб ва ўзларича

ҳақ каландимоғ эдилар. Уларнинг хулосалари исённинг ёлғон ва хавfli шаклини намоён қиларди. Ёлғон эканининг сабаби, улар ҳали ҳам ўз исёни билан Худога хизмат қиляпмиз деб ишонишларида эди. Ўша икки юз эллик нафар етакчилар фақат Мусо ва Аҳаронга қарши чиқяпмиз деб ўзларини ишонтиришди; уларнинг қаршилиги Раббийга нисбатан бўлганига шубҳа ҳам қилишмади, чунки улар Унга хизмат қилишни хоҳладилар. Улар Худонинг Мусо устидаги ҳокимиятини эътибордан четда қолдириб, қаердадир ортга чекиндилар, улар унга қарши исён кўтариш учун асос олдилар. Бу хавfli эди, чунки кўпинча бундай хатти-ҳаракат ортидан оғир ҳукми олиб келади. Бу айнан Люцифернинг қулашини такрорлайди.

Мусо ушбу одамларнинг сўзларини эшитиб, буларнинг ортида қандай руҳ турганини тушунди ва Раббийнинг қаршисида юзтубан йиқилди. У улар билан баҳслашиб ўтирмади. Худо томонидан қўйилганлар, Унинг юрагига эга бўладилар ва кимгадир ўзининг ҳақлигини исботламайди. Мусо Худони шу қадар яхши билар эдики, Раббий Ўзи тайинлаган етакчиликни тасдиқлашини тушунар эди. Мусо деди:

Наҳотки сизлар Раббийнинг чодирда хизмат қилишингиз ва жамоа қаршисида туриб, уларга хизмат қилишингиз учун Исроилнинг Худоси сизларни Исроилнинг жамоасидан ажратиб олгани ва сизларни Ўзига яқинлаштиргани сизларга кам бўлса? У сени ва сен билан бирга барча биродарларингни, Левий ўғилларини Ўзига яқинлаштирди. Сизлар эса яна руҳонийликни ҳам талаб қиляпсизларми? Шунинг учун сен ва сенинг барча шерикларинг Раббийга қарши тўпландинглар (Сонлар 16:9-11).

Улар ўзларига ишониб топширилгандан кўра кўпроқ нарсага ёпишиб олдилар ва кутилмаганда Худога қарши шерикларга айланиб қолишди. Улар Худо уларга бермаган ҳокимиятнинг

шундай даражасига интилишди. Мусо уларга такрорлаб: “Левий ўғиллари, сизларга бас, етарли!” – деди (Сонлар 16:7). Улар ўзларининг қайсарлигида чекинмоқчи эмаслиги маълум бўлганидан сўнг, Раббий Мусога деди: “Жамоага: «Корах, Датан ва Абирамнинг чодирлари атрофидан узоқлашинглар» – дегин”. Шундай қилиб, Мусо ўрнидан туриб, унга содиқ етакчилар ҳамроҳлигида Датан ва Абирамнинг чодирларига шошди. У халққа: “Бу бетавфиқ одамларнинг чодирларидан узоқлашинглар ва уларга тегишли бўлган ҳеч бир нарсага тегинманглар, токи уларнинг барча гуноҳларида ўлманглар” – деди. Улар Корах, Датан ва Абирамнинг чодирларининг атрофидан узоқлашдилар; Датан ва Абрам чиқиб, ўз хотинлари, ўғиллари ва кичкина болалари билан чодирларининг эшиклари олдида турдилар.

Мусо деди:

“Бу барча ишларни қилишга Раббий мени юборганини мана шундан билиб оласизлар, зеро мен буларни ўз-ўзимча қилаётганим йўқ. Агар улар барча одамлар ўладигандек ўлсалар ёки улар барча одамлар *каби* қаримта олсалар, унда мени Раббий юбормаган бўлади. Бироқ агар Раббий янги нарсани амалга оширса ва ер оғзини очиб уларни ва уларнинг барча нарсаларини ютиб юборса ҳамда улар тириклайин дўзахга тушиб кетсалар, унда ушбу одамлар Раббийни менсимаганларини сизлар билиб оласизлар”. У бу сўзларни айтиб бўлгани заҳоти уларнинг остидаги ер иккига бўлинди. Ер оғзини очиб, уларни, уларнинг уйларини ва Корахнинг барча одамларини ҳамда уларнинг барча мол-мулкани ютиб юборди. Улар барча ўзларига тегишли бўлган нарсалари билан биргаликда тириклайин дўзахга тушиб кетдилар ва ер уларнинг устидан ёпилди: улар жамоа орасидан ўлиб кетдилар. Уларни ўраб турган бутун Исроил уларнинг қичқириқларидан югуриб кетди: зеро улар: “Бизларни ҳам ер ютиб юбормасин”, – дедилар. Раббийдан

олов чиқиб, тутатқи келтирган ўша икки юз эллик кишини еб битирди (Сонлар 16:24:35).

Ушбу одамларга келган даҳшатли ҳукм, одамни ақлини жойига соладиган иккита асосни беради. Биринчидан, гарчи ушбу одамлар, аслида Худога қаршилиқ қилган бўлсаларда, ҳали ҳам Унга хизмат қилаётганига чин дилдан ишонишар эди. Иккинчидан, Янги Аҳдда Ҳаворий Яҳудо охириги кунларда жамоатда ҳам шунга ўхшаш “ўз таналарини ҳаром қиладиган, ҳокимиятларни рад қиладиган, юқори мавжудотларни ҳақорат қиладиган” одамлар бўлишидан огоҳлантирган (8-оят). Сўнгра у давом этиб: “Уларнинг ҳолига вой, чунки улар Қаъннинг йўлидан бормоқдалар... Корахга ўхшаб исён қилиб, ҳалок бўлмоқдалар” – деди (11-оят).

### ИСЁН ЮҚУМЛИ

Ушбу бобда исённинг иккита алоҳида ҳолати баён этилган. Биринчиси Корах, Датан ва Абирам билан икки юз эллик нафар етакчиларга тегишли эди. Иккинчиси эртаси куни бутун халқ Мусо ва Аҳаронга қарши кўтарилганда содир бўлди. Халқ уларни ўраб олиб: “Сизлар Раббийнинг халқини ўлдирдингизлар” – дейишди (Сонлар 16:41). Ўз-ўзидан, кеча кўрган нарсалари уларни ларзага келтирди, лекин улар ҳамма нарсада Мусони айбладилар. Ўша одамларнинг исённинг таъсири шу қадар кучли эдики, ҳатто ер барча фитначиларни ютиб юборган шундай гувоҳликдан сўнг ҳам, халқ уларнинг қўзғолони жуда хавfli эканини тушуниб етмади. Шу каби ҳолатлар бизнинг кунларимизда ҳам борлиги ташвишга солади. Халқ Мусо ва Аҳаронга қарши кўтарилганда, Худо шунчалар ғазабланганидан, уларнинг барчасини йўқ қилмоқчи бўлди. Лекин Мусо ва Аҳарон одамларнинг тарафини олди. Натижада, одамлар қутқарилди; аммо Раббий томонидан юборилган вабо қароргоҳ устига тарқалиб, 14 700 одамнинг ҳаётини олиб кетди!

Олдинги кундаги йўқотишлар билан солиштирмаса ҳам бўлади!

Худонинг халқи, менинг огоҳлантиришимга қулоқ тутинг: қўзғолон юқумли ва жуда хавфлидир. Муқаддас Китоб Худога қўзғолон *ёқмаслигини* айтмайди. Ёзув Худо ундан *нафратланишини* таъкидлайди. Унинг исёнга нисбатан қараши оддий ёқтирмасликдан анчагина жиддийроқдир. Қўзғолон кўтарган Люцифердан осмонни тарк этишини илтимос қилишмади; у ерга уриладиган яшин тезлигида улоқтириб ташланди (Луқо 10:18га қаранг). Қўзғолончига ўхшаш бўлиш истаги ҳалокатли. Шу сабабли Павлуснинг Римдаги жамоатга насиҳатларининг якунловчи сўзлари қуйидагилар эди:

Биродарларим, сизлардан ўтинаманки, сизлар ўрганган таълимотингизга хилоф равишда бўлинишларга ва васвасага сабаб бўладиган одамларни назорат қилинглр ва улардан четлашинглр. Чунки бундай одамлар Раббимиз Исо Масихга эмас, балки ўз қорнига хизмат қиладилар. Улар тилёғламалик ҳамда нотиқлик билан соддадилларнинг юракларини алдайдилар (Римликларга 16:17, 18).

Менинг ҳам ушбу бобга якунловчи сўзларим худди шундай бўлади. Ушбу хабар сизни қувонч ва ғайратга чорламаслиги мумкинлигини пайқаяпман, лекин бу сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолиши мумкин. Бу ҳақиқат эмлаши эканини эслаб қолинг; у ёқимсиз бўлиб кўриниши мумкин, бироқ унинг ҳимояси ўша қисқа муддатли қулайликдан анчагина устундир. Сиз ушбу хабарда Худонинг севгисини кўришингиз учун ибодат қиламан. У сизнинг ҳимоянгиз учун сизларга огоҳлантириш беради.

15-БОБ

## БИРЛИК

*Ҳокимият Худонинг шарафини жалб  
қиладиган бирликни келтиради.*

**И**лоҳий ҳокимият остида яшашнинг биз ҳозиргача муҳокама қилган нарсалардан кўра каттароқ мақсади ва катта афзаллиги мавжудми? Жавоб – шубҳасиз, ҳа! Бу Худо Шоҳлигининг муваффақиятли кенгайишидир.

Исо жамоат учун белгилаган мақсадларидан бири бу *бирликдир!* Ушбу мақсадга эришиш буюк имтиёздир. У шундай деб ибодат қилди:

“Нафақат улар учун, балки уларнинг сўзлари бўйича Менга ишонадиганлар учун ҳам ибодат қиламан. Уларнинг ҳаммаси бир бўлсин. Отам! Худди Сен Менда ва Мен Сенда бўлганим каби, улар ҳам Бизларда бир бўлсинлар, токи дунё Сен Мени юборганинга ишонсин. Сен Менга берган *шуҳратни* Мен уларга бердим, токи Биз бир бўлганимиз каби улар ҳам бир бўлсинлар” (Юҳанно 17:20-22).

Биз учун тайёрланган шуҳрат мавжуд, бироқ у бизнинг бирлигимиз билан чамбарчас боғлиқдир. “Шуҳрат” оғзаки

нутқда кўп ишлатиладиган сўз эмас. Вебстернинг онлайн луғати шуҳрат сўзини “буюк гўзаллик ва ҳашамат; улуғворлик” дея таърифлайди. Юнончада “докса” сўзи ҳам шунга ўхшаш таърифланади. Бироқ, Муқаддас Китоб сўзларини ўрганишнинг тўлиқ луғати шундай қўшимча қилади: “Худонинг шуҳрати ва Унинг моҳиятан ким бўлгани”.

“Докса” сўзининг Эски Аҳддаги эквиваленти ибронийча “кавод” сўзидир. Ҳашамат, бойлик, қудрат, шон-шараф, улуғворлик ва вазн – бу сўзнинг айрим бир сўзли таърифларидир. Шунчаки бир дақиқа тўхтаб, бу сўзнинг аҳамияти ҳақида фикр юритинг. Муқаддас Китоб Худонинг шуҳрати ҳақида гапирганида, у Унинг ҳашаматини, Унинг туганмас бойлигини, Унинг ҳамма нарсага қодирлигини, Унинг табиатининг мўл-кўллигини, Унинг буюк шон-шарафини ва Унинг моҳиятининг улуғворлигини назарда тутди. Сўнги таъриф “вазн” бу сифатлар чексиз эканини, бироқ тўлиқликда мавжудлигини кўрсатади; оддий қилиб айтганда, гап Унинг улуғворлигининг вазни ҳақида кетмоқда.

Исо инсон сифатида намоён бўлган Худодир. Биз доимо Унинг сўзларининг муҳимлигини ёдда сақлашимиз лозим: “Мени кўрган, Отамни кўрган бўлади” (Юҳанно 14:9). Ҳаворий Юҳанно энг аввалида, бошида Сўз Худо бўлганини эълон қилган. Кейин у давом этиб: “Сўз танага айланди ва бизларнинг орамизда яшади. Биз эса Унинг *шуҳратини* кўрдик” – деди (Юҳанно 1:14). Унинг шуҳрати турли йўсинда намоён бўлган, лекин айниқса, Унинг қудрати орқали намоён бўлган. Юҳанно 2:11 бунга кўрсатувчи кўплаб оятлардан биридир: “Шундай қилиб, Исо Галилиянинг Кана шаҳрида мўъжизалар қилишни бошлаб, Ўз шуҳратини намоён қилди”. У ерда бўлганида *Худонинг улуғворлигининг вазнини* намоён қилди.

У кетишидан олдин бизга топшириқ берди: “Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юборяпман” (Юҳанно

20:21). Биз ушбу буюк топшириқни бажара олишимиз учун Исо Унинг улуғворлигининг вазни бизда бўлиши учун ибодат қилди. Айтиб ўтилганидек, бу ваъда бизнинг бирлигимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Ёзилганки: “Биродарларнинг бирга яшаши нақадар яхши ва ёқимли... чунки Раббий ўша ерда дуойи-баракатни, абадий ҳаётни амр этди” (Сано 132:1-3). Унинг шўҳратида бўлишдан, яъни Унинг ҳузурининг тўлиқлигини ҳис қилишдан кўра, каттароқ дуойи-баракат йўқ. Бу бўлинган жамоат учун имконсиздир, лекин бирлик бўлган жамоат учун имконлидир.

### МУКАММАЛ НАМУНА

Илк жамоат ушбу ҳақиқатнинг ёрқин мисоли ҳисобланади. Исо самога кўтарилиб кетди ва Унинг садоқатли издошлари Унинг болохонада қолиш буйруғига бўйсундилар (Ҳаворийлар 1:4). Исо қайта тирилганидан сўнг қирқ кун давомида ҳеч бўлмаганда беш юз нафар эркак ва аёлларга намоён бўлди (1-Коринфликларга 15:6), бироқ ўн кун ўтгач, улардан фақат бир юз йигирма киши Иерусалимда қолди. Қолган юзлаб имонлилар қаерда эдилар? Биз уларнинг қаерга кетганини билмаймиз, лекин улар Исонинг Отадан ваъда қилинганни кутиш буйруғига бўйсунмаганларини аниқ биламиз.

Болохонада қолган эркак ва аёллар бирликда Унинг сўзининг ҳокимияти остида – Унинг тўғридан тўғри ҳокимияти остида эдилар. У тайинлаган етакчига нисбатан уларнинг муносабати қандай бўлади?

Исо кетишдан олдин Петрусни Ўз издошларига етакчи этиб тайинлади. Петрус бошқа шогирдлар орасида ажралиб турарди. Унда Худонинг йўлларини таниб-билишга кўпроқ чанқоқлик бор эди, у бошқаларга берилмаган доноликни олди ва у бошқа шогирдларга таъсир кўрсатарди. Унда шубҳасиз, етакчилик инъоми бор эди. Аммо у кўп ҳолларда таъсирчан

эди ва Худонинг иродасига зид эди. У Исо Масихни барҳаёт Худонинг Ўғли дея дадил эълон қилганда, Исо уни бу ваҳий учун мақтади ва Петрусни дуо-баракатли деб айтди, чунки бу ҳақиқат унга илоҳий тарзда очилган эди. Бироқ, бор-йўғи бир неча дақиқадан сўнг Исо “ўгирилиб, Петрусга: “Йўқол Менинг олдимдан, шайтон! Сен Мен учун васвасасан, чунки сен Худонинг нарсалари ҳақида эмас, балки инсоннинг нарсалари ҳақида ўйлаяпсан, – деди” (Матто 16:23).

Бошқа бир воқеада Петрус сув устида юрганда, бу вақтда қолган шогирдлар қайиқда қолиб, шунчаки кузатишди. У яна пешқадамлик қилди. Бироқ бор-йўғи бир неча лаҳзадан сўнг, қолганлар унга эргашиб, сув устига чиқишга улгурмасидан олдин, у чўка бошлади. Исо: “Эй, имони кам, нима учун шубҳаландинг?” – деб, норозилик билдирди.

Яна бир воқеада Исо тоққа кўтарилаётганда, Унга ҳамроҳлик қилиш учун Юҳанно ва Ёқуб билан бирга Петрусни танлади. Улар борганларидан сўнг, Исонинг қиёфаси ўзгарди; Унинг юзи қуёш каби порлади ҳамда Унинг кийими кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ бўлди. Кейин Мусо ва Элий намоён бўлиб, Исо билан суҳбатлаша бошлади. Бу ноёб ҳодисанинг гувоҳига айланиш учаласи учун нақадар имтиёз ва нақадар шарафли эди! Бироқ бу тугашидан олдин, Петрус чодир қуришни – улардан иккитаси Элий ва Мусо учун бўлишини таклиф қилди. Яна у пешқадамлик қилди, лекин у ҳатто ўша буюк шўхрат муҳитида ҳам Худонинг иродасига зид эди.

Петруснинг энг катта муваффақиятсизлиги – Масихдан тониши ҳам, ушбу издошларнинг хотирасидан ҳали кетмаган эди. Тирилишдан сўнг қабр олдидаги фаришта уч нафар аёлларга кўрсатма бераётиб, Петрусни алоҳида тилга олиши керак эди: “Шунинг учун боринглар, Унинг шогирдларига ва Петрусга: “Исо сизларга айтганидек, сизлардан олдин Галилияга боради. Ўша ерда Уни кўрасизлар”, – деб айтинглар”

(Марк 16:7). Бу уч аёллар ҳам кўпгина шогирдлар сингари Петрусни таслим бўлган деб ўйладилар.

Демак, савол қуйидагича: ушбу янги жамоатнинг аъзолари бундай беқарор хизмат рўйхатига эга одамга бўйсуниб, итоатда бўла оладиларми? Унинг таъсирчан хулқ-атвори, фикр ва мулоҳаза юритиш тарзи ва унинг қарорлари бенуқсон бўлмай, кўпинча хатоларга мойил эди. У беқарор даврда ёш жамоатни бошқариш учун энг аъло номзод эмас эди.

Буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда, келинг, эндигина асос солинган жамоатда Петруснинг етакчи сифатида илк қарорини кўздан кечирамиз. Орадан бир неча кун ўтди ва Петрус Санолар китобида пайғамбарчилик сўзини топди, бу сўз Яҳудо Исони сотишига тўғридан-тўғри алоқадор эди. Петрус бунини болохонада кичик йиғинга ўқиб берди: “Бу ҳақида Санолар китобида ёзилган бўлиб, у ерда: Унинг мансабини бошқаси эгалласин” – деб айтилган” (Ҳаворийлар 1:20-21, NLT). Петрус яна бошқалар кўрмаган нарсани кўрди. У бу ваҳийни тўғри ишлата олармикан?

Мен ёзмоқчи бўлаётган нарсани албатта, тахмин сифатида қараб чиқиш мумкин. Бироқ ўз нуқтаи назаримни тўғрилигини кўрсатиш учун Худонинг Сўзидан етарлича далилларни келтираман деб умид қиламан. Петрус навбатдаги қарорни қабул қилишда Худонинг иродасини яна бир бор эътибордан четда қолдирганига ишончим комил. У бошидан улар билан бирга бўлган эркакларни “қуръа ташлаб”, Худо улардан кимни Яҳудонинг ўрнига танлашини кўриш учун йиғишни таклиф этди.

Янги Аҳднинг ҳеч бир жойида Худо ҳаворийни қуръага кўра (лотерея тизими бўйича) танлашини топмайсиз! Исо уч ярим йил давомида уларга Худонинг йўлларини кўрсатди ва намуна қолдирди: У биринчи ўн икки шогирдларини танлашдан олдин тун бўйи ибодат қилиб, Худодан эшитди (Луқо 6:12, 13). Петрус унинг намунасига амал қилганида яхши бўларди.

Бундан ташқари, бир неча йил ўтгач, Антиохия жамоатидаги пайғамбар ва муаллимлар Исонинг намунасига амал қилишди – Павлус ҳаворийлик хизматига ажратилишидан аввал (Ҳаворийлар 13:1-4) улар рўза тутиб, ибодат қилдилар, мана шу ҳақиқат Петруснинг қарори шошилинич бўлганининг яна бир тасдиғи ҳисобланади.

Болохонада бўлган бир юз йигирма киши иккита номзодни: Юстус ва Маттиасни топдилар. Биз Петруснинг қарорининг ҳосилини кўришимиз мумкин. Маттиас бу лотерияда ғолиб бўлди ва шогирдлар қаторига кирди (Ҳаворийлар 1:23-26), аммо биз Янги Аҳдда унинг исмини бирор марта ва ҳеч қаерда кўрмаймиз. Нима учун? Чунки Яҳудонинг ўрнига Худонинг танлангани Маттиас эмас, Шоул (ёки Павлус) эди. Мана нима учун Павлус бундай ёзган:

Уни [Исони] Ёқуб, кейинроқ эса барча ҳаворийлар кўрган. Энг охириги бўлиб, *худди мен чала туғилгандек*, мен ҳам Уни кўрдим. Чунки мен барча ҳаворийларнинг энг кичигиман (1-Коринфликларга 15:7-9, NLT).

Павлус ўзини *чала туғилган* деб атади; бошқача сўз билан айтганда, у аслида биринчи ўн иккита ҳаворийларнинг бири бўлиш учун жуда ҳам ёш эди. Бу масалани ўргана туриб, Павлуснинг туғилиши ҳақида турлича манбаларни топдим, уларнинг фикрлари ўн тўрт ёшгача фарқ қилади. Шунинг учун унинг ёши ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун Янги Аҳднинг воқеалар кетма-кетлигини кўриб чиқайлик. Кўпгина тарихий маълумотларга мувофиқ Стефаннинг азобли ўлими Исо тирилганидан сўнг, тўрт йил ўтиб яқинлашди. Стефанни тошбўрон қилишганда, Муқаддас Китоб Шоулни (Павлус) ёш йигит деб атайди (Ҳаворийлар 7:58). Юнонча-инглизча луғат “йигит” сўзига “эндигина жинсий балоғатга етган” деб таъриф беради. Павлус илк шогирдлардан бири бўлиш учун жуда ёш

бўлганини ишонч билан тахмин қилиш мумкин.

Худонинг танлангани Павлус бўлганига бутунлай ишончим комил. У Маттиасга қараганда, анча кўпроқ ҳаворий ҳосили ва ҳокимиятига эга бўлган. Петрус етакчи сифатида Худонинг режасига мувофиқ келмайдиган кутилмаган қарорни қабул қилганига аминман. Агар у шунга ўхшаш қарорни ҳозирги жамоатда қабул қилганида эди, жамоат бўлиниб кетиши аниқ эди. “Ҳаворийларни лотерея тизими бўйича танлашга қарши бўлганлар” гуруҳи ажралиб кетган бўларди, “ҳаворийларни лотерея тизими бўйича танлаш тарафдорлари” гуруҳи жамоатда қолган бўларди. Аммо Муқаддас Китобда ушбу воқеадан сўнг бирдан ёзилган сўзларга қулоқ тутинг:

“Элликлик” куни келганида, уларнинг ҳаммалари *якдиллик* билан бирга эдилар” (Ҳаворийлар 2:1).

Юнончада “якдиллик” сўзи – бу “һомотумадон” сўзидир. Муқаддас Китоб сўзларини ўрганишнинг тўлиқ луғати бу сўзни “ақлан бир, бир овоздан, якдиллик билан, ҳамма биргаликда” деб таърифлайди. Биз бу таъриф бўлиниш учун фикрларда ҳам, ишларда ҳам ўрин қолдирмаслигини кўрамиз. Улар мақсадларда, фикрларда, юракда ва руҳда бир эдилар.

Ушбу тўлиқ бирликнинг натижаси қандай бўлди? Худо Ўзининг шўҳратини қаерлардадир юрган уч юз саксон кишининг устидан эмас, балки юрагида, фикрлари ва ишларида *бирликда* бўлган бир юз йигирма нафар шогирдлар устидан намоён қилди. Иерусалим шаҳри, Масиҳнинг ушбу издошларининг устида бўлган Худонинг шарафи тўфайли абадий ўзгарди.

Болохонада бўлган эркаклар ва аёллар Петруснинг бошқарувига иккита сабабга кўра бўйсундилар. Биринчидан, гарчи лотерея тизими бўйича ҳаворийни танлаш, эҳтимол, Худонинг режасидан фарқ қилсада, бу гуноҳ эмас эди.

Иккинчидан, улар Худо тайинлаган етакчига тўлиқ бўйсундилар. Худонинг тўғридан-тўғри ҳокимияти Унинг вакил қилиб топширилган ҳокимияти билан боғлиқлигининг навбатдаги тасдиғини кўрамиз. “Мен Худога бўйсунганман” – деб айтадиган одамлар бор, бироқ улар У Худо томонидан тайинлаган етакчиларга қаршилик қиладилар. Улар алданганлар. Агар биз ҳақиқатан ҳам Худога бўйсунган бўлсак, биз ўз етакчиларимизга икки сабабга кўра бўйсунамиз. Биринчидан, Унинг тўғридан-тўғри ҳокимияти бизга етакчиларимизга бўйсунушимизни буюради. Иккинчидан, биз етакчиларимизга бўйсунамиз, чунки Унинг бизнинг устимиздан бўлган ҳокимиятини тан оламиз. Демак, агар вакил қилиб топширилган ҳокимият бизга гуноҳ қилмасликни буюрса, унда унга бўйсунуш Худога маъқул ва фойдалидир. Биз шу тарзда йўл тутганимизда, Худонинг шўҳрати намоён бўлади ва Унинг шўҳлиги шиддат билан кенгайишни бошлайди.

### АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Биз қуйидаги оддий бўлмаган саволларни беришимиз керак:

- Жамоатнинг ҳокимиятига бўйсунушга қодир эмаслигимиз туфайли Худонинг улуғворлигининг намоён бўлишига тўсқинлик қилдикми?
- Бизнинг бўйсунушимиз розилигимизга боғлиқми?
- Биз бўлинишга ўз ҳиссамизни қўшдикми?

Ишончим комилки, болохонада Петрус каби ҳамма нарсани нотўғри қилишни афзал биладиган шогирдлар бўлган. Шубҳасиз, Исонинг намунасига эргашиш ва ҳозир бирга бўлганлардан кимнидир танлаш ҳақида қарор қабул қилишдан олдин, Худони излаш энг доно қарор бўлган бўларди. Бундай йўл тутиш, қуръа ташлаб ва ҳаворийлик хизматига Худо томонидан даъват этилмаган бирор кишини

тайинлаб, муаммони кучайтиргандан кўра, анчагина оқилона бўларди.

Бунни қилишнинг энг яхши йўли бор бўлишига қарамасдан, болохонадаги одамлар олий йўлни – ўз етакчисининг стратегиясини қабул қилиб, *бирликни* сақлашни танладилар. Ҳар бири худди бу *унинг* ғояси бўлгандек ҳаракат қила бошладилар. Хизмат қилиш услубларида маъносиз ёки арзимас келишмовчиликлар туфайли қанчалик кўп бўлиниб кетамиз? Ёки бизни ажратиши керак бўлмаган эътиқод таълимотлари, масалан, Исо буюк азобдан олдин, ўша вақтда ёки кейин келиши ҳақидаги таълимотлар туфайли бўлинамизми? Чўпон костюмнинг ўрнига жинси кийгани бизга ёқмайди. Бизга ҳамду-сано хизмати вақтида махсус эффе́ктлар яратадиган тутун машиналари ва ёруғлик чироқлари ёқмайди. Чўпон жуда узоқ ёки етарлича узоқ бўлмаган воизлик қилади. Биз етарли даражада узоқ ибодат қилмадик ёки аниқ бир муаммо тўғрисида ибодат қилмадик. Тўғриси айтганда, бу рўйхат тугамайди. Биз осонгина бўлиниб кетаётганимиздан юрак эзилади. Аммо бўлинишларни доим ҳам таниб-билиш осон бўлмаслиги ташвишлантиради. Янги Аҳд кўпинча бизга нафақат ишларимизда бирликда бўлишимизни буюради. Мана бир нечта мисоллар:

“Унда менинг қувончимни мукамал қилинлар: *бир хил фикрга* ва худди ўша севгига эга бўлинлар, *якдил* ҳамда *ҳамфикр* бўлинлар” (Филиппиликларга 2:2).

“Ниҳоят, биродарларим, қувонинлар, камолотга интилинлар, бир-бирингизни юпатинлар, ўзаро *ҳамфикр* ва тинч-тотув бўлинлар, шунда севги ва тинчлик Худоси сизлар билан бирга бўлади” (2-Коринфликларга 13:11).

“Фақат Масихнинг Хушхабарига муносиб равишда ҳаёт кечиринлар. Токи мен келиб сизларни кўрсам ҳам, ёки

келмасам ҳам, сизларнинг *бир руҳда* турганингизни ва яқдиллик билан Хушxabарнинг имони учун курашаётганингизни эшитайин” (Филиппиликларга 1:27).

Бўлинишлар фақат қарама-қарши сўзлар ёки ишлар билан чегараланмаган; улар янада чуқурроқда – фикрлар, юрак ва руҳда бўлади. Узоқ йиллар давомида ота-онам Шарқий қирғоқда, Флорида штатининг Веро Бич шаҳрида яшаганлар. Бу шаҳардан тахминан йигирма километр шимолда Себастьян кўрфази деган жой бор. У маҳаллий аҳолига ўзининг кучли сув ости оқимлари билан машҳур. Сув ости оқими – оддий кўз учун кўринмайдиган ҳодисадир. Уммон юзасига қаралганда, барча сув соҳил томон ҳаракатланиб, бир йўналишда оқаётганга ўхшайди. Аммо сув юзасининг остида сув тескари йўналишга тез ҳаракатланади. Бу тескари оқим ўзининг қурбонларини қўлга олади, кўпинча уларнинг ҳаётини олиб, уларни очиқ денгизга олиб кетади.

Бизнинг жамоатларимизда Худонинг шуҳрати намоён бўлишига тўсқинлик қилаётган “сув ости оқимлари” мавжудми? Айнан шогирдларнинг бирлиги тўфайли бутун Иерусалим Исонинг тирилиши ҳақида эшитди; Унинг ҳузури ва қудратининг улўғворлиги ақл бовар қилмас эди! Агар ўйлаб қаралса, уларда ўз йиғинлари ҳақида эълон қилиш учун телевидения, радио ёки ижтимоий тармоқлар бўлмаган, лекин ўша эълон қилинмаган, кутилмаган хизматларда минглаб одамлар нажот топган.

Энди биз энг ҳушёрликка ундовчи саволни беришимиз керак: бизлардан қанчамиз Исо бизни намоён қиладиган нарсалардан ҳайратланиб ва саросимага тушиб, Унинг ҳукм курсиси қаршисида турамыз? У кўзларида ёш билан биз шаҳар ва қишлоқларимизда Худо Рўҳининг намоён бўлишига, қай тарзда халақит берганимизни бизга кўрсатар эканми? Бизнинг келишмовчиликларимиз кўплаб одамларнинг нажотга

келишига имкон бермаган сув ости оқимига айланди. Биз ўз етакчиларимизга юрагимизда, фикрларимиз ва ишларимизда қўшилмадик. Ҳа, балки биз ҳақ бўлгандирмиз; эҳтимол, яхшироқ ва ҳатто аълороқ Инжил стратегиялари ва усуллари мавжуд бўлгандир; лекин нима яхшироқ, ҳақ бўлишми ёки Худонинг шуҳратида бўлишми? Ҳақ бўлишми ёки кўпларни Худонинг шоҳлигига олиб келишми?

### ТУРЛИ УСЛУБЛАР

Етакчилар илоҳий режа ва стратегиялардан узоқлашиши мумкинлиги сир эмас. Мен етакчи бўлган чоғимда шахсан ўзим муваффақиятсиз қарорларни қабул қилган жуда кўп ҳолатларни эслаб, бу ҳақида титроқ ва афсус билан ёзмоқдаман. Бироқ, ажабланарлиси шундаки, Худо барибир ўз мақсадларини, айниқса биз бирликда бўлганимизда, амалга ошириши мумкин. Биз бунга бепарволик билан муносабатда бўлмаслигимиз ва Унинг иродасини излашда пала-партиш бўлиб қолмаслигимиз керак, балки бу мен каби хато қилган етакчилар учун юпанч бўлиб хизмат қилиши лозим.

Энди эса мен бизнинг бирликда бўлишимизга ҳалақит бериши мумкин бўлган яна бир нарса ҳақида гапирмоқчиман. Бу жамоатда турли хил фаолиятларнинг мавжудлигини билмасликдир. Бошқача қилиб айтганда, ўша мақсад – Худонинг Шоҳлигини кенгайтиришга эришишнинг турлича йўллари мавжуд. Павлус Коринф жамоатига, жамоатдаги турли инъомлар ва хизматлар ҳақида ёзган, лекин бундан сўнг у давом этган: “[мақсадларга эришиш учун] *фаолиятларда аниқ фарқлар* мавжуд, лекин ўша-ўша Худо ҳаммада уларнинг барчасини руҳлантиради ва ҳаракатга келтиради” (1-Коринфликларга 12:6, АМР). *Фаолиятларда аниқ фарқлар* мавжуд; бошқача сўз билан айтганда, ҳар хил хизматлар турлича услублардан фойдаланиб, бизнинг шоҳлигимизнинг

топшириғида муваффақиятли фаолият юритади.

Ҳаворий Павлус жамоатга таълим бериш учун кўпинча ҳарбий атамалардан фойдаланади. Бу шунчаки тимсоллар эмас; биз ҳақиқатан ҳам Худонинг ер юзидаги қўшинининг аскарларимиз. Мен жамоат ва хизматларнинг турли фаолиятларини кўрсатиш учун унинг мисолдан фойдаланаман. АҚШ армияси ҳар хил турдаги қўшинлардан – қуруқликдаги қўшинлар, денгиз флоти, ҳаво кучлари, денгиз пиёдалари ва қирғоқ қўриқлаш қўшинидан ташкил топган. Бу қўшинларнинг ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича фаолиятлари турличадир. Кўпинча бу услублар ҳар бир турдаги қўшин учун ўзига хосдир. Лекин уларнинг умумий мақсади – мамлакатимизни ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилишдир.

Ҳаво кучлари мактабининг курсанти, АҚШ Ҳаво кучларининг ҳаракатдаги аъзоси сифатида махсус ўқитилган бўлади. Ушбу қўшинлар асосан ҳавода ҳаракат қилганлиги учун таълим беришда, катта урғу ҳаво тактик операцияларига берилади. Агар тўсатдан бу курсантни қуруқликдаги қўшинга ўтказишса, у янги тайёргарликдан ўтиши керак бўлади. Албатта, иккала қўшинда ҳам, бир-бирига мос келадиган кўплаб услублар мавжуд. Бироқ қуруқликдаги қўшин асосан ерда ҳаракат қилгани учун унинг фаолияти ҳаво кучларидан кучли фарқ қилганлиги туфайли, ҳаво кучларининг собиқ аъзоси кўплаб янги жанговар ҳаракатлар ва стратегияларни ўрганиши керак бўлади.

Ушбу мисолни эътиборга олган ҳолда, келинг, Павлуснинг Коринф жамоатига айтган сўзларини ўқиймиз:

“Шунинг учун сизлардан ўтиниб сўрайман: менга тақлид қилинглр” (1-Коринфликларга 4:16).

Павлус бу жамоатга унга тақлид қилишни буюрди. У: “Мен Масихга тақлид қилганимдай, сизлар ҳам менга тақлид қилинглр” – деб айтмади; буни кейинроқ айтди

(1-Коринфликларга 11:1). Аммо у бу парчада ушбу сўзларни айтмаганининг сабаби бор. Биз унинг кейинги сўзларида буни тушунтирганини кўрамиз:

“Шунинг учун сизлардан ўтиниб сўрайман: менга тақлид қилинглр. Ана шу мақсадда, мен Раббийга содиқ бўлган сеvimли ўғлим Тимотийни сизларнинг олдингизга юбордим. У эса ҳар ерда ва ҳар бир жамоатда таълим берганимдай, *Масихдаги йўлларимни* сизларга эслатади” (1-Коринфликлар 4:16-17).

У ўзи асос солган жамоатга унга тақлид қилишни буюриб, қўшиб қўйди: “Ана шу мақсадда, мен Тимотийни сизларнинг олдингизга юбордим”. У нима учун Тимотийни юборди? *Павлуснинг Масихдаги йўлларини* уларга эслатиб туриш учун юборди. У: “Тимотий сизларга Ёқубнинг Масихдаги йўлларини эслатади” – деб ёзмаганига эътибор беринг. Ёқуб жамоатда ҳаворий эдими? Ҳа, албатта! У диёнатли етакчи эдими? Албатта, ҳа! Ёқуб Павлусдан кўра узоқроқ ҳаворий бўлганмиди? Яна, ҳа. Унинг йўллари, услублари ёки фаолиятлари Павлуснинг йўлларида фарқ қилар эдими? Яна жавоб, ҳа! Бу Павлуснинг насиҳатлари Ёқубнинг Масихдаги йўлларини нотўғри деб ҳисоблаганини англатадими? Асло! Бироқ, Ёқубнинг йўллари Павлус томонидан дунёга келтирилган Коринфдаги жамоат учун тўғри келмас эди. Бу ҳарбий ҳаво кучларининг йўллари, ҳарбий денгиз флоти учун тўғри келмаслигига ўхшайди. Уларнинг айрим йўллари мос келади, лекин кўпчилиги фарқ қилади.

Келинг, бу ҳақида фикр юритишни давом эттирамиз. Павлус, Тимотий ушбу жамоатга “ҳаворий Петруснинг Масихдаги йўлларини”, “ҳаворий Ёқубнинг Масихдаги йўлларини”, “ҳаворий Юҳаннонинг Масихдаги йўлларини” ва бошқаларни эслатади деб айтмади. Йўқ. Павлус бу жамоатни

дунёга келтирди ҳамда у ушбу жамоатда ўзининг етакчилик маданиятини ўрнатишда давом этди. Унинг услублари бошқаларникидан фарқ қиларди, лекин улар Масиҳнинг асосий таълимотига содиқ эди. Илк жамоатнинг барча етакчилари худди ўша асосий эътиқод ва таълимотга эга эдилар. Аммо уларнинг ҳар бири барча халқларни ўргатиш мақсадини амалга ошириш учун турлича услубларни қўллашган.

Келинг, бу ҳақида маҳаллий жамоат мисолида ўйлаб кўрайлик. Айтайлик, сизнинг жамоатингизнинг бош чўпонларининг исми Жим ва Лиза Смит. Улар ўзларининг етакчилар жамоаси билан Худонинг иноятида, жамоат аъзоларини 1 500 нафаргача етказишди, шў билан бирга улар ўз йўлларини, яъни уларнинг бошқарув тарзи учун ўзига хос бўлган ўз услублари ва маданиятини ўрнатдилар. Жамоатингизнинг самарадорлиги сизнинг шаҳрингизга мисли йўқ тарзда таъсир қилди. У маҳаллий эътирофга эга, лекин унинг таъсири шў ерда тўхтади.

Бироқ, бошқа шаҳарда бутун дунё бўйлаб таъсирга эга жуда машҳур жамоат бор дейлик. Ушбу жамоатнинг бош чўпонларининг исми Даг ва Хезер Жонс. Улар йўналиш берадилар ва хизматда янги ва замонавий услублардан фойдаланадилар. Улар сизнинг жамоатингизнинг чўпонларидан кўра, кўпроқ сонли одамларга таъсир кўрсатадилар. Сиз кимнинг йўлларига амал қиласиз? Жонсонларнинг йўлларигами ёки Смитларнинг (чўпонларингизнинг) йўлларигами? Сизда ушбу бутун дунёга машҳур етакчиларнинг йўлларига амал қилиш ва ўз етакчиларингизни, уларнинг услубларини қўллашга ундашга ҳаракат қилиш васвасаси пайдо бўлиши мўмкин. Бироқ сиз коринфликларга ўхшаб, етакчиларингизнинг маданиятини билишга ҳамда уларга бирлик ва шўҳрат ҳақи амал қилишга интилишингиз керак. Ҳақиқат шўндаки, сизнинг етакчиларингиз Жонсонлар эмас, Смитлардир.

## УМУМИЙ НИГОҲ

Мен ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида бутун дунё бўйлаб сафарда юраман. Мен АҚШнинг қирқ тўққизта штатларида ва олтмишдан ортиқ мамлакатлардаги мингдан ортиқ жамоат ва анжуманларида хизмат қилиш шарафига муяссар бўлдим. Кўплаб жамоат гуруҳларида турли хил услубларни кўриш мен учун шараф бўлди. Меҳмон сифатида таклиф қилинганимда, менинг асосий вазифаларимдан бири мени таклиф қилган жамоатнинг маданиятини тушуниш эди.

Агар сиз менинг уйимда меҳмон бўлсангиз, сиз менга уйимни қандай бошқаришим кераклигини кўрсатмайсиз. Сиз бизнинг уйимизнинг қоидаларига амал қиласиз. Меҳмон бўлиб, сиз тушлик вақтини ва тушликка нима берилишини ҳал қилмайсиз. Бунинг ўрнига сиз: “Тушлик соат нечида бўлади?” – деб сўрайсиз. Сиз тушлик вақтида тушиб, ўй эгаси сизни нима овқат берса, ўшани миннатдорчилик билан ейсиз.

Мен меҳмон бўлганимда, жамоат етакчисидан: “Сизларда минбарга чиқишда одатда қандай кийиниш керак” – деб сўрайман, сўнгра у яхши деб билган нарсага амал қиламан. Бир куни мен чамадонда жинси шим ва ёқали кўйлак билан анжуманга борганимни эслайман, бу кийимларда минбарга чиқмоқчи эдим. Аэропортда бизнинг жамоамизни меҳмонхонага, кейин хизматга олиб бориш учун иккита оқ лимузинларда смокинг кийган тўрт эркак кутиб олди. Агар мен катта чўпон бўлганимда эди, меҳмонларимни бошқача кутиб олган бўлардим. Мен ўғилларимдан ёки жамоанинг ишончли аъзоларидан бирини кундалик кийимда бир ёки иккита чиройли ва тоза машиналар билан меҳмонни кутиб олишга юборган бўлардим. Лекин бу менинг жамоатимнинг анжумани эмас эди. Ушбу жамоатда ташқи ҳурмат кўрсатиш ниҳоятда муҳим эканини пайқаш осон эди. Мен хизмат учун тайёрлаган кийим уларнинг маданиятини ва услубларини ҳақорат

қилишини дарҳол тушундим; шунинг учун зудлик билан тўғри келадиган костюм сотиб олишнинг ташвишини қилдим.

Меҳмон бўлганимда, мен: “Қанча вақт воизлик қилишимни хоҳлайсиз?” – деб сўрайман. Хизматчининг жавобини ҳурмат ила қабул қилиб, менга ажратилган вақт доирасида хизмат қиламан. Аммо мен ҳар доим ҳам шундай қилмаганман. Мен қаҳрамонларимдан бири бўлмиш Томми Барнеттнинг жамоатида ҳар йили, кетма-кет, ўн беш йилдан кўпроқ вақт давомида воизлик қилганман (унинг жамоати Финикс Ферст Ассемблеяси деб номланарди, ҳозир эса Финикс Дрим Маркази деб аталади ва унинг ўғли Люк бу жамоатнинг катта чўпони ҳисобланади). Мен биринчи марта унинг жамоатида яхшанба тонгида воизлик қилганимда, у менга воизлик ва хизмат учун қирқ дақиқа вақт берди. У минбардан менга ажратилган вақтни ҳисобловчи, менга ёрдам берадиган соат кўриниб туришини айтди. Менга ажратилган вақтдан ўн дақиқа кўпроқ воизлик қилдим.

Хизматдан сўнг у менга ҳеч бир сўз айтмасдан, шошиб чиқиб кетди. Унинг жаҳли чиққанини билардим. Бутун кун давомида қилган ишим учун қайғуриб юрдим. Кечки хизмат олдидан биз унинг офисида ёлғиз қолдик ва мен ундан эрталаб мен туфайли жаҳлингиз чиқдим деб сўрадим.

– Ҳа, – деб жавоб берди.

– Мен жуда узоқ воизлик қилганим туфайлими” – деб сўрадим.

– Ҳа, - деб жавоб берди.

У жим турди ва давом этди.

– Жон, сен менга ёқасан, шу сабабли сенга нима учун жаҳлим чиққанини айтаман. Бизда қатъий жадвал бўйича ишлайдиган одамлар кўп. Бизнинг болалар хизматидаги хизматчиларимиз бизнинг асосий хизматимиз жадвалига мувофиқ бўлган режалаштирилган ўқув дастури бўйича

ишлайдилар. Хизмат ўн дақиқага чўзилганда, ҳаммаси тартибсизликка айланади. Бизда ўттиздан ортиқ автобуслар бўлиб, улар одамларни уларнинг қашшоқ туманларига қайта олиб бориб қўяди ва уларнинг барчаси двигателлари ишлаб турган ҳолда кутишга мажбурдирлар. Сенинча, уларнинг ҳаммаси нима қилиши керак?

У яна бир нечта сабабларни қўшди, сўнгра ҳулоса қилиб шундай деди:

– Сен ўн дақиқа кўпроқ воизлик қилишни хоҳлаганинг учунгина, бизнинг қоидаларимизга жиддий муносабатда бўлмадингми? Менга севгида насиҳат қилди ва мен ушбу хатоимдан сабоқ чиқардим. Меҳмон бўлганимда, жамоат етакчисидан: “Одамларни қачон тавбага чақирасиз, сиз улардан олдинга чиқишни, туришни ёки шунчаки қўлларини кўтаришларини сўрайсизми?” – деб сўрайман. Мен бош чўпоннинг жавобини диққат билан эшитиб, уларнинг маданиятига биноан ҳаракат қиламан. Мен қатъий ишонаманки, инсон ҳақиқатан ҳам мана шу исталган йўл орқали нажот топиши мумкин.

Бу мен берадиган саволларга мисоллар, холос. Баъзида агар менинг режаларим ўша жамоатнинг маданиятидан фарқ қилса, лекин мен режаларим янада самаралироқ бўлишини ҳис қилсам, катта чўпондан, мен ҳаммасини бироз бошқачароқ қилсам, рози бўласизми деб сўрайман. Хизматчилар ҳар доим менинг бу ҳақида сўраганимни қадрлашади ва деярли ҳар доим рухсат беришга тайёр туришади.

Мен келтиришим мумкин бўлган ниҳоятда кўп мисоллар мавжуд, лекин шу вақтга келиб, менинг асосий мақсадим – жамоат етакчиси ўзининг “Масихдаги йўлига” биноан ўрнатган услубга кўра йўл тутиш эканини тушунганингизга ишончим комил. Бироқ жамоат етакчиси: “Биз тавба қилиш учун чорлаш кераклигига ишонмаймиз, чунки биз Исо – бор-йўғи Худого

олиб борадиган йўллардан бири эканига ишонамиз. Биз абадий ҳаётга борадиган кўплаб йўлларнинг мавжудлигига ишонамиз” – деб айтса, мен унинг йўлига амал қилишдан бош тортган бўлар эдим, чунки бу энди хизмат услубига тааллуқли эмас. Бу етакчи масиҳийликнинг энг муҳим ҳақиқатларидан бирига қарши чиқмоқда.

Мен узоқ йиллар давомида Масиҳнинг танасига умумий нуқтаи назардан қарар эканман, кўплаб фожеаларнинг гувоҳи бўлганман, буларнинг сабаби эса ушбу энг муҳим ҳақиқатни билмаслик бўлган. Мен маданияти ўзлари катта бўлган ўша жамоатнинг маданиятидан фарқ қиладиган, етакчилик ёки инжил мактабларига борадиган имонлиларни кўрганман. Кўпинча бу мактаблар умумий масиҳийлик маданиятини ўрнатувчи катта жамоатлар қошида фаолият олиб боради. Бу талабалар ушбу жамоатнинг услубларини мактабда ҳам, ҳафта охиридаги хизматларда ҳам кўрадилар.

Улар ўқишни тугатиб, интилишларга тўла ҳолда уйларига қайтишади ва ўз жамоатларининг маданиятини ўзгартиришга уринишади. Эҳтимол, улар ўзлари ўрганган янги йўллар янада долзарб ва самарали деб ҳисоблаб, ҳақдирлар. Бироқ улар ниҳоятда қатъий бўлсалар, улар сув ости оқимига ўхшаб осонгига тўсиқ бўлишлари мумкин. Агар улар томонидан таклиф қилинган услублар қабул қилинмаса, улар ибодатда кетишлари керакми ёки бутун юраги билан ўз етакчисининг услубига бўйсунушлари кераклигини Худодан сўрасалар, яхши бўларди.

Хизматимнинг бошида, ёшлар чўпони бўлган чоғларимда хизматда турлича услублар ва фаолиятлар мавжудлигини билмаганим, мени чўпонимга жон-жаҳд билан қаршилиқ кўрсатишга мажбур қилган. Мен Луизиана штатидаги бир жамоатга бориб, ниҳоятда самарали бўлган хизмат услубни кўрдим. Мен уларнинг муваффақиятига шу қадар ошиқ бўлганимдан, ўйлаб ҳам кўрмадим ва ўзимдан бу услуб

бизнинг жамоатимизнинг маданиятига тўғри келадими деб ҳам сўрамадим. Ҳозир бу ҳақида эслаб, бу услуб менинг катта чўпонимнинг “Масихдаги йўлларига” мос келмаслигини аниқ тушунаман. Луизиана штатидаги жамоатнинг катта чўпони менинг катта чўпонимда жуда фарқ қиларди. Уларнинг иккаласи ҳам бутун дунё бўйлаб таъсирга эга эдилар, иккаласи ҳам самадор эдилар, иккаласи ҳам кўплаб одамларни Худонинг шоҳлигига олиб келишган, лекин улар турли услубларни қўллашган.

Бизнинг жамиятимиз тарихда ҳар қачонгидан ҳам ҳаракатчанроқдир. Афтидан, бизлардан кўпчилигимиз ҳаётимизда лоақал бир марта ёки ҳатто бир неча марта ўз жамоатини ўзгартиради. Янги жамоатга келганда, уларнинг маданиятини ўрганиш ниҳоятда муҳим ва бу биз атайин қилишимиз керак бўлган нарсадир. Биз уларнинг Масихдаги йўлларига қанчалик тез мослаша олсак, бу бизни шахс сифатида ва умумий тананинг бир қисми сифатида шунчалик кучли қилади.



## ТУРЛИ НАРСАЛАР ҲАҚИДА

*Биз фақат чинакамига нажот  
топганимизда ва Худонинг иродасини  
излаганимиздагина, жамоатда қонуний  
ҳокимиятни тан оламиз.*

**А**ввалги бобларда бизнинг эътиборимиз асосан жамоат ва дунё ҳокимиятига қаратилган эди. Бироқ, айтиб ўтганимдек, ушбу тамойилларнинг аксарияти ҳокимиятнинг барча тоифаларига тааллуқлидир. Биз ушбу бобда Худонинг сўзида ҳокимиятнинг турли соҳаларига, айниқса, оилага нисбатан берилган алоҳида насиҳатларни муҳокама қиламиз. Уларнинг кўпчилиги фақат ўзининг тоифасига тегишлидир ва шунинг учун алоҳида кўриб чиқилиши керак. Мен ушбу бобда айтиб ўтадиган мавзуларнинг ҳар бирига бутун бир бошли китоб ёзиш қийин бўлмаган бўларди. Шунга қарамасдан, агар биз аллақачон биладиган тамойилларни киритсак, уларни ушбу бобда муҳокама қилинадиган нарсаларда қўллай оламиз. Шу тарзда бу китоб бизнинг юракларимизда янада чуқурроқ из қолдиради. Шунингдек, биз бутун бир китобни бағишлаш учун кенг қамровли бўлмаган айрим умумий

насиҳатларни кўриб чиқамиз. Шу сабабли бу бобни “Турли нарсалар ҳақида” деб номладим.

## Оила

Жамоат, фуқаролик бошқаруви ёки ижтимоӣ ҳокимият пайдо бўлишидан анча олдин, оила пайдо бўлган. Унинг аҳамиятини калта баҳолаш мумкин эмас, чунки юқорида айтиб ўтилган учта соҳанинг соғломлиги айнан унга боғлиқдир. Топширилган ҳокимиятнинг бошқа соҳаларида камчиликларга эга бўлиш мумкин, лекин нима бўлишидан қатъий назар оила мустаҳкам бўлиб қолаверади. Аммо оилада бузилган тартиб билан бошқа соҳаларда яхлитликни сақлаб қолишнинг имкони йўқ. Оиладаги ҳокимият – ҳар қандай бошқа ҳокимият учун ажралмас асосдир.

Оилада Муқаддас Китобда тавсифланган Худонинг тартибини топамиз:

Болалар, ҳамма нарсада ўз ота-оналарингизга итоат қилинлар, чунки бу Раббийга маъқулдир (Колосаликларга 3:20).

Чунки худди Масиҳ Жамоатнинг боши бўлганидек, эр ҳам хотиннинг бошидир. Масиҳ – Тананинг Нажоткори ҳамдир. Шунинг учун, жамоат Масиҳга бўйсунганидек, хотинлар ҳам, худди шундай, ҳамма нарсада ўз эрларига бўйсунсинлар (Эфесликларга 5:23, 24).

Янги Аҳднинг бошқа жойларида ҳам учрайдиган шунга ўхшаш амрлар, уйдаги Худо ҳокимиятининг тартибига ишора қилади. Болалар, ҳаётнинг барча соҳаларини ўз ичига олувчи, ҳамма нарсада ота-оналарига бўйсунушлари керак. Бу амр ота-оталардан бири боласига, Худонинг Сўзига зид нарсани қилишни буюрган ҳолатларга, масалан, жинслар ўртасидаги муносабатларда нотўғри хатти-ҳаракатга ундаганда, ўғирлик

қилиш, ёлғон гапиришни маслаҳат берганда ёки оналардан бирини танлашга мажбур қилганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларга жорий этилмайди.

Айнан шундай ҳолат менинг оиламда содир бўлди. Мен университетда механик-муҳандислигига ўқиганимда, ҳаётимни Исо Масихга топширганман. Бироз вақт ўтгач, Хушxabар воизлиги учун даъват қилинганимни тушундим. Бир куни талабалар таътили вақтида уйга келиб, ота-онамга (улар эса жонбоз католиклар эди) университетни тугатганимдан сўнг, Инжил мактабида ўқимоқчилигимни айтдим. Бу уларни жуда хафа қилди, улар менинг қарорим ҳиссий ва шошилиш деб ўйладилар. Шунда онам: “Фақат мени ўлдириб!” – деди.

Мен унга камтарлик ва ҳурмат билан: “Она, мен сизни яхши кўраман ва менга берган ҳамма нарсангиз учун миннатдорман, лекин мен Худога бўйсуним керак” – деб жавоб бердим. Бу сўзлар уни ҳеч қанча юпатмади ва хурсанд қилмади, аксинча, янада кўпроқ хафа қилди.

Исо бизга: “Ким ўз отаси ёки онасини Мендан кўра кўпроқ севса, у Менга лойиқ эмас; ким ўз ўғлини ёки қизини Мендан кўра кўпроқ севса, Менга лойиқ эмас” – деб айтган (Матто 10:37). Мен ушбу сўзлардан ва Хушxabардан яна бошқа кўпгина парчалардан қувватланган ҳолда, ўзим жудаям яхши кўрган ота-онам билан, Исонинг Унга хизмат қилишга чорлови ўртасида танлашим кераклигини билардим. Мен бир дақиқага ҳам ўз қароримда иккиланмадим.

Кейинги бир неча йил давомида биз муносабатларимизни тўғрилай олмадик. Мен ота-онамни севишдан ва ҳурмат қилишдан тўхтамадим, чунки энди менда Худонинг инояти бор эди. Лекин вақт ўтиб, улар Исо менинг ҳаётимга олиб келган ҳосилларни кўра бошладилар ва орадан ўн етти йил ўтиб, отам етмиш тўққиз ёшга кирганда, ота-онам Исони Ўзининг Раббийси деб қабул қилишлари учун иккиси билан ҳам ибодат қилиш

шарафига муяссар бўлдим. Улар бизнинг китобларимизни ўқишни, видео тасмаларимизни кўришни ва ўз дўстларига Раббий ҳақида сўзлаб беришни бошладилар. Энди бизнинг муносабатларимиз ҳар қачонгидан ҳам яхшиланган эди.

Исо шунга ўхшаш вазиятга дуч келган. У Ўз ота-онасига бўйсунган, бу ҳақида шундай деб ёзилган: “Исо улар билан бирга бориб, Назаретга келди ва уларга итоатда бўлди. Унинг онаси бу гапларнинг ҳаммасини юрагида сақлар эди” (Луқо 2:51га қаранг). Шунга қарамасдан, Исо ҳали гўдак пайтида Шимон айтган башоратга кўра Унинг хизмати бошланганида, қилич уларнинг юракларига ва фикрларига санчилиб, ошкор этишни бошлади (Луқо 2:35).

Исонинг кучли хабарлари кўпчиликни, ўзларини ноқулай ҳис қилишга мажбур қилди ва ҳатто ғазаблантирди, Унинг оиласи ҳам бундан мустасно эмас эди. Ҳиссиётлар чидаб бўлмас даражада кескинлашиб кетди, ҳатто Унинг онаси Унга қаршилик қила бошлади:

Яқинлари бунини эшитганларида, Уни олиб кетиш учун келдилар, чунки улар: “У ақлдан озган”, – дер эдилар. Сўнг Унинг онаси билан укалари келдилар ва *ташқарида* туриб, Уни чақириш учун одам юбордилар. Унинг атрофида кўпчилик одам ўтирган эди. Улар Унга: – Мана, онанг, укаларинг ва сингилларинг *ташқарида* Сени сўрашяпти, – дедилар. У эса уларга жавоб берди: – Ким Менинг онам ёки Менинг укаларим ким? Сўнгра атрофида ўтирганларга қараб: – Мана, Менинг онам ва укаларим, – деди, – зеро кимки Худонинг иродасини бажарса, айнан ўша Менинг укам, синглим ва онамдир (Марк 3:21, 31-35).

Унинг ота-онаси У Ўз Отасининг амрларига қарши боришини истаган лаҳзагача, У ҳамма нарсада уларга итоатли бўлган. Лекин бир неча йил ўтгач, Унинг Ўз оиласи биринчи марта,

Муқаддас Рухнинг қўйилиши содир бўлган ўша хонада эдилар. Вақт келди ва улар ўз Устозининг издошларига айланишди.

### БУ МЕНГА ФОЙДА КЕЛТИРМАДИ

Қоидалардан истисно нарсалар ҳақида эмас, балки қатъий белгиланган меъёр ҳақида гапирганда, шуни таъкидламоқчиманки, ўз ота-онасини ҳурмат қилиш ва уларга қулоқ солиш қўйдаги ваъдани ўз ичига олган биринчи амрдир: болалар бахтли бўладилар ва ерда узоқ умр кечирадилар (Эфесликларга 6:2, 3; Колосаликларга 3:20). Мен ушбу амрга итоатсизликнинг оғир шаклдаги оқибатларини бошдан ўтказишимга тўғри келган. Университетни тугатиб, бир халқаро хизматга ишга жойлашдим. Мен юқорида айтиб ўтган жамоатга қатнай бошладим. Иккинчи хизматга қатнашганимиздан сўнг, мен ва менинг ёшимдаги бир неча киши кафега тамадди қилишга бордик. Тўшлик вақтида мен турмуш қурмаганлар гуруҳини бошқарадиган етакчи билан танишдим. Ўша пайтда у яшаш учун жой қидираётган эди, мен ҳам эндигина бу шаҳарга кўчиб келган эдим. Қисқа суҳбатдан сўнг, икки кишига битта ўй ижарага олсак яхши бўларди деган қарорга келдик. Бу мени жуда хурсанд қилиб юборди, чунки бу менинг бироз пул тежашимга ёрдам берарди: ўша пайтда мендек, университетни яқиндагина битирган одам учун пул масаласи қийинроқ эди.

Эртаси куни отамга қўнғироқ қилиб, унга охири янгиликни айтдим. Ойига бир-икки юз доллар тежашим ҳақидаги қувончимга уни шерик бўлади деб ўйлагандим. Аммо унинг муносабати бироз ўзгача бўлди. У менга: “Ўғлим, бу менга ёқмаяпти. Бундай қилма. Сен бу одамни билмайсан” – деди. Мен унга бу етакчи ўз хизматини астойдил бажариши ҳақидаги ҳикояни айтиб бериб, уни бунинг аксига ишонтиришга ҳаракат қилдим, лекин отам айтганида туриб олди.

Гўшакни осиб, мен ўйладим ва отам имонсиз бўлгани учун ҳеч нарсани тушунмайди деган қарорга келдим. Охир-оқибат, бу одам муҳим лавозимда ўтирса! Мен отамнинг насиҳатини эътиборсиз қолдирдим ва эртаси куни бир уй топдик ва барча зарур ҳужжатларни имзоладик. Биз буюмларни кўчириш учун юк машинасига буюртма бермоқчи бўлганимизда, менинг яқинда пайдо бўлган қўшним чек дафтарчасини олишни унутгани учун, мендан у учун пул тўлаб туришимни сўради. Уй тўловларини тўлаш учун борганимизда, воқеа такрорланди. Унинг хатти-ҳаракати бир ойдан кейин ҳам ўзгармади: яна мен икки киши учун – ўйга, коммунал хизматларга, шунингдек, унинг халқаро телефон қўнғироқларига тўлашга мажбур бўлдим.

Бир неча марта унга машинамни бердим, чунки ўзининг машинаси йўқ эди. Ҳар сафар у машинани фақат эрта тонгда қайтарар, боз устига, машина ичидан тамаки тутунининг ҳиди келар эди. У ўз сўраб, машинада ёрдамга муҳтож одамларнинг олдига борганини менга тушунтирарди. Бир куни эрталаб машина эшигида катта эзилган жойни топдим. Мен жуда хафа бўлдим, лекин буни билдирмадим. Бир куни саҳар соат тўртда ётоқхонадан чиқиб, меҳмонхонада мутлақо нотаниш одамга дуч келдим, у бир қўлида пиво банкиси, бошқасида эса тамаки ушлаб турарди. У менга худди мен унинг шахсий ҳаётига суқилиб кирган одамдек қаради.

Ўзимнинг шахсий уйимда, чинакам жазони бошдан кечирдим, лекин ёш имонли сифатида мен: *“Мен севгида яшашим керак. Ҳазабланма, ҳукм қилма”* – деб ўйлашда давом этдим. Шунинг учун муҳокама қилиб ўтирмадим. Бу фақат ушбу одамнинг ёнида бошдан кечиришимга тўғри келган нарсаларнинг фақат кичик бир қисми, холос.

Бундай бир неча ҳафталик азоблардан сўнг, менинг қўшним гомосексуал эканини билдим. Мен ундан дарҳол кўчиб кетишни сўрадим, лекин у бош тортди. У гуноҳда яшаётганда, мен

ҳамма нарса учун тўладим. Деярли ўша вақтнинг ўзида бўйдоқ имонлилар хизматининг чўпони унинг сирли ҳаёти ҳақида билди ва бу одамни хизматдан четлатишди. Мен унинг гуноҳи ҳақида охиргилардан бўлиб билдим. Менинг итоатсизлигим кўзимни кўр қилди ва мен зийракликни йўқотдим.

Отанинг насиҳатига эътиборсизлик қилганим туфайли, юзлаб долларларни йўқотдим, юрагимдаги ўғирланган тинчлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мен хонавайрон бўлдим, шу икки ой бутун ҳаётим давомидаги энг қийин ойлар бўлди. Ҳаммаси туғанидан сўнг, мен Худога нола қилдим: “Раббий, нима учун бу содир бўлди? Ахир, мен Сенинг бошқарувингга ишонган эдимку”.

Раббий аллақачон мени йўналтирганини, лекин мен насиҳатни қабул қилмаганимни кўрсатди. Бундай сўзлардан қийин аҳволга тушиб қолиб: “Қай тарзда” – деб сўрадим.

У жавоб бериб: “Отанг орқали, лекин сен унга қулоқ солмадинг” – деди.

“Лекин менинг отам юқоридан туғилмаган” – дея баҳслашдим.

Шунда Худо менга Унинг Сўзида: “Болалар, ота-онангиз фақат юқоридан туғилган бўлсаларгина, уларга бўйсунинглар” – деб айтилганини эслатди. У тушунтириб: “*Сен Менинг боламсан; шунинг учун Мен ота-онанг сенга йўл-йўриқ кўрсатиши ва сени ҳимоя қилишлари учун Ўз донолигим ва насиҳатимни уларнинг юрагига жойлаштираман*” – деди.

Мен тезда жавоб бериб: “Лекин мен энди ёлғизман. Отамнинг чақирим узоқда яшайди ва у менинг тўловларимни тўламайди” – дедим.

У: “*Сен ўз тўловларингни тўлаётганинг ва ота-онангдан минг чақирим узоқда яшаётганинг Менинг уларга бўйсунинг ҳақидаги амрим ортиқ кучга эга эмаслигини англатмайди*” – деб жавоб берди.

Унинг амри агар биз унга амал қилсак, шунда дуо-баракага

эга бўлишимиз ҳақидаги ваъдага ҳамроҳлик қилади. Гувоҳлик беришим мумкинки, итоатсизлигим туфайли аччиқ ҳосилларни ўриб олдим. Худо менга қачон одам ота ва онасининг ҳокимиятидан озод бўлишини тушунтирди. У бошида шундай буюрди: “Шунинг учун эркак ўз ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва улар бир тан бўладилар” (Ибтидо 2:24).

Ота-она ўз фарзандига бериши мумкин бўлган охириги насиҳат – бу никоҳ дуо-баракасидир. Мавзудан бироз четга чиққан ҳолда шуни айтмоқчиманки, Лизанинг отаси менинг Лиза билан никоҳимга ўз дуосини бергандан сўнг, Лиза менга бундан жуда ҳайрон бўлганини тан олиб айтди. Мен ундан сабабини сўрадим ва у: “Чунки у менга сизнинг масиҳий эканингиз унга ёқмаслигини айтди” – деб жавоб берди. Бу воқеа подшоҳнинг (ёки бизни бошқарадиганларнинг) юраги Худонинг қўлида эканини яна бир бор тасдиқлади.

Худонинг амрига қайтган ҳолда, қуйидагиларни айтмоқчиман: Худонинг сўзлари эркак ва аёл қонуний никоҳдан ўтганда, янги бўйсунуш тартиби ўрнатилишини таъкидлайди. Ўз ота-онасини тарк этадиган аёл ҳақида Худо ҳеч нима демаганининг сабаби у оилада янги тартибни ўрнатмасликдан иборатдир; оилада ҳокимият эркакнинг елкасига юкланади.

Болалар оила қурганларида, улар ортиқ ота-онасига бўйсунуш амри остида бўлмайдилар, шунга қарамасдан, уларга нисбатан ҳурмат кўрсатишлари шарт. Бир марта ота-онам хотиним билан кўнгилсизликлар бўлганини кўрганларида, улардан нима учун бизга ортиқ маслаҳат бермаётганларини сўраганим эсимда. Улар оддийгина: “Сизлар ҳеч қачон бизнинг фикримизни сўрамагансизлар” – деб жавоб бердилар. Улар ўзларини нақадар диёнатли тутишган! Баъзан ота-оналар ўз фарзандларининг оилавий ҳаётига, улар оила қуришдан олдин қандай бўлган бўлса, худди шундай аралашишларини кўраман. Натижада,

улар жоний жароҳатларни ва тушунмовчиликларни ўриб олишади, буларнинг барчаси улар Ёзувда амр берилгандек, ўз болаларига эркинлик бермаганлари учун бўлади.

### БОЛАЛАРГА МУҲИМ ОГОҲЛАНТИРИШ

Бир неча йил ёшлар чўпони бўлиб хизмат қилиб, кўплаб ёшлар кириб қоладиган қандай хавfli йўллар бўлишини кўрдим. Мен Худонинг Сўзидан ота-онага ҳурмат билан муносабатда бўлишнинг муҳимлиги ҳақидаги алоҳида насиҳатлар беришни хоҳлардим. Мен буни ўқиган йигит ёки қиз, ёш авлод орасида жуда фаол тарқалаётган гуноҳнинг ачитқисидан қутула олади деган умид билан қиламан. Бу вирусга ўхшайди ва ғоят даражада хавfliдир. Ёзув эълон қилади: “Ўз отасини ёки онасини ёмонловчи лаънатидир! Бутун халқ: “Омин”, — десин” (Қонуннинг такрорланиши 27:16).

Бир куни менинг олдимга бир ёлғиз она ўсмир ўғли билан маслаҳатга келишди. Сўхбат давомида бу йигит онасига бир неча маротаба худди у аҳмоқ ва ривожланишдан ортда қолгандек, жирканиб муносабатда бўлди. Мен уни бир неча маротаба тўғриладим, лекин бу давом этди. Сўхбатимизнинг якунида, ажабланиб гапириб юбордим: “Йигитча, агар сиз онангизга бўлган ўзингизни тутишингиз ва муносабатингизда тавба қилмасангиз, сиз қамоққа тушиб қоласиз”. Мен ҳайратда эдим, чунки бу менинг сўзларим эди. Бу ёш йигит нажот топган имонли бўлиб, бизнинг ёшлар гуруҳимизга қатнар эди. Бу менинг оғзимдан қандай чиқиб кетди?

Деярли орадан олти йил ўтиб (ўшанда мен ёшлар чўпони эмас эдим, лекин шаҳарлар бўйлаб воизлик қилиб юрардим), якшанба кунги хизматларнинг биридан сўнг ўша йигитнинг онаси менинг олдимга келди. У: “Чўпон Жон, сиз менинг ўғлимга агар у ўзгармаса, қамоққа тушишини айтганингиз эсингиздами? Мана ҳозир у икки йилдан буён қамоқда” — деди.

Мен ўша воқеани деярли унутган эдим, лекин у бу ҳақида айтганидан сўнг дарҳол эсладим. Мен: *“Қандай қилиб, у бу ҳақида хурсанд бўлиб айтиши мумкин?”* – деб ўйладим. Сўнгра гап нимадалигини тушундим. У давом этиб: *“Энди у ҳақиқатан ҳам Худо учун ёнмоқда. У бошқа маҳбусларга гувоҳлик бериб, қамоқхона хизматида иштирок этапти. У сизнинг китобларингизни ўқиб, улардан кўп нарсаларни ўрганди”* – деди.

Худонинг ҳукми ушбу йигитнинг ҳаётидаги ҳамма нарсани тубдан ўзгартириб юборгани мени ҳайратга солди. Албатта, у ҳамма нарсани эртaroқ англаганида ва бу воқеалар содир бўлишидан бир неча йил аввал унга айтилган сўзларга қулоқ солиб, бундай оғир кўргуликлардан ўтмагани яхши бўлар эди. Лекин энг муҳими, энди Худога бўлган жўшқин муҳаббат унинг юрагида ёнаётган эди.

Фарзандларнинг ўз ота-онасига бўлган жисмоний ва оғзаки ҳужумлари оқибатларининг қанчалар жиддийлигини, Эски Аҳд даврида жиловсиз болалар билан қандай йўл тутганларида кўришимиз мумкин: *“Ким ўз отаси ёки онасига қўл кўтарса ўлимга маҳкум этилсин”* (Чиқиш 21:15); шунингдек: *“Ким отасини ёки онасини лаънатласа, у ўлимга маҳкум этилсин”* (Чиқиш 21:17). Исо ҳам Эски Аҳдга ишора қилади: *“Чунки Худо: “Ота-онангни ҳурмат қил” ва: “Ота-онасини лаънатловчи ажал билан ўлсин”, – деган амрларни берган”* (Матто 15:4).

Мусо исён кўтарган ўсмир билан қандай йўл тутиш ҳақида қуйидаги кўрсатмани берган:

Агар бирор кишининг ўғли отасининг ва онасининг сўзларига қулоқ солмайдиган бебош ва итоатсиз бўлса ва улар уни жазолаган бўлсалар-у, лекин у уларга қулоқ солмаса, унда унинг отаси ва онаси уни тутиб, шаҳарларининг оқсоқоллари ёнига ва яшаш жойларининг дарвозалари ёнига олиб келсинлар, шаҳарларининг оқсоқолларига: *“Бизнинг бу ўғлимиз бебош ва итоатсиз,*

бизнинг сўзларимизга қулоқ солмайди, пулни совурувчи ва ичкиликбоз”, — десинлар. Шунда шаҳарнинг бор аҳолиси уни ўлгунига қадар тошбўрон қилсинлар. *Шундай қилиб*, ўзининг орангдан ёвузликни йўқ қилгин, шунда бутун исроилликлар эшитиб, қўрқадилар (Қонуннинг такрорланиши 21:18-21).

Агар ушбу сўзлар бугун қўлланилганда эди, унда жамоатларимизда ёшлар устидан бундай жазолаш мунтазам амалга оширилишига тўғри келган бўларди. Лекин бундай жазо чораси энди йўқ бўлишига қарамасдан, биз Худонинг исёнга муносабати барибир аниқ, қаттиқ ва умуман ўзгармаганини кўраемиз. Биз юракка исённинг киришига йўл қўймаслигимиз керак, зеро у қотилдир.

Мен ўз фарзандларимни исённинг ҳар қандай шаклидан қочишлари учун огоҳлантираман. Энг ёлғон ва яширин шакли – бу шикоятлардир. Улар ҳокимиятга бепарво айтилган сўзлар орқали ҳурматсизлик олиб келади: “Мени қандай бошқараётганингиз менга ёқмайди. Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, бошқача йўл тутган бўлардим”. Бу етакчиликка ҳақорат ёғдиради. Нима учун Исроил ўғилларининг шикоятлари, уларнинг ваъда қилинган ерга кира олмаганининг сабабига айланганини энди тушунаётгандирсиз? Гарчи уларнинг минғир-минғири Мусога қаратилган бўлсада, Худога нисбатан ҳурматсизликнинг белгиси эди. Аслини олганда, улар Худога У нотўғри қилаётганини, улар бошқача қилмоқчи эканини айтишди. Ота-онани ҳурмат қилиш, узоқ ва фаровон ҳаёт кечиришдек, ажойиб ваъдани олиб келади. Мен ҳукми эмас, ҳаётни танлаган бўлардим ва бу бизнинг юракларимизда мустаҳкамланиши керак.

## НИКОҲ

Энди никоҳдаги илоҳий тартибга эътибор қаратамиз. Ёзув бизга хотинлар ўз эрларига “ҳамма нарсада” итоат қилишлари кераклигини айтган (Эфесликларга 5:24). Ушбу амр нафақат руҳий нарсаларга, балки ҳаётнинг табиий соҳаларига ҳам қўлланилади. Павлус: “ўз эрларига” – деб айтган. Бошқа эркалар аёл устидан ҳокимиятга эга эмас, лекин фақат унинг эри бундай ҳокимиятга эга. Чўпон бегона аёлнинг устидан фақат жамоат доирасида ва руҳий масалаларда ҳокимиятга эга, бошлиқ унинг уйдан ташқаридаги иш соҳасида, фуқаролик ҳокимияти фақат ижтимоий масалалар соҳасида ҳокимиятга эгадир. Лекин биз уйдаги ҳокимият ҳақида гапирганимизда, у эрининг қўлларида бўлади.

Саксонинчи йилларнинг ўртасида, биз хотиним билан нотўғри таълимотнинг таъсири остига тушиб қолдик. Ушбу таълимотга кўра, Янги Аҳд бир қанча шовинистик кайфиятда бўлган эркалар томонидан ёзилган, шу сабабли, биз эр ва хотин ўртасидаги муносабатларда ҳокимият тўғрисида гап кетганда, уларнинг сўзларини ҳарфма-ҳарф қабул қилмаслигимиз керак экан. Улар бизга Исо ҳамма учун бир хил қайта сотиб олинишни амалга оширганини айтишди. Бу ҳақиқатан шундай, лекин қайта сотиб олиниш, ҳокимиятни инкор этмайди. Ушбу таълимотнинг айби билан, биз кўп йиллар давомида уйимизда тинчликдан маҳрум бўлдик. Биз етакчилик учун узлуксиз курашга кириб қолар эдик.

Бир куни бир неча йиллик оилавий тартибсизликдан сўнг, мен хотинимга: “Худо мени бу уйда бош қилиб қўйган ва сен мени фикримга қўйишилсанми ёки йўқми, мен бу бурчимни бажараман” – дедим. Ўша лаҳзадан бошлаб, атрофимда ҳамма нарса яхши томонга ўзгара бошлади, хотиним ҳақида эса бундай деб бўлмасди. Раббий менга етакчи сифатида, қўл остимдагиларни бўйсунушга мажбурламаслигим кераклигини

кўрсатди. Исо биз билан бундай йўл тутмайди, лекин бизнинг қўл остимизда бўлганлар бизга эргашмасалар, улар азоб-уқубатларни ўриб олишади.

Мен илоҳий тинчликка кирдим, бу вақтда эса Лиза уй юмушларининг бутун юкини ўз елкасида кўтариб юришда давом этди. У менинг масъулиятсиз етакчи эканимга амин эди. Мен ёш эдим ва менинг камчиликларим кўп эди, шунинг учун унинг менга қаратилган айбловлари бутунлай асосли эди. Баъзида унинг қўрқуви шунчалар аниқ кўринардикки, мен ўзимга тегишли юкни кўтармаётганимни ва у белгиланганидан кўпроғини қилаётганини менга эслатиш учун мени ярим тунда уйғотарди. Мен шунчаки ҳамма нарсани Худонинг қўлларига топширишни таклиф қилиб, кейин яна ухлардим, у эса ёмон нарсалар ҳақида ўйлаб ёнимда минғирлашда давом этарди.

Лизанинг юки чидаб бўлмас даражада бўлиб қолди. Уни доимий хавотирлар қийнади, унинг онги ҳеч қачон дам олмас эди, лекин ҳар доим, оиламиз албатта, тўқнашиши керак бўлган, бир қатор ҳар хил янги оилавий инқирозларни онгида айлантирганида, унда ташвишланиш учун қўшимча сабаблар юзага келарди.

У ичида ушлаб турган кескинлик бироз вақт ўтгач, деярли чидаб бўлмайдиган даражага келиб қолди. У босимни қандай бўлсада, ўзидан олиш учун узоқ вақт душ ёки ванна қабул қилишга мажбур бўларди. Бир куни кечқурун Лиза яна душ қабул қилиб, мендан шикоят қилаётганда, Худо унга гапирди: *“Лиза, нима деб ўйлайсан, Жон яхши етакчимми?”*.

У тезда жавоб бериб: *“Йўқ, албатта, йўқ! Мен унга ишонмайман!”* – деди.

У жавоб бериб: *“Лиза, сен унга ишонишга мажбур эмассан. Сен фақат Менга ишонишинг керак. Сен Жон оила бошлиғининг вазифаларини унчалик ҳам яхши уддалай олмаяпти деб ўйлаяпсан. Сен ундан яхшироқ қила оламан деб ўйлаяпсан. Сен*

*ҳис қилаётган хавотир ва босим – оила бошлиғига тегишли бўлган юк ва босимдир. Бу сен учун юк, лекин эринг учун бу ридодир. Уни ўзингдан ечиб ташла” – деди.*

У дарҳол ҳаммасини тушунди. Хўжайинлик қилишни яхши кўрадиган эр эмас, балки Худо унга, эрига бўйсунини буюрди. Уйдаги етакчилик у учун оғир юк бўлди, чунки бу унга мўлжалланган эмас эди. У эри учун мўлжалланган масъулиятнинг бутун оғирлигини мойланишсиз ва иноятсиз, ўзига юклашига йўл қўйди. У йиғлаб ва кечирим сўраб, душдан чиқди ва у ҳам, мен бир неча ой олдин топган ўша тинчлик ва оромга кирди ҳамда кўп йиллардан сўнг биринчи марта бизнинг уйимизда ҳақиқий уйғунлик ҳукм сурди.

Ўша оқшом Муқаддас Рухнинг насиҳати унга Худо, фақат эрининг танлови ёки қарори билан рози бўлганидагина бўйсунини керак эмаслигини тушунишига ёрдам берди. Агар у Худонинг амрларига бўйсунса, унда Унинг ҳимояси унинг устида бўлишини тушунди. Мен ўша воқеадан сўнг хато қилдимми? Албатта. Ҳатто жуда кўп қилдим. Шунга қарамаздан, Худо Лизани ҳимоя қилди ва мен янглишган вақтларда, унинг юрагига тинчлик берди. У итоаткорликда бўлганида, эри қандай нотўғри қарорлар қабул қилишидан қатъий назар, Унинг ҳимояси унинг устида бўлади.

## ЎЙЛАМАСДАН ИШ ҚИЛАДИГАН ЁКИ НАЖОТ

### ТОПМАГАН ЭРЛАР

Хотинлари эрларига бўйсунини амри фақат эрлари имонли бўлган аёлларга қаратилмаган. Петрус: “Шунингдек, хотинлар, сизлар ўз эрларингизга бўйсунинглар, токи улардан Сўзга итоат қилмаётган баъзилари сизларнинг Худодан қўрқиб кечираётган пок ҳаётингизни кўриб, юриш-туришингиз туфайли сўзсиз имонга келсинлар” – деган (1-Петрус 3:1, 2).

“Шунингдек, хотинлар, сизлар” иборасига эътибор қаратамиз.

Петрус ҳозиргина етакчиларнинг адолатсиз муносабатига бўйсунуш мавзусининг муҳокамасини ёпди. (Биз бу хусусида 13-бобда батафсил тўхталиб ўтдик.) Сўнгра дарҳол хотинларга, эрларига нисбатан худди шундай насиҳатларни берди. Агар ушбу оятларнинг ҳаммасини бирлаштирсак, қуйидагиларни ўқиймиз:

Қуллар, сизлар фақатгина яхши ва мулоим хўжайинларга эмас, балки қаттиққўл хўжайинларга ҳам ҳар қандай қўрқув билан бўйсунинглар. Агарда ким ноҳақ азоб чекса, лекин ўз онгида Худога тегишли бўлиб, ғам-ғуссага чидаб турса – бу Худога маъқулдир. Шунингдек, хотинлар, сизлар ўз эрларингизга бўйсунинглар, токи улардан Сўзга итоат қилмаётган баъзилари сизларнинг Худодан қўрқиб кечираётган пок ҳаётингизни кўриб, юриш-туришингиз туфайли сўзсиз имонга келсинлар (1-Петрус 2:18, 19; 3:1, 2).

Ачинарли, лекин бу ҳақиқат: мен етакчи ролида ўзини имонсиздан ҳам қўполроқ тутган баъзи бир “имонли” эрларни учратганман. Одатда нажот топмаган эрларга бўйсунуш кўпроқ қийин бўлади. Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, агар эр хотинига Худонинг Сўзига қарши йўл тутишни буюрса, у унинг талабларига бўйсунушга мажбур эмас, лекин бу билан бирга, ўзида камтарликни сақлаб қолиши керак.

Петруснинг сўзларига кўра, ушбу камтар муносабат эри учун қудратли гувоҳлик, ҳатто воизлик қилинган сўздан кўра кўпроқ бўлиши мумкин. Мен эри имонсиз бўлган бир аёлни биламан. У унга кўп йиллар давомида воизлик қилди, унинг иш столи устида рисолалар қолдирар, тўшагига ва у дам олишни ёқтирадиган жойларга Муқаддас Китобни қўяр, рўзномалар столига масиҳий рўзномаларни ёйиб қўяр эди. Агар у ўйига оилавий жуфтликни таклиф қилса, оила бошлиқлари имонда мустаҳкам бўлган жуфтликларни танларди ва улар унинг эрига гувоҳлик беришларига умид қиларди.

Бир кун Раббий унга: *“Эрингнинг нажот топишига яна қанча халақит бермоқчисан?”* – деди.

У ҳайратланиб: *“Мен эримнинг нажот топишига халақит беряпманми? Лекин қанақасига?”* – деб сўради.

Худо, хотин воизлик қилиб, вазиятлар орқали эрини назорат қилишини ва Худо амр берган нарсани қилмаётганини тушунтирди. Худо унга Петруснинг биринчи мактубидан оятни кўрсатиб, шундай деди: *“Рисолалар, рўзнамалар, Муқаддас Китобдан халос бўл ва бу жуфтликларни уйингга таклиф этишни бас қил”*.

У менга: *“Жон, мен уни шунчаки севишни ва ҳамма нарсада итоаткор бўлишни бошладим, бир неча ойдан сўнг эрим ҳаётини Исога топширди”* – деди. Мен уларнинг ўйида бир қанча вақт қолдим ва бу одам Раббийни қанчалар кучли севишини ўз кўзларим билан кўрдим.

Агар биз шунчаки Худонинг Сўзи айтган нарсаларга имон келтирсак, ишонсак ва бўйсунсак, биз оилаларимизда мўъжизалар кўрардик ҳамда бизнинг ҳар қандай тушунчамиздан устун бўладиган тинчликка эга бўлган бўлардик. Бошқаларни назорат қилишни ёқтирадиган, хўжайинлик қилишни яхши кўрадиган етакчилар эмас, балки айнан Худо бу сўзларни айтганини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. У бу сўзларни бизнинг ютуғимиз ва ҳимоямиз учун айтди ҳамда уларнинг баъзиларини кейинги бобда кўрамиз. Биз муаммолар ичида туриб, Унинг ваъдасига ишонишимиз мумкин: *“Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан, – дейди Раббий, – булар сизларга келажак ва умид бериш учун ёвузликка эмас, эзгуликка бўлган мақсадлардир”* (Йермияҳ 29:11).

## ДУНЁВИЙ ҲОКИМИЯТ

Янги Аҳдда иш ва ўқиш хусусида ҳам бизга маълум бир кўрсатмалар берилган: Павлус шундай деб ёзган:

Қулларга ўз хўжайинларига бўйсуниларини, ҳамма нарсада уларга маъқул бўлишга ҳаракат қилишларини ва гап қайтармасликни *насиҳат қилгин*. Улар ўғирлик қилмасинлар, аксинча, ҳамма нарсада Нажоткоримиз Худо таълимотининг безаги бўлиш учун бор яхши садоқатни кўрсатсинлар (Титусга 2:9, 10).

Мен ҳар доим имонсиз раҳбарлар ёки ширкат эгалари, ишчилари уларга воизлик қилгани учун эмас, балки улар қийин вазиятларда ва ўзларининг касбий ахлоқларида Худонинг феъл-атворини намоён қилгани учун, уларда Исони кўришлари ҳақида айтганларида қувонаман. Бу одамлар менга: “Улар ҳеч қачон баҳслашмайдилар, шикоят қилмайдилар ва орқадан пичирлашмайдилар” ёки “Улар қолганлардан кўра тиришқоқлик билан ишлайдилар” ёки “Улар энг ҳалол ва ишончли ишчилар” – деб айтишади. Ўз ишчиларининг гувоҳлиги туфайли улар менинг Исо ҳақида айтганларимни қизиқиш билан тинглайдилар.

Шунга қарамасдан, мен бунинг аксини ҳам эшитганман. Бир куни парвозларнинг бирида, ёнимда ўтирган йўловчи билан суҳбатлашиб қолдим. Бу одам бир катта шаҳарда, йириклиги бўйича иккинчи бўлган такси хизмати ширкатининг эгаси экан. Биз ёқимли суҳбат қурдик, у менинг масиҳий хизматчи эканлигимни билмагунча яхши гаплашдик. Шунда у бирдан жим бўлиб, бунгача гаплашгандек эркин гапира олмай қолди. Лекин биз барибир илиқ муносабатлар ўрнатганимиздан сўнг, нима учун у менга нисбатан муносабатини бундай кескин тарзда ўзгартирганини сўрашим осон бўлди.

У жавоб берди: “Яхши, айтаман. Менинг ширкатимда бир аёл ишлар эди, у “юқоридан туғилганлардан” эди. У ишхонада ўзи ва бошқани иш вақтини ўғирлаб, ҳар тарафда ҳаммага воизлик қиларди. Биздан ишдан бўшаб, унга тегишли бўлмаган нарсани олиб кетди ва қўшимчасига, Германияда яшайдиган

Ўғли билан телефон қўнғироқлари учун саккиз минг долларлик тўловни менга қолдириб кетди”.

Мен ҳангу-манг бўлиб қолдим: ахир, энди унинг хатти-ҳаракати ва ўғриликлари туфайли бу идоранинг барча ходимлари, қачонлардир Худонинг Сўзини яна эшитишни хоҳлаши даргумон. Айнан шунинг учун Павлус: “Ғап қартармасликни, ўғирлик қилмасликни, аксинча бор яхши садоқатни кўрсатишни [уларга насиҳат қилгин]” – деб айтган. Биз итоаткорликда бўлиб, ғайрат билан меҳнат қилганимизда ҳамда бизнинг иш берувчиларимиз ва ўқитувчиларимиз томонидан ўрнатилган қоида ва қонунларга бўйсунганимизда, биз бу билан Раббимиз Исо Масиҳ иноятининг тирик гувоҳларига айланамиз.

Павлус бошқа жойда шундай деб ёзган:

Қуллар, бу дунёдаги хўжайинларингизга ҳамма нарсада итоат қилинглар. Бунини хўжакўрсинга қилгандай эмас, балки юрак соддалиги билан Худодан қўрқиб қилинглар. Нимаки қилсангизлар барчасини инсонлар учун эмас, балки Раббий учун қилаётгандек, бутун юрагингиз билан қилинглар (Колосаликларга 3:22, 23).

“Ҳамма нарсада” иборасига эътибор қаратинг. Сизнинг бошлигингиз ёки ўқитувчингиз қанчалик адолатсиз бўлиб туюлмасин, сизнинг унга итоатингиз, аслида Раббийга итоат қилиш билан тенгдир.

Ҳаворий Павлус давом этади: “Зеро биласизларки, сизлар мукофот сифатида Раббидан мерос оласизлар. Раббий Масиҳга хизмат қилинглар” (Колосаликларга 3:24). Агар ўша аёл, аслида Раббидан ўғирлаганини билса эди, у ҳеч қачон бунини қилмаган бўларди деб ўйлайман. Унга Худонинг тушунчаси ва қўрқуви етишмаган.

Павлус кейинги оятда давом этди: “Кимки ноҳақлик қилса, у ўз ноҳақлигига ярашасини олади, чунки Худо юз-хотирчилик

қилмайди”. Менга худди шу ҳолат бошқа таржимада қандай тус олиши ёқади: “Ўз ишини бепарво қилувчи, хўмрайган хизматкор бунинг учун ўзи жавоб беради. Масиҳийликка мансублик ёмон ишни ёпмайди”.

Эҳтимол, бу аёл ширкат раҳбари ёки фуқаролик ҳоқимияти олдида жавоб бермайди; лекин у Раббийнинг қаршисида жавоб бериши ва Унинг ҳукми чоғида ҳисоб бериши керак бўлади. “Шунинг учун жо бўлибми, ёки ҳали жо бўлмасданми, Унга маъқул бўлиш учун жонбозлик қилмоқдамиз. Чунки ҳаммамиз танада яшаган пайтимизда қилган яхши ёки ёмон ишларга *қараб* қаримтаминлини олиш учун Масиҳнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак” (2-Коринфликларга 2:9, 10).

### УМУМИЙ САВОЛЛАР

Кўпчилик, шахсий ҳаёти, воизлик қилаётган нарсадан жуда фарқ қилувчи етакчиларни эшитмасликларини айтади. Лекин бундай муносабат қаердан келиб чиқади – Худого бўйсунмасликданми ёки табиий фикрлашданми? Муқаддас Китобда нима деб ёзилганини ўқиймиз: “Сўнгра Исо халққа ва ўз шогирдларига сўзлай бошлади: “Мўсонинг курсисига уламолару фарзийлар ўтирдилар. Шунинг учун улар нимага риоя қилишни буюрсалар, риоя қилинглари ва бажаринглари. Уларнинг қилганларини эса қилманглари, чунки улар айтадилар, лекин ўзлари қилмайдилар” (Матто 23:1-3).

Исо ҳатто ўз воизликларига биноан яшамайдиган бузуқ етакчиларга ҳам бўйсуннишни буюрган. У халққа уларнинг шахсий ҳаётига эмас, балки ушбу одамларга берилган ҳоқимиятга қарашни айтган. Уочман Ни шундай деб ёзган:

Раббий ҳоқимият муассасасига асос солиб, Ўзига қандай таваккалчиликни олган! Худо томонидан топширилган ҳоқимият Уни ёлғон деб кўрсатса, У қандай йўқотишларга

учрайди! Барибир Худо мисли кўрилмаган жасорат билан Ўз ҳокимиятини қайта ва қайта ишонади. Раббий ҳокимиятларни ўрнатишидан кўра, бизнинг уларга қўрқмасдан бўйсуншимиз анча осонроқдир. Худонинг Ўзи ҳокимиятни одамга ишонишдан қўрқмаган экан, биз унга чўчимасдан бўйсун олмаймизми? Худо етакчиларни қандай жасорат билан қўйган бўлса, келинг, уларга худди шундай бўйсунайлик. Агар бирор бир жойда хатоликка йўл қўйилган бўлса, бунинг учун айб бизнинг зиммамизда эмас, балки етакчиларнинг елкаларида ётади, зеро Раббий шундай деб эълон қилади: “Ҳар бир жон юқори ҳокимиятларга бўйсунсин” (Римликларга 13:1).

Итоаткорга фақат итоат керак; Раббий бизни, адашиб бўйсуниб қўйганимиз учун ҳукм қилмайди, барча хатолар учун, Худодан ҳокимиятни олган етакчидан талаб қилади. Итоатсизлик эса исёндин ва бунинг учун Худо биздан, яъни ҳокимият остида турганлардан сўрайди. (Рухий ҳокимият [Spiritual Authority by Watchman Nee].)

Буни ҳокимиятларнинг адолатсиз таъқибидан азоб чеккан одам ёзган. Йигирманчи асрнинг ўттизинчи ва қирқинчи йилларида у хорижий элчилик хизмати ташкилотларидан, бутунлай мустақил равишда Хитойда маҳаллий жамоатларни яратишга ёрдам берган ва кўплаб одамлар унинг хизмати орқали Раббийга келишган. Унинг хатти-ҳаракатлари ҳокимиятларнинг қонини қайнатган ва 1952-йилда уни ҳибсга олишиб, ўзи содир этмаган кўплаб жиноятларда айблашган. У умрининг қолган қисмини 1972-йилгача қамоқда ўтказди. Бироқ унинг Раббий қаршисидаги илтифотли қўрқуви маҳбуслар учун ажойиб гувоҳлик бўлган ва унинг шахсий гувоҳлиги туфайли, кўпчилик қамоқда тавба қилдилар. Унинг китоблари ҳанузгача кўплаб одамларга хизмат қилиб келмоқда.

## ҚОНУНИЙ ҲОКИМИЯТНИ ҚАНДАЙ ФАРҚЛАШ МУМКИН?

Ушбу бутун китоб давомида қонуний тайинланган етакчиларни қандай фарқлаш билан бўлишдим, энди ушбу бобни якунлар эканман, олдин айтиб ўтилган нарсаларни такрорлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Фуқаролик ва дунёвий ҳокимият соҳасида қонуний ҳокимиятни фарқлаш унчалик ҳам қийин эмас. Қуйидаги оятни ўқиймиз: “Шундай қилиб, Раббий ҳақи ҳар қандай инсоний ҳокимиятга бўйсунинглар” (1-Петрус 2:13). Давлат мансабдор шахси – бу давлат олдида оммавий қасамёд қилган одам ёки мавжуд ҳокимият томонидан мансабдор шахс лавозимига тайинланган одамдир. Шунингдек, ширкат раҳбарлари ёки ёлланган ўқитувчилар ёки таълим муассасалари директорлари ҳам бор ва биз уларнинг ҳокимияти ҳам қонуний эканини биламиз.

Уйдаги ҳокимиятни ҳам осонгина аниқлаш мумкин. Аёл киши турмушга чиққанидан сўнг, у эрининг ҳокимияти, ҳимояси ва таъминоти остида туради. Оилада фарзанд пайдо бўлганда, у ота-онасининг ҳокимияти остида бўлади. Агар бола асраб олинган бўлса, у уни асраб олган ота-онасини худди улар уни туққан ота-онасидек иззат-ҳурмат қилиши керак. Меҳрибонлик ўйида ёки васийлик остида бўлган бола, унинг устидан қўйилганларни ҳурмат қилиши керак.

Жамоатдаги ҳокимиятнинг қонунийлигини аниқлаш масаласи бироз мушкулроқ. Ёзув жамоатда сохта ҳаворийлар, сохта муаллимлар, сохта етакчиларнинг пайдо бўлиши ҳақида огоҳлантиради; биз бундай одамларга бўйсунмаслигимиз керак. Павлус айтганидек: “Фақат баъзи сохта биродарлар... яширинча кириб олиб, бизни қул қилмоқчи бўлдилар... бир дам ҳам ҳеч нарсада чекинмай, уларга бўйсунмадик” (Галатияликларга 2:4, 5). Сохта етакчилар ўзларини иккита йўл билан намоён қилишлари мумкин. Биринчидан, бундайлар Ёзувга мос келмайдиган таълимотни олиб келадилар. Умумий

маънода ҳозиргина айтилган нарсани Павлус бироз олдинроқ ёзган: “Аmmo ҳатто биз ёки осмондан фаришта келиб, бизнинг сизларга воизлик қилганимиздан бошқа хушхабарни воизлик қилса, лаънати бўлсин” (Галатияликларга 1:8). Шу сабабли, Павлус бундай етакчиларни ҳурмат қилмаган ва уларга бўйсунмаган.

Иккинчидан, сохта етакчилар жамоатда ўзларини ўзи тайинлаш орқали кўтариладилар. Худодан тайинланиш Муқаддас Рухдан келиб чиқади ва бунгача номзоднинг ҳаётини кузатган, аллақачон ҳокимият берилган оқсоқоллар томонидан тасдиқланади. Эски Аҳдда бу жараён Йешуа Нун ўғлини тайинлашда тасвирланган. Худо Мусога деди:

Ичида Рух бўлган одам, Нун ўғли Йешуани олиб, устига қўлингни қўй. Уни руҳоний Элеазар ва бутун жамоанинг олдига қўйгин ва уларнинг кўз ўнгида унга насиҳат бергин. Исроил ўғилларининг бутун жамоаси унга қўлоқ солиши учун унга ўз шўҳратингдан бергин (Сонлар 27:18-20).

Худо Йешуа Нун ўғлини танлади, лекин Ўз танловини мавжуд етакчилар Мусо ва Элеазар орқали тасдиқлади. Бу одамлар кўп йиллар давомида Йешуа Нун ўғлини кузатиб юрдилар. Тайинлашнинг бундай тизими Янги Аҳдда ҳам мавжуд (Ҳаворийлар 13:1-4).

Павлус шундай деб тасдиқлаган: “Ўзини ўзи мақтайдиган эмас, балки Раббий мақтайдиган киши мақтовга лойиқдир” (2-Коринфликларга 10:18). Ўзини ўзи тайинлайдиган етакчиларга бўйсунуш хавфли. Номзодлар хизматда садоқат кўрсатган жамоат олдида, Худо Ўзи тайинлаган одамни тасдиқлайди. Исо Тиатир жамоатининг имонлиларини, ўзини пайғамбар аёл деб атаган Йезебел уларга таълим беришига йўл қўйгани ва унинг сохта ҳокимиятига бўйсунганлари учун қоралади (Ваҳий 2:29-25). Сохта хизматчиларни қандай аниқлаш ҳақида мен

бутун бир бошли “*Раббий шундай дейдими?*” деб номланган китоб ёзганман. Бу китоб ушбу масалани ўрганишда яхши кўмак бўлиши мумкин. Китоб руҳий ҳокимиятни суиистеъмол қилишга, шунингдек, сохта ҳокимиятнинг намоён бўлишига бағишланган. Биз чанакамига нажот топганимизда ва Худонинг иродасини излаганимизда, жамоатда қонуний ҳокимиятни қийинчиликларсиз аниқлаймиз. Исо шундай деди: “Ким Унинг иродасини бажармоқчи бўлса, бу таълимот ҳақида – у Худоданми ёки Мен Ўзимдан гапиряпманми, билиб олади” (Юҳанно 7:17). Бу ерда асосий сўз қуйидаги: “Ким Унинг иродасини бажармоқчи бўлса”. Биз Худонинг иродасини қидирганимизда, У бизга Муқаддас Рух томонидан фарқлаш инъомини беради. Бу ҳақида Юҳанно шундай ёзади: “Бироқ сизлар Муқаддас Бўлганнинг мойланишига эгасизлар ва ҳамма нарсани биласизлар” (1-Юҳанно 2:20).

Уочман Ни қуйидагича ёзган: “Агар биз Худога бўйсунити чинакамига ўргансак, шунда биз Худонинг ҳокимияти (*руҳий ҳокимият*) кимда бўлишини осонгина фарқлаймиз. Агар сиз Худони билсангиз, ҳокимиятни ҳам биласиз, зеро У ва Унинг ҳокимияти ажралмасдир.

Худо Уни жон-жаҳди билан қидирадиган ва Унга бўйсунадиганларга мукофот беради. Биз кейинги бобда ҳокимиятга бўйсунитишнинг кўплаб буюк имтиёзларидан айримларини кўриб чиқамиз.



17-БОБ

## БУЮК ИМОН

*Бизнинг итоткорлигимизнинг даражаси  
қанчалик юқори бўлса, имонимиз шунчалик  
кучли бўлади.*

**У**шбу охирги бобда биз “эмлашнинг” афзалликларига, бошқача айтганда, Парвардигори Оламнинг паноҳи остига кирадиганларнинг барчаси учун ажойиб мукофотлар ва баракаларга эътиборимизни қаратамиз. Биргина афзалликни таърифлашга тўп-тўп китобларни бағишлаш мумкин бўларди. Биз фақатгина уларнинг баъзиларига тўхталамиз, қолганларини эса сиз шахсий кечинма ва Масихдаги тажриба орқали очасиз.

### РАББИЙ, БИЗНИНГ ИМОНИМИЗНИ КЎПАЙТИРГИН

Мен бир неча йил аввал, ибодат қилиш учун тонгда соат 5:30 да ишхонамга бордим, мен кўп марта шундай қилганман. Аммо бу сафар ибодатдан олдин Муқаддас Рухнинг овозини эшитдим: “Луқо Хушхабарининг ўн еттинчи бобини очиб, бешинчи оятдан бошлаб ўқи”.

Ҳаяжон билан ўша жойни очдим ва оятлар менга яхши

таниш эканини кўрдим. Мен ҳатто улардан ўз воизлигимда фойдаланганман, лекин бу менинг ҳаяжонимни босмади. Мен ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, агар Худо менга бирор-бир оятни ўқишимни айтса, бу мен у жойдан илгари пайқамаган қандайдир янги нарсани олишимни англатишини билар эдим. Келинг, Ёзувнинг ушбу жойини биргаликда ўрганиб чиқайлик.

Ҳаворийлар Раббидан: “Бизнинг имонимизни кўпайтиргин” – деб сўрадилар. У ўша тонгда менга кўрсатган нарсани ўрганишни давом эттиришимиздан аввал, мен одамлар Раббидан уларнинг имонини кўпайтиришини сўраганларининг сабабини кўрсатаман. Эҳтимол, Исо ҳозиргина ўлган одамни тирилтиргандир? Ёки, эҳтимол, беш минг кишини бир нечта нон ва балиқлар билан тўйдиргандир? Ёки биргина сўз билан кучли тўлқинланаётган денгизни тинчлантиргандир? Йўқ, йўқ, йўқ ва яна бир бор, йўқ! Исо шунчаки уларга: “Ўзингизни назорат қилинглар! Агар биродаринг сенга қарши гуноҳ қилса, унга танбех бергин. Агар тавба қилса, уни кечиргин. Агар бир куннинг ўзида сенга қарши етти марта гуноҳ қилса-ю, етти марта сенга қайта келиб: “Тавба қилдим”, – деса, уни кечиргин” – деди (3, 4-оятлар).

Мисли кўрилмаган кучли мўъжизалар, уларни имонни кўпайтириш ҳақида ҳайқиришга ундамади. Бу уларга қарши нотўғри йўл тутганларни оддийгина кечириш амри эди. Бу одамлар қонун остида яшар ва хафагарчиликка “кўзга кўз, тишга тиш” муносабати билан жавоб беришга одатланишган эди. Исо эса уларни шу чоққача қулоқ эшитмаган йўлдан олиб борди. Бу йўл уларга бироз аҳмоқона бўлиб туюлди. Худонинг феъл-атворида юриш амри уларни ларзага солди. Улар бундай қийин ишни қандай қила олишади? Мана сизга жавоб: “Бизнинг имонимизни кўпайтиргин!” Улар итоаткорлик ва имон чамбарчас боғлиқ эканини билар эдилар – бу мен бутунлай янги тарзда кўришим лозим бўлган нарса эди.

Исо уларнинг катта имон ҳақидаги илтижосини эшитиб, уларга масал айтиб берди: “Агар хантал уруғидай имонингиз бўлиб, шу анжир дарахтига: “Илдизинг билан кўпорилиб, денгизга кўчиб ўтқазил”, – десангиз, у сизларга бўйсунар эди” (6-оят). Мен асл моҳиятни тушунганимни ҳис қилдим. Мен илгари ушбу оятлар бўйича таълим берган ва Исо айтган Худонинг имони ҳақидаги таълимоти билан таниш эдим. Агар биз тоққа кўтарилиб, денгизга отил деб айтсак ва юрагимизда шубҳаланмасак, унда айтганимиз амалга ошади (Марк 11:22-24га қаранг). Бу ерда фарқ йўқ эди, фақат У тоғнинг ўрнига мисол тариқасида анжир дарахтидан фойдаланди.

Бу сўзлардан яна шу нарса аниқки, имон ҳар бир имонлига дастлаб хантал уруғидек берилади. Бу ерда Шоҳликнинг экиш ва ўриб олиш тамойили қўйилган: “Худонинг Шоҳлиги – бир одамнинг уруғни ерга ташлагани кабидир” (Марк 4:26). Биз нажот топганимизда, ҳар биримиз маълум бир имон миқдорини олганмиз (Римликларга 12:3). Имон уруғ кўринишида берилади, бизнинг жавобгарлигимиз эса уни ўғитлаб, ўстиришдан иборатдир. У қандай ўсади? Жавоб яқин қолди.

### ХИЗМАТКОРЛАР УЧУН ТУШЛИК ВАҚТИМИ?

Мен ўқишни давом эттирдим, лекин жуда диққат билан, чунки кейинги тўртта оят мени доим қийин аҳволга солиб қўярди. Исо шогирдларига имонни қандай кўпайтиришнинг аниқ ифодасини бермаганини фаҳмлай бошладим. У уларни бевосита ҳокимиятга бўйсунушга тааллуқли бўлган ҳаёт тарзига йўналтирмоқчи эди. Унинг масалига қулоқ тутинг:

Сизлардан ким қўш ҳайдовчи ёки подачи қулга эга бўлиб, у даладан қайтганида, унга: “Тез келиб, дастурхонга ўтир”, – дейди? Аксинча: “Кечки овқатимни тайёрла, овқатланиб бўлганимча бел боғлаб, менга хизмат қилиб

тур, ундан кейин ўзинг еб-ичасан”, – демайдими? Буюрган ишларни бажаргани учун у қулига ташаккур билдирадими? Ўйлайманки, йўқ (Луқо 17:7-9).

Менда доимо нима учун Исо тўсатдан бошқа мавзуга ўтди деган савол туғилган. Дастлаб У дарахтларни томири билан суғуриб оладиган имон ҳақида гапирди, кейин эса бирдан хизматкорларнинг хатти-ҳаракатларига ўтиб кетди. Бу мен учун маъно ва мантиқнинг қандайдир бузилиши бўлиб кўринарди, лекин ўша тонгда мен ҳаммасини тушундим.

Бу оятларни қайтадан ва жуда секин ўқир эканман, У менинг юрагимга қандай ваҳийни солишини кутардим. Мен тўсатдан эшитдим: *“Сенинг ерингга ишлов бераётган хизматкорнинг энг сўнгги мақсади нима? Подани боқайтган хизматкорнинг энг сўнгги мақсади нима? Якуний натижа нима?”*

Бир лаҳза ўйланиб қолдим. Сўнгра менга етиб келди: тайёр овқатни дастурхон устига қўйиш. Исо нима демоқчилигини тушундим. Агар хизматкор меҳнатининг якуний натижаси – бу хўжайинининг дастурхонидаги овқат бўлса, хўжайин овқатланмагунча хизматкорнинг овқатланишига қандай ҳаққи бор? У авваломбор, ўз ишини тугатиши керак эмасми? Албатта, тугатиши керак! Тугатилмаган иш умуман бошланмаган иш каби яхши эмас. Нима учун далани ҳайдаб, ундан емаслик керак? Агар жун, гўшт ёки сут олмаса, унда подани боқиш нимага керак?

Мен буни тушунганимда, ўқишда давом этдим: “Шундай қилиб, сизлар ҳам буюрилган ҳамма ишни бажарганингиздан кейин: “Бизлар арзимаيدиган қуллармиз, чунки қилишимиз керак бўлган ишни қилдик”, – денглар” (Луқо 17:10, курсив муаллифга тегишли).

У бу мисолни тўғридан-тўғри бизга қаратган. Мен ўқийганимда, *“буюрилган”* ва *ҳамма ишни бажарганингиздан”* сўзлари гўёки саҳифалардан сакраб чиқди. Исо ушбу

хизматкорнинг ўз хўжайинига итоатини бизнинг Худога итоатимиз билан боғлади. У шундай қилиб, имонни кўпайтиришга тегишли учта муҳим бандни келтирди:

- Имон ва ҳокимиятга итоат қилиш ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд.
- Бизга топширилган нарсани охиригача олиб борганимиздагина имон ўсади.
- Ҳақиқий камтарлик муносабати – энг муҳим омилдир.

Ҳар бир бандни Ёзувга мурожаат қилган ҳолда муҳокама қиламиз.

## ИМОН ВА ҲОКИМИЯТГА ИТОАТ ҚИЛИШ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК

Биринчи банд – имон ва итоат қилиш ўртасидаги бевосита боғлиқлик; биз бунинг тасдиғини Хушxabарлардаги Исонинг юзбоши билан учрашуви ҳақида айтилган воқеаларда кўрамиз. Исо Кафарнаҳумга кирганида, Унинг олдида римлик юзбоши яқинлашиб, Ундан шол бўлиб қолган ва қаттиқ азоб чекаётган хизматкорини шифолашини сўради. Исо жавоб бериб: “Мен бориб, уни шифолайман” – деди (Матто 8:7).

Юзбоши Унинг гапини бўлиб: “Ҳазрат! Сен менинг томим остига киришингга лойиқ эмасман. Фақатгина бир сўз айтгин ва менинг хизматкорим шифо топади” – деди.

Исо ўша одамнинг уйига боришни хоҳлар ва бунга тайёр эди, лекин юзбоши Исони қабул қилишга ўзини нолайиқ ҳисоблаб, Ундан бундай қилмасликни сўради. У шунчаки Исодан, ўша пайтда турган жойидан буйруқ беришини ва хизматкор шифо топишини айтди. Юзбоши ўз хатти-ҳаракатини қуйидагича тушунтирди: “Зеро мен ҳам ҳокимият остидаги одамман, менинг қўл остимда ҳам аскарларим бор. Бирига: “Бор”, – десам боради, “кел”, – десам келади, бирор

хизматкоримга: “Буни қилгин”, – десам бажаради” (Матто 8:9).

Унинг нуқтаи назарини муҳокама қиламиз. Рим ҳарбий қисмида олти мингта аскар бор эди. Ҳарбий қисм ичида, ҳарбий қисм қўмондонига бўйсунувчи олтмиш нафар юзбоши бўлиб, уларнинг қўл остида юзтадан ҳарбий аскарлар бор эди.

Рим зобити Исога аскарлар уни ҳурмат қилишини ва унга бўйсунушини, чунки ўз ўрнида, у қўмондонига бўйсунушини айтди. Шу тарзда, у қўмондони томондан қўллаб-қувватланар, қўмондон эса Рим ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланар эди. Оддий қилиб айтганда, у қуйидагини назарда тутди: “Мен ҳокимият остидаги одамман; лекин менда ҳам ҳокимият бор. Шунинг учун мен қилишим керак бўлган ягона нарса – бу фақат сўз айтишдир, менинг ҳокимиятим остида бўлганлар эса, буйруғимни дарҳол бажарадилар”.

У: “Зеро мен ҳам” – деди. У Исо Худо Шоҳлигининг ҳокимияти остида, яъни Худонинг Қули эканини тан олди; шунинг учун ўша аскар, унинг ўзи ҳарбий дунёда ҳокимиятга эга бўлганидек, Исо ҳам руҳий дунёнинг самовий соҳасида ҳокимиятга эга эканини билар эди. Унга фақат буйруқдан бошқа ҳеч нарса керак эмаслигини ва шол ҳам худди у буйруқ берганда, унинг аскарлари ростланганидек, бўйсунушга мажбур бўлишини тушунди.

Исо бунга қандай муносабат билдирди? “Исо буни эшитганида ажабланди ва ортидан эргашганларга қараб: “Мен сизларга ростини айтаман, бундай катта имонни ҳатто Исроилда топмадим, – деди” (Матто 8:10).

Исо ердаги Ўзининг ўттиз уч йиллик ҳаёти давомида буюк имонни Яҳё Чўмдирувчида ҳам, онаси Марямда ҳам кўрмади. У буни шифо ва мўъжиза топган Исроил ўғилларининг бирортасида ҳам ва ўн икки шогирдида ҳам топмади. Бундай имонга эга бўлган одам, Рим фуқароси, жангчи, Исроилнинг босқинчиларидан бирига тегишли эди. Унинг имонини нима

бундай буюк қилди? Гап шундаки, у ҳокимиятга итоат этишга, тушунган ҳолда муносабатда бўлди.

Бу Исо буюк имон ҳақида Ўзининг масалида айтган нарса эди. Бизга берилган ҳокимият, унга итоатимизга тўғридан-тўғри мутаносибдир. Бизнинг итоаткорлигимизнинг даражаси қанчалик юқори бўлса, имонимиз шунчалик кучли бўлади. Энди буни Исо имонда ўсишга интилган Ўзининг шогирдларига айтгани билан боғланг: “Агар хантал уруғидай имонингиз бўлиб, шу анжир дарахтига: “Илдизинг билан қўпорилиб, денгизга кўчиб ўтказил”, – десангиз, у сизларга бўйсунар эди” (Луқо 17:6). Исо бизга бор-йўғи керак бўлган нарса – бу сўз айтиш эканини ва дарахт бизга бўйсунганини айтди! Бу анжир кимга бўйсунди? “Буйруқни бажарган” кишига бўйсунди (Луқо 17:9).

### ОХИРИГАЧА ИТОАТ ҚИЛИШ

Исо айтган иккинчи муҳим банд, имон бизга буюрилган нарсани охирига етказганимиздагина ўсишидан иборатдир. Мана Унинг аниқ сўзлари: “Шундай қилиб, сизлар ҳам буюрилган ҳамма ишни бажарганингиздан кейин”. Хизматкор хўжайини иродасининг фақат бир қисми учун эмас, балки унинг тўлиқ бажарилиши учун жавобгар бўлади. Биз кўпинча ниманидир бошлаймиз ва тугатмаймиз, чунки унга бизнинг ҳар қандай қизиқишимиз йўқолади. Баъзан биз сарфлаган куч ва чеккан азоб-уқубатларимиз биз учун ниҳоятда оғир бўлиб туюлади. Ҳақиқий ва садоқатли хизматкор барча қийинчилик ва шароитларга қарамасдан, лойиҳани охирига етказди. У далага ишлов беради, хўжайинига ўз меҳнатининг ҳосилини олиб келади ва дастурхон ёзади. Унинг ҳаракатлари ҳақиқий итоаткорлик ҳисобланади.

Иброҳим бизнинг имонимизнинг отаси деб аталган (Римликларга 4:11, 12га қаранг). Унинг фарзандлари йўқ эди. Иброҳим етмиш беш ёшга кирганида эса, унга Худо намоён

бўлди ва унга ўғил беришини, у орқали Иброҳим кўплаб халқларнинг отаси бўлишини ваъда қилди. Унинг кўп йиллари кутиш ва итоаткорликда ўтди, кейин Иброҳим юз ёшида ваъда қилинган ўғилни олди.

Худо унинг Исҳоққа кучли боғланиб қолишига рухсат берди. Уларнинг муҳаббати мустаҳкам бўлганда, Раббий Иброҳимга Исҳоқни Морияҳ ерига олиб боришни ва уни қурбонликка келтиришни буюриб, уни синади. Ёзув: “Иброҳим эрталаб барвақт турди” – деб айтади (Ибтидо 22:3). Унинг нақадар тез бўйсунганига эътибор беринг. Айримлар кунлар, ҳафталар, ойлар ва ҳатто йиллар давомида ўйлаб, Худога бўйсуниб керакми ёки йўқлигини ҳал қиладилар. Уларга Худонинг қўрқуви етишмайди, бу эса уларда буюк имон йўқлигига сабаб бўлади. Худо бизга гапирганини билганимиз заҳоти, биз зудлик билан жавоб қайтаришимиз керак. Фақат битта изоҳ бўлиши мумкин: агар бу ҳаётимизга жиддий ўзгаришларни олиб келадиган бўлса, бизнинг устимиздан қўйилган етакчилардан тасдиқлашини сўраш учун доноликка эга бўлишимиз лозим.

Морияҳ йўлига бориш масофаси Иброҳимнинг уч кунини олди. Бу вақт ичида унда ҳамма нарсани батафсил ўйлаш имконияти бор эди. Агар у ортга қайтмоқчи бўлганда, у ўша пайтнинг ўзида буни қилган бўларди. Аммо Иброҳим бундай қилмади. У ўз ўғли билан тоғнинг энг тепасига кўтарилди ва Исҳоқни биргаликда қурган қурбонгоҳга боғлади. Раббийнинг фариштаси уни тўхтатганида, у ўғлини сўйиш учун алақачон пичоғини кўтарган эди: “Болага қўл теккизма, унга ҳеч нима қилма. Чунки Мен энди сенинг Худодан қўрқишингни билдим ва сен ўзингнинг ягона ўғлигни Мендан аямадинг” (Ибтидо 22:12).

Иброҳим охиригача бўйсунди! У ҳатто ҳаётидаги энг муҳим бўлган, Исҳоқни, меросхўри, умиди, Худонинг ваъдасини йўқотиш олдида бир сония ҳам иккиланмади. У ўғлини йўқотиш билан бутун ҳаёт мазмунини йўқотган бўлар эди.

Иброҳим унинг итоаткорликка интилиши, ваъда қилинганни олиш истагидан анча кучлироқ бўлганини исботлади. Биз ҳам ўз юрагимизда шу нарсага келишимиз керак. *Эй, Эгам, бизнинг авлодимизни ҳам кўтаргин!*

Шундан сўнг Худо гапирди:

Ўзим билан қасам ичаман, – дейди Раббий, – сен бу ишни қилганинг учун, ўзингнинг ягона ўғлингни аямаганинг учун Мен сени дуо қилиб дуо қиламан. Сенинг уруғингни кўпайтириб осмондаги юлдузлар каби ва денгиз соҳилидаги қумлар каби кўпайтираман. Сенинг уруғинг ўз душманларининг дарвозаларига эгалик қилади. Сенинг уруғингда ер юзидаги барча халқлар дуойи-баракат топадилар, чунки сен Менинг овозимга қулоқ солдинг (Ибтидо 22:16-18).

Иброҳимнинг охиригача итоаткорлиги учун унга ва унинг авлодига нима ваъда қилинганга қаранг! “Сенинг уруғинг ўз душманларининг дарвозаларига эгалик қилади”. Нима деб ўйлайсиз, нима учун Исо: “Дўзахнинг дарвозалари жаннатни энга олмайди” – деб айтган? Иброҳим отанинг итоати, Исо Жамоатни барча зарур нарсалар билан таъминлаб бера олиши учун эшик очди. Унинг имони ёки итоати ҳозиргача бизга гувоҳлик бермоқда.

Энди Ибронийларга мактубнинг муаллифи Иброҳимнинг итоати тўғрисида нима деганига қаранг:

Сизларнинг ҳар бирингиз умидга ишончи комил бўлиши учун *охиригача* шундай ғайрат кўрсатишингизни хоҳлаймиз, токи сизлар ялқов бўлиб қолманглар, лекин *имон ва сабр-тоқат билан ваъдаларни мерос қилиб олганларга тақлид қилинглар*. Худо Иброҳимга ваъда берганида, Ўзидан буюкроқ ҳеч ким ҳақи қасам ича олмай, Ўзи ҳақи қасам ичиб деди: “Ҳақиқатан, дуо қилиб сени дуо қиламан,

кўпайтириб сени кўпайтираман”. Шундай қилиб, Иброҳим узоқ сабр қилиб, ваъдага эришди” (Ибронийларга 6:11-15).

Иброҳим охиригача итоатли бўлди – у ҳамма нарсани саботматонат билан бошидан кечирди. Унинг итоаткор ишини, аввалги бобларнинг бирида муҳокама қилган подшоҳ Шоулнинг хатти-ҳаракати билан солиштиринг. У итоаткорлик билан урушга бориб, унга буюрилган ҳамма нарсанинг тўқсон тўққиз фоизини бажарди. У ўзи ўйлаганидек, Раббий учун энг яхши нарсалардан фақат озгина қисмини қолдирди. Пировардида, у Худо унга буюрган нарсани тугатмади. Ташқаридан у натижага яқин келгандек кўринарди, лекин унинг итоатсизлиги унга қимматга тушди. У “Хўжайинининг дастурхонига” овқат олиб келишгача бўлган лаҳзагача келди, бироқ юрагининг ниятлари у олиб қолган нарсада ошкор бўлди. У хизмат қилган Зотни ҳурмат қилишнинг ўрнига унга берилган амрдан фойда олишга ҳаракат қилди.

Қанчадан-қанча одамлар Шоулга ўхшаб хизматни оловда, иштиёқ билан бошлайдилар, кейин ноқулайликлар, қийинчиликлар юзага келганда ёки натижаларни кутиш чўзилиб кетганда, улар итоатсиз бўлиб қоладилар! Ёки улар етакчи томонидан белгиланган йўлдан бироз четлашиш усулларини топишга ҳаракат қилиб, ўзи учун фойда олиш имкониятини қидирадилар. Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам диний баҳона ва далилларни ўйлаб топиб, ўзларини оқлайдилар. Бу Шоул Раббийнинг сўзларига биноан қириб ташлаши керак бўлган қўйларни, Раббийга қурбонлик учун энг яхшиларини сақлаб қолгани билан таққосланади. Агар итоаткорлик тўлиқ бўлмаса, имон ўсмайди, у камаяди!

Иброҳим охиригача унинг итоаткорлигида ифодаланган ҳақиқий имон ва узоқ сабр-тоқат орқали ваъдага эга бўлди. Унинг имони ва итоати ажралмас бўлиб, буни Ёқуб қанчалар аниқ ифода этган (ушбу оятларда *иш* сўзининг ўрнига *итоаткорлик ишлари* сўзини қўяман):

Эй, нодон одам, *итоаткорлик ишларисиз* имон ўлик эканлигини билишни хоҳлайсанми? Бизнинг отамиз Иброҳим ўғли Исҳоқни қурбонгоҳга қўйганида, ўз *итоаткорлик ишлари* билан оқланган эмасмиди? Кўряпсанми? Унинг имони *итоаткорлик ишларига* кўмаклашган эди, *итоаткорлик ишлари* туфайли эса имони камолотга эришган эди. Шундай қилиб, Ёзув бажо бўлди: “Иброҳим Худога ишонди, бу эса унга ҳақлик деб ҳисобланди ва у Худонинг дўсти деб аталди”. Кўряпсизларми? Инсон фақат имони билан эмас, балки *итоаткорлик ишлари* билан ҳам оқланади. Хуллас, руҳсиз бадан ўлик бўлганидек, имон ҳам *итоаткорлик ишларисиз* ўликдир (2:20-24, 26).

Сўнги оятдаги имон ва итоаткорлик ишлари инсоннинг танаси ва руҳига тенглаштирилмоқда. Сиз унинг мисолида имон жисмоний тана билан, итоаткорлик ишлари эса – одамнинг руҳи билан солиштириляётганини кўрасиз. Бу дунёда намоён бўлиш учун бу икки нарса бир-бирини тўлдириши керак. Агар руҳ танани тарк этса, тана ўлади. Лазар билан содир бўлгани каби, руҳ кетганда, руҳ қайтмагунча танани тирилтириб бўлмайди. Шу тарзда, Ёқуб имон тўлиқ итоаткорлик ишларига боғлиқ эканини кўрсатган. Мана нима учун у: “*Итоаткорлик ишларисиз* бўлган имонингни менга кўрсат-чи, мен эса сенга имонимни *итоаткорлик ишларим* орқали кўрсатаман!” – деб айтган (Ёқуб 2:18). Имон итоаткорликдан ташқарида бўлса, у ҳақиқий ҳисобланмайди. Адашманг, чунки Ёзув аниқ қилиб: “*Итоаткорлик ишлари* туфайли имон камолотга эришади!” – деб айтмоқда.

Ҳаворийлар: “Раббий, бизнинг имонимизни кўпайтир” – деб бақирдилар. Сўнгра Исо итоаткорлик ишлари охиригача бажарилиши ҳақида сўзлаб берди. Қадрли биродар ёки опасингил, ушбу китобнинг энг аввалидаги хабарнинг муҳимлиги

ва долзарблиги ҳақидаги гапларим, энди сизга тушунарлими? Қонунсизлик кўпайиб бораётган замонда барчамиз ушбу сўзларни дарров тушуниб олишимиз зарур.

Эҳтимол, сиз: “Мен имон эшитишдан ва ишончдан келади деб ўйлаган эдим” – дерсиз. Ҳа, бу тўғри, бироқ имоннинг гувоҳлиги эътироф билан келадиган ҳаракатлардир. Шу сабабли биз сўзни эшитиб, лекин бўйсунмасак, йўлдан адашишда яшаётганимизни бизга айтишади. Унда бизнинг имонимиз ҳақиқий эмас, у бор-йўғи ичи пуч қалбакидир.

### ИМОНДАГИ БУЮК ЖАСОРАТ

Биз худди шу ҳақиқатни ҳаворий Павлус томонидан берилган жамоатдаги хизматларнинг сифатларини таърифлашда ҳам топамиз: “Уларни хизматчи этиб тайинлашдан олдин, уларнинг феъл-атвори ва қобилиятларини текшириб кўриш мақсадида уларга жамоатда бошқа вазифаларни топшириш керак. Агар улар буни уддаласалар, унда хизматчи бўлиб хизмат қилишлари мумкин” (1-Тимотийга 3:10). Хизматчи етакчи эмас, у бошқанинг бўйруқларини бажаради. У. Е. Вайн юнон тилида хизматчи сўзи “*хизматкор*” эканини айтади. У давом этиб, бу сўз кимнингдир ҳокимияти остида турган одамни англатишини ёзади. Павлус хизматчи садоқат билан хизмат қилганларида, уларнинг итоаткорлиги уларга қуйидагиларни таъминлашини айтади: “Чунки яхши хизмат қилганлар ўзларига олий мартаба ва Исо Масихда бўлган имонда буюк жасорат тайёрлайдилар” (1-Тимотийга 3:13).

Биз Исонинг юқорида кўриб чиққан масалига биноан хизматкорларга икки нарса ваъда қилинган: руҳий юксалишни (Сано 74:8) ўз ичига олган яхши мавқе; тўлиқ итоаткорликда яшаётганлар учун буюк имон. Имон ва итоаткорлик ишлари Ёзувда биргаликда ва қалин ўзаро алоқада кўриб чиқилади. Мана Муқаддас Китобдан бир нечта намуналар:

Ҳобилнинг имони унинг итоаткорлиги орқали намоён

бўлди, унинг гувоҳлиги эса минг йиллар ўтгандан кейин ҳам ханузгача гапирмоқда (Ибронийларга 11:4га қаранг).

Итоаткорликда намоён бўлган Энохнинг имони уни Худо билан юришга, сўнгра кўтарилишга ва шу тариқа ўлимдан қочишга мажбур қилди.

Нухнинг имони унинг итоаткорлиги билан тасдиқланди ва бу билан унинг оиласи қутқарилди, қолган дунё эса гуноҳга ботиб ҳалок бўлди.

Итоаткорликда намоён бўлган Иброҳимнинг имони уни кўплаб халқларнинг отасига айлантирди.

Итоаткорликда намоён бўлган Юсуфнинг имони унинг оиласига нажот келтирди. Йешуа Нун ўғли ва Калейнинг имони уларни итоаткорлиги орқали уларга ваъда қилинган ерни мерос қилиб берди. Йешуа Нун ўғли Мусога садоқат билан хизмат қилди ва шу сабабли унинг давом эттирувчисига айланди. У янги авлодни сут ва асал оқадиган ваъда қилинган ерга олиб кирди.

Фоҳиша Раҳаб “жосусларни қабул қилиб, уларни бошқа йўлдан жўнатиб, ўз ишлари билан оқланди (Ёқуб 2:25). Унинг итоаткорлиги унинг бутун хонадонини қутқариб қолди. Бу унинг ҳақиқий имонга эга эканлигидан далолат эди.

Ҳаннаҳнинг итоаткорлиги ва уни ҳақорат қилган руҳонийга бўйсунувчан муносабати унинг қорнини очди, унинг авлоди эса ўз халқига ўйғониш олиб келди.

Ўз етакчисига қарши чиқишга журъат этмаганликда ифодаланган Довуднинг итоаткорлиги, уни Шоулда бўлгандек юрак билан эмас, Худонинг юраги билан буюк подшоҳ қилди.

Дониэл, Ҳананияҳ, Мисаэл ва Озариёнинг итоаткорлиги уларга Худо ва подшоҳ томондан буюк илтифот олиб келди.

Яна нима дей? Зотан Гидеон, Барак, Самсон, Йефтаҳ, Довуд, Шомуил ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилиш учун вақтим етмайди. Имон билан улар шоҳликларни енгар, ҳақликни

ўрнатар, ваъдаларга эришар, шерларнинг оғзини тўсар эдилар, оловнинг кучини ўчирар, қилич тиғидан қутулар, заифликдан куч-қудратга кирар, жангда бақувват бўлар, бегоналарнинг қўшинларини қувиб юборар эдилар. Аёллар ўз марҳумларини тирилган ҳолда қайтариб олар эдилар. Бошқалар эса аълороқ тирилишга эришиш учун қутулишни қабул қилмасдан азобланган эдилар. Яна бошқалар ҳақоратлару калтакларга, зиндонлару кишанларга чидар эдилар, тошбўрон қилинган, арраланган, қийноқларга солинган, қиличдан ўтказилган эдилар. Қўй ва эчки терисига ўраниб, сарсон-саргардон кезар, муҳтожликда ва қувғинда юрар, азоб-уқубат чекар эдилар. Дунё муносиб бўлмаган бу одамлар саҳроларда, тоғларда, ғорларда, ернинг дараларида дарбадар юрар эдилар. Уларнинг ҳаммаси имон орқали яхши гувоҳликка эга бўлиб, ваъда қилинган нарсани олмадилар (Ибронийларга 11:32-39).

Ибронийларга мактубнинг муаллифи имон ва итоаткорликнинг ишларини ўзаро боғлаган. Агар имон фақат мўъжиза олиш учунгина берилганида эди, унда нима учун унга азоб ва қувғинларга чидаб, саҳро ва тоғларни кезиб юрганларни қўшиш керак бўлди? Бу одамлар маррага муносиб равишда етиб келишди, улар охиригача итоаткорликда қолишди. Бу – ҳақиқий имондир.

Агар сиз буюк имонга эга бўлишни истасангиз, унда сиз Худонинг тўғридан-тўғри ёки топширилган ҳокимиятига охиригача бўйсунинг. Сизнинг имонингиз сизнинг итоакорлигингизга бевосита мутаносибдир.

### ИТОАТКОРЛИКНИНГ КАФОЛАТИ

Исо шогирдларига ўргатган охирги банд, ўзида итоаткорлик муносабатини сақлашдан иборатдир. У уларга: “Шундай қилиб, сизлар ҳам буюрилган ҳамма ишни бажарганингиздан

кейин: “Бизлар арзимайдиган қуллармиз, чунки қилишимиз керак бўлган ишни *қилдик*”, – денглар” – деди. Биз ўзимизда шундай муносабатни сақлаганимизда, шунда автоматик тарзда Хўжайиннинг мукофотида даъвогарларга айланамиз. Ўзини юксалтирадиганлар, камтар бўладилар. Хўжайин ўз нигоҳларида ўзини паст олганларни юксалтиради. Ёқуб қуйидагича насиҳат беради: “Раббий олдида камтар бўлинглар ва У сизларни юксалтиради” (4:10).

Юракда кичик бўлиб қолиш – итоаткорлик учун мукофот олишга тайёр туришни билдиради. Ўз итоаткорлигида ўзини юксалтириш, ҳатто сиз бўйсунган бўлсангизда, қулашга олиб борувчи йўлда туришни англатади. Бу сиз ушлаб турган ҳамма нарсани барбод қилиши мумкин. Сиз ушбу китоб орқали айтилган маслаҳат ёки Худонинг Сўзига амал қилишингиз, лекин итоаткорлик орқали эришган ҳамма нарсангизни мағрурлик тўфайли йўқотишингиз мумкин.

Люцифер Худонинг мойлангани эди. У мукамалликнинг муҳри билан белгиланган, донолик ва гўзалликка тўлиб-тошган эди. У Худо томонидан тайинланиб, Унинг муқаддас тоғида яшар эди. Унинг юрагига мағрурлик киришига қадар, у барча йўлларида мукамал эди. Шундан сўнг уни самодан ҳайдашди.

Павлус ҳокимият топширганлар ҳақида, уларнинг ҳеч бири “эндигина имонга келганлардан бўлмаслиги керак, токи мағрурланиб, иблис билан бирга маҳкум бўлмаслигини” айтиб насиҳат берган (1-Тимотийга 3:6). Павлус Раббийнинг чорловига итоаткорлиги тўфайли буюрилган нарсалардан кўпини амалга ошира олди. Лекин у қанча узоқ яшагани сари, шунча камтарликда ўсиб борарди. Милонинг 56-йилида ўзининг учинчи катта элчилик сафари чоғида, у Коринфдаги ўзи асос солган жамоатга ёзди. Унинг ердаги ҳаёт йўлининг тугашига ўн ёки ўн бир йил қолган эди, бу вақтга келиб у аллақачон кўп нарсани кўрган Исо хизматининг фахрийси эди. Унинг сўзларига

қулоқ тутинг: “Мен ҳаворийлардан энг кичиги бўлиб, ҳаворий деб аталишга ҳам лойиқ эмасман” (1-Коринфликларга 15:9).

Унинг сўзларида камтарликни ҳис қиляпсизми? У ҳатто ўзини ҳаворий деб аталишга лойиқ деб ҳисобламаган. Бу сохта камтарлик эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Сохта камтар одам, камтар бўлиб *кўриниш* учун қандай сиёсий тўғри сўзларни ишлатиш кераклигини билади, лекин айна пайтда унинг юраги итоатсиз бўлади. Бундай камтарлик ёлғон ва йўлдан озиш олиб келади. Лекин инсон Муқаддас Рухнинг илҳоми остида ёзганда, у ёлғон гапира олмайди! Демак, Павлус ҳаворийларнинг энг кичигиман деб айтганида, у сиёсий тўғри тилни ишлатмаган, балки ҳақиқий камтарликни намоён қилган.

Павлуснинг кейинги айтганларига эътибор қаратинг: “Чунки мен уларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ меҳнат қилдим; бироқ меҳнат қилган мен эмас, балки мен билан бўлган Худонинг иноятидир” (1-Коринфликларга 15:10). “Мен уларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ меҳнат қилдим!” Тўхтанг, нима, Павлус бу ерда мақтанганми? Бундай сўзлар бироз такаббуруна жаранглайди, аммо аслида бундай эмас. Бу сўзлар Павлуснинг боғлиқлиги ҳақидаги бошқа нарса ҳақида хабардор қилади. У томонидан қилинган барча нарсалар фақат Худонинг иноятига кўра амалга ошганини тан олиб, ўзини ҳаворийлардан энг кичиги сифатида баҳолайди. У руҳий жиҳатдан эришган барча нарсалар Худо томонидан унга берилган қобилиятлардан келиб чиқишини яхши англари эди.

Павлуснинг ўзи ҳақида “ҳаворийлардан энг кичиги” сифатида гапирган сўзларини қабул қилиш жуда қийин. Павлус ўзининг даврида бўлгани каби, худди шундай Жамоатнинг бутун тарихи давомида, бизнинг кунларимизгача ҳам ҳаворийлардан энг улуғи ҳисобланади. Милоднинг 62-йилида, ўлимидан тахминан беш йил олдин унинг Эфесликларга мактубидаги сўзларига эътибор қаратинг. Коринфликларга

биринчи мактубини ёзгандан кейин ўша давр мобайнида, ҳаётининг олдинги бутун даврида амалга оширганидан кўра кўпроқ нарсани амалга оширди. Мана у ўзи ҳақида нима деган: “Мен барча муқаддаслардан энг арзимагани бўлсам ҳам, менга буюк иноят берилган. Бу иноят Масиҳнинг ўрганиб бўлмайдиган бойлиги ҳақидаги Хушxabарни мажусийларга етказишдир” (Эфесликларга 3:8).

Бир неча йил олдин Павлус ўзини ҳаворийлардан энг кичиги деб атаган эди, энди эса ўзи ҳақида барча муқаддасларнинг энг кичиги деб ёзмоқда! Агар кимдир ўзининг масиҳийлик ҳаёти билан тўлақонли ҳақли равишда мақтана олганда эди, бу Павлус бўлган бўлар эди. Бироқ у Раббийга қанча узоқ хизмат қилгани сари, ўзининг нигоҳларида шунча кичик бўлиб кўринарди. Унинг камтарлиги ўсишда давом этарди. Бу унинг ҳаётидаги Худонинг инояти, унинг ёши билан мутаносиб равишда ўсиб борганига сабаб бўлиши мумкинми? Шу сабабли Худо ҳатто Петрусдан кўра кўпроқ Павлусга Ўз йўлларини шу қадар ишониб очмадими (2-Петрус 3:15, 16)? Саночи шундай дейди: “Камтарларга Ўз йўлларини ўргатади” (Сано 24:9). Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, бу нима учун Мусо Худонинг йўлларини бунчалик яхши билганининг ва Раббий: “Мусо ер юзидаги барча одамлар орасида энг камтарини эди” – деб айтган айнан ўша одам бўлганининг сабаби бўлиши мумкинми (Сонлар 12:3)? Эҳтимол, уларнинг иккаласи ҳам фақат баъзи одамларга очиқ бўлган, Худодан буюк имонни қўлга киритиш сирини билгандир.

Павлус ҳаётининг сўнгида тахминан милонинг 64-66-йилларида Тимотийга иккита мактуб ёзиб, уларда ўзи ҳақида қуйидагиларни айтган: “Исо Масиҳ гуноҳкорларга нажот бериш учун дунёга келди”, – деган сўз тўғри ва тўлиқ қабул қилинишга муносибдир. Гуноҳкорларнинг биринчиси эса менман!” (1-Тимотийга 1:15). У ўзини “гуноҳкорлардан

биринчисиман” деб атаган! Эътибор беринг, у: “Мен биринчиси эдим” – деб айтмади.

Йўқ, буюк ютуқларга тўла йиллардан сўнг, унинг эътирофи қуйидагича бўлмаган: “Буларнинг барчасини ўзим амалга оширдим ва менинг буюк хизматим ишига яраша баҳоланиши керак”. У бундай ҳам демади: “Мен катта иш қилдим ва мен ҳаворий сифатида алоҳида ҳурматга арзийман”. У ҳатто бир неча йил олдин бўлганидек: “Мен ҳаворийлардан энг кичигиман” – деб ҳам ёзмаган. У: “Мен барча муқаддаслардан энг арзимасиман” – деб ҳам ёзмаган. У: “Гуноҳкорларнинг биринчиси эса менман” – деб эълон қилди. Гарчи у Масихда Худонинг ҳақлиги эканини тушунган бўлсада (2-Коринфликларга 5:21), у ҳеч қачон Худонинг инояти ва раҳм-шафқатини эътибордан четда қолдирмаган. Дарҳақиқат, у қанча узоқ яшагани сари, Худонинг иноятига шунча кўп боғлиқ бўлган.

Унинг муносабати доимо қуйидагилардан далолат берган: “Мен ҳеч нарсага арзимайдиган қулман, чунки қилишим керак бўлган нарсани қилдим”.

Бу Павлуснинг ўлимидан бироз олдин ёзган бошқа сўзларини тушунтиради: “Биродарларим, мен ўзимни буларга эришганман, деб ҳисобламайман. Фақат орқамдагиларни унутиб, олдимдагиларга интиляпман. Мен бир мақсад сари, яъни Исо Масихдаги Худонинг олий унвонининг соврини сари интиляпман” (Филиппиликларга 3:13, 14). Унинг сўзларида камтарликни ҳис қиляпсизми? “Мен ҳали охиригача етиб бормадим ва эришганларимни орқада, ўтмишда қолдираман”. Унинг барча ютуқларини унинг Исо Масихни тўлиқ таниб-билишга бўлган интилиши билан солиштирганда ҳеч нарса эмаслигини эълон қилди. Ёдингизда бўлсин, Худо Ўзини камтарларга очади! Павлус: Мақсад сари интиляпман” – деди. У мақсад сари интилиб, қаршилик ва босимдан ўтди. Даъватнинг энг катта тўсиқларидан бири *мағрурликдир*.

Агар биз Исонинг ҳаётини ўрганадиган бўлсак, У мақтовни қабул қилмаганини, балки уни Отага йўналтирганини аниқлаймиз. Ҳатто Ўзи шифолаган одамларга, бошқаларга нима содир бўлганини айтмасликни, балки бор шарафни Худога беришни буюрган.

Бир куни бир бой ёш йигит Исога “Эзгу Устоз” деган сўзлар билан мурожаат қилди. Шунда Исо тезда жавоб бериб, Худодан бошқа ҳеч ким эзгу эмаслигини айтди. У Худонинг Ўғли эмас эдимиз? У эзгу эмасмиди? Албатта, эзгу эди! Бироқ У одамдан мақтов қабул қилмаган; У фақат Ўз Отасининг шарафини истаган. Шунга қарамасдан, У мақтанган ягона фазилат камтарлик бўлган. У: “Менинг бўйинтуруғимни ўз устингизга олинглар ва Мендан ўрганинглар, чунки Мен камтарин ҳамда *бўйсунувчан юракка* эгаман. Шунда ўз жонингизга таскин топасизлар” – деган (Матто 11:29; курсив муаллифга тегишли).

Худонинг севгиси ҳақиқий камтарликка озуқа беради. Биз “севги кеккаймайди ва мағрурланмайди” деб ўқиймиз (1-Коринфликларга 13:4). Мағрурлик ўз манфаатини излайди; севги ўз манфаатини изламайди. Мағрурлик унга тўғри келмайдиган ҳар қандай итоатни менсимайди; севги Кимга хизмат қилаётган бўлса, Ўшанинг шарафини излайди. Биз севганимиз учун бўйсунамиз. Биз истаганимиз учун муваффақиятни хоҳлаймиз, токи У юксалсин. Биз Уни улуғворликда кўришга чанқоқмиз. Эҳтимол, Павлус шу сабабли бундай деган: “Агар пайғамбарчилик *инъомига* эга бўлсам-у, бор билимларни ва бор сирларни тушунсам, агар тоғларни *кўчирадиган* бор имонга эга бўлсам-у, лекин севгига эга бўлмасам, мен ҳеч нарса эмасдирман” (1-Коринфликлар 13:2).

## ЎЗ ВАЗИФАНГИЗНИ БАЖАРИНГ

Биз ҳосил келтиришга ва Худойимиз учун ғолиблар бўлишга даъват этилганмиз. Фақат биз Унинг йўлларида юрганганимиздагина, ҳақиқатан Унинг ажойиб исмига шараф келтиришимиз мумкин. Сиз бу хабарни қабул қилишингиз учун ибодат қиламан. Бу сизнинг эзгулигингиз учун ҳам, Унинг шарафи учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Унинг Сўзига содиқлиги, бизнинг танавий фикрлашимиз учун телбалик бўлиб кўриниши мумкин, лекин У: “Худо воизлик телбалиги орқали ишонаётганларни қутқаришни маъқул кўрди” – деб айтган эмасмиди (1-Коринфликларга 1:21)? Бошқа томондан, биз кўрамизки: “Чунки Худонинг “ақлсизлиги” одамлардан устундир ва Худонинг “заифлиги” одамлардан кучлироқдир” (1-Коринфликларга 1:25). Ўзингизга биз “Худони таниб-билишга қарши кўтариладиган ҳар қандай хаёл ва кеккайишни йиқитишга ҳамда ҳар қандай фикрни Масихга бўйсунуши учун асир қилишга” даъват этилганимизни эслатинг (2-Коринфликларга 10:4, 5, курсив муаллифга тегишли).

Бўйсунушга қаршилиқ қилувчи фикрлаш мағрурлик деб аталади. У Худонинг насиҳатига қарши туради. Бундай фикрлаш Худонинг Сўзидаги олий ҳоқимиятни тан олмайди; биз ушбу китобда келтирилган мисолларда кўрганимиздек, бу хавфлидир. Худо ўша кунларда буюк имон, ҳоқимият ва жасоратда юрадиган одамларни кўтаради. Бу Павлус улар ҳақида ёзган одамлар бўлади: “Сизларнинг итоатингиз бажо бўлганида, ҳар қандай итоатсизликни жазолашга тайёрмиз” (2-Коринфликларга 10:6).

Вақтлар қисқа, шунинг учун биз самарали бўлишимиз керак. Итоаткорлик эса бизда ўша фаолликни сақлайди. Мен эндигина нажот топганимда, етарли даражада фаол эдим, лекин менга итоаткорлик етишмасди, шунинг учун мен самарадор эмас эдим, вақти-вақти билан шунчаки зиён келтирганимни

айтмаса ҳам бўлади. Лекин мен ўсиб борганим сари, ҳатто итоаткор бўлишга интилишим ҳар доим, ҳам тўғри йўналишга олиб бормаётгандек кўринсада, охир-оқибат, у мени барибир муваффақиятга олиб боришини кўпроқ англаб етганман.

Сизнинг Худодаги тақдирингиз сизнинг қаршингиздадир. Сиз итоат қилишга қарор қилганингизда, тақдирни амалга ошириш фойдасига танлов қиласиз. Ҳеч нарса ва ҳеч ким сизни тўхтата олмайди. Кўп йиллар давомида Довуднинг ҳаётида бўлганидек, ҳудди шундай Юсуф, Мусо, Йешуа Нун ўғли, Ҳаннаҳ, Эстер ва бошқа имон оталарининг ҳаётларида рўшнолик кўринмаган эди. Лекин ўз тақдирини амалга оширганлар учун шуҳрат галерияси борлигини ва уни ҳозиргина биз санаб ўтган одамлар ташкил этишини ёдда тутинг. Сўнги кунларда Худо имон оталарининг ушбу рўйхатига киритадиган ва халқларни ҳукм қилиш учун келадиган Масиҳнинг тахти олдида ўтириш шарафига муяссар бўладиган одамларни қидирмоқда. Биз Буюк топшириқни бажарадиган ва бу билан бизнинг ажойиб Раббимизни улуғлайдиган одамларнинг орасида бўлишимиз учун ибодат қиламан.



## ЯКУНЛОВЧИ ҚИСМ

*Биз Унинг паноҳи остида ейдиган мева  
бизни тўғридан-тўғри Унинг зиёфатига  
олиб боради. Ўша ерда биз Унинг мўл-  
кўлчилигини баҳам кўрамиз.*

**Б**из ушбу китобни дунёдаги илк оилавий жуфтлик, Парвардигори Оламнинг паноҳи остидан чиқиб, Худодан ташқарида ўзлари учун яхшилик ва ёмонликни билиш манбасини топиб, қабул қилган фожеали қарори ҳақидаги ҳикоядан бошладик. Улар Унинг ҳокимиятини рад этдилар, аммо биз уларнинг қулашидан ва улардан ўрناق олганларнинг хатоларидан сабоқ олишни давом эттиришимиз мумкин ва керак.

Бунинг бошқа томонига ҳам назар ташлаймиз: Парвардигори Оламнинг соясида қоладиганларни мукофот кутади.

Мен унинг соясида ўтиришни яхши кўраман ва унинг ҳосиллари менинг оғзим учун шириндир. У мени ўз базмхонасига олиб борди ва менинг устимдаги унинг байроғи— севгидир (Қўшиқлар қўшиғи 2:3, 4).

Унинг соясида ҳаёт дарахти бўлиб, унинг меваси шириндир.

Одам Ато ва Момо Ҳаво еган мева танавий инсоннинг нигоҳларида ёқимли бўлиб кўринди, лекин оқибатда, у ўлим олиб келди. Бу танавий фикрлаш дарахтидан ейилган ҳар қандай мевага тааллуқлидир. Биз Унинг паноҳи остида ейдиган мева бизни тўғридан-тўғри Унинг зиёфатига олиб боради. Ўша ерда биз Унинг мўл-кўлчилигини баҳам кўрамыз.

Сиз ушбу китобни ўқиётиб, фош қилиниш орқали оғриқни ҳис қилаётган бўлишингиз мумкин. Аммо оғриқ фойдали бўлиши мумкин. У иккита нарсани кўрсатади: биринчидан, сизнинг виждонингиз ҳали тирик ва Муқаддас Рўҳни ҳис қилишга қодир. Иккинчидан, озод бўлиш йўли бор – бу тавба қилишдир. Фош қилиш билан ҳукм қилишнинг ўртасида муҳим фарқ бор. Гарчи у ҳам, бу ҳам оғриқли бўлсада, биринчиси чиқиш йўлини таклиф қилади, иккинчиси чиқиш йўлини бермайди. Тавба қилиш ҳам худди онг ва ҳаракатларга ўзгаришлар олиб келадиган, юракнинг ўзгариши каби оддийдир. Аслини олганда сиз: “Раббий, ўз тушунчамга кўра ҳаракат қилдим ва ўзимнинг саъй-ҳаракатларим беҳуда эканига ишонч ҳосил қилдим, энди мен Сенинг йўлларингга бўйсуншни танлайман” – дейсиз. Бу танлов бўлиб, бунга кўра сиз яхшилик ва ёмонликни таниб-билиш дарахтидан туғилган танавий фикрлашни қолдириб, итоаткорлик йўлига қайтасиз.

Ибодатда ва фикр юритишда ўз юрагингизни очинг ҳамда Муқаддас Рўҳга ҳаётингиздаги барча итоатсизлик соҳаларини ёритишига рухсат беринг. Агар зарурият туғилса, сизнинг вазиятингизга бағишланган, ўша бобларга яна бир бор мурожаат қилинг. Худонинг Сўзи сизнинг ҳаётингизни текширсин. Унинг Сўзининг нури Худонинг меросига, шунингдек, топширилган ҳокимиятга тегишли бўлиши мумкин бўлган итоатсизликнинг барча соҳаларини фош қилади. Уларни алоҳида варақча ёзиб чиқинг. Шундан сўнг, келинг, биргаликда ибодат қилиб, кечирим ва қайта тикланишни қабул қиламиз.

*Самовий Ота, Исо Масиҳнинг номи билан сўрайман, менинг итоатсизлигимни ва бўйсунмаслигимни кечиргин. Мен ўзимнинг танавий фикрлашим бўйича яшадим ва натижада, қуйидаги нарсаларда исён кўтаришга йўл қўйдим:*

*(Ўз рўйхатингиздан Унинг ҳокимиятига, шу жумладан, тўғридан-тўғри ва топширилган ҳокимиятга нисбатан гуноҳга йўл қўйилган ҳар бир соҳани эътироф этинг).*

*Мен ушбу фикр ва хатти-ҳаракатларнинг ҳар бир соҳаси учун тавба қиламан. Мени кечиргин ва менинг Раббим Исо Масиҳнинг Қони билан поклагин.*

*Мен Сенинг ҳокимиятингга бўйсунганини мақсад қилиб қўйдим ва Сен менинг устимдан қўйган оилавий, фуқаролик, жамоат ва ҳар қандай дунёвий ҳокимиятга бўйсунаман. Мен фақатгина сўзларда эмас, балки амалда ҳам, Сенга маъқул бўлишим учун менга иноят бергин. Менда бўйсунуш ва итоаткорликда, хурсандчиликни сақлаб қоладиган юрак бўлишини сўрайман. Мен ҳаётимни Раббий Исо Масиҳга бағишлайман ва ҳар қандай исённи қолдираман. Сенинг исмингни шарафлашга қай аснода даъват этсанг, мен бажонидил Сенга эргашаман. Омин.*

Агар бу зарур бўлса, ўз рўйхатингизда кимни санаб ўтган бўлсангиз, ўша одамга шахсан ёки мактубда мурожаат қилиб, улардан кечирим сўранг. Ҳозир кимнидир айблаш ёки у ва бу вазиятни таллашиш вақти ҳам, жойи ҳам эмас, лекин қанчалик қийин бўлмасин, сизга масъулиятни ўз зиммангизга олиш имконияти берилган. Бу сизни Худонинг қўли, сиз томонда бўладиган жойга қўяди. Сиз бу дунёнинг йўлидан жуда ҳам катта фарқ қиладиган йўлни танлаганингиз учун ташаккур. Биз ўз итоаткорлигимиз билан бизнинг ажойиб Подшоҳимиз томонидан қўйилган мақсадларнинг амалга ошишини тезлаштирамыз. Сизнинг итоаткорлигингиз учун мукофот буюк бўлади.

ПАВАРДИГОРИ ОЛАМНИНГ ПАНОҲИ ОСТИДА

Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шухратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шухрат, улўғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин.

– Яҳудо 24, 25

Яна шуни ёдда тутинг:

**ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМНИНГ ПАНОҲИ ОСТИДА** қолинг!

# МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз ушбу китобни “Парвардигори Оламнинг паноҳи остида” видео дарсликлари билан бирга ўқиётган бўлсангиз (бу эса ажойиб фикр!), ҳар ҳафта учун видео дарсликни кўришни ва ўзингизнинг кичик гуруҳингизда ҳар бир дарсликнинг саволларини муҳокама қилишни таклиф этаман. Видео дарсликлар китобда кўрсатилган асосий мавзуларни қайта такрорлайди ва тўлдиради. Шундай қилиб, барча иштирокчилар учун видео дарсликни кўриш каби, китобни ўқиш ҳам мукамал вариант бўлади.

Роҳатланинг!

## 1-ДАРС

### *1 ва 2-боблар муҳокамаси*

1. Сиз “ҳокимият” сўзини эшитганингизда, бунга қандай муносабат билдирасиз? Сиз бунга яхшироқ бирор нима билан солиштира оласизми, масалан, бўрон вақтидаги бошпана остидаги ҳимоя билан? Ёки сиз қандайдир салбий нарса ҳақида, масалан, сизнинг ҳаётингизни барбод қилган бошлиқ ҳақида ўйлайсизми?
2. Ҳаётингиз ҳақида эслаганингизда, сиз “паноҳ остида” бўлмай қолган вазиятлар оқибатларига дуч келганмисиз?
3. Демократик даражада фикрлаб, Шохликнинг

тамойилларини тушуниш қийин. Сиз Худонинг режасини ҳокимият учун демократия элаги орқали қараб кўрганмисиз? Бу сизнинг етакчиларингиз билан сизнинг муносабатингизга қандай таъсир кўрсатган?

4. Уй гуруҳлари мисолида, Худо менга чўпонимнинг бошқарувига бўйсуншни истамаслигим исён бўлганини кўрсатди. Бу ташҳис сизни ҳайрон қолдирдими? Бу дарсликкача, сиз менинг муносабатимни қандай оқлаган бўлардингиз?

## 2-ДАРС

### *3, 4, 5, 6 ва 7-боблар муҳокамаси*

1. Ушбу дарсликнинг бошида мен эшитувчилардан, улар “гуноҳ” сўзини эшитганларида биринчи бўлиб, ҳаёлларига келадиган сўзларни айтишларини сўрадим. Бу саволни эшитганингизда нима ҳақида ўйладингиз? Сизнинг фикрингиз қандай тарзда ўзгарди?
2. Сиз қачонлардир Худо сизга қилишни буюрган нарсага бўйсунушдан кўра, бу соҳалардан бирини – мол-мулк, иш, муносабатни устун қўйганмисиз? Сиз бу соҳалардан бирини Худога бўйсунушдан устун қўйганингизда нима содир бўлган?
3. Қисман бўйсунуш итоаткорлик ҳисобланмайди; бу исён. Сиз охиригача бўйсунган вазият ҳақида айтиб беринг. Кейин эса, сиз фақатгина қисман бўйсунган вазият ҳақида айтиб беринг. Асосий фарқ нимада эди ва бу вазиятлар сизга қандай таъсир кўрсатди?
4. Муқаддас Калом бўйсунмаслик ҳам сеҳр-жоду эканини ўргатади. (1-Шоҳликлар 15:23). Сеҳр-жодунинг охириги мақсади нима? Бу ҳақиқат сизнинг исёнга бўлган қарашингизни қай тарзда ўзгартиради?

5. Шайтон библиясининг биринчи рақамли амри: “*Хоҳлаганингни қил*” ҳисобланади. У Исо: “Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини излайман” – деб айтиб кўрсатган мисолга қарама-қаршидир (Юҳанно 5:30). Ҳаётингизда ўз иродангизни Худонинг иродасидан юқори қўйган вазиятлар ҳақида сўзлаб беринг. Бу сиз учун қандай түс олди? Сиз ўзингизнинг иродангиздан кўра, Отангизнинг иродасини излаш ва бажаришга интилиш учун нима қила оласиз?

### 3-ДАРС

#### *8, 9 ва 10-боблар муҳокамаси*

1. Римликларга 13:1-2-оятларда кўряпмизки, ўрнатилган ҳокимиятга қаршилик қилиш Худонинг низомига қаршилик қилишни англатади. Агарда Исо сиздан ишда, уйда, ижтимоий муҳитда бирор нима қилишингизни илтимос қилганда, сиз қандай йўл тутган бўлардингиз? Агарда сизнинг бошлигингиз, мураббийингиз, милиция ходими ёки ҳокимиятга эга бўлган бошқа бир одам, худди шуни илтимос қилганида-чи? Сиз Исога жавоб берганингиздек, уларга ҳам худди шундай жавоб берган бўлардингиз?
2. Муқаддас Китоб: “Ҳар бир жон юқори ҳокимиятларга бўйсунсин” – деб айтади (Римликларга 13:1-2). “*Итоаткорлик*” сўзи юнон тилида ҳарбий сўзлашувда бўлганидек, фуқаролик сўзлашувда ҳам ишлатилади. Ноҳарбий маънода бу сўз ҳокимиятга ихтиёрий бўйсунуш маъносини беради. Худонинг Сўзидаги ушбу амр, қай тарзда вакил қилиб топширилган ҳокимиятга нисбатан муносабатингизни ўзгартиради?
3. 1992 – йилдаги президентлик сайлови натижаларини қабул қилиш менга жуда қийин бўлган. Мен

тушкунлик ҳолатида эдим ва Раббий менга ҳокимиятга ҳукмдорларнинг келиши Унинг учун кутилмаган ҳолат эмаслигини эслатишга мажбур бўлди. Сиёсат сизнинг ҳафсалангизни пир қилган пайтлар ҳам бўлганми? Менинг ҳикоям танланган давлат бошлиқларига нисбатан сизнинг муносабатингизга қай даражада таъсир қилди?

4. Ишаёё 1:19 бизга, агар хоҳласак ва итоат қилсак, унда ернинг эзгуликларидан ейишимизни айтади. Сиз итоаткор бўлишингиз, лекин истагингиз бўлмаслиги мумкин, ёки истагингиз бўлиши, лекин итоаткор бўлмаслигингиз мумкин. Сиз истамайгина, итоат қилган вазият ҳақида сўзлаб беринг. Буни ўзингиз истаган ва итоат қилган бошқа вазият билан таққосланг.
5. Муқаддас Китоб шартсиз бўйсунуш ҳақида эмас, балки шартсиз итоаткорлик ҳақида таълим беради. Биз ўз етакчиларимизга, улар Худонинг Сўзига зид бирор нарса қилишни бизга айтса, бўйсунушимиз керак эмас. Бирорта етакчи сизга Худонинг Сўзига зид бўлган нарсани қилишни буюрганми? Сиз қандай йўл тутгансиз? Натижаси қанақа бўлган?

#### 4-ДАРС

##### *11 ва 12-боблар муҳокамаси*

1. Муқаддас Китоб фуқаролик ҳокимиятлари ҳақида Худонинг хизматкорлари сифатида гапиреди. Худонинг хизматчиларига қандай муносабатда бўлиш керак? Сиз фуқаролик ҳокимиятларига қандай муносабатда бўласиз?
2. Шайтон моҳир айбловчидир, лекин Исо садоқат билан бизлар учун шафоат қилади. Сиз фуқаролик етакчиларига нисбатан айбловчимисиз ёки шафоатчи? Фуқаролик

ҳокимиятлари ҳақидаги ҳазиллар устидан куласизми? Кимдир фуқаролик етакчиларини ижтимоий тармоқларда ёмонлаганда, сизнинг юрагингиз эзиладими?

3. Биз ижтимоий етакчиларимиз, бошлиқларимиз, узтозларимиз, мураббийларимизни ва барча ҳокимият мавқеига қўйилган кишиларни ҳурмат қилишимиз керак ва гўёки улар Худони ифодалаётгандек, уларга бўйсунушимиз керак. Исо учун ишлаш қандай бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Сиз ишга ўз вақтида етиб келган бўлармидингиз? Сиз лойиҳаларни бажара туриб, “бурчакларини кесган бўлармидингиз?” Бу қай тарзда сизнинг ижтимоий етакчиларингизга м
4. Муқаддас Китобда оила тузилишининг аниқ шакли мавжуд. Сизнингча, оиладаги Худонинг ҳокимият тартибини қабул қилишимизга нима йўл қўймайди? Оилада соғлом муносабатларни яратишда Худога бўлган ишонч ҳал қилувчи ролни ўйнайдими ва қай тарзда?

## 5-ДАРС

### *13 ва 14-боблар муҳокамаси*

1. Муқаддас Китоб, Исо шахсан Ўзи жамоатда етакчиларни қўйишини айтади. (Эфесликларга 4:11-12). Сиз маъсулият соҳангизга боғлиқ бўлмаган ишларга аралашасизми? Сизнингча, Исо Ўз жамоатига қўйган етакчиларига қандай муносабатда бўлган бўлар эди?
2. Ҳаннаҳ йиллар давомида фарзанд учун ибодат қилган. Сизнингча, унга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлган етакчини у ҳурмат қилганида, нима учун Худо унинг ибодатига жавоб берди?
3. Биз етакчилардан бирортаси ҳақида ёмон гапирсак, биз Худонинг донолигини қолдирамиз, демак, Унинг ҳимояси

остидан чиқамиз. Мириам, Аҳарон ва Мусо ҳақидаги ҳикояда биз Мириам Мусо эфиопиялик аёлга уйлангани учун уни ноҳақ танқид қилганида бу ҳақиқатни кўрамиз. Сиз Худонинг донолиги ва ҳимоясининг чегараларидан ташқарига чиққанингизда қийинчиликларни бошдан кечирганмисиз? Натижа қандай бўлган?

4. Сиз етакчингиз оқилона бўлиб кўринмаган қарорларни қабул қилган вазиятларга тушиб қолганмисиз? Балки сизнинг етакчингизда етарлича муҳим маълумот бўлмагандир. Натижада, нима содир бўлди? Энди сиз ушбу вазиятда бошқача йўл тутишингиз мумкинлигига ишонасизми? Сиз нимани ўргандингиз?
5. Гарчи Шоул ақлини йўқотиб, Довудни ўлдирмоқчи бўлган бўлсада, Довуднинг подшоҳ Шоулга муносабати иззат–ҳурматли ва итоатли эди. Довуд ҳаётининг ушбу қийин даври мобайнида Худодан таъминот, тинчлик, ҳимояни олди. Етакчиларингизга нисбатан худди шундай ҳурмат ва бўйсунувчанлик муносабатини қай тарзда шакллантиришингиз мумкин?

## 6-ДАРС

*15, 16, 17 ва 18-боблар муҳокамаси*

1. Биз бир бўлганимизда, биз учун тайёрланган шухрат мавжуд. Исо ер юзида бўлганида, Худонинг шухратини намоён қилди. “Шухрат” сўзини эшитганингизда нима ҳақида ўйлайсиз? Сиз Худо ҳузурининг катта ўлчами борлигига ишонасизми?
2. “Элликлик” куни келганида, бир юз йигирма нафар шогирдларнинг ҳаммалари яқдиллик билан бирга эдилар. Улар фикран, юракда ва руҳда бирликда эдилар. Ушбу бирлик бугун бизнинг жамоатларимизда қандай кўринишга эга бўлар эди?

3. АҚШ армияси 5 турдаги қўшинлардан иборат. Бу ягона ҳарбий кучдир, лекин уларнинг фаолиятлари бир-бирларидан жуда ҳам фарқ қилади. Шунингдек, жамоатда ҳам турли хил фаолиятлар мавжуд. Худо бизни жойлаштирган ерда меҳнат қилишимиз керак. Бу сиз ҳозирги пайтда қатнаётган жамоатга бўлган қарашингизни қандай ўзгартирди? Сиз аъзоси бўлган ўша жамоатнинг мақсадига эргашиш учун нимани бошқачароқ қилишингиз мумкин?
4. Худонинг халқи Унинг бирлик режасини қабул қилганда, биз шаҳарлар, туманлар ва халқларга қандай таъсир қилишимиз мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг. Сиз қай тарзда ўз дўстларингиз даврасида, жамоатда ёки яшаётган жойингизда кўпроқ бирликни яратишингиз мумкин?

# ХУДОГА ЯҚИНЛАШИШ

*Худо билан яқин ҳаёт*



Худонинг Сўзи, Худо биз билан яқин муносабатларни ишташини, қайта ва қайта таъкидламоқда. Биз Унга яқинлашганимизда, Унинг Муқаддас Руҳининг ҳузури, биз билишимиз мумкин бўлган энг қувватли, ҳаяжонли ва ўзгартирувчи омил эканини гугоҳи бўламиз. Ҳеч нарса ҳақида, сиз билмаган нарсани ишташ қийин. Афсуски, аксарият кишилар, ўрганиб олинган ақлий дин билан чекланиб, Худо билан яқинликни ҳис этишнинг завқини кўздан қочирадилар. Биз Худонинг муқаддаслигини менсимай, Уни қабул қилиш учун ҳаётимизни тозалашсиз, Унинг Руҳи билан тўлишишни иштаймиз. Бироқ биз Худо билан яқин мулоқот учун яратилганмиз. Коинот Яратувчисининг ақл бовар қилмас ундови, сизни Унга нафақат узоқдан бўлган сўзлар ва маросимларни ижро этиш билан сажда қилишга, балки сиз Унинг юрагини, У эса сизнинг юрагингизни таниб-билишига олиб келадиган, онгли ва яқин бўлган ўзаро муносабатларга чорлайди.

**MessengerX.com**  да топиш мумкин

# X MessengerX

Ҳар бир киши учун, ҳамма жойда шогирдликка йўл




- 125 дан ортиқ тилларда бепул
- Илова ҳамда онлайн сифатида олиш мумкин
- Сизнинг руҳий ўсишингиз учун мўлжалланган манбалар
- Ўзингизнинг ўтмишингизни ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



“Messenger” ёрдамида ўқиш учун заҳиралар кутубхонасини олинг – электрон китоблар, видео ва аудио дарсликлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб ва ҳоказолар.

Ўзингизнинг барча мосламаларингизда кўринг, ўқинг ва тингланг.

## MessengerX.com



Дунёнинг барча жойида App Store ва Google Play орқали олиш мумкин.

## Бошлиқ ёки етакчи билан норози бўлганингизда, уларга қандай муносабат билдириш кераклиги ҳақида, бирор марта ўйлаб кўрганмисиз? Умуман, уларга қулоқ солиш керак ёки йўқлиги тўғрисида, қачондир ўзингиздан сўраганмисиз?



Оммабоп китобларнинг муаллифи, Жон Бивер, тузатиш ва қўшимчалар киритилган ушбу нашрда, Худо ҳоқимият вакиллари орқали белгилаган ҳимоя чегараларини кейинги авлодга тақдим қилмоқда. Жон душманнинг, Худонинг юқори ҳоқимиятини ва Унинг ишониб топширган ҳоқимиятини англаб етиш қобилиятини бузган ҳолда, ўзимизнинг ҳаққоний даъватимизни илоҳий ҳоқимиятдан ташқарида топишимиз мумкинлигига ишонтираётган ёлғонини очиб бермоқда. Етакчиларга жоиз тарзда ёндошишни ўргатиб, Жон, қай тарзда ҳоқимиятга бўйсуниб, бизга таъминот, ҳимоя ва келажакка умид беришини кўрсатмоқда.

"Парвардигори Оламнинг паноҳи остида" китобида қуйидагиларни билиб оласиз:

- Сиз бутунлай ҳақ, бироқ шундай бўлсада, ноҳақ бўлган ҳолатларга, қай тарзда йўл қўймаслик.
- Ноҳақ муносабатга нисбатан, Муқаддас Китоб нурида, қай тарзда жавоб бериш ва уни енгиш.

"Парвардигори Оламнинг паноҳи остида" китоби – бу ҳаётимизни ўрзартирадиган, амалий китоб ҳисобланади. Янги қўшилган боб, мулоҳаза учун саволлар ва ажратиб кўрсатилган мавзулар, Худонинг ҳоқимиятига итоатда бўлиш ва ҳаётимиздаги етакчиларга нисбатан, қандай муносабатда бўлиш, нақадар муҳимлигини кўрсатади.



ЖОН БИВЕР – халқаро воиз ва оммабоп китобларнинг муаллифи бўлиб, у Худонинг Сўзига нисбатан ўзининг мурасасиз ва жасур муносабати билан машҳур. Жон ва унинг рафиқаси Лиза – "Мессенжер Интернэшнл" хизматининг асосчиларидир. Бу хизматнинг мақсади дунёни ўзгартиришга қобилиятли бўлган Масихнинг садоқатли издошларини кўтариш. Жон уйда бўлганида, ўзининг тўрт нафар ўғиллари билан стол ўйинларини ўйнайди ёки Лизани ўзи билан гольф ўйнашга кўндиретишга ҳаракат қилади.



Бепул юклаш учун ва тармоқли видео учун [MessengerX.com](https://messengerx.com) га кириш



Бу китоб – муаллифнинг совғаси.  
Сотиш тақиқланади.

Кўпроғини истайсизми?  
Сканерланг

